

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**ЮРИДИК ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**МИГРАЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ  
ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ  
КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИ ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа “Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига қабул қилинган ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш ўқув курсининг” ўқув дастури асосида тайёрланган.**

**Тўзувчи:**

О.С.Субанов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

**Такризчилар:**

У.Э.Азизов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратура Бошқарув фанлари кафедраси доценти, ю.ф.ф.д (PhD)

Ж.М.Мухторов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.н. доценти

Ўқув-услугий мажмуа Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига қабул қилинган ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари, жамоат тартиби ва қонунийлик, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят-процессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари, фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услугий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги “\_\_\_” - сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

## МУНДАРИЖА:

<b>Кириш</b>		<b>4</b>
<b>Модул бўйича дарслар тақдимоти</b>		<b>7</b>
<b>1.1</b>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари	11
<b>1.2</b>	Фуқаролик масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик	22
<b>1.3</b>	Фуқаролик масалаларига оид ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	41
<b>1.4</b>	Маъмурий жавобгарлик тоғрисидаги қонунчилик ва асосий қоидалар	52
<b>1.5</b>	Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик	59
<b>1.6</b>	Маъмурий жазо ва мажбурлов чоралари	69
<b>1.7</b>	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифи	80
<b>1.8</b>	Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик-ларнинг ҳуқуқий тавсифи	95
<b>1.9</b>	Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича иш юритиш	102
<b>1.10</b>	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллашга ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахслар	112
<b>1.11</b>	Жиноят қонунчилиги: жиноят тушунчаси, белгилари ва таркиби	128
<b>1.12</b>	Жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турлари	138
<b>1.13</b>	Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи	147
<b>1.14</b>	Бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи	155
<b>1.15</b>	Жиноят-процессуал қонунчилиги ва процесс иштирокчилари	167
<b>1.16</b>	Жиноят процессида далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар	185
<b>1.17</b>	Фуқаролик ва оилавий-ҳуқуқий муносабатлар	196
<b>1.18</b>	Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатларининг ҳуқуқий асослари	207
<b>1.19</b>	Инсон ҳуқуқларига оид стандартлар ва уларнинг ички ишлар органлари учун аҳамияти	222
<b>Тест саволлари</b>		<b>238</b>
<b>Глоссарий</b>		<b>247</b>
<b>Адабиётлар</b>		<b>250</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонуни, 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”даги ЎРҚ-637-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли ва 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли Фармонлари, 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли, шунингдек, 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли Қарорлари ва Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруғи ҳамда ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида ички ишлар органларига танлов асосида қабул қилинган ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

**Ушбу ўқув-услубий мажмуанинг мақсади** Ички ишлар органларига танлов асосида қабул қилинган ходимларни юридик тайёргарликдан ўтказиш, малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг касбий

интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, куч ва воситаларни самарали бошқаришнинг ҳуқуқий асосларни тушунтириш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат чинакам халқпарвар Ички ишлар органи ходими сифатида шакилланишида касбий билимлар беришдан иборат.

#### **Ўқув-услубий мажмуанинг асосий вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва унинг асосий принциплари тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ҳуқуқ нормаси каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятига оид билимларни шакллантириш;

жамоат тартиби ва қонунийлик, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик тўғрисидаги билимларини такомиллаштириб бориш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо чоралари ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби тўғрисидаги билимларини шакллантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари, уларнинг турлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш моҳияти ва тартибига оид билимларни шакллантириш;

жиноят қонуни, жиноят тушунчаси ва белгилари, жиноят учун жавобгарликнинг асослари, жиноят таркиби тушунчасига оид билимларни шакллантириш;

жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турларининг мазмуни ва моҳиятини етказиш;

жиноят-просессуал қонунчилиги ва ўзига хос хусусиятлари, жиноят просесси иштирокчилари ҳамда просессуал мажбурлов чоралари тўғрисидаги ҳуқуқий билимларини шакллантириш;

фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларига оид билимларни мустаҳкамлаш;

инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва қийноққа қарши халқаро ҳужжатларнинг юридик мазмуни ва аҳамиятини ходимлар онгига сингдириш.

#### **Тингловчи:**

Миллий мафкура, маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримиз, миллий ва маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мафкуравий иммунитет, шунингдек ахборот хуружи ва оммавий маданият каби омил ва жараёнларни тушунтирган ҳолада, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, унинг мавжудлигининг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, унда шахснинг ҳуқуқий мақоми, инсон ҳуқуқлари, давлат органлари тизими, уларни ташкил этиш, ваколати ва фаолият шакллари, ҳуқбузарликлар турлари, жиноят ва жиноят процессул қонунчилиги, фуқаролик ҳуқуқига оид **билимларга** эга бўлиши керак;

#### **Тингловчи:**

ИИО фаолиятига тааллуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш, транспорт воситаларини ушлаб туриш, кўриқдан ўтказиш ва расмийлаштириш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик

ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш ва расмийлаштириш каби кўникмаларга эга бўлиши зарур;

**Тингловчи:**

Фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг таркиби ва таснифлаш меъзонлари, жиноят қонунини қўллаш, жиноятларни бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқлаш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи (зарурий муҳофаа, охири зарурат, ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва х.к.) ҳолатларни ажратиш, процессуал ҳужжатларни тузиш каби малакаларини эгаллаши лозим.

**Тингловчиларда:**

Юридик тайёргарлик модули бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини касбий, шахсий ва ижтимоий фаолиятларда амалий қўллаш олиш **компетенцияларини** шакиллантириш лозим.

## МОДУЛ БЎЙИЧА ДАРСЛАР ТАҚСИМОТИ:

<b>Юридик тайёргарлик</b>		<b>Умумий юклама ҳажми</b>	<b>Аудитория соати</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Семинар</b>	<b>Амалий маш</b>	<b>Мустақил тайёргарлик</b>	<b>Назорат</b>
<b>7. Юридик тайёргарлик</b>		<b>102</b>	<b>64</b>	<b>38</b>	<b>26</b>	<b>-</b>	<b>32</b>	<b>6</b>
7.1	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари	2	2	2	-	-	-	-
7.2	Фуқаролик масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчилик	8	6	2	4	-	2	-
7.3	Фуқаролик масалаларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	6	4	2	2	-	2	-
7.4	Маъмурий жавобгарлик тоғрисидаги қонунчилик ва асосий қондалар	2	2	2	-	-	-	-
7.5	Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик	6	4	2	2	-	2	-
7.6	Маъмурий жазо ва мажбурлов чоралари	4	2	2	-	-	2	-
7.7	Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифи	6	4	2	2	-	2	-
7.8	Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик-ларнинг ҳуқуқий тавсифи	6	4	2	2	-	2	-
7.9	Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйисча иш юритиш	4	2	2	-	-	2	-
7.10	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллашга ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахслар	6	4	2	2	-	2	-
<b>7.1-7.10- мавзулардан оралиқ назорат</b>		<b>2</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>2</b>
7.11	Жиноят қонунчилиги: жиноят тушунчаси, белгилари ва таркиби	6	4	2	2	-	2	-
7.12	Жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турлари	6	4	2	2	-	2	-
7.13	Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи	6	4	2	2	-	2	-
7.14	Бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи	6	4	2	2	-	2	-
7.15	Жиноят-процессуал қонунчилиги ва процесс иштирокчилари	4	2	2	-	-	2	-
7.16	Жиноят процессида далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар	4	2	2	-	-	2	-
7.17	Фуқаролик ва оилавий-ҳуқуқий муносабатлар	6	4	2	2	-	2	-
7.18	Жисмоний ва юридик шахсларни мурожаатларининг ҳуқуқий асослари	6	4	2	2	-	2	-
7.19	Инсон ҳуқуқларига оид стандартлар ва уларнинг ички ишлар органлари учун аҳамияти	2	2	2	-	-	-	-
<b>Яқуний назорат</b>		<b>4</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>4</b>

# 1-МАВЗУ: НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ.

(МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ – 2 соат)

## Машғулот режаси:

**1-ўқув саволи:** Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари.

**2-ўқув саволи:** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш ва таъминлаш тартиби.

**1-савол:** Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари.



Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг барча элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ва ҳуқуқ назариясининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Бир томондан, у ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан қонунчилик

жараёнининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, у ҳуқуқни қўллаш жараёни орқали амалга оширилиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланади. Ҳуқуқ нормалари йиғиндиси жамият ҳуқуқий тизимининг норматив асосини, яъни ўзагини ташкил қилади. Жамиятда қарор топадиган янги муносабатлар уларни тартибга солишга қаратилган тегишли ҳуқуқ нормаларини яратилишига туртки беради. “Норма” сўзи латинчадан олинган бўлиб, “қоида”, “намуна” деган маъноларни англатади.

**Ҳуқуқ нормаси – давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулқатвор қоидаси.**

Ҳуқуқ тизимининг барча элементлари (норма, институт, соҳа) ҳуқуқ нормаси билан чамбарчас боғлиқликда мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий тизимнинг асосини, бошланғич ҳужайрасини ташкил этади. Шу сабабли унда, авваламбор, ҳуқуқ мазмунининг асосий хусусиятлари ифодаланadi. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий нормалар сифатида кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги хулқ-атвор нормалари жумласига киради. Бу руҳсат бериш, чеклаш, тақиқлаш ёки позитив ҳуқуққа хос мажбуриятлар қоидасини ўз ичига олувчи қоидадир. Ҳуқуқ нормаси – ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқнинг асосий, муҳим қисми, бутун ҳуқуқий тизимнинг бош тушунчасидир. Ҳуқуқнинг шаклланиши ва амалга оширилиш жараёни, қонунлар, барча юридик тушунчалар ва тузилишлар, ҳатто назария ҳам ўз замирида бевосита ёки билвосита ҳуқуқ нормасига эга бўлади.



## ҲУҚУҚ НОРМАСИНИНГ ТАРКИБИ



**Оддий гипотеза** - Ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши билан боғлиқ бўлган битта шарт-шароит акс этган гипотеза ҳисобланади.

«Ўзбекистон республикаси пойтахти Тошкент шаҳри» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 6-модда)

**Мураккаб гипотезада** - ҳуқуқ нормасининг амал қилиши икки ёки ундан ортиқ ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 90-модда).

**Альтернатив (муқобил) гипотеза** ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши санаб ўтилган шарт-шароитлардан бирига боғлиқ эканлигини баён этади. Масалан, “Вояга этган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 66-модда).

**Оддий диспозиция** - ҳуқуқ-атвор ёки тартиб қонунининг битта шартда кўрсатилган бўлади. Масалан, “Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат” (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 1-модда).

**Мураккаб диспозиция** - хулқ-атвор ёки тартиб қонданинг бир-неча шартни ёки мажбуриятни кўрсатган бўлади. Масалан, *“Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат”* (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 2-модда).

**Муқобил диспозиция** - хулқ-атвор ёки юриш-туриш, қонданинг бир нечта субъектларёки нормалар томонидан бажариши кўрсатилган бўлади. Масалан *“Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир”* (Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун 3-модда)

**Тавсифловчи диспозиция** – ҳуқуқ субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари ҳамда хатти-ҳаракатларининг тўлиқ баёнини ифода этилади. Масалан, *“Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса”* (Жиноят кодексининг 277-модда)

**Бланкет диспозиция** - ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш бошқа турдаги норматив ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади. Масалан, *“Техника хавфсизлиги, саноат санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишининг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса”* (Жиноят кодекси, 257-модда).

**Ҳавола этувчи диспозиция** - ҳуқуқ нормасидаги тартиб қоидаларнинг бузулиши ёки амал қилинишини тартибга солиш ўша норматив ҳужжатнинг бошқа нормаси билан тартибга солинади. Масалан, *“Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ходимлар ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилиниши мумкин”*

**Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар икки турга бўлинади:**

**Қонун ҳужжатлари** – Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва давлат ҳудудида барча учун ижроси умум мажбурий ҳусиятга эга бўлган ҳужжатлар тушунилади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцион қонунлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарорлари.

**Қонун ости ҳужжатлари** – Жамият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда, амалаги қонун ҳужжатларини ижросини таъминлаш мақсадида бирор бир идора ёки мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади. Масалан; Ўзбекистон Республикаси

Президенти фармон, қарор ёки фармоиши, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг Қарор ва фармоиши, Маҳаллий давлат органлари, Вазирлик ва идораларнинг қарор, фармойиш, қарор ва буйруқлари, шунингдек кўрсатмалари.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат - қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.**

**3-ўқув саволи: Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш ва таъминлаш тартиби.**



**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларида (дастурларида) қуйидагилар кўрсатилади:**

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг номи;
- ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳолатининг тавсифи;
- ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қиладиган муаммоларнинг тавсифи, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларининг таҳлили;
- ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни талаб қиладиган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш зарурлигининг асоси;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш муддатлари;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлар;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган тақдирда, кутилаётган натижалар, шу жумладан тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилган ҳолларда унинг натижалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасини тайёрлашни амалга оширувчи ташкилот томонидан белгиланади.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш куйидаги тартибда амалга оширилади.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун ишлаб чиқувчи томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) ташкил этилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчи бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун жавобгар бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ҳамда бошқа маълумотларни олишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олишга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган, зарур бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган, зарур бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга, шунингдек энг яхши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун танловлар ўтказишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга доир ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш.**

Ишлаб чиқувчи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини порталга уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи органга киритишдан олдин жойлаштиради.

Ишлаб чиқувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг порталдаги жамоатчилик муҳокамаси муддатини тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди ҳамда бу муддат порталда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жойлаштирилган кундан эътиборан ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларидан тушган фикр-мулоҳазаларни ва (ёки) таклифларни ҳисобга олишни ишлаб чиқувчи қабул қилинган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларга мувофиқ лойиҳани маромига етказиш йўли билан амалга оширади.

Келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифлар рад этилган тақдирда, ишлаб чиқувчи уларни рад этиш сабабини асослаши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари, қоида тариқасида, келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органга (кўриб чиқиш учун) киритилади.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизадан ўтказиш.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар экспертлар сифатида жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо



беришда мустақилдир ва экспертиза ўтказиш топшириғини берган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди.

Экспертларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича хулосалари тавсия хусусиятига эга бўлиб, улар ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан кўриб чиқилиши лозим. Хулосанинг инобатга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда маълумотнома тайёрланади.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш.**

Ҳуқуқий экспертиза жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлиги, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини улар манфаатдор ташкилотлар билан келишилганидан ва бошқа турдаги экспертизалар амалга оширилганидан сўнг ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини, шу жумладан уларда коррупция кўринишларини, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитларни юзага келтирадиган, жисмоний ва юридик шахслар учун ортикча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш, шунингдек зарур бўлган нормаларни битта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирган ҳамда тегишли муносабатларни тартибга солувчи бошқа нормаларни бекор қилган ҳолда, қонунчиликни кодификация қилиш имконияти мавжудлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизасини ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини амалга ошириш жараёнида бу лойиҳалар уларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши ва уларда такрорловчи ёки Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг нормаларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигини кейинчалик уларни бекор қилиш учун аниқлаш нуқтаи назаридан баҳоланиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза яқунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан хулоса тақдим этилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатлари**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси улар келиб тушган санадан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтказилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш улар келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган лойиҳалар ва иккинчи қисмида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўшимча ўрганишни талаб қилса, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқиш муддати беш кунгача, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқиш муддати эса ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан:

ҳалқ депутатлари вилоят, туман, (шаҳар) Кенгаши қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси — икки иш куни ичида;

вилоят, туман, (шаҳар) ҳокими қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси — беш иш куни ичида ўтказилади.

Қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг бошқа муддатлари белгиланиши мумкин.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратувчи коррупцияни келтирувчи омилларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса улар қабул

қилинишининг коррупция ҳолатлари учун имконият яратувчи оқибатларини умумий баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга ҳавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилиш мақсадида ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади ва чоралар кўрилади.

Коррупцияга қарши экспертиза:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан — ишлаб чиқувчилар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси яқунларига кўра тегишли ҳулоса тузилади.

*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради. Истисно тариқасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомили мураккаблаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга қиради.*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:**

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

✓ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишга доир ваколатларини белгилайди;

✓ Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликларни, давлат қўмиталарини, идораларни ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:**

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши масалалари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга тушунтиришлар беради ҳамда зарур ёрдам кўрсатади;



- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши масалаларига доир услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;
- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши мониторинги ва таҳлилини ўтказди, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- ✓ давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;
- ✓ давлат бошқаруви органларида ва ташкилотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси нуқтаи назаридан ижро интизомига риоя этилишини ўрганади, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлайди.

#### **Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:**

- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижро этилишига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;
- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишига доир ишларни бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ташкил этади;
- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;
- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

#### **Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:**

- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;
- ✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, бошқа ташкилотлар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

✓ тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва зарур бўлганда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

✓ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик мониторинги ва назоратини амалга оширадilar.

### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Норматив ҳужжатлар турларини санаб ўтинг.
2. Ўзбекистон Республикасида норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва ижросини амалга ошириш қандай тартибда амалга оширилади?
3. Ўзбекистон Республикасида норматив ҳужжатларга риоя этилмаганлик учун қандай жавобгарликлар мавжуд?

## Семинар машғулоти (2 - соат)

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Баҳс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

### Норматив ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси, моҳияти ва асослари?

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;

-“ўнг қўл” қондаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

-фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

-билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -

-бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



#### “Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс мунозара саволлари”:

1. Норматив ҳужжат тушунчаси нима?
2. Қонун ҳужжатлари нима?
3. Қонуности ҳужжатлари нима?
4. Норматив ҳужжатларнинг яратилиши?

#### Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Ҳуқуқ нормасининг таркибий қисимлари қандай.
2. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва тузилиши қандай.
3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни?

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**2-мавзу:** Фуқаролик масалаларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар.



РЕЖА:

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси.
2. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари.
3. Фуқаролик ҳуқуқи тизими.

### 1-ўқув саволи. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси

Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ҳуқуқ тизими соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, босқичма-босқич бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида фуқаролар ва бошқа субъектларнинг моддий, маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш мақсадида мулкӣ муносабатларни ҳамда мулкӣ харак-терда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш, мустаҳкам-лашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир. Сอดда қилиб айтганда, **фуқаролик ҳуқуқи - юридик жихатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкӣ ва шахсий-номулкӣ муносабатларни тартибга соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.** Фуқаролик ҳуқуқ соҳасини ва унинг ҳуқуқ соҳалари тизимида тутган ўрнини англаш учун, даставвал ушбу ҳуқуқ соҳаси тартибга солади-ган ижтимоий муносабатларни таҳлил этиш лозим.

Ижтимоий муносабатлар тизимида фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар кенг ўринни эгаллайди. Айниқса бу муносабатлар, кишилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий маънодаги муомалада, кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳаракат-ларда кўп учрайди.

Фуқаролик ҳуқуқи тартибга соладиган муносабатлар доираси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

Бу муносабатлар доирасида мулкый муносабатлар етакчи ўринни эгаллайди.

Мулкый муносабатлар деганда, иқтисодий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, умуман киши меҳнатининг ҳар қандай маҳсулотларни яратиш, эгаллаш, бойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Мулкый муносабатларнинг барчаси ҳам фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинавермайди. Баъзи мулкый муносабатлар ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан ҳам тартибга солинади. Ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи бир тарафнинг иккинчи тарафга маъмурий жиҳатдан бўйсунушига асосланган мулкый муносабатлар - маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, солиқ ва бюджет билан боғлиқ муносабатлар-молия ҳуқуқи нормалари билан, шунингдек ер билан боғлиқ муносабатлар - ер ҳуқуқи нормалари билан, меҳнат шартномаси ҳамда интизомий бўйсунув билан боғлиқ муносабатлар меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқи асосан муайян эквивалент (тенглик) баробари белгиланадиган, қиймат, баҳо билан ифодаланадиган ва иштирокчилари тенг даражада кўриладиган мулкый муносабатларни тартибга солади.

Мулкый характердаги ҳуқуқий муносабатлар, яъни фуқаролар ва ташкилотларнинг моддий бойликларни яратиш, уларни эгаллаш, бу бойликлардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш соҳасида бўлган ўзаро ҳуқуқий муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларидан, яъни ижтимоий муносабатлардан келиб чиқади ҳамда улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрилади.

Фуқаролик ҳуқуқи иқтисодий муносабатларни махсус юридик шаклда мулкый-ҳуқуқий муносабатлар шаклида расмийлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Фуқаролик ҳуқуқида мулкый муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳуқуқий шакли сифатида кўрилади. Шу маънода мулкый муносабатлар шахслар ўртасидаги, уларнинг эрқлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тоифасини - ҳуқуқий муносабатларни билдиради.

Фуқаролик ҳуқуқи мулкнинг барча шакллари - хусусий ва оммавий мулкни мустаҳкамлаш, тасарруф қилиш ҳуқуқларини белгилайди, ушбу ҳуқуқларни амалга оширишни расмийлаштиради, қўриқлайди ҳамда кафолатлайди.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкый муносабатлар доираси ниҳоятда кенг. Булар жумласига олди-сотди, хилма-хил буюртмалар қабул қилиш (ижро этиш), турар-жойларни ижарага қўйиш ва ижарага олиш, корхоналар, ташкилотларнинг бир-бирига маҳсулотлар етказиб бериш, қурилиш ишларини амалга ошириш, транспорт корхоналари орқали юк ва йўловчи ташиш, етказилган зарарни қоплаш, қонун ва васият бўйича мерос олиш, умуман ҳар қандай шаклдаги мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар киради.

Фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкӣй характерда бўлмаган шахсий ҳуқуқӣй муносабатлар икки турга: мулкӣй муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга ва мулкӣй муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга (шахсий номулкӣй) бўлинади.



Мулкӣй муносабатлар билан боғлиқ бўлган муносабатларга мисол қилиб, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ва муал-лифлик ҳуқуқига доир муносабатларни кўрсатиш мумкин. Бу муносабатларда фақат мулкӣй муносабатларнигина эмас, балки уларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳам, чунончи, асарни ўз номидан, таҳаллуси остида ёки номини кўрсатмасдан аноним

тарзда нашр этиш (ФКнинг 1053-моддаси), асарнинг дахлсизлиги ҳуқуқлари, ихтиронинг муаллифи бўлиб танилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни белгилайди.

Мулкӣй муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга ФКнинг 100-моддасида кўрсатилганидек, фуқаро ўзининг шаъни, кадр-киммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахс башарти, уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд орқали раддия талаб қилиш ҳуқуқи ва шу каби бошқа ҳуқуқлар мисол бўлади.

Мулкӣй характерда бўлмаган шахсий муносабатлар шахсининг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган ва ундан бегоналаштирил-майдиган ҳуқуқлардир. Бундай ҳуқуқлар жумласига фуқаронинг исмига бўлган ҳуқуқи (ФКнинг 19-моддаси), ўз тасвири (суръати)нинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ, муаллифлик ҳуқуқи (ФКнинг 1046-моддаси), муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ (ФКнинг 1051-моддаси) ва ҳоказолар киради.

Гарчи фуқаролик ҳуқуқи шахсий муносабатларнинг кўплаб турини тартибга солсада, лекин, ҳар қандай шахсий ҳуқуқӣй муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинавер-майди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддаси, 4-бандига асосан шахсий номулкӣй муносабатлар ва мулкӣй муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатларнинг моҳиятидан ўзгача ҳол англашилмаса, фуқаролик қонунлари билан тартибга солинади. Ушбу модда қоидаси тегишли йўсинда юридик шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Ижтимоӣ муносабатларни тартибга солишда фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос услуби ва хусусиятлари бор, бу билан у ўзига ёндош бўлган бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб туради. Чунончи, фуқаролик ҳуқуқи оила ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, давлат ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ер ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ бўлса ҳам, мулкӣй ҳамда шахсий номулкӣй муносабатларни тартибга солишда бу ҳуқуқ соҳаларидан маълум даражада фарқ қилади. Дастлаб фуқаролик ҳуқуқининг оила ҳуқуқидан фарқи тўғрисида тўхталиб



шунинг айтиши керакки, оила ҳуқуқи никоҳ ҳамда оилага тааллуқли бўлган муносабатларни, эр - хотин, ота-оналар билан болалар ўртасидаги, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги муносабатларни, фарзандликка олиш, шунингдек давлат органлари-нинг оилани мустаҳкамлаш ҳамда оналар ва болаларга моддий ёрдам кўрсатишга тааллуқли муносабатларни тартибга солиди. Бу ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг маълум бир қисми бўлиб қолмай, ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Никоҳ ва оилага оид муносабатлар махсус кодекс Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқида мулкӣ муноса-батлар эмас, балки шахсий ҳуқуқӣ муносабатлар устунлик қилади. Бу муносабатлар оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкӣ муносабатларнинг хусусиятларини белгилайди. Мисол қилиб алимент мажбуриятларини олсак, бу мажбуриятлар мулкӣ харак-терда бўлган муносабатлардан эмас, балки шахсий, оилавий (эр ва хотинлик, қариндошлик) муносабатларидан келиб чиқади.

Оила ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган мулкӣ муносабатлар ва шахсий номулкӣ муносабатлар фақатгина битта оила аъзоси ўртасида вужудга келади ҳамда бу ерда фуқаролик ҳуқуқи учун энг асосий ўринни эгаллайдиган кенг маънодаги мулкӣ муомала (оборот) кузатилмайди. Агар оила аъзолари ўртасида ўзаро фуқаролик муомаласи (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш) амалга оширилса ҳам, бу ҳолат оила ҳуқуқи меъёрлари билан эмас, фуқаролик ҳуқуқи меъёри билан тартибга солинади.

Агар мулкӣ муносабатларда давлат ҳокимияти органлари сифатида қатнашиб, мазкур муносабатларда иштирок этувчиларга ўз эрklarини буюрсалар, бундай мулкӣ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига эмас, балки маъмурий ҳуқуққа тааллуқли бўлади. Чунончи, юқори давлат органининг ўз ваколати доирасида чиқарилган буйруғига мувофиқ муайян бинолар, ускуналарни топшириш - қабул қилиш билан боғлиқ муносабат маъмурий-ҳуқуқӣ муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Агар мулкӣ муносабатларда давлат органлари фуқаролик оборотининг иштирокчиси сифатида бир-бирларига нисбатан тенг ҳуқуқли бўлиб ва бир-бирларига ўзларининг эрklarини буйруқлар тартибида буюра олмайдиган бўлиб қатнашсалар - бундай муносабатлар фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли бўлади.

Солиқлар олиш, ташкилотларни пул маблағлари билан таъминлаш, фуқароларга пул ссудалари беришга доир ва бошқа бир мунча муносабатлар молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинади.

Шахсий ҳуқуқлар фақат фуқаролик ҳуқуқи билан кўриқлан-майди. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва бошқа сиёсий ҳуқуқ-лари, масалан, Ўзбекистон Конституциясида кўрсатилган фуқаро-ларнинг шахсий ҳуқуқлари давлат ҳуқуқи томонидан кўриқланади.

Меҳнат муносабатлари -алоҳида гуруҳга кирадиган муносабатлардир. Меҳнат муҳофазаси, меҳнат интизоми, иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақти ижтимоий суғурта ва меҳнат билан боғлиқ бўлган бошқа хусусий муносабатлар меҳнат ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.



Ташкилотлар ва фуқароларнинг ердан, сувдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлари маъмурий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, ер ва сув қонунчилиги билан тартибга солинади.



Кейинги пайтларда бозор иқтисодиёти самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимига кириб келган ва бозор иқтисодиётида вужудга келган янги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ соҳалари: тадбиркорлик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқдан фуқаролик ҳуқуқининг фарқли жиҳатларини ажратиш кўрсатиш муҳимдир. Даставвал фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми ҳисобланган хўжалик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ ўтган асрнинг ўрталарида алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида талқин этила бошланган бўлса, тадбиркорлик ҳуқуқи тўғрисидаги фикрлар республикамиз мустақилликка эришгач вужудга кела бошлади. Тўғри ҳуқуқшунос олимлар халқаро хусусий ҳуқуқни алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида тан олсада, хўжалик ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқини (баъзи ҳолларда иккаласи битта ҳуқуқ соҳаси тадбиркорлик (хўжалик) ҳуқуқи дея талқин этилмоқда (таъкид-муаллифники И.Б.). Мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида эътироф этишга доир баҳсли фикр билдирадилар. Шундай бўлсада, уларнинг фуқаролик ҳуқуқидан фарқли жиҳатларини кўрсатиш ўта муҳим. Чунки, юқоридаги муайян муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқларини (алоҳида ҳуқуқ соҳаси деб аташга бизнингча ҳали эрта) алоҳида ҳуқуқ соҳаси ёки ҳуқуқ соҳаси эмаслиги масаласини тадқиқ этиш, мазкур дарсликнинг предметини ташкил этмайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқидан фарқ қилиб, чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солиш. Ўз-ўзидан равшанки, агар мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларда чет эл элементи иштирок этса, бундай муносабат халқаро хусусий ҳуқуқ предмети ҳисобланади.

Хўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий бошқарув, уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши учун турли хил фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга кириши билан боғлиқ бўлади (мутахассислар ҳозиргача бу ҳуқуқ соҳасининг предметини аниқ талқин этишга олмайди).

Фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби ўзи тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларга, уларнинг иштирокчилари хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатиш махсус воситалар ва усуллар йиғиндисидан, яъни ўз услубидан фойдаланади. Қўриқлаш функциясини бажарувчи ҳуқуқ соҳаларидан (жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ш.к.) фарқли равишда фуқаролик ҳуқуқи, энг аввало, нормал ҳуқуқий муносабатларга таъсир кўрсатади. Унинг тартибга солиш услубидаги ўзига хос хусусиятлар:

-фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчиларнинг тенг ҳуқуққа эга бўлишлари, уларга имкон борича эркинлик, мустақиллик ва ташаббускорлик берилишида;



- фуқаролик ҳуқуқида императив меъёрлардан кўра, диспозитив меъёрларнинг кенгрок қўлланишида;
- фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарликнинг мулкӣ характерда бўлишида;
- бузилган ҳуқуқларнинг суд орқали даъво билдириш тартибида ҳимоя қилинишида;
- бузилган фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишда уни тан олиш, тиклаш, ҳуқуқни бузадиган ҳаракатларга чек қўйиш, етказилган зарарларни ундириб олиш ва шу каби чоралар қўлланишида намоён бўлади.

## 2-савол Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари (принциплари) - бу барча фуқаролик қонунлари мазмунига сингдирилган асосий, бошланғич қоидалардир. Ҳ.Р.Раҳмонкулов фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ҳақида ўз фикрини билдирар экан, ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида хусусий ҳуқуқ таркибида бўлган фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари унинг предметини ташкил қилувчи кўп қиррали мулкӣ, мулк билан боғлиқ ва мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий ва ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари билан ифода-ланишини таъкидлайди.

### Булар жумласига қуйидагилар киради:



1) Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқчилиги. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ва ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқаролик қонунларида ушбу конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, барча фуқаролар учун тенг ҳажмда ҳуқуқ лаёқати, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари чекланишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Тарафларнинг тенг ҳуқуқчилиги нафқат фуқароларга, балки бошқа субъектларга ҳам тааллуқлидир ва у корхона ҳамда кооперация тўғрисидаги қонунларда ҳам ўз аксини топган;

2) барча мулк шакллариининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан баб-баравар муҳофаза қилиниши. Мазкур тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Фуқаролик кодексининг 116-моддасида бевосита мустаҳкам-лаб қўйилган;

3) мулкӣ муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги. Ўтмишда иқтисодий, шу жумладан, мулкӣ муносабатларни тартибга солишда ҳар хил мафкуравий қолиплар ва ақидалардан келиб чиқилган эди. “Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Иттифоқ халқ хўжалиги парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабат-ларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатдан қолақлигига олиб келди”. Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ҳеч

қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деб кўрсатилди;

4) қонунда нимаки таъқиқланмаган бўлса, рухсат берилади. Бу тамойил фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг эркинлиги, ташаббускорлигини кафолатлайди. Қонунда нимаки таъқиқланмаган бўлса, рухсат бериш тамойили фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг нафақат қонунда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш балки, қонунда белгиланган бўлса ҳам лекин, қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишлари имконини беради. Лекин, шу ўринда бундай ҳаракатларнинг ахлоқ меъёрларига ҳам зид келмаслиги лозимлигини айтиб ўтиш жоиз. Фуқаролик кодексининг 8-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқи-нинг субъектлари нафақат қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимларни, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ҳамда бошқа битимларни тузишлари мумкин.



Фуқаролик ҳуқуқида бундай тамойил (қонунда нимаки таъқиқланмаган бўлса рухсат берилади)нинг мавжудлиги фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига эркинлик ва ташаббус бериши билан бирга иқтисодиётнинг ривожланишига хизмат қиладиган янги ҳуқуқий муносабатларни, қолаверса, ҳуқуқий институтларнинг вужудга келишини таъминлайди.

5) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларнинг ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида мустаҳкамланган;

б) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкнинг дахлсизлиги. Бу қоида ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга ФКнинг 166-моддасига мувофиқ, мулк дахлсиздир ва қонун билан кўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишидан ўзларини сақлашдан иборат. Бу ерда “мулкдорга қарши турган” иборасини муайян мулкнинг соҳиби бўлмаган ҳар қандай бошқа шахс сифатида тушуниш лозим. Бундай субъектлар (шахслар) ўзларининг мулкига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган “ўзларини сақлаш”ни амалга оширсалар, мулкнинг дахлсизлиги тамойилига амал қилган бўладилар.

Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа тамойиллари каби мулкнинг дахлсизлиги тамойили ҳам мутлақлик характерида эга эмаслигини назарда тутиб, ФКнинг 166-моддаси 2-қисми, мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақатгина қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкинлигини белгилайди.

7) Қонуний асосларга эга бўлмасдан туриб, ҳеч ким иштирокчиларнинг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралаштиришга ҳақли эмас.

Фуқаролик ҳуқуқи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий тамойиллардан бири ҳисобланган хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралаштиришга йўл қўйилмаслиги тамойили фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўз

ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларидаги ҳаракатлар бевоситалиги ва узлуксизлигини таъминлайди. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида фуқаролик муомаласи иштирокчила-рининг хусусий манфаатлари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун қонун чиқарувчи ана шу манфаатлар устунлигини кафолатлаш мақсадида ФКнинг 1-моддасидаёқ, мазкур тамойилни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари ушбу тамойил бошқа қонун ҳужжатларида ҳам алоҳида қоида билан белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги-нинг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги қонунининг 34-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжат-ларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.



Бундай аралашув ФКнинг 1-моддаси талабларига зид бўлиб, ноқонуний ҳаракат ҳисобланади. Албатта, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган аралашув (хусусий ишларга) бундан мустаснодир.

8) фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда ҳар қандай тўсқинлик-ларни бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Қонун ҳужжатла-ридаги баъзи чеклашларнинг мавжуд бўлиши бу тамойилнинг аҳамиятига путур етказмайди. Чунки ҳуқуқ субъектига берилган, ҳуқуқ субъектларининг ўз ҳуқуқини амалга ошира олиш имконияти-га эга бўлишлари, бу ҳуқуқлар мавжудлигининг асосий мезонидир. Айнан шу хусусда тўхталар экан, Ҳ.Р.Раҳмонқулов фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилишини таъкидлаб ўтади.

9) фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқи биринчи навбатда ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг бузилган ҳуқуқларининг аввалги ҳолатига қайтарилишига қаратилади (мулкни натура ҳолида қайтариш, бузилган шахсий ҳуқуқни тан олиш ва ҳ.к.). Бузилган ҳуқуқларни тикланиши, амалдаги мумкин бўлмаган ҳоллардагина, тарафлар талабини қаноатлантиришнинг бошқа усуллари қўлланилади;

10) фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз талабини махсус орган-суд орқали билдиришга ҳақли ва бу ҳуқуқ қонун билан кафолатланади.

11) шартнома тузиш эркинлиги (ФК 1-354-моддалар). Фуқаро-лар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқлари ҳамда бурчларига ўз эрklarига мувофиқ эга бўладилар, ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар.



ФКнинг 354-моддасида эса, ушбу тамойилнинг мазмуни очиб берилган. Шартномалар эркинлиги тамойилини куйидаги учта ҳолатини ажратиб кўрсатиш орқали тушуниш мумкин:

- 1) субъектнинг шартнома бўйича ўз контрагенти яъни, шарт-нома бўйича шеригини танлаш эркинлиги;
- 2) шартнома предметини яъни, айнан қандай ҳолат юзасидан шартнома тузишни танлаш эркинлиги;
- 3) шартнома шартларини танлаш эркинлиги.

Ушбу учала ҳолатни амалга оширишда субъектга ҳеч қандай ноқонуний таъсир ўтказмаслик лозим бўлади. Баъзи ҳолларда юқоридаги ҳолатлар субъектга қонуний таъсир ўтказиш орқали унинг хоҳиш-иродасини бошқа томонга ўзгартириш орқали амалга оширилади. Шартномалар эркинлиги тамойилига нисбатан бундай чеклов фақатгина қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда татбиқ этилади (ФКнинг 377-моддаси).

Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда ҳамда қонунга зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини белгилашда эркиндирлар.

12) бозор муносабатлари шароитидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи тамойилларидан яна бири-Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлишидир (ФК 1-моддаси). Бу тамойил бозор иқтисодиёти учун муҳим бўлган моддий неъматларнинг эркин ҳаракатланиши ҳисобига товар-пул муносабатларини тезлашишини амалга оширишга хизмат қилади. Маълумки, иқтисодий ривожланиш ва маъмурий-ҳудудий тузилма-ларнинг географик жойлашиши, муайян турдаги товарлар тақсимо-тининг номутаносиблигига сабаб бўлади. Мазкур тамойил ана шу номутаносибликни бартараф этишда етакчи ўринни эгаллайди.

Шунинг учун ҳам фақатгина хавфсизликни таъминлаш, инсон-ларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлганда, товарлар ва хизматлар ҳаракатда бўлишини чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жорий этилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқида хўжалик ҳисоби тамойили фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида, масалан, етказилган маҳсулотлар ёки бажарилган ишлар учун келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлашда, шартномаларни бажармаганлик ёки кечиктириб бажарганлик ёхуд сифатсиз бажарганлик учун санкциялар белгилашда ифодаланади.

Булардан ташқари айрим ҳуқуқий институтлар, жумладан, мажбурият ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи институти ҳам ўз тамойилларига эга.

### 3-ўқув саволи: Фуқаролик ҳуқуқи тизими

Фуқаролик ҳуқуқи ҳам ўз навбатида муайян тизимлаштирилади (табақалаштирилади), айти вақтда унинг ўзи ҳам хусусий ҳуқуқ тизимига киради.

Бундай табақалаштириш, таркибий қисмларга ажратиш учун асос бўлиб, бутун тармоқ учун хос бўлган асосий, умумий қоидалар-умумий қисми ажратиш ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқининг Умумий (биринчи) қисми фуқаролик ҳуқуқлари тушунчаси, уларнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши, фуқаролик муомаласи субъектлари, объектлари, шунингдек муддатлар тўғрисидаги асосий қоидаларни ҳамда барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга қўлланиладиган умумий тартибдаги бошқа баъзи нормаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатлар тизими фуқаролик ҳуқуқи тизимини шакллантириши, ўқув-назарий ва айти вақтда ҳуқуқни қўллаш бўйича муҳим аҳамиятга эга, чунки уни умумий (биринчи) қисм таркибига кирувчи қоидалар бошқа барча фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни қўллашда у ёки бу даражада ҳисобга олинади.

Шу нуқтаи назардан қараганда фуқаролик ҳуқуқининг умумий (биринчи) қисмга кирмаган барча нормалар фуқаролик ҳуқуқининг Махсус (иккинчи) қисмига мансубдир деб айтиш мумкинми?, - деган савол туғилиши табиий. Бироқ, бир қарашда мантикий жиҳатдан тўғри бўлган бу қоида фуқаролик ҳуқуқига нисбатан тўла қўлланмайди. Шу сабабли ҳам гарчи, ФК икки қисмга бўлинса ҳам, иккинчи қисми Махсус қисм деб номланмаган. ФКнинг умумий қоидаларидан ташқарида бўлган нормалар мазмунан ранг-баранг ва ҳажми жиҳатдан ниҳоятда улкан ҳисобланади. Бу эса, уларни янада кенгайтирилган ҳолда табақалаштирилишини талаб этади. Шу сабабли ҳам агарда, олдин ҳуқуқ тармоғи қисмларга ва институтларга бўлинадиган бўлса эндиликда, табақаланиш тизими ҳамда поғоналари кенгайди ва кўпайди. Эндиликда фуқаролик ҳуқуқини кичик тармоқларга табақалаштириш қўлланмоқда. Кичик тармоқ-бу бир турдаги гуруҳларга кирувчи муносабатларни тартибга солувчи ва ўзининг умумий қоидаларига эга бўлган нормаларни йирик-йирик гуруҳлари бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни бешта кичик тармоқларга бўлиш қабул қилинган.

Булар жумласига:

а) мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар (баъзи адабиётларда уни ашёвий ҳуқуқ деб ҳам атайдилар). Ушбу кичик тармоқ мулкый муносабатлар иштирокчиларига ашёлар (мол-мулклар) тегишлилигини, мансублигини расмийлаштиради, бу тегишлилик эса мулкый муомаланинг шартини ёхуд натижасини (оқибати) сифатида намоён бўлади;



б) мулкӣ муомаланинг ўзини расмийлаштирувчи мажбурият ҳуқуқи. Мажбурият ҳуқуқи ҳам ўз навбатида шартномалар ҳуқуқи ва деликт ҳуқуқи кичик тармоқларга бўлинади. Уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам ягона, умумий бўлган Умумий қисм мавжуд. Шартнома мажбуриятлари ҳам ўз навбатида мол-мулкни ашёвий ҳуқуқ асосида топшириш, фойдаланиш учун бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, биргаликдаги фаолият бўйича мажбуриятларга бўлинади мажбуриятлар ичида бир томонлама ҳаракатлар



(битимлар)дан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Бузилган ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган мажбуриятлар деликт (зарар етказишдан келиб чиқадиган) мажбуриятларга ва асоссиз бойишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлинади. Умуман олганда, мажбурият ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг энг пухта тизимлаштирилган

қисми ҳисобланади. Ушбу қисм ўз ҳажми бўйича ҳам беқиёсдир. У ФКнинг 20-бобидан то 58-бобига қадар бўлган нормаларни (234-1030-моддалар) қамраб олган.

в) мутлақ ҳуқуқлар деб аталмиш кичик тармоқ интеллектуал мулк бўйича нормалар мажмуини ташкил этади. Унинг таркибига ижодий фаолият маҳсуллари (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, интеграл микросхемалар тополо-гияси, компьютер дастурлари, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектлари -фан, адабиёт, санъат асарлари ва уларнинг ижролари, тижорат сирлари, шу жумладан ноу-хоу)га нисбатан ҳуқуқларни расмийлаштириш фуқаролик муомаласида уларни амал қилиши, ушбу номоддий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқий режимини белгиловчи фуқаролик-ҳуқуқий нормалар киради. Айни вақтда фуқаролик муомаласи иштирокчиларини, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш (индивидуаллаштириш) воситалари-га нисбатан ҳуқуқларни вужудга келиши, амал қилиш, бекор бўлиши ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар ҳам ушбу кичик тармоқ таркибига киради. Бундай индивидуаллаштириш воситалари бўлиб фирма номи, товар белгиси, товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқлар ҳисобланади;



г) фуқаро вафот этган тақдирда унинг мол-мулки ва мулкӣ ҳуқуқлари бошқа шахсларга (яъни васият бўйича ёки қонун бўйича унинг меросхўрларига) ўтишини тартибга солувчи нормалар мажмуидан иборат бўлган ворислик ҳуқуқи;

д) сўнгги вақтларда номоддий неъматларни (шахсий номулкӣ ҳуқуқларни) ҳимоя қилишни тартибга солувчи нормалар мажмуи ҳам фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида қаралиши тўғрисида нуқтаи назарлар ҳам илгари сурилмоқда. Ушбу кичик тармоқ жисмоний ва юридик шахсларни шаъни, кадр-қиммати ва ишбилармонлик обрўси, фуқароларни ҳаёти, соғлиги, шахсий дахлсизлиги, уларни хусусий ҳаёти, эрк-мухториятини таъминловчи ҳуқуқлар ва шу кабиларни вужудга келиши, уларни амалга ошириш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш

бўйича фуқаролик-ҳуқуқий муносабат-ларни тартибга солади. Шартли равишда бу туркумга кирувчи ҳуқуқларни шахсий ҳуқуқлар деб номлаш ўринли бўлур эди.

Фуқаролик ҳуқуқи тизимида кичик тармоқлар ўз навбатида институтларга бўлинади. Ҳуқуқ институти деганда, унчалик йирик бўлмаган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси мажмуи тушунилади. Ҳар бир кичик тармоқ ўз навбатида ҳуқуқ институтларига бўлинади. Масалан, мажбурият ҳуқуқи кичик тармоғи алоҳида шартномалар мажбуриятлари институтларига – олди-сотди, ижара, пудрат ва шу кабиларга бўлинади. Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар кичик тармоғи ҳам ўз навбатида мулк ҳуқуқи, чекланган ашёвий ҳуқуқлар, уларни ҳимоя қилишнинг ашёвий-ҳуқуқий усуллари институтларига бўлинади.

Фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ҳам ўз навбатида янада бўлақларга бўлинган ҳолда муайян қисмларга табақалашади. Ушбу қисмлар субинститутлар деб аталади. Айни вақтда субинститутлар ҳам тартибга солувчи муносабатлари бир хиллиги ва ягоналиги билан ажралиб туради. Масалан, шартномавий мажбуриятлар институтлари уларнинг алоҳида айрим турлари тўғрисидаги қоидаларни қамраб олади (масалан, олди-сотди шартномаси институти қуйидаги субинститутларга бўлинади – чакана олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, улгуржи олди-сотди; ижара шартномаси қуйидаги институтларга бўлинади – прокат, транспорт воситалари ижараси, корхоналар ижараси, лизинг (молия ижараси) ва ҳ.к.). Фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ва субинститутлари ҳам ўзларининг умумий қоидаларига эга. Бу эса уларни ташкил этувчи нормаларни юридик жиҳатдан бир хиллигидан далолат беради.

Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик лозимки, кичик тармоқнинг умумий қоидалари ушбу кичик тармоқ таркибига кирувчи тегишли институтлар қоидаларига ҳам тааллуқлидир, ушбу институт умумий қоидалари эса унинг таркибига кирувчи субинститутлар ҳам тегишлидир. Масалан, мажбуриятлар ҳамда шартномаларни умумий қоидалари олди-сотди ва ижара институтларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳам ўз навбатида маҳсулот етказиб бериш ва прокат субинститутларига нисбатан ҳам оид ҳисобланади. Ўз навбатида олди-сотдининг умумий қоидалари маҳсулот етказиб бериш ва контрактацияга ҳам тегишли бўлиб, ижаранинг умумий қоидалари транспорт воситалари ижараси, прокат шартномаси ва молиявий ижара шартномаларига ҳам тааллуқлидир.



Фуқаролик ҳуқуқи – бу ҳар қандай ривожланган ҳуқуқ тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир. Аини вақтда фуқаролик ҳуқуқи иборасини фуқаровийлик билан чалкаштирмаслик лозим. Шахсининг фуқаролиги -бу унинг жисмоний шахс сифатида муайян давлатга мансублиги, давлат билан шахс ўртасидаги доимий, барқарор ҳуқуқий боғланишидир. Фуқаролик ҳуқуқи эса мутлақо бошқа ва кенг маънодаги тушунчадир. Фуқаролик ҳуқуқи иборасини келиб чиқишининг тарихий илдизи рим “цивил ҳуқуқи” (jus civil)га бориб тақалади. Қадимги Римда бу ҳуқуқ тушунчаси Римнинг тубжой фуқаролари-квиритлар (cives) ҳуқуқини, давлат-шаҳарлар (civitas) ҳуқуқини англатган. Кейинчалик, Европа мамлакатлари ҳуқуқ тизимлари томонидан Рим хусусий ҳуқуқини ўзлаштириб олиш (реценция) жараёнида бу тушунча ҳозирги замон юридик атамашунослигига кўчирилди. Шу сабабли ҳам фуқаролик ҳуқуқининг баъзан цивилистика деб ҳам атайдилар. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврларида фуқаролик ҳуқуқи билан фуқаровийликни фарқлаш мақсадларида фуқаролик ҳуқуқини муомала (муомала) ҳуқуқи деб аташ ҳақида таклифлар бўлди. Бироқ бу таклифлар илмий жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмади ва натижада фуқаролик ҳуқуқи ибораси ўз кучида қолди.

Фуқаролик ҳуқуқини характерлашда хусусий ҳуқуқ ибораси ҳам кенг қўлланилади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доираси-бу энг аввало кишиларнинг хусусий манфаатлари доирасидир. Бошқача айтганда хусусий манфаат кишиларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда ҳаракатланувчи кучдир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар-нинг муайян қисми кишиларнинг ўзлари томонидан тартибга солинади, чунки ҳеч қандай норматив ҳужжат ҳаётдаги барча ҳолатларни, ўзини тутишни энг мақбул вариантларини белгилаб бера олмайди. Албатта, норматив ҳужжатлар кишиларни ноинсоф шахсларни суиистеъмолликларидан, тажовузларидан муҳофаза этиш, заиф, ожизларни ҳимоя қилишни амалга оширади. Бироқ, давлатни хусусий манфаатлар соҳасига аралашуви ялпи, чегарасиз ва ўзбилармонлик билан амалга оширилмайди. Оммавий ҳокимият фуқароларнинг ҳар қандай манфаатларини ягона ҳақиқий ифодачи-си ва ҳимоячиси бўлишга даъво қилмаслиги лозим. Хусусий манфаат эгаси ўз манфаати учун ўзи ҳаракат қилмоғи керак. Акс ҳолда, яқин ўтмишдаги тарихий тажрибамиз далолат берганидай, давлатдан турли неъматларни кутувчиларга (олма пиш, оғзимга туш қабилда фикр юритувчи шахсларга) айланиб қоладилар, мустақил ва ташаббускор фаолият юритишга бўлган қизиқишларини йўқотадилар, бу эса охир-оқибатда давлат учун ҳам, жамият учун ҳам салбий оқибатларни вужудга келтириши мумкин. Шу сабабли хусусий манфаат хусусий ҳуқуқ тимсолида ўз ҳуқуқий негизига эга бўлиши шарт.

Бутун дунё бўйича ҳуқуқий муносабатлар нормал хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий тартибга солишининг мавжудлиги ва уларнинг фарқланишига асосланиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқи ёхуд хусусий ҳуқуқ Қадимги Римдан бошлаб (jus privatum) хусусий ҳуқуқ соҳасини англатади,



унга иштирокчиларнинг юридик тенглиги ва мустақиллиги, уларнинг хусусий мулклари дахлсизлиги, шартномалар эркинлиги, бузилган ҳуқуқ ҳамда манфаатларнинг мустақил суд орқали ҳимоя қилиниши каби хусусиятлардир.



Албатта, инсоният цивилизацияси қадимги даврдан буён ўз ривожда беқиёс мураккаб ижтимоий жараёнларни босиб ўтди, аввал техник ва ижтимоий инқилоблар, кейин илмий ва ахборот тараққиёти туфайли тубдан янги ижтимоий феноменлар вужудга келди. Буларнинг барчаси фуқаролик (хусусий) ва оммавий ҳуқуқлар тафовутларига асосланган ҳуқуқ тизимлари негизини бартараф эта олмади, уларнинг кўринишлари ўзгарди холос.

Ҳуқуқни хусусий ва оммавий ҳуқуқларига фарқланиши умумий сақланиб қолмоқда. Улардаги принципал фарқлар илк бора Юстиниан Дигестларида ўз ифодасини топган эди. Қадимги Рим юристи Ульпиан оммавий ҳуқуқ Рим давлат мақомини белгилайди, хусусий ҳуқуқ эса алоҳида шахслар фойдасини кўзлайди деб кўрсатган эди.

Оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ нисбатини аниқлаш ва фарқлаш бир қарашда осон туюлса ҳам, мураккаб масала ҳисобланади. Гап шундаки, хусусий ҳуқуқ соҳасида ҳам қонун чиқарувчи баъзан умуммажбурий императив нормалардан фойдаланади, бу тартибга солинаётган ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари ташаббускорлиги ва мустақиллигини чеклайди. Масалан, фуқаролик қонунчилиги барча юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни, кўчмас мулк билан боғлиқ барча битимларни ҳам давлат рўйхатида қайд этилишини шарт қилиб қўяди. Ушбу талабга риоя қилмаслик субъект ҳаракатларини юридик жиҳатдан беоқибат бўлишига олиб келади (масалан, юридик шахс вужудга келмайди, кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқ мавжуд бўлмайди ва ҳ.к.) бошқа жиҳатдан олганда ҳам, оммавий ҳуқуқ соҳасида баъзан суд тартибида ҳимоя қилиш қўлланилади, масалан, мансабдор шахсларни давлат бошқаруви ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга шикоят бериш тартиби мавжуд. Манфаатларни суд орқали муҳофаза қилиш эса хусусий ҳуқуққа кўпроқ хосдир.

Бироқ, бундай умумийлик оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этмайди, чунки ҳар иккала ҳуқуқий “мажмуалар” соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар турлича ҳуқуқий режимга эгадир. Бир неча асрлар давомида ҳуқуқшунос олимлар ҳар иккала ҳуқуқий “мажмуалар” ўртасидаги фарқларни белгиловчи мезонларни аниқлашга уринганлар. Охир-оқибатда маълум бўлдики, асосий фарқлар ҳуқуқий муносабатлар табиатидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқни бу муносабатларга таъсир қилиш характери ва усуллари билан боғлиқ экан.

Одатда, хусусий ҳуқуқда иштирокчилар эрки-иродаси автоном (мухтор) ва улар мулкий жиҳатдан мустақилдирлар ёки алоҳида мол-мулкка эгадирлар. Баъзан, мулкий муносабатларда бундай белгилар бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, солиқлар йиғими ва ҳуқуқбузарлик учун жарималар солиш орқали давлат бюджетини шакллантириш бўйича муносабатлар. Бундай ҳолларда тарафлар ўртасидаги муносабатда тенглик бўлмай аксинча, бу муносабатлар

ҳокимият ва бўйсунушга асосланади, бу эса ўз навбатида тарафларнинг эрк мухториятини (ўз хоҳишига кўра иш кўришни) истисно этади. Бир томонни иккинчи томондан ҳокимият бўйича бўйсунувига асосланган бундай муносабатлар (масалан, солиқ муносабатлари, молия муносабатлари) маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқини ёки бошқача айтганда оммавий ҳуқуқ мажмуасининг тартибга солиш предметини ташкил этади.

Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи харидордан товар қийматини тўлашни талаб этса, бу талаб шартнома тузилганда харидор ўзи ушбу шартга рози эканлигига асосланади. Агарда тарафлардан бири тузилган шартномани бузса вужудга келган низо тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади ёхуд низо ечимидан манфаатдор бўлмаган учинчи томон-суд томонидан ҳал этилади. Агарда шахсга тегишли пул маблағлари солиқ сифатида ушлаб қолинаётган бўлса, бунда шахснинг розилиги умуман талаб этилмайди, пулни олиб қўйишни учинчи тарафнинг ўзи, судга муро-жаат қилмаган ҳолда амалга оширишга ҳақли.



Юқорида фуқаролик (хусусий) ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг эрк мухторияти мавжуд эканлиги таъкидланган эди. Хусусий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг эрк мухторияти (эрк-иродасининг автономлиги) деганда, уларнинг мулкӣ муомалага киришишга нисбатан, айнан қайси контрагент билан, қандай шартлар асосида келишишга нисбатан эркин инон-ихтиёрини мавжудлигини англатади, бундай масалалар бўйича ечимлар, қарорлар иштирокчилар томонидан ўз ташаббусларига кўра, таваккал қилиш асосида ўз мулкӣ масъулиятини ҳис қилган ҳолда қабул қилинади. Улар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ёки оширмаслик, шу жумладан суд орқали у ёки бу мулкӣ талаб қўйиш масаласини ҳам ўзлари ҳал этадилар.

Ниҳоят, хусусий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкӣ жиҳатдан мустақилдирлар. Умумий қоидага кўра, улар ўз мол-мулкларига нисбатан мулкдордирлар ва худди шу сабабли олинган ҳосил-даромадларни ўзлаштиради ва айни вақтда келиб чиқадиган зарарлар ҳам уларнинг зиммасига тушади. Улар ўз мол-мулклари билан ўз мажбуриятлари бўйича мулкӣ муомаланинг бошқа иштирокчилари олдида жавоб берадилар. Бу эса, ҳақиқий жонқуяр ва ҳисоб-китобга пухта тадбиркор бўлишга ундайди ҳамда амалда шунга мажбур қилади.

Фуқаролик (хусусий) ҳуқуқ соҳасига шунингдек, баъзи номулкӣ муносабатлар ҳам киради, уларнинг иштирокчилари (ушбу муносабатлар доирасида, ушбу номулкӣ муносабатларни амалга ошириш, расмийлаштиришда мустақилдирлар.

Хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот нуктаи назаридан фуқаролик ҳуқуқини фуқароларнинг шунингдек, улар томонидан ташкил этилган юридик шахсларнинг хусусий (мулкӣ ва номулкӣ) муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳуқуқ тармоғи сифатида таърифлаш лозим бўлиб, бу ҳуқуқий

муносабатлар иштирокчилар ташаббуси билан шаклланади ва уларнинг (хусусий) манфаатларини қаноатлантиришга қаратилади.

Ушбу таърифдан хусусий ҳуқуқий ва оммавий ҳуқуқий ёндашувлар ўртасидаги туб, принципал тафовутлар яққол кўриниб турибди. Оммавий ҳуқуқий ёндашувда давлат ва жамоат (оммавий) манфаатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳокимият-ташкилотчилар, мажбурий асослар устунлик қилади. Хусусий-ҳуқуқий ёндашув эса, хўжалик фаолиятида ўзларининг (хусусий) манфаатларини амалга оширувчи иштирокчилари ташаббускорлиги ва мустақиллиги билан боғлиқ.

Албатта, иқтисодий, мулкӣ муносабатларни тартибга со-лишда ушбу ҳар бир ёндашув ўзининг афзалликларига ва нуқсон-ларига эга, шу сабабли ҳам уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон “соф ҳолатда” қўлланилмайди. Масалан, фавқулодда вазиятларда, яъни уруш ҳолларида, табиий офатларда, оммавий ҳуқуқий асосларни кучайтирмасдан ва кенг қўллагандан асло иложи йўқ. Бошқа томондан олганда, товарлар бозорида яққо ҳокимликка (монополияга) ва фирром рақобатга қарши кураш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шунга ўхшаш бошқа вазиятларда хусусий-ҳуқуқий асосларни чеклашга тўғри келиши табиий. Демак, муаммо давлатнинг мулкӣ муомалага аралашувига йўл қўйиш ёки уни истисно этишда, таъқиқлашда эмас, балки бундай аралашувни чеклаш учун қонунда уни доираларини ва шаклларини аниқ-равшан белгилаб қўйишда намоён бўлади.

Ўзбекистонда хусусий ҳуқуқни вужудга келиши ва ривожланиш тарихи фуқаролик ҳуқуқини вужудга келиши ва ривожланиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Айни вақтда хусусий ҳуқуқ нисбатан кенгрок тушунчадир. Шу сабабли ҳам хусусий ҳуқуқ ўз таркибига фуқаролик ҳуқуқидан ташқари халқаро хусусий ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқини ҳам қамраб олади. Ушбу ҳуқуқий тузилмалар йиғиндиси хусусий-ҳуқуқий оилани ташкил этади, деган қарашлар мавжуд.

Ўз-ўзидан равшанки, масалан давлат бошқарувидаги муноса-батлар унинг иштирокчиларининг эркинлиги ва мустақиллиги тамо-йиллари асосида ташкил этилиши мумкин эмас, чунки бу муноса-батларнинг характери унинг қатнашчиларига марказлаштирган таъсир бўлишини ва улар муайян поғоналар бўйича бўйсунуш тартибида жойлашувини назарда тутди. Иқтисодийда, айниқса, товарлар айирбошлаш соҳасидаги муносабатларда (яъни, бозорда) эса аксинча унинг иштирокчиларига ташаббуси ва тадбиркорлик бериш учун энг максимал даражада эркинлик яратиш зарур.

Хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳамда бир-бирига таъсир кўрсатиб туради. Бироқ, шуни таъкидлаш ўринлики, бу уларнинг бир-бирлари билан қўшилиб кетишига олиб келмайди, чунки юқорида таъкидланганидек, уларнинг ҳуқуқий тартибга солишда ёндашувларида туб, ўтиб бўлмас фарқлар мавжуд. Бироқ, улар ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш ҳам доимий, барқарор характерга эга. Масалан, фуқаролик процессуал ҳуқуқи оммавий-ҳуқуқий соҳага тааллуқли бўлса ҳам, хусусий ҳуқуқий таъсирлар остида тадбиркорлар ўртасидаги низоларни кўриш жараёнини тортишувчилик характерини кучайтириб юборди, низоларни ҳал

этишда ҳакамлик (нодавлат) шакллари кенг қўллашга йўл қўйила бошланди. Бироқ, шунга қарамай процессуал тартиб ўзига хос бўлган оммавий-ҳуқуқий характери сақлаб қолмоқда. Барча ривожланган ҳуқуқ-тартиботларида хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этишнинг икки тури сифатида, ҳуқуқий тартибга солишнинг икки мустақил, алоҳида тармоқлари сифатида мавжуд.

Хусусий (фуқаролик) ҳуқуқини чуқурроқ англаб етиш учун унинг тушунчасига, хусусиятларига эътибор беришимиз лозим. Хусусий ҳуқуқ хўжаликни бозор бўйича ташкил этишга асосланган ҳуқуқий тартибнинг ўзаги, негиздир. Тарихий тараққиётни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, хусусий-ҳуқуқий тамойиллар, масалан, мулк дахлсизлиги, шартномалар, зарурат тақозосига кўра у ёки бу чекловларга дучор бўлиб турган. Бундай чекловларнинг даражаси характериға қараб ҳуқуқий тизимлар турлари ва типлари фарқланади.

Шуниси диққатга сазоворки, энг қаттиққўл ва жоҳил тузумларда ҳам энг оғир ва шафқатсиз чеклов шароитларида ҳам хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) соҳаси ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмаган, чунки бизга маълум бўлган барча цивилизациялар товар хўжалиги ҳамда товарлар айирбошлашсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, бу истисно этилади. Аслини олганда, хусусий ҳуқуқ қадимги Рим даврларидан буён шахснинг «қўлини ва йўлини боғловчи» ҳар қандай маҳрумликлардан озод бўлиш, эркин мулкдорлик, шартномаларда эркинлик, васият қилишда эркинлик ва шу кабиларни муқаррар равишда талаб қилувчи эркин иқтисодий ривожланиш маҳсулидир.

Фуқаролик (хусусий) ҳуқуқ ҳар қандай ҳуқуқий тартиботда энг аввало мол-мулк муайян субъектларга тегишли (мансаблиги)ки улардан фойдаланиш бўйича турли муносабатларни тартибга солади, ушбу муносабатлар субъектлари (қатнашчилари) ушбу муносабатлар доирасида юридик жиҳатдан тенг бўлиб, уларнинг ҳуқуқий тизимни қадимий касаллик асосларига қайтиши (хусусий ва оммавий ҳуқуқдаги принципиал туб тафовутлар асосида) иқтисодиётни марказлаштирилган. Маъмурийлаштирилган поғона-ларга бўлувчи фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда хўжалик-ҳуқуқий ёндошув-лардан ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасига бундай «турдошлар»нинг ҳуқуқий табиатига қайта баҳо беришдан воз кечишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётини шаклланиш жараёнида илгари оммавий-ҳуқуқий соҳага кирган муносабатларни муайян даражада тижоратлашуви рўй беради. Масалан, ерга нисбатан мутлақ давлат мулкчилигидаги воз кечилган муайян ҳолларда ерга нисбатан хусусий мулкчилик жорий этиш мумкин бўлди, ерга нисбатан ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга йўл қўйилди. Лекин шундай бўлса ҳам Россия Федерациясидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси-да ер ҳуқуқи, табиий ресурсларга нисбатан ҳуқуқларни оммавий ҳуқуқ соҳасидан тўла чиқиб хусусий ҳуқуқ соҳасига ўтиши рўй бергани йўқ. Бироқ шунга қарамай, концессия шартномалари, маҳсулот тақсимотига оид билимларни



қонуний асосларга эга бўлгани ушбу соҳада ҳам хусусий ҳуқуқ ўз таъсирини ўткази бошлаганидан дарак беради, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида никоҳ шартнома-ларини мустаҳкамлаб қўйилганлиги эр-хотинга ўз мол-мулкларини ҳуқуқий режимларини ўзлари белгилашларига имкон беради, бу эса оилавий муносабатда хусусий ҳуқуқий асосларни ўсиб боришни кўрсатади. Оила ҳуқуқида номулкий элементлар мулк муносабат-ларга нисбатан устувор аҳамиятга эга, шунингдек никоҳ-оила алоқаларини ихтиёрий ва тенг ҳуқуқлилиқ асосига қурилади ва давлатнинг оилавий ишларга энг кам даражада аралашуви тамойили амал қилади (асосан, вояга етмаган болалар, меҳнатга лаёқатсиз эр-хотин манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларидагина давлат ҳокимият ваколатларидан фойдаланади). Фуқаролик ҳуқуқи предметида кенг доирадаги номулк муносабатлар (шаън, кадр-қиммат, ишчанлик обрўсини қўриқлаш, маънавий зиённи ундириш, хусусий ҳаёт сирларини, хусусий дахлсизлиқни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ҳ.к.) анъанавий равишда мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда оила ҳуқуқини хусусий ҳуқуқий табиати тўғрисида гапириш мумкин (ушбу ҳол барча илғор ҳуқуқ тартиботига асосланган мамлакатларда бетистисно амал қилади).



Баъзи муаллифлар ҳар ҳолда узил-кесил бўлмаса ҳам меҳнат ҳуқуқини хусусий ҳуқуқий табиатга эга деб ҳисоблайдилар. Меҳнат қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган меҳнат шартномаси тўғрисидаги қоидалар меҳнат ҳуқуқининг асосида ётади ва ҳозирги босқичда бу қоидалар янада ривожлантирилди. Меҳнат шартномаси ва фуқаролик шартномаси ўртасидаги умумийликни ҳам ёдда тутиш лозим.

Айни вақтда меҳнат ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишнинг асосий йўналишини ҳали ҳам меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун кенг доирадаги махсус социал кафолатларни белгилаш ҳисобланади. Бу кафолатлар табиийки, ижтимоий оммавий-ҳуқуқий манфаатларини кўзлаб белгиланади ва оммавий-ҳуқуқий усуллар орқали таъминланади. Демак, меҳнат ҳуқуқида оммавий-ҳуқуқий асослар ҳали ҳам кучли эканлигини эътироф этмоқ лозим. Айниқса, меҳнат ҳуқуқидан ажралиб чиққан ижтимоий таъминот ҳуқуқида белги яққол намоён бўлади. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик лозимки, қитъа, Европа ҳуқуқ тизимида, энг аввало герман шахобчасида меҳнат ҳуқуқи хусусий-ҳуқуқий тузилма сифатида қаралади.



Халқаро хусусий ҳуқуқ ўзининг асосий юридик белгиси (предмети ва тартибга солиш услуги) бўйича ҳеч қачон ўзининг хусусий-ҳуқуқий табиатини йўқотмаган (ривожланган мамлакатлар ҳуқуқий тартиботи тараққиёти нуқтаи назаридан олганда албатта). Бунинг устига назарий жиҳатдан олганда у деярли доимо фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми бўлган кичик тармоғи сифатида қараб келинган. Агар халқаро хусусий ҳуқуқий нормалар анъанавий равишда



амалдаги Фуқаролик кодексининг 6-бўлимида мустақкам ўрин олганлигини эътиборга олсак, у ҳолда халқаро хусусий ҳуқуқнинг хусусий ҳуқуқ оиласининг аъзоси сифатидаги ўрин бўйича ҳеч қандай баҳс-мунозара бўлишига асло ўрин йўқ.

Ривожланган мамлакатлар ҳуқуқ-тартиботида юридик шахслар тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий нормалар негизида одатда тижорат юридик шахслари ҳуқуқий мақомини (яъни, уларнинг вужудга келиши, рўйхатдан ўтказиш тартиби, фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, қайта ташкил этиш, тугатиш тартибини) белгиловчи нормалар корпоратив ҳуқуқ ёки «компаниялар ҳуқуқи» тушунчасида мужассамланадиган ўзига хос кичик тармоқни ифодалайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам корпоратив ҳуқуқ фаол шаклланиш босқичида турибди. Акциядорлик жамиятлари, тўлиқ ва коммандит ширкатлар, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, ишлаб чиқариш кооперативлари, холдинглар-ушбу тижорат тузилмаларининг ҳар бири ҳақида махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Айни вақтда корпоратив ҳуқуқ мустақил тармоқ бўлмай, у хусусий ҳуқуқ доирасида (савдо ҳуқуқи алоҳида ажралиб чиққан мамлакатларда эса унинг доирасида) мавжуд бўлишини унутмаслик лозим.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, фуқаролик ҳуқуқи хусусий ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартиботидаги хусусий ҳуқуқ тартиботидаги хусусий ҳуқуқ тизимида бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқидан ташқари оила ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ ҳам киради деб айтиш мумкин.

## Семинар машғулоти (2 - соат)

Ўқув машғулотнинг саволлари кичик саволларга бўлиниб “Баҳс-мунозара”, “кичик гуруҳларга бўлиш”, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали ўтказилади.

### Фуқаролик масалаларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя



қилиш;

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**3-мавзу:** Фуқаролик малалаларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар.



#### РЕЖА:

1. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик масалалари.
2. Чет элликлар, қочоқлар ва мажбуран кўчирилган шахслар ҳуқуқий ҳолати.
3. Бошпана ҳуқуқи тушунчаси ва турлари.

#### 1-ўқув саволи. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик масалалари.

Фуқаролик - жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишда ифодаланувчи мустахкам сиёсий- ҳуқуқий алоқадир.

Фуқаролик инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлани ифодаловчи (белгиловчи) ҳуқуқий алоқадир. Демократик давлатларда бу давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи ва фуқарога давлат томонидан ҳимояни тامينлаб берувчи тўла ҳуқуқий аъзоликни таъминлайди.

“Фуқаролик” атамаси “шаҳар” ва “шаҳарлик” сўзларидан келиб чиққан. Ингилиз тилида – “city”, - “cityzenship”. Немис тилида “бургер”- фақат фуқаро эмас балки шаҳарда яшовчи ҳамдир. Ушбу атаманинг изоҳи илк республикалар ўзини-ўзи бошқарувчи шаҳарларнинг тажрибаларини ўзлаштириб олганларидан бўлса керак. Ҳозирги кунга келиб расмий ҳажжатларда фуқароликни ифодалаш учун бошқа атамадан фойдаланилади: “nationality” (инг), “nationalite”(франц), “nazione”(итал). Бу давлатга тегишлилик маъносини беради. Эътиборни шунга қаратмоқ лозимки, “nation” атамаси келиб чиқишига кўра “миллат” деган маънони ифода этадиган, ҳозирги кундаги каби фуқароликдан ташқари “тегишлилик”, “тобелик” (“подданство”) атамалари ишлатилади.

Ўзининг мавқеи кўра фуқаро қонунда назарда тутилган барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва керакли мажбуриятларни олади. Фуқаро хорижда бўлган пайтда ўз давлатининг муайян қонунларига риоя этиш мажбуриятини олади, ўз навбатида давлат ҳам унга дипломатик ҳимояни таъминлаб беради.

Мамлакатларда фуқароликнинг турли хиллари ва даражалари мавжуддир. Нидерландия колонияларида туғилганлар “голландияга тегишли” шахслар мақомини оладилар. Уларнинг мавқеи Нидерландиянинг ўзида туғилган фуқароларникидан фарқ қилади. Бу ҳолат Буюк Британияда ҳам кузатилади. АҚШ, Россия каби федератив давлатларда эса фуқаролар федерал фуқароликдан ташқари федерация субъекти фуқаролиги мақомига ҳам эга бўладилар.

Швейцарияда эса федерал фуқаролик билан бирга кантон ва жамоа фуқаролигига эга бўладилар.



1992 йилдаги Маастрихт шартномасига мувофиқ Европа Иттифоқи таркибига кирувчи давлатларнинг фуқаролари ўз навбатида Европа Иттифоқи фуқаролари синалади. (Ушбу шартноманинг 8-моддаси).

“Фуқаро” атамаси 1789 йили Франциянинг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясида эълон қилинган ва юридик мустаҳкамланган эди. Натижада кейинчалик бу институт халқаро - ҳуқуқий аҳамият касб этади ва шахсни давлатга таалукчилигининг юридик жиҳатини ифодалайди.

Фуқароликда шахс ва давлат орасида сиёсий- ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий – маънавий муносабатлар ҳам бўлади. Бошқача айтганда, фуқаролик шахс билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқани белгиловчи фақатгина юридик маъногагина эмас, балки шахснинг жамиятга тегишлилиги ва унинг ҳаётдаги иштирокини белгиловчи ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.



Фуқароликни давлат аҳолиси билан боғлиқ ҳуқуқий категория сифатида ҳам қарамоқ лозим. Юқорида кайд этилган фактик маънодаги аҳоли давлат – ҳуқуқий маънодаги аҳолидан фарқланади. Бундан шундай мазмун келиб чиқадики, ҳудудий фуқаролик чегараланмаган негаки давлат – ҳуқуқий аҳоли таркибига ушбу давлатнинг фуқароларигина киради ва улар ҳоқ давлат ҳудудида, ҳоқ мамлакатдан четда бўлишидан катъий назар.

Фуқаролик институти икки томонлама ижтимоий – ҳуқуқий вазифани бажаради.

Бир томондан, фуқаролик ўз давлатидан ҳимоя олиш ҳуқуқи учун асос бўлса, бошқа томондан у давлат ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қуроли сифатида майдонга чиқади. Шахснинг ҳуқуқий мақоми ҳам, шахснинг давлат олдидаги масъулиятини назарда тутувчи юрисдикция ҳам фуқаролик билан боғлиқ, бундан ташқари фуқаролик институти ўзида миллий қонунчилик ва ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро мутаносиблигини ифодалайди.

Фуқароликка шахснинг субъектив ҳуқуқи сифатида қараш мумкин ва шу маънода индивиднинг фуқароликка бўлган ҳуқуқи тўғрисида сўзлаш лозим. Бунинг изоҳи сифатида 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 15-моддаси ва 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактнинг 24-моддаси 3 бандида ушбу ҳуқуқ тўғридан-тўғри кўрсатилганлигини келтириш мумкин.

Фуқароликка эга бўлиш (олиш). Ҳар бир давлат ўз суверенитетидан келиб чиқиб, фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш масалаларани мустақил равишда тартибга солади.

Фуқароликни олиш усуллари (йўллари)га туғилиш (филиация) асосида, натурализация асосида ҳалқаро шартнома асосида ва баъзи ҳолларда реинтеграция (қайта тиклаш) ва тақдим этиш асосида олишни киритамиз.

Туғилиш асосида (филиация) асосида фуқароликка эга бўлиш энг кўп тарқалган усуллардан ҳисобланади. Бу борада бир қатор ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида инсон туғилиши билан фуқароликнинг юзага келиши ҳуқуқига эгаллиги қайд этиб ўтилган

Филиация икки принцип асосида амалга оширилади: “қон ҳуқуқи” асосида ва “тупроқ ҳуқуқи” асосида. “Қон ҳуқуқи” (*jus sanguinis*) принципига мувофиқ дунёга келган инсон қаерда туғилишдан катъий назар ота онасининг фуқаролигини олади (асосан, Европанинг кўп мамлакатларида шунингдек Ўзбекистон Республикасида). “Ер ҳуқуқи” (*jus soli*) (ҳудудий принсп) принципига кўра эса бола қаерда туғилса, ўша ернинг фуқаролигини олиш хос. Бунда ўз навбатида, ота-онасининг фуқаролиги аҳамиятсиз бўлиб, бу шакл

Лотин Америкаси давлатларининг кўпчилигида мавжуд. “Дипломатик алоқалар тўғрисида”ги 1962 йилдаги Вена Конвенцияси ва “Консуллик алоқалари” тўғрисидаги 1963 йилги Вена Конвенциясиларига оид факультатив протоколларда кўрсатиб ўтилганидек хорижда туғилган дипломатлар ва консулларнинг болаларига нисбатан “тупроқ ҳуқуқи” қўлланилмайди.

Агар туғилган боланинг ота-онаси ҳар хил фуқароликдаги шахслар бўлса, унга ота-онанинг ўзаро розилиги асосида бирор тарафнинг фуқаролиги берилади.



Натурализация асосида фуқароликни олиш шахс узоқ муддат давомида яшаб, маҳаллийлашиб кетиши натижасида кели чиқади. У ҳам икки хилда бўлади. Индивидуал натурализация (аризага кўра) ва давлатнинг ҳуқуқий ворислигига кўра.

Натурализация тартибида фуқаролик олиш натураллашаётган шахс томонидан ихтиёрий хошиш иродани баён этиш актидир.

Давлатнинг розилигисиз натураллашнинг имкони йўқ. Давлатнинг ўз фуқаролигини бошқа давлат фуқароси ёки апатридга зўрлик билан беришга йўналтирилган бир томонлама ваколатлари халқаро ҳуқуқ нуқтаий назаридан ноқонуний ҳисобланади.

Бундан ташқари фуқароликни олиш учун бир қатор қўшимча шартлар ҳам қўйилиши мумкин: ушбу давлатнинг тили, тарихини билиши, муайян ёшга етганлик, ижобий хислатлар ва ахлоқ одобга эгалик.

Фарзандликка олиш ворисликни ўрнатиш, оталикни тан олиш, ҳарбий ёки давлат хизматига киришнинг ҳуқуқий оқибати сифатида қонун асосида натурализация қилиниши ҳам кўзда тутилган.

Оддий натурализациядан ташқари айрим давлатларда халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинмайдиган рўйхатга олиш (регистрация) билан фуқароликни олиш ҳам кўзда тутилган.

Халқаро шартномалар асосида фуқароликка эга бўлиш ва ўзгартириш. Бир қатор ҳолатларда бу жараён ҳудудий масалаларга оид тинчлик шартномаларининг ва махсус битимларнинг тўзилишида юз беради (бир неча давлатларнинг бирлашуви натижасида): янги давлатларнинг вужудга келиши бир давлатнинг бўлиниб кетиши натижасида бир неча давлатларнинг вужидга келишида. Бир неч янги давлатлар вужудга келган ҳолларда собиқ бўлиниб кетган давлат фуқароларида оптация ҳуқуқи мавжуд бўлади, яъни ўз ихтиёрларига мувофиқ илгариги фуқароликда қолиш ёки ҳудудда яшашига кўра фуқароликни танлаш ҳуқуқи.

Трансферт ҳолатида ҳудуд аҳолиси бир давлатдан бошқа давлатга ўтишда ўз навбатида фуқаролик ҳам уларнинг ихтиёридан қатъий назар ўзгартирилади. Бу ҳолат камдан кам учрайди.

Фуқаролик йўқотиш йўллари қуйидагича:

- фуқароликдан ихтиёрий равишда чиқиш (экспатриация);
- давлат томонидан натурализациялашган шахсларни фуқароликдан маҳрум қилиш (денатурализация);
- халқаро шартнома қоидаларига асосланган ҳолда;
- никоҳдан ўтиш, фарзандликка олиш ва бошқалар билан боғлиқ натурализация ҳолатларида фуқароликнинг ўзгаришида;
- ўзга давлат ҳарбий, ҳавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва кучларига кирганда ёки уларга ёлланганда.

Ўз навбатида бошқа давлат фуқаролигига кирганда идгарги фуқаролик йўқотилади.

Экспатриация, бунда фуқаро ўз инсон ихтиёрига кўшра ўз фуқаролигидан воз кечади, бу эркин ёки руҳсат олиш натижасида юз беради. Ўз фуқаролигидан чиқиш кўпинча уриш ҳолатларидагина чекланиши мумкин. Бу халқаро принспларга кўра ўз давлатини ҳурмат қилиш мазмуни билан ифодаланади.



Розилик асосида фуқароликни йўқотиш манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ ваколатли давлат органининг қабул қилган қарори билан амалга оширилади. Кўпгина давлатларда Ушбу ҳолат мавжуд. Лекин уларнинг айримларида албатта бошқа бир давлатнинг фуқаролигини олиш шarti қўйилади.

1930 йилдаги Гаага конвенциясида ва 1963 йилги Фуқароликнинг кўплигини камайтириш тўғрисидаги Европа конвенциясида бипатридларнинг фуқароликдан чиқиш ҳолатлари ва эркинлиги кўрсатиб ўтилган.

Аксарият давлатлар денатурализация махсус ички давлат ички ҳуқуқий актларига мувофиқ амалга оширилади, Ушбу актларнинг моҳияти шундан иборатки, натурализациялашган шахс ва унга фуқароликни тақдим этган давлат ўртасида алоқанинг йўқолишидир.

Бундан ташқари шахс ўзининг илгарги давлатида узоқ муддат давомида бўлиши, ўзи ҳақида нотўғри маълумот бериши ва фуқаролик мажбуриятларини қўпол бўзиш натижасида автоматик тарзда мажбурий равишда фуқароликдан махрум этилади.

Фуқароликдан махрум этиш давлат энг олий мансабдар шахси (масалан президент), давлат ҳуқуматининг олий органи ёки суднинг ҳукмига кўра амалга оширилади.

Кўп фуқаролик икки фуқаролик (бипатризм) – бу шахснинг икки ва ундан ортиқ давлатларнинг қонунларига мувофиқ икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эгаллигидир..



Икки фуқаролик (кўп фуқаролик)

- ҳудудий ўзгариш шароитида;
- аҳолининг кўчиши (миграцияси) натижасида;
- фуқароликни олиш тўғрисидаги қонунларни қўллашда коллизиялар мавжуд бўлганда;
- аралаш никоҳ ва фарзандликка олиш оқибатида;
- Натурализация ҳолатида агар бунда шахс илгарги

фуқаролигини йўқотмаса ва бошқа ҳолатларда рўй беради.

Бипатрид фуқаролиги бўлган давлат қонунлари асосидаги ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шунинг билан бирга Ушбу давлатлар олдида қўшалок мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Ушбу турдаги ҳуқуқий муносабатлар доирасида коллизия вужудга келиши мумкин. Бу давлатлар ўртасида ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий – иқтисодий характердаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Албатта, бипатрид ҳар бир давлат олдидаги ўзининг мажбуриятларини бажара олмаслиги мумкин, яъни унга фуқаролик берган давлатлар олдидаги, шундан сўнг бипатрид ва бундай қарашда камситилган давлат ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Халқаро амалиётда кўп фуқароликка бўлган унинг камида уч хил ёндашувни ажратиш мумкин: кўп фуқаролик (икки фуқаролик)ни тан олиш: кўп фуқаролик (икки фуқаролик)ни тақиқлаш: кўп фуқаролик (икки фуқаролик)ка йўл қўйиш. Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқий актлар асосида қуйидаги ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда бипатризмни бекор қилиш масалаларини хал қилиш имкониятига эга ва хал қилиб келмоқда: янги фуқаролик ни олган ҳолатда дастлабки фуқаролигини йукотиш “jus soli” – ( тупроқ ҳуқуқи) принципининг амал



килмаслиги; индивид (ўзи эга булган бирон бир фуқаролик дан ихтиёрий равишда воз кечиши; ва бошкалар.

Миллий ҳуқуқий нормалар ҳам, халқаро ҳуқуқий воситаларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уз навбатида бипатризмни бекор қилиш борасидаги бир қатор усулларини кузда тутди. Бу турдаги усулларга: оптация (фуқароликни ихтиёрий танлаш имконияти); ватани билан «кон ҳуқуқи» асосидаги реал алоқасини йукотган ингрантларга уз ота-оналарини фуқаролигини бериш; аралаш никоҳ булганда отанинг фуқаролигини алоҳида яшаганда онанинг ва ажралишга онанинг фуқаролигини бериш ва бошкалар.

*Фуқароликга эга бўлмаслик (апатризм)* тушунчаси остида шахснинг ҳеч бир давлатнинг фуқароси эмаслиги англашилади. Апатридлар макоми тўғрисидаги 1962 йилдаги конвенциясида «апатрид» тушунчасига тариф берилган. 1961 йил 30 августда БМТ доирасида «Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисида» ги конвенция қабул қилинди. У апатридларни давлат фуқаролигини доимий яшаш жойи олишлари учун қулай шароит яратиш ва шахснинг экспатриация пайтида апатрид макomini олиш имкониятини истисно қилишга қаратилган. Унга кўра шахснинг «Тупрок ҳуқуқи» асосида фуқаролик олишлари зарур.

Фуқаросизлик деб топиш учун қуйидагилар сабаб бўлади:

а) Давлат томонидан шахс фуқароликдан маҳрум этилса ва узок вақт давомида узга давлатнинг фуқаролигига эга булолмаса;

б) аёл кишининг никоҳга кириши сабабли фуқаролиги узгарса ва фуқароси булган давлат қонунчилигида унинг чет эллик билан никоҳдан утиши билан уз-ўзидан авалги фуқаролигини йукотиши назарда тутилган булса.

в) Фуқароликни йукотишда, агар бу шахс уз хохиши билан уз давлати фуқаролигидан чикса ва бошка давлат фуқаролигини олмаса

г) худудий узгаришлар оқибатидаги маълум ҳолларда апартизм уз-ўзидан маълумки, фуқаролиги йук шахс билан давлат ўртасидаги муштакам сиёсий –ҳуқуқий алоқа мавжудлигини истисно қилади ва шахс учун ҳам давлат учун ҳам номакбул таъсир курсатиши мумкин. Апартидларга давлатларда сиёсий ҳуқуқларда чекловлар қуйилади. Бундан ташқари улар бирор бир давлатнинг дипломатик химоясига даво қила олмайдилар.

## 2-савол Чет элликлар, кочоқлар ва мажбуран кўчирилган шахслар ҳуқуқий ҳолати

эга



Чет эллик – ўзи яшаб турган давлат фуқоролигига бўлмаган, аммо ушбу давлат ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган ва бошқа бир давлат фуқоролигида бўлган шахс.

Чет элликларнинг ҳуқуқий мақоми ўзи яшаб турган давлатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартларни ҳисобга олган ҳолда ушбу давлат томонидан кафолатланган. Уларнинг ҳуқуқ эркинлик ва мажбурият мажмуини ўзида ифода этади.

Чет элликларнинг – ҳуқуқий ҳолатига таъсир килувчи халқаро – ҳуқуқий ҳужжатларда «чет эллик» тушунчасининг таърифи йук. 70 йилларнинг бошида истиқомат килувчи давлатнинг фуқоролари бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолат тўғрисидаги декларация лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида «фуқаро бўлмаган» тушунчаси пайдо булди ва у кейинчалик «чет эллик» тушунчаси билан алмаштирилди.

Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати бир катор халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам белгиланади. Камситмаслик тамойили, инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳуқуқий нормаларда алоҳида такидлаб утилган. Бу тамойил Ирқи, миллати, терисининг ранги, диний карашлари, сиёсий ва бошқа карашлари, тили, миллат ва ижтимоий келиб чиқиши ва бошқаларга кўра камситишга йул қуймасликга асосланади.



Хар бир чет эллик шахс уз давлати, яни фуқоролиги булган давлатнинг ҳуқуқий химоясига таяниш ҳуқуқига эгадир. Бу борада купгина халқаро аҳамиятга эга ҳужжатларда коидалари мавжуд. Дипломатик химоя тушунчасига тариф берадиган булсак бу давлатнинг ташки муносабатлари органи оркали чет элда булган уз фуқаросига унинг ҳуқуқлари паймол ёки паймол қилинишига ўриниш булганда курсатиладиган химоядир.

Чет элликнинг ҳуқуқ ва манфаатлари у яшаб турган давлат томонидан химоя қилиниши принципи- фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йилги халқаро пактда курсатиб утилган.

Бир катор давлатларнинг конунларда давлат уз ҳудудидаги чет элликларни химоя килиш борасидаги мажбуриятлари мавжудлиги хакидаги коидалар ҳам акс этган. Бу ҳолат миллий режимда кузатилиб, унга кўра давлатдаги чет элликлар ушбу мамлакат фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади.

Бу дегани чет элликлар тула равишда фуқаролар билан тенглаштириб қўйилмайди. Чет элликлар, аввало халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш. Конституцияси билан белгиланган мажбуриятларни бажариш билан бирга, улар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, адвокатлик ва нотариатлик фаолияти билан шугулланиш, судьялик қилиш ҳуқуқига эга бўлишмайди.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасида ҳам амал қилади.

Энг қўл қўлайлик яратиш режими – чет элликларга ҳар қандай учинчи давлат фуқаролари фойдаланаётган ёки фойдаланадиган ҳуқуқ ва эркинликларни бажарилишидир. Бу тартиб мутлоқ шартномавий табиатга эга.

Бундан ташқари чет элликларга махсус ҳуқуқларни беришга оид режим ҳам одатий ҳолат сифатида қаралади. Бу режим маълум имтиёз ва устунликларни беришни назарда тутиш билан ажралиб туради ва қоидага қўра қўшни давлатлар билан муносабатларда, масалан, аҳолининг чегара олди алоқалари соҳасида мавжуд бўлади.

Кочоклар муаммосига бағишланган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжат ХХ асрнинг 20 –йилларида тўзилган. Иккинчи жаҳон уришидан сўнг БМТ доирасида кочоклар муоммосини ҳал этиш учун БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашнинг ёрдамчи органи сифатида кочоклар ишлари бўйича Бош комиссар бошқармаси иш бошлади. Унинг вазифасига кочокларнинг халқаро ҳимоясини таъминлаш ва иқтиёрий репатриция ёки бошқа давлатларга ассимиляция қилиш йўли билан уларнинг муаммоларини тулик ёки узок муддатликга ечимини топишдан иборат.

Ирқий белгиси доимий эътиқоди, фуқаролиги ёки сиёсий қарашларига қўра тақиб қўрбони бўлишнинг асосли таҳдидига қўра уз фуқаролиги давлатидан ташқарида бўлган ва бу давлат ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёки фойдаланишни хохламаган ҳар қандай шахс БМТ кочоклар ишлари бўйича Бош комиссар бошқармаси мандати ёки ҳимояси остидадир .

1951 йил 28 июлда қабул қилинган кочоклар мақоми тўғрисида конвенциянинг 1-моддасига қўра кочок бу ирқий белгиси, диний қарашлари, фуқаролиги, маълум ижтимоий гуруҳга тегишлилиги, ёки сиёсий қарашларга қўра тақиб қўрбони бўлишдан қўрқиб, уз фуқаролиги давлатидан ташқарида бўлган ва шу давлат ҳимоясида фойдалана олмайдиган ёки фойдаланишни хохламайдиган, ёки тақиб қўрбони бўлишдан қўрқиб қайтишни хохламайдиган ёхуд маълум фуқароликга эга бўлмаган ва ўзининг аввалги доимий яшаб турган жойидан ташқаридан бўлиб, шундай қўрқувлар туфайли у ерга қайта олмайдиган ёки қайтишни хохламайдиган шахсдир.

Кочокнинг шахсий макоми яшаётган давлат конунлари билан белгиланади.



МДХ доирасида кочоклар ва мажбуран кучганлар муаммосига оид 1993 йил 24 сентябрда Масквада қочоклар ва кўчган шахсларга ёрдам курсатиш тўғрисида битим имзоланган.

Мажбуран кўчирилган шахслар - бу иккинчи жаҳон уруши даврида немис босқинчилари ва уларнинг иттифоқи кушинлари томонидан улар ишғол қилган ҳудудлардан ишчи кучи сифатида мажбуран олиб кетилган шахслардир.

Уруш тугаганидан сунг мажбуран кучирилган шахсларни уларнинг доимий яшаш жойларига қайтариш масаласи билан 1946 йилда тўзилган кочоклар ишлари буйича халқаро ташкилот шугулланади.

### **3-ўқув саволи: Бошпана ҳуқуқи тушунчаси ва турлари.**

Бошпана ҳуқуқи нормалари унификация қилишга илк ўринишларидан бири 1950 йилда халқаро оммавий ҳуқуқда бошпана масаларига оид ҳужжатнинг қабул қилинишидир. Унга кўра бошпана давлатнинг ўз ҳудудида еки жойларда унинг маълум органлари назорати остида булган ва бошпана излаётган шахсга курсатадиган хомийлигидир.

Бошпана қуйидаги турларга бўлинади;

а) чет эл фуқаросига бошқа бир давлат томонидан уз ҳудудидан бошпана бериш.

б) дипломатик хорижий давлатнинг дипломатик еки консуллик ваколатхонаси ҳудудидан айрим шахсларга бошпана бериши

Бошпана институти тўғрисидаги қоидалар 1948 йил ги инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва ҳудудий бошпана тўғрисидаги 1967 йилги декларацияларга киритилган.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ БМТ мақсадларига зид жиноятлар содир этилганлиги учун таъкиб қилинаётган чет элликлардан ташқари ҳар қандай шахс бошқа давлатларда бошпана излашга бошпана олиш ҳуқуқига эгадир.

Бошпана институти давлат суверинететига асосланган ва бутунлай сиесий характерга эгадир. Шахсга уз ҳудудидан бошпана берган давлат бу шахснинг хавфсизлигини қафолатлаш уни таъкиб қилиши мумкин булган давлатга топширмаслик ва чиқариб юбормаслик ҳамда унга асосий ҳуқуқ ва эркинликларни бериш мажбуриятини олади.



Бошпанадан ташкари вақтинчалик яшириниш ҳуқуқи ҳам мавжуд. Уларнинг бир биридан фарқи шундан иборатки вақтинчалик яшириниш ҳуқуқи вақтинчалик соғлиги еки ҳаётига ҳавф мавжудлигида элчихонада, элчининг резиденция(кароргоҳи) еки автомобилида ушбу ҳавф утиб кетгунича яшириниш имкониятини бериш тушинилади. Бошпана ҳуқуқи эса доимий равишда (асосда) берилади.

Топшириш(экстрадиция) ва чиқариб юбориш ўртасидаги фарқи.

-топшириш (экстрадиция) – ҳуқуқий ердан ҳаракати булса, чиқариб юбориш- маъмурий –ҳуқуқий ҳаракатидир.

- топшириш (экстрадиция) – фақатгина топшириш тўғрисида талабнома мавжуд булган ҳолда амалга оширилади.

Турли давлатларнинг бошпана тўғрисидаги қонунчилигига кўра, шахснинг уз ватанида сиёсий сабабларга кўра таъкиб қилиниши унга бошпана берилишига умумий асос бўлади.

Куйидаги ҳолларда бошпана берилмаслиги умум эътироф ҳисобланади

Халқаро жиноятлар содир этган шахсларна (ҳарбий жиноятчиларга ва бошқаларга).

қуп томонлама халқаро ҳужжатларга кўра топширилиши керак булган, халқаро миқёсда жиноят содир этган жиноятчиларга (масалар, самолётларни олиб қочиш, наркотик моддаларва психотроп воситаларни ноқонуний равишда тарқатиш).

давлатларнинг топшириш тўғрисидаги икки еки қуп томонлама шартномаларида топшириш назарда тутилган жиноятчилари

БМТ мақсад ва принципларига зид келувчи қилмиш лар содир этган шахсларга



Ноқонуний тарзда бошпана берилганда. давлат бошпана берган давлат эса уни топширишга мажбурдир. Давлатлар ҳудудида жойлашган элчихона ва дипломатик корпуслар уз дахлсизлигидан (иммунитетидан) фойдаланган ҳолда айрим шахсларга дипломатик бошпана беришда дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенциясини бузмаслиги шарт.

**Фуқаролик малалаларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар**

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим

олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;  
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -

- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс мунозара саволлари”:

1. Норматив ҳужжат тушунчаси нима?
2. Қонун ҳужжатлари нима?
3. Қонуности ҳужжатлари нима?
4. Норматив ҳужжатларнинг яратилиши?

Мустақил таълим учун топшириқ:

1. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик масалалари.
2. Чет элликлар, қочоқлар ва мажбуран кўчирилган шахслар ҳуқуқий ҳолати.
3. Бошпана ҳуқуқи тушунчаси ва турлари.

**МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)**



**4-мавзу: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ва асосий қоидалар.**




**РЕЖА:**

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазифалари ва принциплари.
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик соҳасида ваколатли давлат органлари ва асосий қоидалар.

**1-савол. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазифалари ва принциплари.**

**«Тушунтириш». Эркин ёзиш топшириғи**

**“Мен маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазифалари ва принциплари ҳақида нималарни биламан?”**



**АСОСИЙ ҚИСМ**

**1-савол.**

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1-моддасига биноан, маъмурий жавобгарлик**

### **тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қоидалари мазкур кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

### **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидагиларни (МЖТК 2-моддаси):**

- инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни;
- давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни;
- ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини;
- шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни;
- фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни **ўз олдига вазифа қилиб қўяди.**

Бу вазифаларни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс – қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

### **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги принципларга асосланади(МЖТК 2-моддаси):**

- қонунийлик;
- фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;
- демократизм;
- инсонпарварлик;
- одиллик;
- айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

## **2-савол. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик соҳасида ваколатли давлат органлари ва асосий қоидалар.**

**«Оғзаки баён».** Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида ваколатли давлат органлари маъмурий қонунчилик тизимида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиб борганлиги сабабли ваколатли давлат органлари таркиби ҳам ўзгариб бориши табиийдир. Шу боис, айтиш жоизки, ҳозирги кунга келиб маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг умумий қисми 4-моддасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари, 5-моддасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатлари белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари деб номланган 6-модда эса, 2020 йил 28 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-638-сонли қонунинга асосан ўз кучини йўқотди ва кодексдан чиқарилган<sup>1</sup>.

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари (МЖТК 4-моддаси) қуйидагилардан иборат:**

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаб бериш;

- маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

- вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари ҳамда ҳокимлари маъмурий жавобгарлик назарда тутилаётган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш.

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон.



**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатлари (МЖТК 5-моддаси) қуйидагилардан иборат . (МЖТКнинг 90, 109, 110, 161, 164-модданинг иккинчи қисмига, 168-моддасига биноан бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қоидаларни белгилаш)):**

- жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича, башарти бу масалалар МЖТК билан тартибга солинмаган бўлса;

- табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича маъмурий жавобгарлик белгилаш;

- бузилиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган қуйидаги:

- ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини (90-м);

- ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини (109-м);

- ит ва мушук боқиш қоидаларини (110-м);- шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларини (161-м);

- савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини (164-м);

- бозорларда савдо қилиш қоидаларини (168-м) белгилаш.

**Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 9-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиши қуйидагича белгиланган.**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турувчи қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очик ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, амалдаги МЖТКга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик

тўғрисидаги иш кўрилатган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади.

Амалдаги МЖТКда маъмурий жавобгарликнинг таърифи берилмаган бўлсада маъмурий ҳуқуқшунос олимларнинг бу борада бир қанча фикрлари мавжуд. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида маъмурий мажбурлашнинг бир тури ҳамдир.

Маъмурий жавобгарлик - айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик - маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бўлиб, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

**Маъмурий жавобгарлик** – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан огоҳлантириш, маъмурий жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

#### *Маъмурий жавобгарликнинг хусусиятлари:*

➤ маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг меъёрий – ҳуқуқий асосига эгадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва қонуности ҳужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

➤ маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (қонун бузилиши ва ножўя хатти-ҳаракат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ножўя хатти-ҳаракат, моддий жавобгарликда – моддий зарар етказиш ҳисобланади;

➤ бу давлат мажбурлови бўлиб, давлат фаолиятининг турли соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади;

➤ маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;

➤ жиноий жавобгарликка нисбатан енгил жазо қўлланилади ва жазо муддати қисқа белгиланади.

**Шунингдек, МЖТКнинг 7-моддаси маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган.** Унда белгиланганки, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга

йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

**МЖтКнинг 8-моддаси маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш бўлиб, унда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас.**



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

**МЖтКнинг 9-моддаси.....**

**Савол мазмуни кўриб чиқилгандан сўнг хулоса қилинади.** Шундай қилиб, шахснинг содир этган қилмишини маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш учун *биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари - ҳуқуққа хилофлик, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги ва *иккинчидан*, юридик таркиби - маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши керак. Шундагина мазкур қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб маъмурий жавобгарлик юзага келади.

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ва асосий қоидалар**

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш



методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;  
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -

- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



**“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**

**“Баҳс мунозара саволлари”:**

1 Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазифалари ва принциплари.


2 Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик соҳасида ваколатли давлат органлари ва асосий қоидалар..

**Мустақил таълим учун топшириқ:**

4. Ҳуқуқ нормасининг таркибий қисимлари қандай.
5. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва тузилиши қандай.
6. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни?

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

### 5-мавзу: Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик



#### Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби.
2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва унинг субъектлари.



#### 1-ўқув саволи: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси ва таркиби.

Юридик адабиётларда маъмурий жавобгарликни қўллашнинг икки асоси кўрсатиб ўтилган: *биринчидан*, қонуний ҳуқуқий (норматив); *иккинчидан*, маъмурий ножўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик).

Ҳар иккала асос ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда МЖтК) 1-моддасида маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий (норматив) асоси мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 10-моддасига биноан эса, *маъмурий ҳуқуқбузарлик* деганда (фактик асоси), қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 15 май қонунининг 3-моддасига кўра, **ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб белгиланган.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи хулқатвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган хулқатвор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади.

Хуқуқбузарлик ўрнатилган хулқ-атвор қоидаларининг бузилишида ифодаланади. *Маъмурий хуқуқбузарлик қуйидаги уч хил аломатни ўз ичига олади:*

- 1) ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- 2) айбдорлик;
- 3) жавобгарликка тортиш.

Маъмурий қонунчилик томонидан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ғайрихуқуқий маъмурий хуқуқбузарлик деб ҳисобланади.

Давлат бошқаруви соҳасида содир этиладиган ва кўп учрайдиган хуқуқбузарлик кўринишларидан бири бу *маъмурий хуқуқбузарликдир*.

Маъмурий хуқуқбузарликнинг мазмуни амалдаги қонунчилигимизда аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, қуйидаги *умумий хусусиятларга эгадир:*

*биринчидан*, маъмурий хуқуқбузарлик – *ижтимоий зарарли* ҳисобланади, яъни уларнинг содир этилиши билан жамият ва фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига маълум бир моддий ва маънавий зарар етказилади; *иккинчидан*, маъмурий хуқуқбузарлик – *маъмурий хуқуққа хилоф* ҳисобланади, яъни бундай хатти-ҳаракатларни содир этиш қонун ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри тақиқланган.

Айрим ҳолларда, маъмурий хуқуқбузарлик маъмурий – хуқуқий нормаларни бузиш маъносида талқин қилинади. Лекин шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, маъмурий-хуқуқий нормалар турли кўринишга эга, масалан, намунали хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи тартибга солувчи маъмурий-хуқуқий нормалар ва бу қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарликни ўрнатувчи, муҳофаза этувчи маъмурий-хуқуқий нормалар.

Хуқуқбузарликларга қарши курашишда, одатда, уч кўринишдаги: *интизомий, маъмурий ва жиноий жазо* санкцияларидан фойдаланилади. Мазкур санкциялар барча хуқуқ тармоқларида муҳофаза қилиш вазифасини бажаради. Масалан, маъмурий жавобгарлик конституциявий, молия, меҳнат, фуқаролик, ер ва бошқа хуқуқ тармоқларининг тартибга солувчи нормаларини муҳофаза қилиш мақсадида қўлланилади.

Шу сабабли, маъмурий хуқуқбузарлик умумий маъмурий-хуқуқий нормалар бузилиши сифатида эмас, балки аниқ тартибга солувчи нормалар бузилиши сифатида талқин қилиниши лозим; *учинчидан*, маъмурий хуқуқбузарлик бу *қилмишдир*.

Маъмурий хуқуқбузарлик – бир ёки бир неча инсонларнинг онгли ва иродали ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланади; *тўртинчидан*, маъмурий хуқуқбузарлик – *жисмоний шахс* томонидан содир этиладиган қилмишдир. Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга биноан маъмурий хуқуқбузарликнинг субъекти сифатида фақатгина жисмоний шахслар намоён бўлиши мумкин; *бешинчидан*, маъмурий хуқуқбузарликда *айбнинг мавжудлиги*, яъни маъмурий хуқуқбузарлик қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган онгли, иродали қилмиш ҳисобланади.

*олтинчидан*, маъмурий хуқуқбузарлик – *жазога сазовор* қилмишдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг биринчи

қисмига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан *маъмурий жавобгарликка* тортиш назарда тутилган қилмиш тушунилади.



Шундай қилиб, *маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда*, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Қонун чиқарувчи маъмурий ҳуқуқбузарликларга тавсиф берар экан, жиноятлардан фарқли ўлароқ, уларни ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар деб атамаган (Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддаси биринчи қисми.). Бу билан ҳуқуқбузарликлар мазкур икки турининг сифат фарқлари қайд этилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ўртасида жиноятларга туташиб кетадиганлари ва уларга яқин турадиганлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги чегарани аниқлаш муаммоси вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг МЖТК Махсус қисмининг кўпгина ифодалари маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан уларга яқин жиноятлар ўртасидаги аниқ чегарага эга эмас ёки ана шундай чегаралар ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайди. Улар фақат Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари қиёсланганда намоён бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик билан жиноятлар ўртасидаги фарқловчи хусусиятлар (чегара чизиқлари) сифатида: *биринчидан*, оғир оқибатларнинг мавжудлиги, ана шундай оқибатларнинг рўй бериши мумкинлиги; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарнинг миқдори; *учинчидан*, маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг такроран ҳуқуқбузарликни содир этиш ва бошқалар кўрсатиб ўтилади.

Қилмиш жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлангандан сўнг, жавобгарликка тортиш тартиби, жазо чораси ва бошқаларда намоён бўлувчи *иккинчи даражали хусусиятлар* вужудга келади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан 16 ёшга тўлган фуқаролар, Жиноят кодексига биноан эса айрим жиноятлар учун 14 ёшга тўлган фуқаролар жавобгарликка тортилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби** – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади.



Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик таркиби сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони каби хусусиятлар йиғиндисидан иборат бўлади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти* – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда, давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ нормалари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.) нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам вужудга келади. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига маъмурий жавобгарлик нормалари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарлик объекти, одатда уч гуруҳга бўлинади:

*биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *умумий объекти* – давлат бошқаруви жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддаси биринчи қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик объекти умумий ҳолда – «шахс, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулкчилик, давлат ва жамоат тартиби, табиий муҳит» кўрсатиб ўтилган;

*иккинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *турдош объекти* – мазмуни ва ўзаро яқин хусусиятларига қараб ягона тизимга келтирилган объектлардир.

*учинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *бевосита объекти* – ҳуқуқбузарлик оқибатида бевосита зарар етказилган, аниқ объект ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасида мустаҳкамланган туҳмат ҳуқуқбузарлигининг бевосита объекти – фуқаронинг шаъни ва кадр-қиммати ҳисобланади ёки 237-моддасига биноан ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилишдан бош тортишда ифодаланган ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти – бошқарув жараёнида ўрнатилган тартиб, яъни фуқароларнинг ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ мажбурияти ҳисобланади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони* – бу ҳуқуққа хилоф қилмишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томондан икки кўринишга эга:

*биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликни *ҳаракат* натижасида содир этиш. Ҳаракат – инсоннинг фаол хулқ-атвори ҳисобланади.

Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар, объектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, туҳмат, ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатлар натижасида содир этилади; *иккинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг *ҳаракатсизлик*

натижасида келиб чиқиши. Ҳаракатсизлик – инсоннинг пассив хулқатвори бўлиб, одатда, белгиланган вазифани, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади. Масалан, мансабдор шахслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаганлик, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

*Ҳуқуқбузарликни содир этиш шароитлари*, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томонининг элементи сифатида, уни содир этиш вақти ва услубини назарда тутди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 90-моддаси иккинчи қисмида ов қилиш қоидаларини бузишнинг шартлари, яъни тегишли рухсати бўлмағи туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки услублар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш кўрсатиб ўтилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган, мазкур ҳуқуқбузарликнинг ташқи кўринишини ифодаладиган хусусиятлар йиғиндисидир. Объектив томон – қилмишни ҳуқуқбузар ташқи хулқ-атворининг кўриниши сифатида ифодалади. Объектив томон хусусиятларига: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва уларнинг содир этилиши билан вужудга келган зарарли оқибат киради. Масалан, транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш – ҳаракат тезлигини ошириш (*ҳаракат*), йўл белгиларига риоя этмаслик (*ҳаракатсизлик*)да ифодаланувчи турли хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай қилмишлар натижасида: йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф солиниши, бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит бериш, авария ҳолатини вужудга келтириш ёки йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига олиб келиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томонининг таркибий қисмларига, ҳуқуққа хилоф қилмиш (*ҳаракат ёки ҳаракатсизлик*) ва вужудга келган зарарли оқибатдан ташқари, *содир этилган қилмиш ва ундан келиб чиқадиган зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш* ҳам киради. Бундай боғланишни аниқлаш – зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши шароитларини, зарарли оқибатларнинг айнан мана шу ёки бошқа қилмиш оқибатида вужудга келганлигини, қилмишнинг вужудга келган оқибатларга қай даражада таъсир этганлигини ва бошқаларни аниқлашга хизмат қилади. Лекин маъмурий ҳуқуқбузарликда сабабий боғланишни аниқлашга ҳожат йўқ, чунки қоида бўйича вужудга келган зарарли оқибатлар *номоддий* ва одатда *ижтимоий зарар* ёки *ижтимоий хавфли* кўринишларда бўлади. Шу сабабли, ҳуқуққа хилоф қилмиш билан унинг оқибати ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига шубҳа туғилмайди.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс – *маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти* ҳисобланади. Буларга 16 ёшга тўлган ақли расо шахс, мансабдор шахс, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ҳарбий хизматчилар ва бошқа интизом устави татбиқ этиладиган шахслар киради.



*Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони* – ҳар қандай ҳуқуқбузарлик сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам ҳуқуққа хилоф *айбли* содир этилган қилмиш ҳисобланади. Айбдорлик қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида юзага келиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг энг муҳим белгиларидан бири қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган айбдир. Ушбу моддада қасддан содир этилган айб тушунчаси очиб берилади. Шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун жавобгарликка тортилар экан, барча ҳолларда бундай айб қилинган бўлиши зарур. Бу хилдаги ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилиши мумкин. Кодекс Маҳсус қисмининг айрим моддаларида айбнинг қасддан содир қилинган шакли тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилади. Булар маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ҳарбий билетни, ҳарбий ҳисоб хужжатларини қасддан яроқсизлантириш (236-модда), муҳрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш (228-модда) каби таркибларидир. Бироқ кўпчилик ҳолларда ҳуқуқбузарлик таркибининг субъектив томони тўғрисида Маҳсус қисмининг тегишли моддасида келтирилган барча белгиларни таҳлил қилиш асосидагина хулоса чиқариш мумкин. Қасддан содир этилган айб, хусусан, албатта ғаразли ният билан боғлиқ бўлиб, мақсад белгиси гувоҳлик берадиган, масалан, милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, майда безорилик қилган вақтда жамиятдаги хулқатвор қоидаларини қасддан менсимаслик, транспорт воситаси ҳайдовчисининг мастлик ҳолати тўғрисида кўрикдан ўтишдан бош тортиши ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар таркибида қасддан содир этилган айбнинг мавжудлиги айбдорга нисбатан янада қаттиқроқ жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, шахсининг содир этган қилмишини маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш учун *биринчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари – ҳуқуққа хилофлилик, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги ва *иккинчидан*, юридик таркиби – маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши керак.

**2-ўқув саволи:** Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва қилмишни истисно қилувчи ҳолатлар.

**Маъмурий жавобгарлик** - айбдорга нисбатан маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган доирада жазо қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиши билан бирга ўзига хос қуйидаги хусусиятларга эга:

а) бу давлат мажбурлови бўлиб, давлат фаолиятининг ҳар-хил соҳаларида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланади;

б) бу жавобгарликка давлат қонунлари ва қарорлари асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан айбдор шахслар тортилади;

в) маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;

г) енгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа белгиланади;

д) жавобгарлик белгиловчи субъектлари билан фаркланади; иш интизомини бузганлик учун бошлиқ раҳбар томонидан интизомий жавобгарликка тортилади, давлат томонидан ваколатли органлар маъмурий жавобгарликка мансабдор шахслар ва фуқароларни тортади;

е) моддий жавобгарлик моддий зарар етказилгандагина қўлланади, маъмурий жавобгарликка моддий зарар етказилмаган бўлса ҳам тортиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар 16 ёшга тўлган пайтдан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортилади. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда кўзда тутилган чоралар қўлланилади. Бу шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61, 116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>, 116<sup>3</sup>, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 138, 183, 185, 185<sup>1</sup>, 185<sup>2</sup>, 185<sup>3</sup>, 194, 194<sup>1</sup>, 209<sup>1</sup>, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларнинг ишлари одатда, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларга берилиши мумкин, кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар бундан мустасно, МЖТКнинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса юқоридаги комиссияларга берилиши лозим. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам умумий асосда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мансабдор шахслар ҳам бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиатни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва ўз хизмат вазифаларини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа қоидаларга риоя етмаганликлари сабабли маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон фуқаролари каби умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортилади. Дипломатик иммунитетдан фойдаланувчи чет эл фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этса, амалдаги қонунларга ва Ўзбекистоннинг дипломатик шартномаларига биноан бу масала дипломатик йўл билан ҳал қилинади.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий ва раҳбар ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганликлари учун интизомий уставга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортилади. Бу шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чораси қўлланиши

мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларга жарима солиниши мумкин эмас.

Юқоридаги шахслар жумласига кирмайдиган лекин интизом устави ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик қилганликлари учун ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилади, бошқа пайтларда эса умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган айбдор шахс ҳаракатларида тегишли нормадаги ҳуқуқбузарликнинг барча элементлари мавжуд бўлса, шахс жавобгарликка тортилади.

### **Маъмурий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар.**

Маъмурий ҳуқуқ нормалари маъмурий жавобгарликни қўллашни кўзда тутган ҳолда баъзи бир сабабларга кўра маъмурий жавобгарликдан озод қилиш йўллари белгилайди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси нормаларидаги ҳуқуқбузарликларидан бирини шахс содир этган бўлиб, лекин у бу ҳаракатни ўта зарурат юзасидан, яъни давлат ёки жамоат тартибга, мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ва бошқарув юзасидан белгиланган тартибга таҳдид қилувчи хавфни бартараф этиш учун қилган бўлса, бундай шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Қонунда ушбу ҳолатлар маъмурий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар деб аталади.

Маъмурий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. **Зарурий мудофаа** - МЖтКнинг 18-моддасига мувофиқ, маъмурий қонунчилиги норматив ҳужжатларида назарда тутилган, лекин зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.


**Қилмишни зарурий мудофаа деб топиш учун қуйидаги шартлар мавжуд:**

1. Хавфнинг реаллигини шахс англаб етиши;
2. Зарар зарурий мудофаа хавф тугамасдан олдин етказилиши.

Қилмишни зарурий мудофаа чегарасида содир этилган деб топиш учун – ушбу қилмишнинг содир этилиш вақтини аниқлашимиз лозим бўлади. Яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказувчи ҳаракатлар тажовуз тугалланмасдан олдин, хавф давом этаётган даврда амалга оширилган бўлса, бу қилмиш *Зарурий*

*мудофаа вақтида содир қилинган деб топилади.* Айрим ҳолларда шахс хавф манбаининг йўқолганлигини англаб етмаган бўлса, шахснинг ушбу вақтдаги ҳолатида англаб етишга имкон бўлмаган бўлса, зарар зарурий мудофаа ҳолатида содир қилинган деб топилади.

Қилмишни зарурий мудофаа чегарасида деб топувчи шартлардан яна бири *етказилган зарар олди олинган зарардан кам ёки тенг бўлиши* лозим. Лекин айрим ҳолларда хавф манбаининг (хуқуқбузар шахснинг жисмоний кучи, уларнинг сони, фойдаланаётган қуроллари) жабрланувчига нисбатан устунлиги инобатга олиниб, етказилган зарар олди олинган зарардан кўп бўлган тақдирда ҳам зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаган ҳолда содир қилинган қилмиш деб топилади.



2. **Охирги зарурат** - МЖтКнинг 19-моддасига мувофиқ, маъмурий қонунчилиги норматив ҳужжатларида назарда тутилган, ҳуқуқларга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда *етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса*, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

**Қилмишни охирги зарурат деб топиш учун қуйидаги шартлар мавжуд:**

1. Хавфнинг реаллигини шахс англаб етиши,
2. Хавфни бартараф қилишнинг бошқа чораси йўқлиги,
3. Зарар хавф манбаи йўқолишидан олдин етказилган бўлиши,
4. Етказилган зарар олди олинган зарардан кам бўлиши лозим.

**Ақли норасолик** - МЖтКнинг 20-моддасига мувофиқ, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтда ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

**Қилмишнинг кам аҳамиятлиги туфайли жазодан озод қилиш** – МЖтК 21-моддасига мувофиқ тартибга солинган бўлиб, содир этилган ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Яъни содир қилинган ҳуқуқбузарликни, шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган орган (мансабдор шахс) айбдорнинг ҳаракатларини кам аҳамиятли – нормадаги белгиланган жазога лойиқ деб топмаса уни жазодан озод қилиши мумкин.

## **Семинар машғулоти: Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик**

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



**“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**  
**“Баҳс мунозара саволлари”:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби.
2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва унинг субъектлари.

**Мустақил таълим учун топшириқ:**

7. Ҳуқуқ нормасининг таркибий қисимлари қандай.
8. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва тузилиши қандай.
9. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни?

**МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)**

**6-мавзу: Маъмурий жазо ва мажбурлов чоралари**

**Режа:**

1. Маъмурий жазо чораларини қўллашнинг мақсади ва турлари.
2. Маъмурий жазо чораларини қўллашнинг умумий қоидалари.
3. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш асослари.



**1-ўқув саволи:** Маъмурий жазо чораларини қўллашнинг мақсади ва турлари.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

**Маъмурий жазонинг турлари**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;



3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

б) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Ушбу модда биринчи қисмининг 2—6-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо чоралари фақат Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланиши мумкин.

Ашёларни уларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, мусодара қилиш ва махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан) маҳрум этиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

Битта маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ё асосий ёки ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси қўлланилиши мумкин.

### **Жарима**

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир.

Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг эллиқдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Фуқаро ва хизматчиларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Баъзи ҳуқуқбузарликлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз эллиқ бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан белгиланадиган жариманинг энг кўп миқдори ЖПКнинг 6-моддасига биноан фуқароларга — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ошмаслиги керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чорасини қўлланиш тартиби ва тартиб олинадиган ашёларнинг турлари ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **Мусодара қилиш**

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, ушбу чора жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилади. Ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаган ашё мусодара қилиниши мумкин эмас, муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Мусодара қилиш чорасини қўлланиш тартиби ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

### **Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш**

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, ЖПК 128<sup>3</sup>-моддасининг бешинчи қисмида, 128<sup>4</sup>-моддасининг учинчи қисмида, 131-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳоллар бундан мустасно.

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

### **Маъмурий қамоққа олиш**

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

### **Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш**

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш уларнинг

Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи кейинчалик бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишидан иборат. Маъмурий тарзда чиқариб юбориш жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилади.

**Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш**

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ўттиз суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ижро этилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади.

**2-ўқув саволи:** Маъмурий жазо чораларини қўллашнинг умумий қоидалари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жазо ушбу МЖтК ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади.

Жазони қўлланиш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкый аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

### **Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар**

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига куйидагилар киради:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

### **Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар**

Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар жумласига куйидагилар киради:

- 1) ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколоти бор шахслар томонидан кўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
- 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;
- 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши. Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

### **Енгилроқ маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши.**

Суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, ЖПКнинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўллаши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни ЖПКнинг 308<sup>1</sup>-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

**Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиши.**

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиляётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ЖПКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ЖПКнинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ЖПКнинг 188<sup>1</sup>-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин.

### **Маъмурий қамоқ ва махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш**

Маъмурий қамоқ муддати суткалар билан, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати эса — кунлар, ойлар, йиллар билан ҳисобланади.

#### **Маъмурий жазо қўлланиш муддатлари**

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлсаю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Юқорида назарда тутилган муддатлар ашёларни божхона муносабатларини тартибга соладиган қонунчилик асосида мусодара қилиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **Маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланадиган муддат**

Башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

#### **Етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкый зарар белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга

ҳақлидир, жиноят ишлари бўйича суд эса — бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкӣ зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибида ҳал қилинади.

**Бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани ижро этиш**

Маъмурий жазони қўлланиш маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни бажарилмаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган вазифани бажаришдан озод этмайди.

**3-ўқув саволи:** Маъмурий йўл билан ушлаб туриш ашёлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш асослари.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

Ушбу моддада назарда тутилган мақсадларда шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсан кўриқдан ўтказиш, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечириш ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйиш тартиби ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги билан белгиланади.

**Маъмурий йўл билан ушлаб туриш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

**Маъмурий йўл билан ушлаб туришга ваколатли органлар (мансабдор шахслар)**



Маъмурий йўл билан ушлаб туриш бу ишга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ваколат бериб қўйилган органлар (мансабдор шахслар) томонидангина амалга оширилиши мумкин, чунончи:

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса — улар хушёр тортган вақтдан бошланади.

### **Шахсни кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш**

Шахсни кўриқдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколоти бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўриқдан ўтказиш кўриқдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита ҳолис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириб чиқиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг, чегара қўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек тегишли ваколоти бўлган органларнинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита ҳолис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади.

Божхона муассасаларида шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш божхонага доир қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **Ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш**

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва ҳужжатлар ЖПКнинг 287 ва 289-моддаларида назарда тутилган органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса — сотиб юборилади.

Олиб қўйилган орден, медаль, фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Божхона қоидалари ёки солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчилик бузилган тақдирда, башарти ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлмаса, жарима ундирилишини таъминлаш мақсадида унинг ашёлари (қимматли буюмлари) олиб қўйилиши мумкин.

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу хусусда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ЖПКга мувофиқ транспорт воситасини, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, ҳуқуқбузардан унинг иши юзасидан қарор чиқарилгунга қадар транспорт воситаси, кичик ҳажмли кемани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, овчилик билети олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига, кема бошқарувчиси гувоҳномасининг талонига тегишлича ёзиб қўйилиб, талонлар транспорт воситаси ҳайдовчисига, кема бошқарувчисига қайтариб берилади.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ов қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиб қўйиш эса — Ўзбекистон Республикаси

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЖПКнинг 185-моддасида, 220, 220<sup>1</sup>- моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 221-моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, ички ишлар органлари ходимлари иш кўриб чиқилгунга қадар ўқотар қуролни, шунингдек ўқ-дориларни олиб қўйишга ҳақлидирлар, бу хусусда мазкур қуролнинг марка ёки модели, калибри, туркуми ва тартиб рақами, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

### **Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш асослари ва тартиби**

Транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш қонунчилик билан ваколат берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилиши мумкин.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли ҳудудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган шароитларда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ЖПК 54-моддасининг 2-қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, транспорт воситаларини ушлаб туриш ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунга қадар амалга оширилади.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ичида жарима тўланмаган тақдирда, транспорт воситаси жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбарининг ёзма кўрсатмасига биноан жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунга қадар ушлаб турилади.

Қонунчилик бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ва чегара қўшинларининг транспорт воситаларидан ташқари) сақлаб туриш жойларига олиб бориш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **Транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш**

Транспорт воситаларини бошқараётган мастлик ҳолатида деб ҳисоблашга етарли асослар бўлган шахс транспорт воситасини бошқаришдан четлаштирилиши ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказилиши керак.

Мазкур шахсни текширишга юбориш ва бу текширувни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари устидан шикоят бериш**

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб 78ури шва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериши мумкин.

### **Семинар машғулоти: Маъмурий жазо ва мажбурлов чоралари**

(Ушбу саволни ёритишда “Баҳс-мунозара” методдан фойдаланилади)

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги; -
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида — “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

**Жиноят учун жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва асослари.**

**Турли фикрлар тингланади**

**Фикр ғоялар тўпланади**

**Таҳлиллар қилинади**

**Аниқ ва муқобил ечимни топиш**

**“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**  
**“Баҳс мунозара саволлари”:**

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби.
4. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва унинг субъектлари.

**Мустақил таълим учун топшириқ:**

10. Ҳуқуқ нормасининг таркибий қисимлари қандай.
11. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва тузилиши қандай.
12. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни?

**МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)**

**7-мавзу:** Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий-ҳуқуқий тавсифи.



**Режа:**

1. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва моҳияти.
2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг турлари.
3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ваколатли органлар.

**1-ўқув саволи.** Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва моҳияти.



Мустақиллик туфайли биз ўзимизга хос ва мос давлат ҳуқуқий йўлимизни танлаб олдик. Миллий уйғониш мамлакатимизнинг Мустақиллик Қомуси бўлмиш Конституциямизда, янги кодекслар ва қонунларимизда, ҳамда кун сайин шаклланиб бораётган миллий ҳуқуқий мафкурамизда намоён бўлди.

Республикамизда моҳиятан янги сиёсий ва ҳуқуқий тизим шаклланди. Бу борада кўп асрлик миллий ҳуқуқий меросимиз муҳим пойдевор вазифасини ўтади шу билан бирга жаҳон илғор ҳуқуқий тажриба сизам атрофлича ўрганилиб, унинг бизнинг шарт-шароитларимизга мос келадиган жиҳатларидан ижобий фойдаланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, ҳар бир инсон эркинлик ҳуқуқига ҳамда ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишлардан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Дарҳақиқат, 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “... энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, тухмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли қафолатлар яратишимиз зарур”<sup>2</sup> деб, таъкидлади.

Шу нуқтаи назардан, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишига фақат ва фақат халқимизнинг ўзи баҳо беради. Улар учун ягона ва энг қаттиқ талаб – бу фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишдан иборат”<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир ҳуқуқий демократик давлат каби фуқаролик жамияти қуриш унинг олий мақсадидир. Ушбу мақсадда амалга оширилаётган ислохотлар замирида эса ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз таъминланиши шарт.

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг мазмуни, юридик хусусиятлари ва таркибига эга бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 15 май қонунининг 3-моддасига кўра, ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб белгиланган.

Ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода фуқаролар, жамият ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига хавфни вужудга келтирувчи хулқатвор бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва уларнинг бузилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган хулқатвор бўлиб, унинг натижасида жамият, давлат ва фуқаролар манфаатларига моддий ёки маънавий зарар етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 2-моддасида унинг вазифаси сифатида қуйидагилар “инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат

---

<sup>2</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси // “Постда” газетаси, 2017 йил 23 декабрь, 52-сон.

<sup>3</sup>Қаранг: Ўша манба.



тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш” белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ғарийҳуқуқий қилмишлар учун жавобгарлик ҳақида тўхталадиган бўлсак, **фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар деганда** – конституциявий-ҳуқуқий номаларда белгиланган, шунингдек маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддаси 2-қисмига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун агар бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаса маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ғарийҳуқуқий қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг бешинчи боби 40–51<sup>1</sup>-моддалари юқоридаги қилмишлар учун жами йигирма бешта (25 та) моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган.

Тингловчилар мазкур фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ғарийҳуқуқий қилмишлар тушунчаси уларнинг турлари, юридик таркиби ҳамда улар учун белгиланган маъмурий жавобгарлик, жиноят қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда эса жиноий жавобгарликка оид билимларни пухта ўзлаштириб олишлари зарур.

**2-ўқув саволи. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг турлари.**



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ғарийҳуқуқий қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг бешинчи боби 40–51<sup>1</sup>-моддалари юқоридаги қилмишлар учун жами йигирма бешта (25та) моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, улар: тухмат (40-м); ҳақорат қилиш (41-м); давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (42-м); жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-м); ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш (44-м); фуқароларнинг тураржойи дахлсизлигини бузиш (45-м); фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-м); шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш (46<sup>1</sup>-м); болаларни тарбиялаш ва уларга

таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-м); ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва хомийлик органига хабар қилмаслик (47<sup>1</sup>-м); ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш (47<sup>2</sup>-м); никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (47<sup>3</sup>-м); вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (47<sup>4</sup>-м); ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (47<sup>5</sup>-м); васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш (48-м); меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (49-м); вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш (49<sup>1</sup>-м); иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги (49<sup>2</sup>-м); вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш (49<sup>3</sup>-м); аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (50-м); меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов (51-м); ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (51<sup>1</sup>-м) кабилар киреди.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқ-бузарликларнинг айрим моддаларини шарҳлайдиган бўлсак. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **40-моддаси туҳмат** деб, номланган бўлиб, унинг мазмуни қуйидагича:

**Туҳмат (40-м).** Туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиши тушунилади.

Туҳмат маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилишдан иборатдир, буларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган. **Била туриб ёлғон гапириш** – бу, тегишли маълумотлар ёки фактларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини олдиндан англашига ва йўл қўйишига айтилади.

**Уйдирмалар тарқатиш** – бу, олдиндан била туриб гўё рўй бермаган маълумотлар ёки фактларни камида битта шахсга ошкора (ноошкора) оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда маълум қилиши тушунилади. Бунда маълум қилиш оғзаки, ёзма ёки бошқа бир шаклда баён этилганлигининг аҳамияти йўқ.

Маълумотларнинг ёлғонлигини англаб етмаслик (масалан, маълумотларнинг расмий шахсдан олинishi, ҳужжатлар билан таниishi) жавобгарликни истисно қилади. Ҳақиқатда содир бўлмаган фактларнинг маълум қилиниши, лекин уларнинг мазмунига нотўғри баҳо берилиши туҳмат ҳисобланмайди.

Тегишли маълумотларни тарқатувчи шахснинг мазкур маълумотлар тўғри бўлиши мумкин, деб тахмин қилиши туҳмат учун маъмурий жавобгарликни истисно қилмайди. Бошқа шахсларни шарманда қилса ҳам, лекин ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни тарқатиш туҳмат тарқибини ҳосил қилмайди.

Бошқа шахсни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш уйдирма ҳисобланадими, деган масала ахлоқ ва маънавийлик нормалари асосида ҳал

этилади. «**Бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмалар**» жумласига қонун, ахлоқ ва маънавийлик нормаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан жамоатчилик ёки айрим фуқаролар фикрида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини ерга урувчи уйдирмаларни ҳам киритиш мумкин.

Тухмат тўғридан-тўғри ғаразли ният билан, қасддан одатда ўч олиш, кўролмаслик каби баҳоналар билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликдир. Фуқароларнинг мазкур ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган.

Мазкур ҳуқуқбузарлик «тақиқловчи» маъмурий-ҳуқуқий норма бўлиб, ушбу модданинг тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак.

**Тухмат (40-м.)** сўзининг ўзи маъмурий-ҳуқуқий норманинг **гипотезаси** ҳисобланиб, яъни маъмурий-ҳуқуқий норманинг қандай ҳолатда ва шароитда қўлланилишини белгилайди. Бунда тухмат жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор коида (меъёрлари)лари зид бўлган хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиши бу – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **диспозицияси** ҳисобланади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жаримаси эса – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **нисбий аниқсанкцияси** ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг таркибий тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак. *Объекти* – шахснинг шаъни ва кадр-қиммати. *Объектив томони* – ҳаракат (фаол) натижасида содир этилади. *Субъекти* – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. *Субъектив томони* – қасддан (тўғри) содир этилади.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиб маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни айнан шу шахс томонидан такрор содир этса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-модда биринчи қисми билан квалификация қилинади.

**Ҳақорат қилиш (41-м.)**. Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш тушунилади.

*Ҳақорат қилиш* – бу фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, шахснинг маънавий нуфузига атрофдаги фуқаролар кўз ўнгида путур етказиши ва жабрланувчининг хурматига зарар етказилиши тушунилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик оғзаки ёки ёзма (хат, расм ва шу кабилар) тарзда ёхуд фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматини ерга урадиган хатти-ҳаракат (тарсаки, тупурмоқ, беадаб имо-ишора сингари)лар билан содир этилиши мумкин. Тухмат ҳуқуқбузарлигидан фарқли ўлароқ, ҳақорат қилишда жабрланувчининг маънавий қиёфасини салбий тасвирловчи қандайдир фактлар кўрсатилмайди, балки шахсга баҳо берилади, бу баҳо кишининг хулқ-атворига, қиёфаси кабиларга тегишли бўлиши мумкин.

Бу салбий баҳо ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги мазкур таркиб учун аҳамиятсиздир. Башарти масалан, шахс жабрланувчини аҳмоқ деб атаса-ю, ҳақиқатан ҳам у кўпчилик бошқа шахсларнинг фикрича ақлсиз бўлса, у ҳолда ҳақорат янада яққол намоён бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик «тақиқловчи» маъмурий-ҳуқуқий норма бўлиб, ушбу модданинг тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак.

Ҳақорат қилиш (41-м.) сўзининг ўзи маъмурий-ҳуқуқий норманинг **гипотезаси** ҳисобланиб, яъни маъмурий-ҳуқуқий норманинг қандай ҳолатда ва шароитда қўлланилишини белгилайди. Бунда ҳақорат қилиш жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоида (меъёрлари)лари зид бўлган хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситиш бу – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **диспозицияси** ҳисобланади.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жаримаси эса – маъмурий-ҳуқуқий норманинг **нисбий аниқсанкцияси** ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркибий тузилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак. *Объекти* – шахснинг шаъни ва кадр-қиммати. *Объектив томони* – ҳаракат (фаол) натижасида содир этилади. *Субъекти* – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. *Субъектив томондан* – мазкур ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри қасддан содир этилади, яъни шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етади ва уларни содир қилишни истади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарнинг аниқ ифодаланган мақсади шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ерга уриш.

Ҳақорат кўпчилик ўртасида – айбдорга ҳам, жабрланувчига ҳам таниш ёки нотаниш кишилар иштирокида, ҳатто жабрланувчи йўқ бўлган вақтда ҳам содир этилиши мумкин. Бу кейинги ҳолатда айбдорнинг нияти ҳақоратнинг жабрланувчига маълум бўлишидан иборатдир.

Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиб маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни айнан шу шахс томонидан такрор содир этса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-модда биринчи қисми билан квалификация қилинади.

**Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (42-м.).** Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимаслик тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунига<sup>4</sup> мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили ҳисобланади. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида истиқомат қилаётган миллатлар ва элатларнинг ўз она тилини ишлатишдаги ҳуқуқларини камситмайди. Қонун турмушда, шахслараро алоқада, диний ҳамда ибодат билан боғлиқ урф-одатларни нишонлашда тилларнинг ишлатилишини тартибга солмайди. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз ихтиёрлари билан танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг давлат тилини ўрганишлари ва унинг ҳудудида истиқомат қилаётган миллатлар ва элатлар тилига

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1989. 26 – 28-сон. – 453-м.

хурмат билан қарашлари, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Мазкур қонуннинг 24-моддаси давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимаёй ёки хусумат билан қарашни тақиқлайди. Фуқароларнинг муомала, тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар МЖТКнинг 42-моддасига биноан жавобгарликка тортилади. Мазкур ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилади. МЖТКнинг мазкур нормаси фуқароларнинг муомала, тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш ва қатъиян барҳам топтиришга қаратилган.

Мазкур модда бўйича жавобгарлик *субъектлари* мансабдор шахслар, шунингдек, 16 ёшга етган фуқаролар бўлиши мумкин.

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-м.).** Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ҳаракатсизлиги тушунилади.

**Ушбу норма бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.** Ҳуқуқий демократик давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг усулларидан бири жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонуний ҳамда адолатли ҳал этишдир. Зеро, 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалиқ турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда.

Шу маънода 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди”<sup>1</sup>.

Шунингдек, бу борада Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов «Хуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир»<sup>2</sup> деб, таъкидлаган эди. Албатта, хуқуқий давлатнинг фуқаролари республика қонунларининг тўлиқ амалда бўлишига ишончининг мустаҳкамлиги – бу қонунларнинг ҳурмат қилинишига далилдир. Жисмоний шахсларнинг қонунларга ҳурмати ва ишончининг мустаҳкамланиши, қонунчилик принципларининг амалда қўлланилишига боғлиқдир. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари ҳуқуқбузарларни қонунларга итоат ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг қонуний ва адолатли кўриб чиқиши эса фуқароларда давлат органларига ва қонунларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Шу сабабли ҳам миллий қонунчилигимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига биноан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) 2017 йил 11 сентябрь қонуни<sup>3</sup> 28-моддасида мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек тухмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик учун жавобгарликка тортиш белгилаб қўйилган. МЖТК 43-моддасининг (Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) диспозицияси қуйидаги ҳолатлар учун жавобгарлик белгилайди:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш;
- мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш;

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси // “Постда” газетаси, 2017 йил 23 декабрь, 52-сон.

<sup>2</sup>Ислом Каримов Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2012. – 17 март.

<sup>3</sup>«Халқсўзи» газетасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 182 (6876)-сони. – 2015. № 1. – 130-м.



- мурожаатларга ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик.

*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиши* – мансабдор шахс томонидан ушбу ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этиши қонунбузарлик ҳисобланади. Зеро, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган илгариги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса ва бу ҳақда уларга (*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида*) қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин, фақат давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас.

*Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш* – «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, кўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, кўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, кўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

*Мурожаатларга ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик* – «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида (**мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**) давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу органнинг мансабдор шахси томонидан кўриб чиқилиши ва қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколат доирасига кирмайдиган ҳолларда эса мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиши ҳамда бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши белгиланган. Шунингдек, қонуннинг 23-моддасида мурожаатни кўриб чиққан давлат органи мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда

дарҳол хабар қилиши шартлиги назарда тутилган.

*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш*—«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси ёхуд шикоятни ана шу мурожаат бўйича қонунга хилоф қарор қабул қилган давлат органи томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, аризани ёки шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органининг талаби билан жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида қопланади. Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин. Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

*Жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик.* Қонунда белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор уни ижро этиш вазифаси юклатилган орган (мансабдор шахс) томонидан бажарилиши шарт ва мажбурийдир. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонун<sup>5</sup>нинг 9-моддасида (Суд қарорини бажариш) «Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий ва уни бажариш шарт.

Суднинг қарори хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек, фуқарога қарор қонуний кучга киргач кечи билан ўн кун ичида юборилади.

Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида хабар қилиниши шарт. Қарор бажарилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чоратадбирларни кўради» деб белгиланган.

Юқорида таъкидланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарлик объектлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларидир. Мазкур модда бўйича жавобгарлик субъектлари мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Ушбу ҳуқуқбузарлик ҳам қасдан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкин.

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1995. № 9. –183-м.

Башарти ҳуқуқбузарлик натижасида фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларига ёхуд қонун томонидан муҳофаза қилинаётган манфаатларига жиддий зарар етказилган бўлса, мансабдор шахслар ЖКнинг 144-моддаси биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар.

**Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-м).** Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши тушунилади.

Болаларни тарбиялаш Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий бурчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз болаларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари мустаҳкамланган. Бу вазифани амалга ошириш учун ота-оналарга ота-оналик ҳуқуқлари, яъни ўз фарзандларини шахсан тарбиялаш ҳуқуқи берилган. Ота-оналик ҳуқуқлари, айни вақтда, ота-оналарнинг болаларини тарбиялаш соҳасидаги вазифасини ҳам белгилаб берган. Оила тўғрисидаги қонунда бу вазифанинг мазмуни: болаларни тарбиялаш, уларнинг жисмоний камолотга етиши ва таълим олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш очиб берилган.

Ушбу нормада ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жазоланадиган ҳуқуқбузарликларининг қуйидаги турлари назарда тутилган, яъни: а) бу шахсларнинг вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги вазифаларини бажармаслиги; б) ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги вазифаларини бажармаслиги оқибатида вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиши ифодаланган. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш вазифаларини бажармаслик деганда ҳаракатсизликнинг турли шакллари, яъни ҳаракатсизлик натижасида вояга етмаганларни тарбиялаш ёки уларга таълим бериш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётганлигини тушунмоқ керак. Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши шу нарсада ифодаланадик, улар болаларнинг маънавий тарбияси, жисмоний камолга етиши ва соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида умумий ўрта ёки касб-ҳунар таълими олишлари, муваффақиятли ўқишлари тўғрисида зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилмайдилар. Болалар тарбияси ота-оналарнинг турли ҳаракатларидан ташкил топади, улардан бири болаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб боришдир.

Шу сабабли ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг болалар хулқ-атворига енгил таклик ёки бефарқлик билан муносабатда бўлиши, улар хулқ-атворининг жамият ҳаёти нормаларига мувофиқ келишини етарли даражада кузатиб бормасликлари кўпинча болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келади. Болалар маъмурий ва бошқа хил ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда ота-оналарнинг тарбия соҳасидаги вазифаларини етарли даражада бажармасликлари жавобгарлик субъекти бўлиб ҳисобланади. Барча

ҳолларда ота-оналар ўз ҳаракатсизликлари учун жавобгардирлар, бу ҳаракатсизлик натижасида болаларнинг лозим даражада тарбияланмаслиги ёки таълим олмаслиги уларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига сабаб бўлади. Ота-оналар ва улар ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги 47-моддага мувофиқ, мустақил асосга эга бўлиб, ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлик қилишидан кейин эмас, балки у билан бирга содир бўлади (бунда вояга етмаганларнинг ўзига нисбатан ҳам қонунда кўзда тутилган чоралар қўлланилади).

Башарти айбдор болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларини қасддан бажармаган тақдирда жавобгарликка тортилади. Вазифаларни бажармасликнинг қасддан содир этилган ёки этилмаганлиги масаласи ҳар бир муайян ҳолда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг давомийлиги ва сабабларини, уларга ўз вақтида самарали таълим бериш учун шароитнинг йўқлиги, боланинг хулқ-атвори ва ўқиши устидан назоратнинг йўқлиги қанча давом этганлиги ва ишга доир бошқа барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Ҳуқуқбузарликнинг қасддан содир этиладиган, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий нормаларни тақдоран (бир неча марта) бузганлиги, бу ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти, ота-оналар, турли органлар, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, ички ишлар органлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари маъмурияти ва бошқаларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳамда ҳоказолардан далолат бериши мумкин.

Ушбу модда бўйича фақат ота-оналар, яъни боланинг отаси ёки онаси эмас, балки вояга етмаганларни тарбиялаш соҳасидаги вазифаларни бажаришда уларга тенглаштирилган бошқа шахслар ҳам жавобгарликка тортилади. Булар — болани асраб олган, унга нисбатан қонуний ота-оналари ўрнини босувчи шахслар, васийлар ва тарбиячилар бўлиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар мазкур модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Ота-оналар болаларни тегишли давлат муассасаларига (масалан, интернатларга) ёки айрим фуқароларга тарбиялаш учун беришга ҳақлидирлар, бироқ бундай ҳолда уларни тарбиялаш вазифаси ота-оналарда қолади ва улар тарбиянинг лозим даражада амалга оширилмагани учун жавобгар бўладилар.

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларни вояга етгунча тарбиялайдилар. Бу ёшга етгандан кейин фуқаро тўлиқ вояга етган ҳисобланади ва ота-оналарнинг болани тарбиялаш соҳасидаги ҳуқуқий вазифасига эҳтиёж қолмайди. Шунга мувофиқ, мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркиби фақат вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларни бажаришни қамраб олади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар 47-модда бўйича фақат айбли хулқ-атвордагина жавобгар бўлишлари мумкин. Шунинг учун болаларни тарбиялаш соҳасидаги ота-оналик вазифаларини руҳий касаллик, ақлий заифлик ёки бошқа сурункали касаллик сабабли ва ўзларига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра бажармаган шахсларга жазо чораси қўлланилмайди.

Вояга етмаганларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга доир ишларни мазкур модданинг **1-қисмини профилактика инспекторлари, 1- ва 3-қисмларини Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари, 2-,3- ва 4-қисмларини ЖИБ судлар кўриб чиқиш ваколатига эгадирлар.**

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг ушбу боби “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 апрель кунидаги қонунига мувофиқ **“47<sup>1</sup>-модда. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик”** ҳамда **“47<sup>2</sup>-модда. Ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш”** номли моддалар билан тўлдирилди<sup>6</sup>.

**Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш - (47<sup>3</sup>-модда)** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасининг 2-қисмида никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади деб кўрсатилган. Ушбу конституциявий қоида Оила кодексига ҳам ўз ифодасини топган. Оила кодексининг 14-моддасига кўра, никоҳ тузиш ихтиёрий равишда амалга оширилиши лозим, ўзаро розилик ва ихтиёрий асосда тузилган никоҳ оиланинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига имконият яратади. Кўрқитиш, зўрлик, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккаласига руҳан таъсир этилган ҳолатларда мажбур қилиш тақиқланади. Зўрлаш, кўрқитиш, алдаш йўли билан тузилган никоҳ, зўрлаш, кўрқитиш ёки алдаш ким томонидан содир этилган бўлишидан қатъий назар никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Оила кодексига ва бошқа амалдаги қонунларимизда никоҳ ёши эркаклар учун ҳам **18 ёш**, аёллар учун ҳам **18 ёш** этиб белгиланган (2019 й. 28 авг. ЎРҚ-558.), узурли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан 1 йилга камайтириши мумкин (ОКнинг 15-м).

Юқорида белгиланган никоҳ ёшига риоя қилмаслик турли хил ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтириши мумкин. Бундай никоҳ ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилиб, ҳаттоки жиноий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Ушбу оқибатларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 2013 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-352-сонли қонуни билан “Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш” деб, номланган 47<sup>3</sup>-модда билан тўлдирилиб, юқорида таъкидланган қилмишлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Мазкур норма ҳақида тўхталаганда, **47<sup>3</sup>-модда**, яъни **Никоҳ ёши**

---

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – 16-сон. 117-м.

**тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.** Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиштушунилади.

Ушбу норма учта қисмдан иборат бўлиб, *биринчи қисмида* Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 15-моддасига биноан “никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун ҳам 18 ёш этиб белгиланган, узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан 1 йилга камайтириши мумкин” деб, белгилаб қўйилган талабларга риоя этилмасдан ҳақиқатда никоҳ ёшига етган шахснинг никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришган ҳолатлар юз берганда, *маъмурий жавобгарлик субъекти* никоҳ ёшига етган эркак ёки аёл жинсидаги шахс ҳисобланади.

Содир этилган қилмишнинг *бевосита объекти* – никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур қилмишнинг *объектив томони* – шахснинг никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришишдаги ҳаракатлар орқали намоён бўлади.

*Субъектив томондан* – мазкур ҳаракатлар қасддан содир этилишида ифодаланади.

Ушбу норманинг *иккинчи* ва *учинчи* қисмларининг бир-биридан фарқи, унда кўрсатилган қилмишни содир этувчи *субъектларда* бўлиб, *иккинчи қисмида* она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзларининг фарзандлари ёки васийлиги ёхуд ҳомийлигида бўлган никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантиришда намоён бўладиган ҳаракатларни содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилсалар, *учинчи қисмида*, эса маъмурий жавобгарлик *субъекти* никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. У томонидан никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилади. Ушбу модданининг учта қисмидаги қилмишлар такроран содир этилса ЎЗР Жиноят кодексининг 125<sup>1</sup>-моддаси билан жиноий жавобгарлик юзага келади.

**3-ўқув саволи. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишга ваколатли органлар**



Мазкур ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг учинчи бўлим (маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)) XVIII боби (маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги)да кўрсатилган тегишли моддаларда ваколат берилган орган (мансабдор шахс)лар томонидан кўриб чиқилади, хусусан:

1) 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 46<sup>1</sup>, 46<sup>2</sup>, 47, 47<sup>1</sup>, 47<sup>2</sup>, 47<sup>4</sup>, 47<sup>5</sup>, 48, 49<sup>1</sup>, 49<sup>4</sup>, 51<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган (19та) ҳуқуқбузарликлар МЖТКнинг 245-моддасига биноан Жиноят ишлар бўйича судлар томонидан;

2) 49, 49<sup>2</sup>, 49<sup>3</sup>, 50, 50<sup>1</sup>, 51-моддаларида назарда тутилган (6та) маъмурий ҳуқуқбузарликлар МЖТКнинг 255-моддасига биноан Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари (Меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий ва техник инспекторлари, давлат меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари) томонидан;

3) 47-модданинг 1-қисми, 47<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган (2та) маъмурий ҳуқуқбузарликлар МЖТКнинг 248-моддасига биноан Профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари томонидан кўриб чиқилади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлар аниқланганда ёки фуқароларнинг ички ишлар органларига қилган мурожаатлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб, тегишли маъмурий-процессуал ҳужжатларни расмийлаштириб, МЖТКнинг 245-моддаси асосида ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чорасини қўллаш учун ЖИБ судига тақдим этадилар.

Давлат тили тўғрисидаги қонунни бузиш одатда миллий ғурурни, шаън ва кадр-қимматни ҳақорат қилиш ёки ерга уриш мақсадида тўғридан-тўғри ёмон ният билан содир этилган ҳуқуқбузарликдир. Мазкур ҳуқуқбузарликни МЖТКнинг 245-моддасига мувофиқ ЖИБсудлар кўриб чиқиш ваколати мустаҳкамланган.

Ушбу моддаларга асосан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.



## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**8-мавзу: Бошқарувнинг белгилган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи**



### Режа:

1. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлиги.
2. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш.
3. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш.

**1-ўқув саволи.** Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлиги.

Ички ишлар органи ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органига бориш ёки кўрсатилган муддатда у ерда бўлишдан иборат қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик баъзавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, баъзавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий камоққа олишга сабаб бўлади.

Ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш ва қонунни мустаҳкамлашда ички ишлар органлари алоҳида роль ўйнайди. Ички ишлар органлари ходимлари давлат ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланадилар, давлатнинг алоҳида ҳимоясида турадилар. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаби барча фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши шарт. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини амалга оширувчи шахсларга — ихтисослаштирилган ижтимоий тузилма аъзолари бўлмиш фуқаролар (маҳалла посбонлари), Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари, Қуролли Кучларнинг оддий аскарлар, сержант ва офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилари ана шундай шахслардир.

Улар жамоат тартибини сақлаш вазифаларини бажариш жараёнида фуқароларга ва тегишли мансабдор шахсларга мажбурий фармойиш бериш ва ҳуқуқ тартиботни қўллаб қувватлаш учун зарурий талаблар қўйиш ҳуқуқига эгалар.

Бошқарув тартиби соҳасида ижтимоий муносабатлар ушбу ҳуқуқбузарликнинг объекти ҳисобланади. Давлат ҳокимияти, ички ишлар органи ходими ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширувчи шахсларнинг обрўси ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби бажарилмаслигининг бевосита объекти ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг талабини бажармасликка қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ифодаланади. Ички ишлар органлари ходимининг талабини бажармаслик натижасида зарарли оқибатнинг юзага келиши шарт эмас. Ҳуқуқбузарлик таркибига бевосита кирмайдиган оқибатларга фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ифодаловчи белгилар талабини бажармасликнинг объектив томони қўшилади. Таркибни таснифлаш учун шахснинг қонуний талабларни бажармаганлигини, яъни бўйсунмаганлигини белгилаш муҳим. Бунда шуни таъкидлаш керакки, мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик таркиби талабни бажармаслик фақат бир неча марта қатъий қилинган талабни бажармасликда ёки жамоат тартибини муҳофаза қиладиган шахслар ва органларга нисбатан яққол ҳурматсизлик кўринишидан далолат берадиган қўпол шаклдаги бўйсунмасликда юзага келади. Ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбонлари ёки ҳарбий хизматчининг талаби такрорий ва қатъий усулда бўлиши, тартиб бузувчининг буни бажаришдан воз кечиши сўз, имоишора, сукут сақлаш шаклида намоён бўлиши лозим. Бунда айбдор кўпчилик олдидами ёки ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи олдидами бўйсунмасликни намоён этишининг аҳамияти йўқ.

16 ёшга етган шахс кўриб чиқиладиган ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиши мумкин. Субъектив томони — ҳуқуқбузарликнинг қасдан содир этилганлиги.

Агар ички ишлар органлари ходими ёки маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг талаби қонуний, асосланган ва жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариш чоғида берилган ёки кўрсатилган бўлса, айбдор 194-модда бўйича жавобгарликка тортилади. Шунинг учун, агар 194-моддада кўрсатилган ҳаракат ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз вазифасини ўтаётган пайтда эмас, балки бошқа қонуний фаолият кўрсатаётганда содир бўлса, унда ушбу модда қўлланилмайди. Ички ишлар органлари ходими ёки маҳалла посбони, ҳарбий хизматчининг жамоат тартибини сақлашда ўз вазифасини бажараётганини белгиланган тартибда кийингани, тегишли кўкрак нишони борлиги ёки хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шохидлик беради.

Агар ҳуқуқбузарлик ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчи томонидан жамоат тартибининг ҳар қандай тарзда бузилиши

ёки ахлоққа зидлиги огоҳлантирилган ёки олди олинган бўлса, айбдорнинг мазкур ҳаракати 194-модда бўйича квалификация қилинади. Кўпинча ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби бажарилмаслиги қонун бўйича маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган бошқа жамоат тартиби бузилишини келтириб чиқаради. Агар бу ҳаракат амалда битта ҳуқуқбузарлик элементларини юзага келтирса, айбдор амалга оширган қилмиш жиддийроқ жавобгарлик назарда тутилган модда билан квалификация қилинади.

Ҳуқуқбузарлик ички ишлар органлари ходими, маҳалла посбони ёки ҳарбий хизматчига жамоат тартибини сақлашда ўз вазифасини бажаришга тўсқинлик қилган-қилмаганлигидан қатъи назар, қонуний талабни бажармасликда айбдор ҳисобланган пайтдан бошлаб тан олинади.

Жамоат тартибини сақлаш бўйича белгиланган вазифани бажаришида ички ишлар органлари ходими ёки маҳалла посбонига, ҳарбий хизматчига қаршилик кўрсатган айбдорлар ЖКнинг 219-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

194-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишни маъмурий ишлар туман (шаҳар) судлари бўйича судьялари амалга оширадилар (145-м.)

**2-ўқув саволи.** Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талаб-ларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўхтатиш, шунингдек, зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик баъзавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват этиш, оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмалар тарқатиш йўли билан чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш, худди шунингдек, чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларига бўйсунмаслик баъзавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, баъзавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**Чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (224-м.).** Қонунга хилоф равишда чегара зонасига,

фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлигига хос хусусияти – унинг чегара минтақасида содир бўлишидир.

Чегара зонасига, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидалари-ни бузиш учун маъмурий жавобгарликни ўрнатиш фақат фуқаролар-ни рўйхатга олиш, яшаши ва кўчишининг белгиланган тартибини ҳимоя қилишгина эмас, балки давлат чегараларини қўриқлаш соҳаси-да республика манфаатини ҳимоялаш, давлатга хиёнат, жосуслик, контрабанда, қонунга зид равишда хорижга бориш ва Ўзбекистон Республикасига ўтиш каби жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш мақсадини кўзлайди.

Чегара зонаси, одатда, давлат чегарасига туташиб кетган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқ халқ депутатлари кенгашлари ҳудуди доирасида ўрнатилади. Чегара минтақасининг кенглиги қуруқликда ёки чегара дарёси (кўл) қирғоғидан ўтган чегара чизигидан 2 километрдан ошмаслиги лозим. Унинг доирасига чегара қўшинлари томонидан қўшимча чеклаш киритилади. Муҳим яшовчиси бўлмаган шахсга чегара зонасига кириш учун рухсатнома яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилади. Чегара зонасига, минтақасига кириш ва унда яшашга фақат чегара қўшин-лари рухсати билан йўл қўйилади.

Чегара зонасига ёки чегара минтақасига кириш қоидасини бузиш рухсатсиз ёки муддати ўтган рухсатнома билан ёки кўрсатилган муд-датдан аввал, шунингдек, бегоналарнинг, сохта ёки ноқонуний олин-ган рухсатномаси билан у ерга боришни билдиради. Ушбу қоида-ларни бузиш бу ерда муқим яшайдиганларга ҳам, вақтинча истиқомат қилувчиларга ҳам тааллуқлидир. Биринчи ҳолда бу истиқомат қилиш-нинг махсус тартиби (масалан, турар жой ўзгарганлиги ҳақида хабар бермаслик) бузилишида, иккинчи ҳолда эса рухсатномада кўрсатил-ган муддат тамом бўлганидан кейин яшаш ёки зонага қонуний равишда кирилган, лекин рухсатномада кўрсатилмаган жойга жўна-ган ва ҳоказоларда ифодаланади. Бундай барча бузилишлар паспорт қоидасини бузишнинг махсус кўринишлари ҳисобланади. Чегара зонасида жойлашган аҳоли яшаш масканларида қайд этиш ва паспортни рўйхатдан ўтказиш умумий тартибда ўтказилади, аммо паспортдан ёки паспорт ўрнида бўлган ҳужжатдан ташқари, бу зонага кириш рухсатномаси ҳам кўрсатилиши лозим.

Чегара зонасига ноқонуний кириш қилмишнинг объектив томони ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони бевосита қасд этиш билан ифодаланади. Бунда 16 ёшга тўлган фуқаро субъект бўлиши мумкин. Ушбу ҳуқуқбузарлик МЖтКнинг 248-моддасига асосан ишлар ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади.

**3-ўқув саволи.** Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш.

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек, адвокатнинг ишда

иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш (223<sup>1</sup>-м.)** Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек, бошқа фуқароларга тегишли бўлган паспортлардан ғараз-ли мақсадларда фойдаланиши баъзавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқ-дорида жарима солишга сабаб бўлади.

**Ишга қабул қилишда паспорт тизими қоидаларини бузиш (223<sup>2</sup>-м.)** Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан фуқароларни, худди шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш мансабдор шахсларга баъзавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳукукбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга баъзавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш (223<sup>3</sup>-м.)** Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш мансабдор шахсларга баъзавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Фуқаро ўз паспортини авайлаб асраши шарт. Паспорт йўқотилгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан, унга белгиланган намунадаги маълумотнома беради.

Шахсни паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаш учун қўйишда уй эгалари аксарият ҳолларда ғаразли мақсадларни кўзлайдилар. Уч кундан кўп муддатга, таътилга, меҳмон бўлиб, дам олишга, хизмат сафарига, шунингдек, савдо ва бошқа фаолият билан шуғулланиш учун шаҳарга келган фуқаролар рўйхатдан ўтишлари лозим. Рўйхатдан ўтиш айнан фуқаро яшаётган жойида: меҳмонхоналарда, мотелларда, сайёҳлар кемпинги ва базалари, дам олиш уйлари ва пансионатларида, интернат, ётоқхона ва хусусий манзилларда амалга оширилади. Фуқароларни рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этиш учун:

– уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг бошлиқлари, маҳалла кўмиталари раислари, ётоқхона комендантлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг раислари;

– меҳмонхона, дам олиш уйлари, пансионати, сайёҳлар базаси ва кемпинглар, ётоқхоналар ва бошқаларнинг директорлари (мудирлари);

– фуқароларни турар жой секторига жойлаштириш билан шуғул-ланувчи хусусий ёки бошқа корхоналар раҳбарлари;

– уй ва хонадон эгалари, шунингдек, ихтиёрида турар жой бинолари ва иморатлари бўлган бошқа шахслар масъулдирлар.

Рўйхатдан ўтиш учун фуқаронинг ёнида پاسпорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, шунингдек, келишдан мақсадини белгиловчи ҳужжатлар (хизмат сафари гувоҳномаси, таътил гувоҳномаси, йўлланма ва бошқалар) бўлиши лозим. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган шахслар рўйхатдан ўтказилмайди. Шаҳарга келган шахс маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган тақ-дирда рўйхатдан ўтганлик бекор қилинади. Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ишга қабул қилиш ходимларни ишга қабул қилиш ёки бўшатиш ҳуқуқига эга бўлмаган мансабдор шахс томо-нидан амалга оширилади.

Бошқарувнинг белгиланган тартиби ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади. Объектив томони ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик шак-лида ифодаланади. Субъект – фуқаролар ва мансабдор шахслар. Субъектив томони қилмишнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги билан белгиланади. Ушбу модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади (248-м.).

**Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш (225-м.)1.** Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги баъзавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши мансабдор шахсга баъзавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томони-дан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек, уй-жой, транспорт воситалари бериб кўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса, баъзавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, республикада бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунларга, жамоат

тартибига риоя қилишлари, ҳокимият вакилларининг қонуний талабларини бажаришлари лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асосда (алоҳида қоидалар фақат тегишли имтиёз ва иммунитетдан фойдалана-нувчи шахсларга нисбатан ишлатилади) маъмурий жавобгарликка тортилади.

### **СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ:**

**8-мавзу:** Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи

### **РЕЖА:**

**1.** Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**2.** Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**3.** Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**4.** Паспорт тизими қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**5.** Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**6.** Ишга қабул қилишда паспорт тизими қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**7.** Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**8.** Чегара зонасига, шунингдек, фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.

**9.** Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг тавсифи.



## ДАРС МАШҒУЛОТИ ҚОРА ОЙНА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

**Интерактив методнинг шарти:** Гуруҳдаги тингловчилар шартли равишда мавзу юзасидан ёрилиши лозим бўлган саволларга мос равишда тенг бўлинади. Тингловчиларга қўйилган талаб, ўз гуруҳи қора ойна ичига қамалган деб тасавур қилинади. Ушбу ойнадан ўтиш учун муҳокама қилиниши лозим бўлган саволга камида 10 та асосли маълумотни гуруҳ тингловчилари навбат билан айсагина ойна синади.

**Баҳолаш методикаси:** Гуруҳ тингловчилари мавзу юзасидан фақат қора ойна синдиришга етарли бўлган маълумотларни айтса қониқарли, қўшимча малумот айтса яхши, савол тўлиқлигича ёритилса намунали баҳоланади. Иб, бунда тингловчиларга қўйилган талаб мавзу юзасидан қўйилган савол қора ойна сифатида қабул қилинган.

### МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**9-мавзу:** Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қорни ижро этиш бўйича иш юритиш.



#### РЕЖА:

1. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати.
2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми.

**1-ўқув саволи. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби. (ЖК 205-моддаси)**

Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

**Хорижий фуқаро** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланмаган ва хорижий давлат фуқаролиги мавжуд бўлган жисмоний шахс. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ёзилганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси

фуқароси бўлмаган ва чет давлатфуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар – **фуқаролиги бўлмаган шахслар** ҳисобланади. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг баъзи бир ҳуқуқларидан, жумладан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан, давлат бошқарувида бевосита ва билвосита (масалан, ўзини ўзи бошқариш органлари, референдум) иштирок этиш ҳуқуқидан, жамоат бирлашмаларига (масалан, сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига) уюшиш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар. Уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг махсус ҳужжатлари асосида белгиланади. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан Ватанни ҳимоя қилиш бурчи, яъни умумий ҳарбий мажбуриятни ўташ юклатилиши мумкин эмас.

*Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидалари» билан тартибга солинади<sup>1</sup>. Ушбу қоидаларга биноан, хорижий фуқаролар, шу жумладан, МДХ давлатларининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашлари ёки вақтинча бўлишлари мумкин. Мазкур қоидалар:

- Ўзбекистон Республикасида бўлувчи хорижий фуқаролар келиш визасининг амал қилиш муддатини вақтинча рўйхатдан ўтказиш;
- хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатномалар бериш;
- хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари;
- қонунчиликни ва мазкур қоидаларни бузганликлари учун хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари муддатини қисқартириш ва бу ердан чиқариб юбориш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқаролар ўзларини қабул қилувчи ташкилотлар (вазирликлар, идоралар, мулкчилик шакллари ва фаолият туридан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар, хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) ноижорат ташкилотларининг ваколатхоналари)ни, шунингдек, хусусий ишлар бўйича уларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган шахсларни хабардор қилган ҳолда хоҳиш-ларига кўра меҳмонхоналарда ёки бошқа турар жойларда яшайдилар.

Ўзбекистон Республикасидаги хорижий фуқаролар паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатларни ўзлари билан олиб юришга ва уларни ваколатли органлар вакиллариининг талабига кўра кўрсатишга мажбурдирлар.

Қабул қилувчи ташкилотлар хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида ва мазкур қоидаларда назарда тутилган уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўз вақтида тушунтириб қўйишни, хорижий фуқаролар билан муносабатларда белгилаб қўйилган ҳуқуқий нормаларнинг аниқ бажарилишини таъминлайдилар, хорижий фуқароларнинг тегишли ҳисобини юритадилар, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли ички ишлар бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш, уларнинг республика ҳудудида юриш-лари ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишлари учун жавобгар бўладилар.

Хорижий фуқароларни хусусий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган ва уларга турар жой берган шахслар бу фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирларини қўришга ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларида кўмаклашишга мажбурлар.

Ўзбекистон Республикасида турган хорижий фуқаролар шу мамлакат қонунчилигига ва мазкур қоидаларга риоя қилишга мажбур. Хорижий фуқаролар, шунингдек, мансабдор шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари томонидан мазкур қоидалар талабларига риоя қилиниши устидан назоратни ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органлари ва Ташқи ишлар вазирлиги жойлардаги ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда амалга оширадилар.

Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш, уларга доимий яшаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари учун рухсатномалар бериш тартиби Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама битимларига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тенглик асосида ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида *вақтинча рўйхатдан ўтиш* асосида яшайдилар. Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлариининг масъул шахслари томонидан келиб жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан аккредитация қилинади. Ўзбекистон Республи- касига олти ойгача муддатга келган хорижий фуқароларнинг шахсий ва хизмат автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси бож- хона органларида ҳисобга

олиниши керак. Хорижий фуқаролар ўз транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олти ойдан ортиқ муддатга олиб келишлари мумкин, бу транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида миллий рақам белгиларини алмаштирган ҳолда рўйхатга олинади.

Халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини бошқариш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенциянинг тегишли талабларига жавоб берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг тасдиқланган таржи-маси мавжуд бўлганда ҳақиқий ҳисобланади.

Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш-лари мумкин. Бунинг учун уларда рухсатнома ва яшаш гувоҳнома-лари бўлиши керак. Хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатнома қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг тақдим этган ариза-анкеталари асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар доимий турар жойлари ёки вақтинча яшаб турган жойларидаги ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ рўйхатдан (вақтинча рўйхатдан) ўтказиладилар.

Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида юришлари тартиби, агар Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро битимларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, икки томонлама шартнома-лар ва тенглик асосида белгиланади. Мазкур қоидаларни бузганлик учун хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга, ушбу қоидаларнинг талабларига риоя қилишга мажбур бўлган шахслар (жумладан, хорижий фуқароларни республикага хусусий ишлар бўйича таклиф қилган ёки уларга хизмат кўрсатаётган шахслар) томонидан уларнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ёки мазкур қоидаларни бузган хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган бўлиш муддати қисқартирилиши мумкин. Қонунчиликда белгиланган ҳолларда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши ҳам мумкин. Хорижий фуқаро ўзининг Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши ва Ўзбекистон Республикасида бўлиши муддатининг қисқартирилиши тўғрисидаги қарор устидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва асосда шикоят қилишга ҳақлидир.

*Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш* Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари деярли бир хилдир.

Улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини суд ёки маъмурий тартибда ҳимоя қилишлари мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунига биноан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар қонунда белгиланган тартибда судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунига кўра, хорижий давлатлар нинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажармаганларида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича юридик жавобгарликка тортилиши мумкин.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланиши мумкинлигини эътиборга оладиган бўлсак, уларга нисбатан одатда маъмурий-ҳуқуқиймажбурлов чоралари қўлланилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 17-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Иммуниетга эга бўлган шахсларга нисбатан ушбу кодекснинг Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади. Шунингдек, қочоқлар-нинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномалар (БМТнинг 1950 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Қочоқлар ҳолати ҳақида»ги Конвенция, 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган «Қочоқлар ҳолати ҳақида»ги Баённома) ҳамда махсус қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## **2-савол Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми.**

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъектларидан бири – бу фуқаролардир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришиб, маълум бир субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги (маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардаги) ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари, жавобгарлигининг йиғиндиси *фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати*ни ташкил этади. Бу муносабатлар фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқнинг бошқа

субъектлари, масалан, давлат ҳокимияти органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, муассаса ва жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари билан ўзаро алоқаси натижа-сида вужудга келади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, қонунчилик ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра уларнинг фуқаролик ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади. Жумладан, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан;
- қонунда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишининг асосисифатида назарда тутилган давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;
- қонунда йўлқўйилган асослар бўйича мол-мулк олиш натижасида;
- фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;
- бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;
- фуқароларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида вужудга келиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган *фуқаро ҳуқуқий ҳолатининг* ажралмас қисми ҳисобланади. Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади ҳамда маъмурий-ҳуқуқий актларда ўз ифодасини топади.

Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Улар ўз ҳуқуқларини амалга ошириши билан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмасликлари шарт. Шу билан бирга, фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий-ахлоқий принциплари ва нормаларини ҳурмат қилишлари лозим. Фуқароларнинг бошқа шахсга зарар етказишига, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишига, шунингдек, ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқатига эга бўлиши катта аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати деганда фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари ва уни амалга оширишлари тушунилади. *Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати* инсон туғилиши билан вужудга келади ва туғилганданоқ қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишни англатади. Ҳуқуқ лаёқати инсон шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб,

уни чеклаш ёки ундан маҳрум этиш мумкин эмас. Амалдаги қонунчиликка биноан, маъмурий ҳуқуқ лаёқати қонунда белгиланган тартибда фақатгина суд томонидан чекланиши мумкин.

*Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати* маъмурий ҳуқуқ лаёқатидан фарқ қилган ҳолда маълум бир ёшдан вужудга келади. Қонунчиликка биноан, фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати қисман 16 ёшдан вужудга келади. Масалан, 16 ёшга тўлган фуқаролар паспорт олишга мажбурдирлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқ-бузарликлар асосан давлат бошқаруви жараёнида содир этилади.

Фуқаролар 18 ёшга тўлганда тўла маъмурий муомала лаёқатига эга бўладилар, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари мумкин. Масалан, Ватанни ҳимоя қилиш бурчи ёки сайлаш ҳуқуқи 18 ёшдан вужудга келади. Баъзи ҳолларда фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати, яъни ўзларининг ҳаракатлари билан давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари, масалан: 21 ёшдан (халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайланиш ҳуқуқи); 25 ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқи); 35 ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланиш ҳуқуқи) вужудга келиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати суд органлари томонидан чекланиши мумкин. Масалан, фуқаро жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бўлса, бундай шахслар уларга тегишли бўлган айрим ҳуқуқ ва мажбуриятларни (мисол учун сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, умумий ҳарбий мажбурият) амалга ошира олмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига биноан, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади. Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суи истеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майдамаиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.



Васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояқилиш учун белгиланади. Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар. Демак, фуқаролар ўзларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини фақатгина маъмурий ҳуқуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқати мавжуд бўлганида амалга оширишлари мумкин. Фуқаролар маъмурий-ҳуқуқий ҳолатининг таркибий қисмини фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ташкил этади. Чунки, Конституцияда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хилҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинсий, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мав- кеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (18-м.). Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати унинг вафот этиши билан бекор бўлиши мумкин.

*Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликлари*, биринчи галда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан белгиланган бўлиб, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир;

2) ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга;

3) ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас;

4) жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқ- ланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас;

5) ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шах- сий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир;

7) ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир;

8) ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга;

9) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади;

10) фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;

11) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар;

12) ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

13) ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир;

14) ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга;

15) ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

16) ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга;

17) ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқаролар маъмурий-ҳуқуқий ҳолатининг иккинчи асосий таркибий қисми – бу фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги бурчлари ва мажбуриятларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра:

1) фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар;

2) фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар;

3) фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;

4) фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар;

5) Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Конституциядан ташқари, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳам белгиланади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқиб фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати таркибига кирувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тўртта гуруҳга бирлаштириш мумкин. *Биринчи гуруҳ*ни фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши, давлат хизматида бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ташкил этади. Давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш кенг қамровли тушунча бўлиб, моҳиятига кўра, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу гуруҳининг ўзига хослиги шундаки, уларни амалга ошириш фуқароларнинг фаоллиги, хоҳиш-иродасини ифода этишини талаб этади.

*Иккинчи гуруҳ*ни ташкил этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш нафақат уларнинг фаоллигини, балки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралашувини ҳам талаб қилади. Жумладан, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ёрдами ёки қўллаб-қувватлашисиз фуқаролар митинглар, намойишлар ўтказиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашиш, давлат органларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш, давлат органлари (мансабдор шахслар)нинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари (қарорлари) оқибатида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқларини амалга ошира олмайдилар.

*Учинчи гуруҳ*ни ташкил этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш давлат органлари ва мансабдор шахслардан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, давлат томонидан кафолатлаш, уларни бажариш учун шарт-шароитлар яратиш бериш бўйича функ- ционал фаолиятни амалга оширишни талаб қилади.

Фуқароларнинг *тўртинчи гуруҳ* ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлат органлари фаолиятида фуқаролар иштироки билан боғлиқдир. Дейлик, бунга фуқароларнинг давлат органлари фаолиятида илмий техник ходим, эксперт, маслаҳатчи, соҳавий ёки ишчи комиссияларининг аъзоси сифатида иштирок этиши билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари киради.

Фуқаролар давлат бошқаруви соҳасида ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш орқали турли маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Бу муносабатлар қуйидагилар асосида *вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши* мумкин:

— фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари (масалан, давлат органига мурожаат қилиш, олий ўқув юртларига кириш);

— фуқароларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари (масалан, фуқаронинг 16 ёшга тўлганда паспорт олиши);

— давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши (масалан, асоссиз равишда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш);

– фуқаролар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги (масалан, белгиланган тартибда ҳарбий хизматни ўтамаганлик).

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун га биноан, *Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги* шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқаролар олдида, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир. Ўзбекистон Республикаси – республика ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар, барча учун тенг ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**10-мавзу: Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллашга ваколати бўлган органлар ва мансабдор шахслар**



### Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) ва уларнинг турлари.
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги.
3. Ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатлари.

**1-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) ва уларнинг турлари.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **Учинчи бўлими** “*Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)*” деб номланган бўлиб, кодекснинг 242-моддасига мувофиқ қуйидаги органлар ва мансабдор шахсларга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколат берилган:

## **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар тизими:**

1) жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса иқтисодий судлар ва фуқаролик ишлари бўйича судлар;

2) вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари;

3) ички ишлар органлари (мансабдор шахслари);

4) давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва МЖТК билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар).

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳозирги кунда (2022 йил 15 март ҳолатига қўра)жами **45 та** бўлиб, **245–268<sup>4</sup>**-моддаларида белгиланган. Ушбу орган(мансабдор шахс)лар ҳуқуқбузарлик ишларини юритишнинг қуйидаги босқичлари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриб чиқадилар:

1) ишни қўзғатиш; 2) ишни кўриб чиқиш;

3) иш юзасидан қарор қабул қилиш; 4) қарорни ижро этиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқишга ваколатли органлар фақат ўз ваколоти доирасидаги ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқадилар. Яъни ушбу органлар айрим ҳуқуқбузарлик ишларини юритишнинг барча босқичларини қўлламайдилар. Масалан: маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини қўзғатиб, иш бўйича дастлабки ҳужжатларни тўплабмазкур ишни кўриб чиқиш учун ваколатли органга юбориши мумкин (МЖТКнинг 280-282-м.).

Шу жумладан, кўп ҳолларда судьялар ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш босқичини амалга оширадилар. ИИОлари эса кўриб чиқиш ваколотига кирмайдиган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳуқуқбузарлик ишларини қўзғатиб, иш бўйича далилий ашё ва ҳужжатларни тўплаб уларни кўриб чиқиш ваколотига эга органларга юборадилар. МЖТКда белгиланган айрим органларга (10та) **фақат** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги **баённома тузиш ваколоти берилган бўлиб**, улар тўпланган ҳужжатларни кўриб чиқиш ваколотига эга орган(Суд)ларга юборади.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида баённома МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ тузиладиган, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида маъмурий жазо қўлланадиган ҳоллардан ташқари, барча ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги факти қайд этиладиган ягона ҳужжат ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахслар томонидан тузилади.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг мазмуни** (281-м.)

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада:

- шу баённома тузилган сана ва жой;
- баённомани тузган шахснинг лавозими;
- фамилияси, исми, отасининг исми;
- ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;

- агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;

- ҳуқуқбузарнинг тушунтириши;

- ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

- Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади;

- гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса – баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

- Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома* бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади (МЖТКнинг 282-м).

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома қуйидаги ҳолларда тузилмаслиги мумкин:* Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирмаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаса, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан эса фақат МЖТКнинг 138-моддаси (*Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши*) нинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди. Бунда жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги квитанция берилади. Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ баённома тузилади.

Транспорт воситасидан фойдаланган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган, шунингдек божхона тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона

автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қайд этилган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида *баённома тузилмайди*.

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқи МЖТКнинг 280-моддасига* биноан текширув ва назоратни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) вазифасидан келиб чиқади. Давлат органига текшириш-назорат вазифасини амалга оширишни юклаш (унинг, ходимлари) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган ҳолатларда бу ҳақда баённома тузиш ҳуқуқига эга деган маънони билдиради.

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишга ваколатли органлар:**

- 1) Адлия органлари. 245<sup>2</sup>-м.
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органлари. 245<sup>3</sup>-м.
- 3) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органлари. 245<sup>5</sup>-м.
- 4) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси. 245<sup>6</sup>-модда.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органлари. 245<sup>7</sup>-м.
- 6) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари. 245<sup>8</sup>-м.
- 7) Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар. 245<sup>9</sup>-м.
- 8) Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар. 247-м.
- 9) Ички ишлар органлари. 248-м.
- 10) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари. 248<sup>1</sup>-м.
- 11) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари. 248<sup>2</sup>-м.
- 12) Давлат ёнғин назорати органлари. 249-м.
- 13) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари. 249<sup>1</sup>-м.
- 14) Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари. 250-м.
- 13) Ҳаво транспорти органлари. 251-м.
- 14) Сув транспорти органлари. 252-м.
- 15) Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари. 254-м.
- 16) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги органлари. 254<sup>1</sup>-м.
- 17) Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари. 255-м.
- 18) Мудофаа вазирлиги органлари. 256-м.
- 19) Давлат санитария назорати органлари. 257-м.
- 20) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг ва Миллий гвардиясининг санитария назоратини амалга оширувчи тиббий хизматлари. 258-м.
- 21) Давлат ветеринария хизмати. 259-м.



22) Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг органлари. 260-м.

23) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси. 260<sup>1</sup>-м.

24) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар. 261-м.

25) Давлат ўрмон хўжалиги органлари. 261<sup>1</sup>-м.

26) Божхона органлари. 262-м.

27) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси органлари. 263-м.

28) Давлат солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари. 264-м.

29) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органлари. 264<sup>1</sup>-модда.

30) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари. 264<sup>2</sup>-модда.

31) Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органлари. 265-модда.

32) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг органлари. 266<sup>1</sup>-модда.

33) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг органлари. 266<sup>2</sup>-модда.

34) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси органлари. 266<sup>4</sup>-модда.

35) Давлат статистика органлари. 267-модда.

36) Давлат пробир назорати органлари. 268-модда.

37) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги органлари. 268<sup>1</sup>-модда.

38) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари. 268<sup>2</sup>-модда.

39) Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари. 268<sup>3</sup>-модда.

40) Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш органлари. 268<sup>4</sup>-модда.

**2-ўқув саволи.** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги.

**Жиноят ишлари бўйича судлар**

Жиноят ишлари бўйича судлар МЖТКнинг 40, 41, 42, 43 (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно), 44,

45, 46, 46<sup>1</sup>, 46<sup>2</sup>-моддаларида, 47-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида, 47<sup>1</sup>, 47<sup>2</sup>, 47<sup>4</sup>, 47<sup>5</sup>, 48, 49<sup>1</sup>, 49<sup>4</sup>, 51<sup>1</sup>, 51<sup>2</sup>, 51<sup>3</sup>, 51<sup>4</sup>, 51<sup>5</sup>, 51<sup>6</sup>, 51<sup>7</sup>, 51<sup>8</sup>, 51<sup>9</sup>, 52, 56, 57, 58, 59, 59<sup>1</sup>-моддаларида, 60-моддасининг биринчи қисмида, 61, 61<sup>1</sup>, 61<sup>2</sup>, 62, 64, 66, 67-моддаларида, 70<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 702-моддасининг иккинчи қисмида, 76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларини шикастлантиришга оид қисмида), 77-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 79-моддасининг иккинчи қисмида, 90-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 90<sup>1</sup>-моддасида, 91<sup>1</sup>-моддасининг тўртинчи қисмида, 94, 99 (йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузишга оид қисмида), 100-моддаларида, 101-моддасининг биринчи (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида) ва иккинчи қисмларида, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108-моддаларида, 110-моддасининг биринчи (мансабдор шахсларга нисбатан) ва иккинчи қисмларида, 111-моддасининг иккинчи қисмида, 112-моддасида (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга оид қисмида), 116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>-моддаларида, 117-моддасининг иккинчи қисмида, 119-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи қисмида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128-моддасининг тўртинчи қисмида, 1283-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг тўртинчи қисмида, 1285-моддасининг учинчи қисмида, 129-моддасининг иккинчи қисмида, 130-моддасининг иккинчи қисмида, 131, 132, 133, 134-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида, 142-моддасининг иккинчи қисмида, 146-моддасининг учинчи қисмида, 1461-моддасида, 147-моддасида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан казиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш), 149, 150-моддаларида, 151-моддасининг иккинчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 155, 155<sup>1</sup>, 155<sup>2</sup>, 157, 158, 159-моддаларида, 160, 160<sup>1</sup>, 161, 163, 1631-моддаларида, 164, 165, 165<sup>1</sup>, 166, 167, 169, 170, 171, 171<sup>1</sup>, 172, 173-моддаларида, 174-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 174<sup>1</sup>, 175, 175<sup>1</sup>, 175<sup>2</sup>, 175<sup>3</sup>, 175<sup>4</sup>, 175<sup>5</sup>, 175<sup>6</sup>, 175<sup>7</sup>, 175<sup>8</sup>, 176, 176<sup>2</sup>, 176<sup>3</sup>, 176<sup>4</sup>, 177, 177<sup>1</sup>, 177<sup>2</sup>, 178, 178<sup>1</sup>, 179, 179<sup>1</sup>, 179<sup>2</sup>, 179<sup>3</sup>, 179<sup>4</sup>, 179<sup>5</sup>, 180, 181, 182, 183, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 185, 185<sup>1</sup>, 185<sup>2</sup>, 185<sup>3</sup>, 186, 186<sup>1</sup>-моддаларида, 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188<sup>1</sup>, 188<sup>3</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 192<sup>1</sup>, 193, 193<sup>1</sup>, 193<sup>2</sup>, 193<sup>3</sup>, 194, 194<sup>1</sup>, 195, 195<sup>1</sup>, 196, 196<sup>1</sup>, 197, 197<sup>1</sup>, 197<sup>2</sup>, 197<sup>3</sup>, 197<sup>4</sup>, 197<sup>5</sup>, 197<sup>6</sup>, 198, 198<sup>3</sup>, 198<sup>4</sup>, 198<sup>5</sup>, 199, 200, 200<sup>1</sup>, 200<sup>2</sup> (бундан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно), 201, 201<sup>1</sup>, 202, 202<sup>1</sup>, 202<sup>2</sup>, 203, 203<sup>1</sup>, 204, 204<sup>1</sup>, 205, 206, 206<sup>1</sup>, 207, 208, 209, 209<sup>1</sup>, 210, 210<sup>1</sup>, 215<sup>2</sup>, 215<sup>4</sup>, 216, 217, 218, 219<sup>1</sup>-моддаларида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 222-моддасида, 224<sup>1</sup>-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 224<sup>2</sup>-моддасида, 225-моддасининг еттинчи ва саккизинчи қисмларида, 225<sup>1</sup>, 226, 227<sup>4</sup>, 227<sup>8</sup>, 227<sup>9</sup>-моддаларида, 227<sup>13</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 227<sup>14</sup>, 227<sup>15</sup>-моддаларида, 227<sup>16</sup>-моддасининг иккинчи — бешинчи қисмларида, 227<sup>17</sup>, 227<sup>18</sup>, 227<sup>19</sup>, 227<sup>20</sup>, 227<sup>21</sup>-моддаларида, 227<sup>22</sup>-

моддасининг биринчи қисмида, 227<sup>23</sup>, 227<sup>24</sup>, 227<sup>25</sup>, 227<sup>26</sup>, 227<sup>27</sup>-моддаларида, 228-моддасида (муҳрлар (пломбалар) табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги учун қўйилган ҳоллар бундан мустасно), 230, 231, 232, 233, 234, 237, 238, 239, 239<sup>1</sup>, 240, 241, 241<sup>5</sup> ва 241<sup>7</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

(245-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 февралдаги ЎРҚ-754-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.02.2022 й., 03/22/754/0134-сон)

Агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, жиноят ишлари бўйича судлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам жиноят ишлари бўйича судлар кўриб чиқади, бундан МЖТК 60-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 60<sup>1</sup>, 65, 68, 68<sup>1</sup>, 99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

#### **Иқтисодий судлар**

Иқтисодий судлар иқтисодий низоларни ҳал этиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда МЖТК 175-моддасининг учинчи қисмида, 176<sup>1</sup>, 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

#### **Адлия органлари**

МЖТКнинг 198<sup>3</sup> ва 198<sup>4</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун МЖТКнинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

#### **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига МЖТКнинг 101 (умумий фойдаланишдаги электр ва газ тармоқлари ҳамда электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 198<sup>1</sup> ва 198<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш ваколати берилган Бюро органлари мансабдор шахслари ҳақлидир.

## **Фуқаролик ишлари бўйича судлар**

Фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролик ишларининг муҳокамаси чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ҳолларда МЖТКнинг 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

## **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органларига МЖТКнинг 215<sup>5</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари.

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси**

МЖТКнинг 215<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун МЖТКнинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

## **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларига МЖТКнинг 65, 66, 67, 68, 69-моддаларида (қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ қисми), 72-моддасида, 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида (сунъий сув иншоотлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми), 87-моддасида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши техникасига оид қисми), 89 ва 89<sup>1</sup>-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисми), 92-моддасида (наслчиликка оид қисми), 95-моддасида (қишлоқ хўжалигига оид қисми), 104<sup>1</sup>, 104<sup>2</sup>-моддаларида, 107-моддасида (қишлоқ хўжалигига оид қисми), 112-моддасида, 136, 139, 140, 141-моддаларида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши техникасига оид қисми), 172, 173, 176<sup>1</sup>-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисми), 197<sup>3</sup>-моддасида, 200, 212, 213, 214, 227<sup>14</sup>-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекция ҳудудий бошқармаларининг ҳамда туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари ҳақлидир.

#### **Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар**

Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари вояга етмаган шахслар томонидан МЖТКнинг 194-моддасида назарда тутилганидан бўлак содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар. МЖТКнинг 61, 116<sup>1</sup>, 116<sup>2</sup>, 125, 125<sup>1</sup>, 126, 127, 128, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup>, 128<sup>4</sup>, 128<sup>5</sup>, 128<sup>6</sup>, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135<sup>1</sup>, 136, 137, 138, 183, 185, 220, 221-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар мазкур ишлар келиб тушган орган (мансабдор шахс) ишни шу комиссиялар қараб чиқиши учун топширган ҳоллардагина кўриб чиқадилар. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли МЖТКнинг 47-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқадилар.

#### **Ички ишлар органлари**

Ички ишлар органларига МЖТКнинг 56<sup>1</sup>-моддасида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 115-моддаларида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123, 125-моддаларида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147, 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 223<sup>1</sup>, 223<sup>3</sup>, 224-моддаларида, 225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қуйидагилар ҳақли:

1) МЖТКнинг 56<sup>1</sup>-моддасида, 114-моддасида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123-моддаларида, 142-

моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 156, 183, 192, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 223<sup>1</sup>, 223<sup>3</sup>, 224-моддаларида, 225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари;

2) МЖТКнинг 56<sup>1</sup>-моддасида, 113-моддаси биринчи қисмида, 114-моддаси биринчи қисмида, 115-моддасида, 121-моддасининг иккинчи қисмида, 122, 123, 156, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — метрополитенни муҳофаза қилиш бўйича ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки бошлиғи ўринбосарлари;

3) МЖТКнинг 225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларининг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари;

4) МЖТКнинг 56<sup>1</sup>, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 122, 123-моддалари, 127-моддаси (мақсадсиз овозли сигнал беришга доир қисмида), 161-моддаси (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, 223<sup>1</sup>, 223<sup>3</sup>-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари;

5) МЖТКнинг 125-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи, ва учинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135<sup>1</sup>-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг (Бош бошқармасининг) бошлиғи, унинг ўринбосарлари, йўл-патруль хизматини ҳамда маъмурий амалиётни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи, муҳим топшириқлар бўйича бош инспектор, инспектор (маъмурий амалиёт бўйича), маъмурий амалиёт бўлинмасининг (бўлимининг) бошлиғи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш бўйича бош инспектор, катта инспектор (инспектор), йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг (бўлинмасининг) бошлиғи, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг катта инспектори ва йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг маъмурий амалиёт

бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) МЖТКнинг 125-моддасида, 125<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>6</sup>-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135<sup>1</sup>-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, сафарбар гуруҳи) командири ёки командирининг ўринбосари;

7) МЖТК 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 128<sup>3</sup>-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128<sup>4</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизматининг катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар.

### **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари**

МЖТКнинг 185<sup>1</sup>-моддасида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари) ва 210<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун МЖТКнинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

### **Давлат ёнғин назорати органлари**

Давлат ёнғин назорати органларига МЖТКнинг 84, 124, 211-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат ёнғин назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваригача миқдорда жарима солишга;



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача, мансабдор шахсларга эса — саккиз бараваригача миқдорда жарима солишга;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторларининг катта ёрдамчилари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваригача миқдорда жарима солишга;

туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги, ёнғин назорати бўйича катта давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваригача миқдорда жарима солишга;

туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги, ёнғин назорати бўйича давлат инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваригача миқдорда жарима солишга.

### **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари**

МЖТКнинг 204<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун МЖТКнинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

**3-ўқув саволи.** Ички ишлар органлари маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддасига биноан Махсус қисмидаги 55 та модда ва унинг тегишли қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни аниқлайди ва кўриб чиқиб маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Шунингдек булардан ташқари қуйидаги моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида дастлабки ҳужжатларни тўплаб маъмурий баённома расмийлаштириб мазкур ишларни кўриб чиқишга ваколатли органларга МЖТКнинг 280-282-моддаларига биноан маъмурий баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборадилар:

1. 40-модда Тухмат

2. 41-модда Ҳақорат
3. 45-модда. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш
4. 52-модда. Енгил тан жароҳати етказиш
5. 56-модда. Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш
6. 62-модда. Топиб олинган мол-мулкни яшириш
7. 104-модда. Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, қўчатларга шикаст етказиш
8. 105-модда. Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик
9. 106-модда. Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик
10. 111-модда. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш
11. 113-модда. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
12. 114-модда. Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
13. 115-модда. Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш
14. 116-модда. Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш
15. 117-модда. Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш
16. 121-модда. Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш
17. 122-модда. Транспортда белгиланмаган жойларда чекиш
18. 123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш
19. 126-модда. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш
20. 127-модда. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
21. 128-модда. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлқаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги
22. 128<sup>1</sup>-модда. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши
23. 128<sup>2</sup>-модда. Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш
24. 128<sup>3</sup>-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши
25. 128<sup>4</sup>-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши

26. 128<sup>5</sup>-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳалақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши

27. 128<sup>6</sup>-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши

28. 129-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши

29. 130-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши

30. 131-модда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш

31. 132-модда. Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши

32. 133-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши

33. 134-модда. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши

34. 135-модда. Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши

35. 135<sup>1</sup>-модда. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш

36. 136-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши

37. 137-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш

38. 139-модда. Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш

39. 140-модда. Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш

40. 141-модда. Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш

41. 142-модда. Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш

42. 144-модда. Транспортда чиптасиз юриш

43. 146-модда. Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш

44. 147-модда. Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш

45. 150-модда. Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

46. 161-модда. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш
47. 163-модда. Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш
48. 180-модда. Судга ҳурматсизлик қилиш
49. 182-модда. Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш
50. 183-модда. Майда безорилик
51. 184-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш
52. 184<sup>1</sup>-модда. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши
53. 184<sup>2</sup>-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш
54. 184<sup>3</sup>-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш
55. 185-модда. Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш
56. 185<sup>1</sup>-модда. Пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи
57. 186-модда. Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши
58. 187-модда. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш
59. 188-модда. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш
60. 188<sup>1</sup>-модда. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш
61. 188<sup>2</sup>-модда. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш
62. 189-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
63. 189<sup>1</sup>-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
64. 190-модда. Фоҳишалик билан шуғулланиш
65. 191-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар
66. 192-модда. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш
67. 193-модда. Депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиш
68. 194-модда. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик
69. 195-модда. Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш
70. 196-модда. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик
71. 199-модда. Махсус хизматларни қасддан алдаб чақирганлик
72. 200-модда. Ўзбошимчалик
73. 200<sup>1</sup>-модда. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш

74. 201-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш
75. 202-модда. Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намоёишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш
76. 202<sup>1</sup>-модда. Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш
77. 203-модда. Байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш
78. 203<sup>1</sup>-модда. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш
79. 204-модда. Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш
80. 204<sup>1</sup>-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик
81. 206-модда. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш
82. 207-модда. Вояга етмаганни қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаслик
83. 208-модда. Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги
84. 209-модда. Давлат мукофотларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш
85. 210-модда. Қамокда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш
86. 219<sup>1</sup>-модда. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш
87. 220-модда. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш
88. 221-модда. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш
89. 222-модда. Ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаш
90. 223-модда. Паспорт тизими қоидаларини бузиш
91. 224-модда. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш
92. 225-модда. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш
93. 226-модда. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш
94. 240-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат).

### 11-Мавзу: Жиноят қонунчилиги: жиноят тушунчаси, белгилари ва таркиби.

Режа:

1. Жиноят қонуни ва унинг тузилиши.
2. Жиноят тушунчаси ва белгилари.
3. Жиноят таркиби тушунчаси ва тузилиши.



#### **1-савол.** Жиноят кодексининг тузилиши.

Мустақил мамлакатимизнинг Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунларини яхлит тизим сифатида тасаввур этиш мумкин, чунки унда акс этган нормалар бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ҳуқуқий институтлардан иборат. Чунончи, жиноят қонунларининг тўлиқ кодификация қилиниши ва ягона манба сифатида жиноят кодексига тўпланиши ушбу фикрнинг ёрқин далилидир. Жиноят қонунининг маълум қоидалар асосида тизимланиши нафақат унинг таркибий қисмларини тўғри аниқлаш, бевосита ҳуқуқни қўллаш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш, балки қонун ижодкорлиги фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик имкониятини беради.

Қонун чиқарувчи зарур ҳолларда янги жиноят қонунларини қабул қилиш орқали жиноят кодексининг амалдаги моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритади ёки жиноят кодексига киритилиши лозим бўлган моддаларни ишлаб чиқади. Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, бунда жиноят қонунларининг тизимини ҳисобга олиш нафақат қонунчилик техникаси ва қонуннинг таркибий тузилишига риоя қилиш нуқтаи назаридан, балки ўзаро мувофиқлик, уйғунлик ва мантиқ қоидаларига амал қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Жиноят кодекси махсус тузилишга эга бўлиб, у қонун чиқарувчининг иродаси акс этган техник қоидаларга бўйсунувчи шаклдан иборат. Таркиби жиҳатидан жиноят кодексини икки: Умумий ва махсус қисмдан иборат. Қонуннинг ушбу қисмлари ўзаро алоқадор бирликни ташкил қилишига қарамай, улардаги моддалар маъно-мазмунига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Бинобарин, кодекснинг умумий қисмида умумий қоидалар, кодекснинг принцип ва вазифалари, жиноят қонунининг амал қилиш доираси, жавобгарлик ва жазо асослари, уларни тайинлашнинг қонун-қоидалари, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, вояга етмаганларнинг

жавобгарлиги ҳамда уларга жазо тайинлаш хусусиятлари, шунингдек, жиноят қонунларига тааллуқли бошқа қоидалар ўз аксини топган.

Махсус қисмда эса жиноят деб топилган аниқ ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳамда уларни содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган аниқ жазо чоралари белгиланган. Умумий ва махсус қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунончи, махсус қисмдаги аниқ жиноятлар турлари бўлмаганида, умумий қисмнинг моддалари ўз мазмун ва аҳамиятини йўқотган бўлар эди, шунингдек, махсус қисмнинг моддаларини ҳам **умумий қисмнинг** асосий қоидаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жиноят кодексининг умумий қисми еттита бўлим ва ўн етти бобдан иборат, бўлимлари алоҳида бобларга бўлинган бўлиб, уларда ҳуқуқнинг ушбу соҳаси институтларини тартибга солувчи нормалар мужассамлашган:

**БИРИНЧИ БЎЛИМ.** Умумий қоидалар.

I боб. Жиноят кодексининг вазифалари ва принциплари.

II боб. Кодекснинг амал қилиш доираси.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ.** Жавобгарлик асослари.

III боб. Жиноят.

IV боб. Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар.

V боб. Айб.

VI боб. Тамом бўлмаган жиноят.

VII боб. Жиноятда иштирокчилик.

VIII боб. Бир қанча жиноят содир этиш.

**УЧИНЧИ БЎЛИМ.** Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар.

IX боб. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ва турлари.

**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.** Жазо ва уни тайинлаш.

X боб. Жазо тушунчаси, мақсадлари ва турлари.

XI боб. Жазо тайинлаш.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ.** Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш.

XII боб. Жавобгарликдан озод қилишнинг турлари.

XIII боб. Жазодан озод қилишнинг турлари.

XIV боб. Судланганлик.

**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ.** Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари.

XV боб. Жазо ва уни тайинлаш.

XVI боб. Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш.

**ЕТТИНЧИ БЎЛИМ.** Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари.

XVII боб. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш.

Жиноят кодексининг махсус қисми ҳам алоҳида бўлим ва бобларга бўлинган бўлиб, у маълум бир турга мансублик аломати бўйича тартибга солинган. Чунончи, бобларда тақиқловчи хусусиятга эга нормалар мужассамлашган бўлиб, улар жиноят қонуни муҳофаза қиладиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишларни назарда



тутади. Ушбу ижтимоий муносабатлар, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий моҳиятига кўра, турдош бўлганлиги сабабли, давлат ёки жамият ҳаётининг аниқ бир соҳасидагина намоён бўлади.

Ҳар бир бобда бир турга мансуб муносабатларнинг таркибий қисмидан иборат муайян ижтимоий муносабатга зарар етказадиган ҳамма жиноятларнинг тўлиқ рўйхати келтирилган. Ҳаммаси бўлиб **махсус қисм** еттита бўлим, йигирма тўртта бобдан иборат.

**БИРИНЧИ БЎЛИМ.** Шахсга қарши жиноятлар.

I боб. Ҳаётга қарши жиноятлар.

II боб. Соғлиққа қарши жиноятлар.

III боб. Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар.

IV боб. Жинсий эркинликка қарши жиноятлар.

V боб. Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар.

VI боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар.

VII боб. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ.** Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.

VIII боб. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар.

IX боб. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар.

**УЧИНЧИ БЎЛИМ.** Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.

X боб. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш.

XI боб. Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар.

XII боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар.

XIII боб. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар.

XIII<sup>1</sup> боб. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар.

**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ.** Экология соҳасидаги жиноятлар.

XIV боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ.** Ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар.

XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар.

XVI боб. Одил судловга қарши жиноятлар.

**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ.** Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар.

XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар.

XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар.

XIX боб. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар.

XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар.

XXI боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

XXI боб. Бўйсунуш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар.

XXII боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

XXIII боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар.

XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари.

Жиноят кодекси «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» деб аталган саккизинчи бўлим билан яқунланиб, унда жиноят қонунида учрайдиган баъзи атамаларнинг ҳуқуқий маъносига изоҳ берилади. Умумий ва махсус қисмларда жиноят қонунига оид барча нормалар алоҳида қоидалар – моддаларга ажратилган бўлиб, улар махсус кетма-кетликка эга. Жиноят кодекснинг саккизинчи бўлими бундан мустасно бўлиб, унда кодексида учрайдиган баъзи ҳуқуқий тушунча ва атамаларгагина изоҳ берилади. Бироқ, улар модда шаклида берилмаган бўлса-да, моҳиятан алоҳида модда ҳисобланади. Бундай техник услуб ҳуқуқ-тартибот органлари ва бундай ваколати бўлмаган бошқа органларнинг қонунни тор ёки кенг доирада талқин қилишига йўл қўймаслик шартидан келиб чиққан. Бинобарин, ушбу бўлимдаги атамалар ва тушунчаларга берилган шарҳлар расмий ва умуммажбурий ҳисобланади.

## **2-ўқув саволи. Жиноят тушунчаси ва белгилари.**

«Жиноят» тушунчаси жиноят ҳуқуқининг асосий тушунчаларидан биридир. У одамларнинг қайси қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) ҳуқуққа хилоф ва нега улар жазо таҳдиди орқали жиноят қонуни билан тақиқланган, деган саволларга жавоб беради.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноятга Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (ЖКнинг 14-моддаси 1-қисми) дея таъриф берилган.

Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказилган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади (ЖКнинг 14-моддаси 1-қисми).

Бу икки таърифни қиёслайдиган бўлсак, улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Агар биринчи таърифда жиноят белгиларига ижтимоий хавфли қилмиш, жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати, қилмишнинг кам аҳамиятлилиги кирган бўлса, иккинчи таърифда эса, юқорида кўриб ўтганимиздек, жиноятнинг барча белгилари очиқ акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасидаги таърифдан кўриниб турибдики, жиноят, энг аввало, ижтимоий хавфли қилмишдир. Қилмиш эса кишиларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсиз шаклдаги

хулқи (хатти-ҳаракати)дир. Жиноий қилмиш инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг бир кўриниши сифатида, аввало, уларнинг психологик мазмунининг барча аломатларига эга бўлмоғи лозим.


Инсонга хос хатти-ҳаракатларнинг физиологик асосини жисмоний ҳаракат ёки унинг асоси ташкил қилади. Жисмоний ҳаракат фаол ёки пассив бўлиши мумкин. У оғзаки фаоллик (тухмат, таҳдид, ташвиқот, таҳқирлаш), тажовузкорлик предметларига физик-механик таъсир қилиш (тан жароҳати етказиш, ўғрилиқ) ёхуд жиноят объекти ва предметига биргаликдаги механик ва оғзаки таъсир (безорилик, ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, жиноят жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги мураккаб ҳодисалардан биридир, шунинг учун ҳам унинг ўрганилишига нафақат юристлар, балки философлар, сиёсатшунослар, социологлар ва бошқа соҳа олимлари ҳам кўп эътибор қилади.

Жиноятчилик муаммоси бир неча юз йиллардан буён етакчи олимлар фикрини банд қилиб келмоқда. Аммо ҳозиргача бу ижтимоий ҳодисага қарши чора топилгани йўқ. Демократик ва ҳуқуқий давлат куриш даврида жамиятимизда жиноят ҳуқуқи, аввало, шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлашда ижтимоий ҳаётни бошқарувчи куч сифатида яққол намоён бўлади.

Кўриб чиқилаётган таърифда жиноятнинг формал норматив аломатлари (қилмишнинг Жиноят кодекси билан тақиқланиши) ҳамда унинг ижтимоий моҳиятини очиб берувчи моддий аломатлари (унинг ижтимоий хавфлилиги) назарда тутилгани учун ҳам бу таъриф расмий-моддий ҳисобланади. Жиноятнинг формал белгиси қонунчиликдаги «қонунда у ҳақда кўрсатилмаган жиноят йўқ» принципида ўз ифодасини топади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунида ҳудди айрим чет давлатлардаги каби (Англия, Ҳиндистон, АҚШ ва б.) жиноят қонунини ўхшашлиги бўйича қўллашга йўл қўйилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи (ҳуқуқни қўлловчи) органлар томонидан қонунчиликда қайд қилинмаган ижтимоий хавфли қилмишлар аниқланиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар жиноий жазога лойиқ деб топилмайди. Жиноят деб ҳисобланадиган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхати кенг талқин қилинмайди. Жиноий жавобгарликка ва жазога фақат жиноят қонунида ижтимоий хавфли қилмиш, яъни муайян жиноят аломатига эга бўлган, Жиноят кодекси Махсус қисмининг у ёки бу моддасида белгиланган қилмиш содир этган шахс тортилади.

Жиноятнинг моддий белгиси мазмун-моҳиятига кўра, ижтимоий хавфлилиқ хусусиятига эга, яъни жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ҳисобланади.



Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эълон қилинган ва кафолатланган муҳим ижтимоий қадриятларга тажовуз қилиш билан аниқланади.

Жиноят кодексининг 14-моддаси 2-қисмига мувофиқ, қонун билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Жиноят сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга. Жиноятнинг сифатга кўра ўзига хослиги ижтимоий хавфнинг табиатида намоён бўлади. Жиноятнинг миқдорий тавсифи ижтимоий хавф даражасида ифодаланади.

Ижтимоий хавфнинг табиати ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларнинг қадриятлар тизимидаги ўрни, объектга етказган зарарининг мазмуни, айбнинг шакл билан аниқланадиган муайян тур ёки кўринишдаги жиноятнинг ижтимоий хоссасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси бир хил хусусиятдаги ижтимоий хавфли қилмишнинг қиёсий хавфлилиги ифодасидир.

Ижтимоий хавфлилик даражаси зарарнинг катталиги, қасд ва эҳтиётсизлик турига, мотив ва мақсадлар мазмунига, жиноятнинг содир этилиш жойи, вақти, усули, вазияти, қуроллари ва бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Хуқуққа хилофлик жиноятнинг ижтимоий объектив аломатлари ижтимоий хавфлилик ва айбдорликдан фарқли ўлароқ, жиноятни баҳолаш норматив белгиси бўлган жиноят қонунидаги ижтимоий хавфнинг юридик ифодасидир.

Жиноятнинг норматив ва ижтимоий белгилари ўртасидаги муносабатни тўғри белгилаш қонунчилик фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг жиноят қонунига жиноий қилмишни киритишда, доимо жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ғоявий ва ижтимоий-ҳуқуқий эҳтиёжларига асосланилади. У ёки бу ғайриқонуний қилмиш Жиноят кодексининг Махсус қисмида жиноят сифатида белгиланган, чунки улар ижтимоий хавфлидир.

Бу, биринчидан, Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноий-ҳуқуқий нормалар диспозицияларида қилмиш белгиланганини англатади. Иккинчидан, жиноий-ҳуқуқий нормалар озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари, жарима ва бошқалар каби муайян жазо турларидан

иборат санкцияларни назарда тутати. Ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмиш фақат айб мавжуд бўлсагина жиноят деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи айбсиз айб қўйишни инкор этади. Жиноят кодексининг айб учун жавобгарлик принципини ифодалаган 9-моддасида «шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади», дея таъкидланган. Шунинг учун ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган қилмиш айбсиз жиноят деб топилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, айбсиз содир этилган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди.

Айб – бу шахснинг ўзи содир этадиган қилмишига қасд ёки эҳтиётсизлик тарзида ифодаланган ижтимоий ахлоқ ва қонун билан қораланадиган руҳий муносабатлардир.

Жиноят – жазога лойиқ қилмиш. Шунга кўра, қилмишнинг жиноят сифатидаги энг муҳим белгиси унинг жазога лойиқлигидир. Жиноят қонуни жиноий жазо қўллаш таҳдиди билан у ёки бу ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат содир этишни тақиқлайди. Фақатгина жазога тортиладиган бундай ижтимоий қилмишлар жиноят ҳисобланади. Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги моддаларнинг диспозицияларида нафақат у ёки бу жиноят аломатлари кўрсатилган, балки уларни содир этганлик учун санкциялар – жазонинг ҳажми ва аниқ кўринишлари ҳам белгиланган. Бундай ҳолларда жазонинг ўлчови ва хусусияти муайян жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос келади. Бироқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида белгиланган санкциялардаги жазолар ҳар доим ва ҳамма ҳолатларда ҳам қўлланилади дегани эмас. Жиноят кодекси жазодан озод қиладиган ҳолатларни ҳам назарда тутати. Кўпинча, бу ижтимоий хавфи ката бўлмаган жиноятларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари, жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланади. Шу билан бир қаторда, Жиноят кодекси бир қатор жиноий жазо ва жавобгарликдан озод қилиш институтларини назарда тутати. Бундай озод қилиш асосида жиноий катағонни қисқартириш ва жазонинг индивидуаллаштиришини таъминловчи инсонпарварлик принципи ётади. Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтлари (ЖК 64–76 ва 87–90-м.) жиноятчиликка қарши курашда, шунингдек, судланганларни ахлоқан тарбиялаш жараёнида кенг ва самарали фойдаланилади. Бироқ, бу ҳолат асло жиноят – жазо қўллаш таҳдиди остида қонун билан тақиқланган қилмиш деган умумий қонуннинг бузилишига олиб келмайди. Жиноят Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқига кўра тавсифланар экан, унинг ахлоққа зид хусусиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бирор-бир жиноий қилмиш йўқки, у миллий ахлоқ асосларига тажовуз қилмаган бўлсин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги доимий равишда ўзгармас бўлиб қолмайди. Ижтимоий

муносабатлар ривож, илмий-техник тараққиёт қилмишни ижтимоий хавфли ва жазога лойиқ деб топиш мезонига ўзгартиш киритиши ва аксинча бўлиши мумкин. Бугун ижтимоий хавфли бўлган қилмиш, эртага ижтимоий норма бўлиши ёки қандайдир янги қилмишни жиноят қонуни тақиқлаш заруриятини юзага келтириши мумкин.

Бундай ҳолларда жиноят ҳуқуқидаги бўшлиқни тўлдирувчи қонун чиқарувчи орган ЎзР Олий Мажлисидир. Суд, прокурор, терговчи, суриштирув органлари жиноий-ҳуқуқий бошқарув доирасидан ташқарида бўлган қилмишларга жиноий-ҳуқуқий тус беришга ҳақлари йўқ. Бу органлар ижтимоий хавфли қилмишнинг янги турига дуч келишганда унинг қонун билан тақиқланиши ва уни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини кўтариб чиқиши керак. Жиноятнинг ўзгарувчан аломати бир ҳолатда қилмишнинг ижтимоий хавфи кўп, бошқасида кам бўлиши билан изоҳланади. Масалан, ҳарбий ҳолат шароитида қатор қилмишларнинг ижтимоий хавфи юқори бўлади. Республикамиз халқининг моддий ва маънавий турмуш тарзининг юксалиши, интизомийлик ва онглиликнинг ўсиши турли хил жамоат тартибининг бузилишларига акс таъсир кўрсатади.

Шунинг учун қонунда, масалан, юқори ижтимоий хавфга эга безорилик хатти-ҳаракатига алоҳида эътибор қилинган. Буларга инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЖК 133-м.), одам савдоси (ЖК 135-м.), одам ўғирлаш (ЖК 137-м.), виждон эркинлигини бузиш (ЖК 145-м.) ва бошқаларни киритиш жоиз. Янги Жиноят кодекси қабул қилингунга қадар (1994 йил) ижтимоий хавфли бўлган ва жиноят деб топилган айрим қилмишларни қонун чиқарувчи Жиноят кодексидан чиқарди, чунки улар эндиликда ижтимоий хавфли эмас ва жиноят ҳисобланмайди. Юқоридагилардан кўришиб турибдики, ижтимоий хавфлилик умуман жамият, айти пайтда, ҳар бир фуқаро манфаатларига тажовуз қилинган жиноятдир. Чунки бизнинг мамлакатимизда жамият ва алоҳида шахслар манфаатлари гармоник уйғунлашган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига кўра, Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказган ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога лойиқ қилмиш жиноят деб топилади.

### **3-ўқув саволи.** Жиноят таркиби тушунчаси ва тузилиши.

Жиноят таркиби жиноят ҳуқуқи назариясида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлиб, Жиноят кодексининг 16-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортишга асос бўлади.

**Жиноят таркиби тушунчаси.** Жиноят таркиби бу - жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> Қаранг: Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения

Жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари ўртасида ўзаро алоқа ва узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, ҳар бир белги бошқалари билан биргаликда мавжуд бўлади ва ажралмас бир бутунликнинг зарурий қисмини ташкил қилади. Қилмишда жиноят таркибининг белгилари йиғиндиси мавжудлиги бу жиноий жавобгарликка тортиш учун энг кам ва етарли асослар борлигини англатади. Масалан, ЖКнинг 161-моддасида назарда тутилган «Қўпарувчилик» жинояти таркибининг зарурий белгиларидан бири Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадининг мавжудлигидир. Шундан келиб чиқиб, агар одамларни кириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар бошқа мақсадлар билан амалга оширилган бўлса, қилмишни қўпоровчилик каби баҳолаш асоссиз бўлади.

Жиноят таркибининг белгилари фақат жиноят қонуни билан белгиланади. Бу ЖК нинг 2-моддасида аниқ ёзилган ва унда муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни қўриқлаш вазифаларини амалга ошириш учун Жиноят кодекси жавобгарликнинг асослари ва принципларини қандай ижтимоий ҳавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Суд томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида<sup>8</sup>» 2006 йил 3-феврал 01-сонли қарорида жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари талабларига сўзсиз ва аниқ риюя қилиш зарурлигига ва қилмишида жиноят таркиби мавжуд бўлмаган шахсларнинг судланишига ҳамда нотўғри квалификация қилиш ҳолатларига ва иш ҳолатларини ва айбдор шахсини инобатга олмасдан жазо чораларини тайинлашга йўл қўймасликка катта эътибор берилади.

Шу билан бирга, ҳар бир аниқ жиноят таркиби нафақат унинг ўзига хосликлари ёки қирраларини кўрсатувчи белгилар билан таърифланади. Ҳар бир аниқ жиноят таркиби шундай белгиларга эгаки, унга зарур бўлган белги бир вақтда қолган таркиблар учун умумий белги бўлиши мумкин. Бу ерда барча таркиблар учун хос бўлган объект, объектив томон, субъект, субъектив томонларни айтиб ўтишни ўринли деб топамиз.

Жиноят таркибининг умумий тушунчаси барча жиноят таркибларига тегишли бўлган белгиларни умумлашган ҳолда акс эттиради ва алоҳида таркибларнинг мазмунини ёритиш учун муҳим илмий-билиш аҳамиятига эга. Аниқ жиноятларнинг ўзига хосликларини кўрсатиб ва мазмунини ёритиб, жиноят таркиби бир турдаги жиноятларни иккинчи турдаги жиноятлардан фарқини аниқлашга ёрдам беради. Жиноят таркиби белгиларини тўғри аниқлаш нафақат қилмишнинг қайси жиноят турига мансублигини аниқлаш

---

о преступления: предпосылки, реальность, перспективы. – Т., 1996 –С.95.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами 1991 - 2006.Т., 2006. 2- жилд. 225 б.

масаласини, балки айбдорга қайси жазо чораси қўлланилиши мумкинлиги масаласини ва шу шахс содир этган қилмиш жиноят ҳисобланиши мумкинлиги масаласини ҳал қилишда аҳамиятга эга. Жиноят ҳақида сўз борар экан, жиноят содир этилган ёки этилмаганлиги шу жиноятни таърифловчи қонун нормалари, яъни жиноят таркиби асосида амалга оширилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» деб айтилган.

- Жиноят таркибининг тузилиши.



### Жиноят таркибининг турлари.

**Жиноят таркибини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўрт турга ажратиш мумкин:**

1. Асосий таркибли жиноят.
2. Енгиллаштирувчи таркибли жиноят.
3. Оғирлаштирувчи таркибли жиноят.
4. Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноятларга ажратилади.

**Асосий таркибли жиноят деб** - аниқ турдаги ҳар бир жиноят учун зарур ва енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи белгилардан мустасно бўлган белгилар йиғиндисидан ташкил топади. Бу таркиб фақат шу жиноят турига мансуб муҳим ва ўзига хос белгилардан иборат бўлади. Масалан: 169-модданинг 1- қисми.

**Енгиллаштирувчи (имтиёзли) таркибли жиноят деб** - асосий таркибга қўшилиб, ушбу турдаги жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳолатлардан иборат таркибдир.

**Оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб** - асосий таркиб белгилари билан бир қаторда, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширадиган ҳолатлар мавжуд бўлади. Бундай ҳолатлар бир нечта, шу билан бирга, улар жиноят таркиби элементларининг барчасига ёки ҳаммасига тааллуқли бўлиши мумкин.

**Алоҳида оғирлаштирувчи таркибли жиноят деб** - асосий таркибнинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолатларни акс эттиради. Бунда ижтимоий хавфлилик даражаси оғирлаштирувчи таркибдан ҳам юқори бўлади.



Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра турлича бўлган жиноят таркиблари ЖКнинг турли моддаларида ёки битта модданинг турли қисм ва бандларида кўрсатилиши мумкин.

**Жиноят таркиби белгилари қонун чиқарувчи қабул қилган баён қилиш услубига қараб оддий ва мураккабга ажратилиши мумкин.**

**Оддий таркибли жиноятлар** - қонунда таърифланганда ҳар бир таркиб белгиси биттадан кўрсатилади: битта объект, битта ҳаракат, битта оқибат, битта айб шакли.

**Мураккаб таркибли жиноятлар** - шундай таркибга эгаки, унда икки ёки ундан кўп объект, икки ёки ундан кўп қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), бир неча муқобил белгилар, битта таркибга мансуб бир қатор оддий таркиблар ёки айбнинг икки шакли мавжуд бўлади.

Ушбу тушунчага асосланиб махсус адабиётларда **мураккаб таркибли жиноятлар куйидаги турларга ажратилади:**

- кўп объектли жиноятлар,
- бир неча қилмишдан ёки бир неча оқибатдан иборат жиноят таркиблари,
- муқобил таркиблар,
- таркибли таркиблар,
- икки айб шаклидан иборат таркиб.

**Кўп объектли таркиб** - икки ёки ундан кўп объектларга тажовуз қилувчи қилмишдан иборат жиноят таркиблари қиради.

**Бир неча қилмишдан иборат жиноят таркиби** - икки ёки ундан ортик қилмишлар йиғиндиси, ягона жиноят таркибини вужудга келтирадиган таркиблар қиради.

**Муқобил таркиб** - бир неча қилмиш ёки бир неча жиний оқибатлардан иборат бўлиб, жиноят таркиби мавжуд деб ҳисоблаш учун шулардан камида биттасининг борлиги кифоя қилади.

**Икки айб шакли мавжуд бўлган жиноят таркиби** - бу шундай таркибки, уларда айбдор ўз қилмишига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатга турли рухий муносабатда бўлади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

### 12-мавзу: Жиноий жазо тушунчаси, мақсади ва турлари.



#### Режа:

1. Жиноят ҳуқуқида жазо тушунчаси ва мақсади.
2. Жазо тизими тушунчаси ва турлари. Ассосий ва қўшимча жазолар тушунчаси ва турлари.

Жазо тушунчаси ва мақсади.

Жазо чоралари жиноятчиликка қарши курашда, жамиятни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Жазо Жиноят кодексининг «Махсус» қисми нормасида жавобгарлик белгиланган, содир этилган жиноятнинг ҳуқуққа хилофлиги белгисидир. Жиноят ва жазо тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланиладиган қонунийлик ва айб учун жавобгарлик принципларида ифодаланади.

**Жазо деб** - жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурият чорасига айтилади.

#### Жиноий жазо белгилари:

- жиноий жазо давлатнинг мажбурият чораси ҳисобланади;
- давлат номидан унинг органлари томонидан амалга оширилади;
- жиноий жазо чораси фақат жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тайинланади;
- жазо тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади;
- жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади;
- жазо шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маълум вақт оралиғида чеклашида ифодаланади;
- махсус ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунида кўрсатилади;
- судланганлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Жиноий жазо ўз мазмуни, функцияси, хусусияти ва таъсир қилувчи объектига кўра, жазо тайинлаш жазони ижро этиш ва жазодан озод қилиш жараёнида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларга нисбатан кенгрок ҳисобланади. Жиноий жазо жиноятчи шахси, жамиятнинг бошқа аъзолари ва жамиятнинг ўзига таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган мажбурият

чораларининг жамидир. Бу давлатнинг жиноятчиликка қарши сиёсатини режалаштириш ва амалга ошириш, жиноят ва жиноят ижроия қонуни талабларини бажариш имконини беради. Жиноий жазони ижтимоий категория сифатида ўрганишнинг муҳим муаммоси, унинг ижтимоий функцияси ҳисобланади. Жазонинг энг муҳим функцияларидан бири - жиноят содир этган шахсни унга нисбатан жазони қўллаш орқали у огоҳлантирилишидир. Жиноий жазо умумий ва махсус ижтимоий назорат функциясини амалга оширади. Ижтимоий назоратнинг самарадорлиги жазони жиноятчиликка қарши кураш воситаси сифатида қўлланишига, кўпинча ижтимоий ўзгаришларнинг конунчиликда акс эттирилишига ва ижро этилишига боғлиқдир.

Жазонинг мақсадини белгилаш - жиноят ҳуқуқининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Унинг ҳал қилинишига нафақат шу ҳуқуқ соҳасининг институтлари, балки жиноят қонуни нормаларининг қандай мақсадларда қўлланишига ҳам боғлиқдир.

**Жазонинг мақсади** – адолатли ва тўғри жазо тайинланишидан келиб чиқиши кутилган натижа бўлиб, ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмига кўра, жазо мақсадига:

- маҳкумни ахлоқан тузатиш;
- маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш;
- маҳкумни янги жиноят содир этишини олдини олиш;
- бошқа шахсларнинг жиноят содир этишларини олдини олиш киради.

**Тарбиялаш** – жазонинг алоҳида бир мақсади сифатида жиноят содир этган шахсга жазо қўллаш орқали уни қонунга риоя этиш руҳида тарбиялаш, қонун ва ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш, ҳалол турмуш кечирish ва меҳнат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

**Жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш эса** – жазонинг махсус мақсади сифатида шахсни, жиноят қонуни билан кўриқланадиган манфаатларга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузига чек қўйилишини англатади.

**Жиноятни олдини олиш** – жиноят ҳуқуқида иккига умумий ва махсус олдини олишга ажратилади.

**Умумий кўринишдаги олдини олиш деганда** – бошқа шахсларнинг ҳам жиноят содир этишларини олдини олишни назарда тутса.

**Махсус олдини олиш эса** – маҳкумнинг янги жиноят содир этишини олдини олишни назарда туттади.

Жазонинг мақсадларидан яна бири маҳкумнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилишдан иборат. Шахсга жиноят содир қилганлик учун у ёки бу турдаги жазо қўлланилганда, унинг ҳуқуқи чекланади ва ҳулки назорат остига олинади. Айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкум қаттиқ назорат остига олинади ва ўз жиноий фаолиятини давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлади.

Давлат жиноий жазони қўллаш билан жиноятчини ўз фуқароларидан изоляция қилади ва ҳимоя қилади, уни жиноят содир этиш имкониятидан маҳрум қилади. Маълум даражада бу махсус огоҳлантириш чоралари

доирасига киради. Ушбу мақсаднинг қонунда мустақил ажратиб кўрсатилганлиги тўғри бўлган.

**2-ўқув саволи:** Жазо тизими тушунчаси ва турлари.

**Жазо тизими деб** – жиноят қонунида белгиланган тартибда оғирлик даражасига кўра, енгилдан оғирига қарабжойлаштирилган жазо турлари йиғиндисига айтилади.

Амалдаги ЖКнинг 43-моддасига кўра, жиний жазонинг 10 хил тури мавжуд бўлиб, улар 3 гуруҳга бўлинади.

<b>Жиний жазо тизими</b>		
№	Жазо гуруҳлари	Жазо турлари
1	Асосий жазолар:	<ul style="list-style-type: none"> <li>- жарима;</li> <li>- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;</li> <li>- мажбурий жамоат ишлари</li> <li>- ахлоқ тузатиш ишлари;</li> <li>- хизмат бўйича чеклаш;</li> <li>- озодликни чеклаш;</li> <li>- интизомий қисмга жўнатиш;</li> <li>- озодликдан маҳрум қилиш;</li> <li>- умрбод озодликдан маҳрум қилиш.</li> </ul>
2	Қўшимча жазо:	- ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш.
3	Аралаш турдаги жазо (ҳам асосий ҳам қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган жазо):	- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш

### **Жарима.**

Жарима айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

Жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича

чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир оғи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади (ЖКнинг 44-моддаси).

### **Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш.**

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда — бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тариқасида тайинланганда — бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ушбу Кодекс [Маҳсус қисмининг](#) тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога кўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш жазосига кўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга кўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно (ЖКнинг 45-оддаси).

### **Мажбурий жамоат ишлари.**

Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди (**45<sup>1</sup>-модда**).

### **Ахлоқ тузатиш ишлари**

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди (**ЖКнинг 46-моддаси**).

### **Хизмат бўйича чеклаш**

Хизмат бўйича чеклаш — ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ушбу Кодекс **Махсус қисмининг** моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки

махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига кўшилмайди (ЖКнинг 47-моддаси).

### **Озодликни чеклаш.**

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик;

оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди (ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси).

### **Интизомий қисмга жўнатиш**

Интизомий қисмга жўнатиш — муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби



анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси ушбу Кодекс [Махсус қисмининг](#) моддасида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин (ЖКнинг 49-моддаси).

### **Озодликдан маҳрум қилиш**

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг [учинчи қисмида](#) назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг [иккинчи қисми](#)) ва терроризм (155-модданинг [учинчи қисми](#)) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг [60-моддасида](#) назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс [Махсус қисмининг](#) тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасдан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасдан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш



жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони каттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек [қонунчиликка](#) мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди (ЖКнинг 50-модда).

#### **Умрбод озодликдан маҳрум қилиш.**

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг [иккинчи қисми](#)) ва терроризм (155-модданинг [учинчи қисми](#)) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас (ЖКнинг 51-моддаси).

#### **Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш.**

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан

мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин (ЖКнинг 52-моддаси).

**Асосий жазолар деб** – фақат ўзи мустақил (якка) кўринишда қўлланиладиган ва жазонинг асосий мақсадини амалга оширишни назарда тутадиган жазо турларига айтилади.

**Кўшимча жазо деб** – жазонинг мақсадини амалга ошириш учун ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган ва асосий жазо тури билан биргаликда тайинланадиган жазо чорасига айтилади.

**Аралаш турдаги жазо деб** – жиноят қонунида назарда тутилган айнан бир жазо турининг содир этилган жиноятлар учун ҳам асосий ҳам қўшимча жазо тури тариқасида тайинланиши мумкин бўлган мажбурлов чорасига айтилади.

**Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш** - ЖК Махсус қисмининг аниқ моддалари санкцияларида асосий жазо тариқасида кўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай асосий жазо турига қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин бўлган жазо тури ҳисобланади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**13-мавзу:** Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятларнинг жиний ҳуқуқий тавсифи.



### РЕЖА:

1. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби.
2. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби.
3. Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш.

**1-ўқув саволи. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби. (ЖК 141-моддаси)**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (18-модда) мувофиқ, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатнинг ҳар қандай соҳалари, жумладан

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг ҳуқуқга эга эканлигини белгилайди.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги жамият ҳаётининг турли соҳалари (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий)да бузилиши мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланишини назарда тутди.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жинояти фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги ва қонун олдида тенглигини таъминловчи конституциявий ҳуқуқларига тажовуз қилади. Шу боис фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг ўрнатилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг тенглик принципига асосан амалга оширилишини таъминлашнинг жиноий-ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Жиноятнинг *бевосита объекти* фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган тенг ҳуқуқлилиқ принципи амалга оширилишини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг жабрланувчилари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Улар қаторига чет эл фуқаролари ва Ўзбекистонда доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киритилиши мумкин. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар», – деб белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, ушбу норма орқали нафақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқлар, балки халқаро ҳуқуқ нормалари асосида белгиланган ҳар қандай фуқарога тегишли бўлган ҳуқуқлар ҳимоя остига олинади.

Жиноят кодекси 141-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятнинг *объектив томони* бир ёки бир гуруҳга оид фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳуқуқларини:

1) бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклашда;

2) фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар беришда ифодаланади.

Ушбу қилмишлар ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш шахсининг ўзи ёки бошқа шахслардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

*Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш ёки чеклаш* фуқаронинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун унга имконият бермасликда ёки тўсқинлик қилишда ифодаланади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин, масалан: фуқарони жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб, асослантирилмаган ҳолда ишга қабул қилмаслик, қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиш, уй-жой бермаслик, қонунда назарда тутилган имтиёзлардан маҳрум қилиш ва бошқа шу кабилар.

*Фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш* уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб, уларнинг тенг ҳуқуқлигини бузган ҳолда имтиёзлар берилишини назарда тутлади. Фуқароларнинг бу каби конституциявий ҳуқуқларини бузиш уй-жой бериш, рағбатлантиришга, мукофотларга тавсия қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва бошқа шу каби ҳаракатларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Агар фуқаролар тенг ҳуқуқлилигининг бузилиши фуқаронинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеи билан боғлиқ бўлмаган бўлса, бундай қилмиш таҳлил этилаётган жиноят таркибини ташкил этмайди.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жинояти фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузган ҳолда бир-биридан устун қўйишга қаратилган қилмишлар содир этилган вақтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Жиноятнинг *субъектив томони* айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Қасд ҳам тўғри, ҳам эгри бўлиши мумкин. Жиноятнинг мотив ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Жиноятнинг мотивлари турлича бўлиши мумкин: бошқа миллатга нафрат билан қараш, у ёки бу ирқдан ўзини устун қўйиш ва бошқалар. Бироқ улар судлар томонидан жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятининг *субъекти* 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Агар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, қилмиш мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.) жиноятлари мажмуи тарикасида квалификация қилинади.

Агар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини бузиш зўрлик ишлатиб содир этилган бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 141-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилинади. Қонун нормасида зўрлик ишлатишнинг хусусияти аниқ белгиланмаганлиги боис, зўрлик ҳам руҳий, ҳам жисмоний хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Агар зўрлик ишлатиш натижасида шахсга оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 141-моддасининг иккинчи қисми ва 104-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади. Баданга етказилган енгил ва ўртача оғирликдаги шикаст даражалари Жиноят кодекси 141-модда иккинчи қисми билан камраб олинади. Бундай ҳолда Жиноят кодекси 105 ва 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноятини (ЖК 141-м.) миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш (ЖК 156-м.) жиноятдан фарқлаш керак. Жиноят кодекси 141-моддасида назарда тутилган жиноят фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузишда ифодаланади. Жиноят кодекси 156-моддасида назарда тутилган жиноят фуқароларнинг миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадини кўзлайди. Бундай мақсад фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (ЖК 141-м.) жиноятида кузатилмайди. Шу нуқтаи назардан мазкур жиноятлар жиноят таркибининг объекти ва субъектив томони белгилари билан бир-биридан фарқ қилади.

## 2-савол Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби. (ЖК 142-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси биринчи қисмида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», – деб белгилаб қўйилган ва шу норма асосида фуқароларнинг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқи кафолатланган. Шу нуқтаи назардан ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши мумкин эмас.

Жиноят кодекси 142-моддасида фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги фуқароларнинг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқи таъминланишининг жиноий-ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Жиноятнинг *бевосита объектини* фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Жиноятнинг қўшимча объекти сифатида фуқароларнинг соғлиғи, мулкӣ муносабатлари бўлиши мумкин.

*Турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқи* – бу шахснинг турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини бузилишини англамайди, балки у фуқаронинг шахсий ҳаётига бўлган дахлсизлик ҳуқуқининг бир элементини ташкил этади. Шунинг учун турар жойга ғайриқонуний равишда бостириб киришни фуқаронинг шахсий ҳаётига бўлган дахлсизлик ҳуқуқи бузилишининг бир элементи сифатида қараш керак.

Жиноятнинг *объектив томони* турар жойга унда яшовчиларнинг эркига ҳилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб киришда ифодаланади.

*Турар жой деганда*, инсонларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган бинолар тушунилади.

*Ғайриқонуний бостириб кириш деганда*, фуқароларнинг турар жойига унда яшовчиларнинг розилигисиз кириш тушунилади. Ҳуқуқ назариясида ғайриқонуний кириш нафақат зўрлик ишлатиш билан, балки яширин, очикдан-очик, алдаш йўли билан, тўсиқларни, одамларнинг, шунингдек қўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб содир этилиши мумкин. Бироқ, мазкур жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида қонун чиқарувчи турар жойга унда яшовчиларнинг эркига ҳилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб киришни киритган. Шу сабабли турар жойга зўрлик ишлатмасдан яширин ёки алдаш йўли билан кирилган бўлса, бундай қилмиш таҳлил этилаётган жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

*Зўрлик ишлатиш деганда*, жабрланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки жисмоний куч ишлатиш билан қўрқитиб руҳий тазйиқ ўтказиш тушунилади.

Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш жинояти ушбу жиноятдан оғирроқ бўлган жиноят билан боғлиқ ҳолда содир этилганда, қилмиш жиноятлар мажмуи тарикасида квалификация қилинади (масалан, қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ва бошқ.). Қолган ҳолларда қилмиш Жиноят кодекси 142-моддаси билан қамраб олинади.

Агар шахс томонидан талон-торож қилиш мақсадида фуқароларнинг турар жойига унда яшовчиларнинг эркига ҳилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кирилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 142-моддаси билан квалификация

қилинмайди. Бундай қилмиш ўзгалар мулкани талон-торож қилишнинг содир этилиш усулига кўра, босқинчилик (ЖК 164-м.), талончилик (ЖК 166-м.) ёки ўғирлик (ЖК 169-м.) тариқасида квалификация қилинади.

Турар жойга нафақат унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда кириш, балки унинг яқин қариндошлари ёки ишончли шахсларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб кирилганда ҳам, жавобгарликни келтириб чиқаради.

«*Бостириб кириш*» ибораси турар жойга куч ишлатиш билан кириб боришни англатади. Бостириб киришда шахснинг қайси ҳаракатлари жабрланувчининг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқини бузганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Қонун мазмунига кўра, турар жойга бостириб кириш ғайриқонуний равишда содир этилган бўлиши керак. Шу сабабли мазкур қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш учун турар жойга бостириб кириш қандай ҳолларда ғайриқонуний ҳисобланишини баҳолаш зарурдир.

Ғайриқонунийлик шахснинг унга нисбатан бегона бўлган турар жойга кириш учун ҳуқуқи бўлмаган ҳолда кирганлигини англатади. Шунинг учун турар жойга қайси ҳолда кириш ғайриқонуний ҳисобланиши ҳақидаги масалани тўғри ҳал этиш учун, дастлаб турар жойга қонуний ҳолда кириш мумкин бўлган барча шароитларни белгилаб олиш зарур бўлади.

Турар жойга қуйидаги ҳолларда кириш қонуний ҳисобланади:

*биринчидан*, турар жойда яшовчиларнинг рухсати билан кириб бориш. Турар жойга унда яшовчиларнинг таклифига кўра меҳмондорчиликка чақирилган шахсларнинг ёки тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарур бўлган шахсларнинг кириши ҳам ғайриқонуний деб баҳоланмайди. Бунда турар жой эгаларининг розилиги ихтиёрий равишда берилганлигини аниқлаш зарур.

Амалиётда қўни-қўшнилар ўртасида шаклланган ўзаро муносабатлар асосида таниш бўлган шахслар ҳар қандай вақтда турар жой эгасининг розилигисиз ҳам хонадонларга кириб бориши мумкин бўлган вазиятлар юзага келади. Бунда аниқ ҳолларда турар жой эгасининг розилиги ташқи хусусият каби ифодаланмаган бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда турар жой эгасининг розилиги муайян эҳтимолликка асосланган келишув сифатида қонуний деб баҳоланади. Мазкур вазиятда фақат фуқаронинг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқи бузилмаган бўлиши зарур;

*иккинчидан*, турар жойга бостириб кириш охириги зарурат ҳолатида содир этилган бўлса, ҳуқуқий деб баҳоланади. Бундай вазият ёнғин, сув тошқини, зилзила, электр, иссиқлик энергияси, газ, водопровод тизимларидаги ҳалокатлар вақтида ва бошқа шу каби ҳолатларда бўлиши мумкин. Турар жойга бундай вазиятда киришнинг ҳуқуқийлиги Жиноят кодексининг 38-моддаси билан тартибга солинади;

*учинчидан*, қонун бўйича турар жойларга кириш ҳуқуқини берувчи ҳоллар мавжудлигида хонадон эгасининг эркига хилоф равишда турар жойга кириш ғайриқонуний деб баҳоланмайди. Қонун нормалари муайян асослар мавжуд бўлган ҳолларда ваколатли шахсларнинг турар жойларга у ерда яшовчиларнинг розилигисиз ҳам кириши мумкин. Масалан, фуқаролар ўзига қарашли ишлаб чиқариш, хўжалик биноларини, турар жойларни ва бошқа бинолар ҳамда иморатларни белгиланган тартибда ёнғин назоратини амалга ошириш мақсадида кўздан кечириши ва текшириши учун ёнғин назорати органларининг мансабдор шахсларига имконият бериши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида ҳам турар жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи асослар назарда тутилган.

Жумладан, ЖПКнинг 161-моддасига (Олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш тартиби) мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга асосан иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни кидириб топиш мақсадида турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақли.

Юқорида бегона шахсларнинг турар жойга киришининг қонуний хусусиятлари санаб ўтилди. Бошқа ҳар қандай шароитда фуқароларнинг турар жойига унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб кирилган барча ҳоллар Жиноят кодексининг 142-моддаси бўйича жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Сўз бораётган жиноят турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кирилган вақтдан бошлаб тугалланган деб топилади.

*Субъектив томондан* жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Айбдор ўзининг ҳаракатлари билан фуқароларнинг турар жойга бўлган дахлсизлик ҳуқуқини бузаётганини англайди ва буни хоҳлайди.

Жиноятнинг *субъекти* 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда бостириб кириш мансабдор шахс томонидан содир этилганда, унинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 206-моддаси бўйича квалификация қилинади.

### **3-ўқув саволи: Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш. (ЖК 143-моддаси)**

Фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашувлари, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқлари инсоннинг ажралмас ва табиий ҳуқуқларининг таркибий қисмини ташкил этади. Хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш ҳар қандай хабарлар билан фуқаро розилигисиз ёки қонунга хилоф равишда бошқалар томонидан танишилишини назарда тутати. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай шаклдаги (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ва бошқ.) хабарлар қонун билан ҳимоя қилинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 27-моддасининг иккинчи қисмида фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашувлари, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларининг сир сақланиши кафолатланган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 2002 йил 12 декабрь қонунининг 13-моддасида фуқароларнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги таъминланган. Унга кўра, жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киритилади.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашуви, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиш ҳуқуқини чеклашга фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибидагина йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрь қонунининг 16-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, «Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади»<sup>9</sup>.

Хабарларнинг сир сақланиш тартибини бузилиши натижасида фуқароларнинг ҳаёти, шахсий, оила ҳамда хизматдаги хабарларининг сир тутилиши бузилади ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг таъминланмай қолишига олиб келади.

Жиноятнинг *бевосита объекти* фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашуви, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларининг сир сақланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашуви, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларининг сир сақланиши тартибини бузиш Жиноят кодекси 143-моддаси бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради. Бунда жабрланувчиларнинг фуқаролиги ҳеч қандай юридик аҳамият касб этмайди.

Мазкур жиноятнинг *объектив томони* хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш ҳаракатларида ифодаланади.

Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарлар ўз табиатига кўра фуқаролар ўртасида ахборот алмашиш воситаси ҳисобланади.

Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш бу фуқароларнинг шахсий мулоқотларини алоқа воситалари ёрдамида алмашиш вақтида фуқаронинг ўзи ёки қонуний вакиллари розилигисиз ёхуд қонунда белгиланган тартибдан ташқари равишда бошқалар томонидан танишилишини назарда тутади. Шунинг учун алоқа воситалари орқали хабар алмашиш сирини бузиш хабарлар билан танишиш нуқтаи назаридан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган шахснинг мазкур хабарлар билан танишишида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги 2022 йил 9 июнь қонунининг 3-моддасига мувофиқ, *ёзма хат-хабарлар* – оддий, буюртма ва қимматли хатлар, бандероллар, оддий ва буюртма почта варақчалари ҳамда секограммалари (кўзи ожизлар учун), шунингдек майда пакетлар бўлиши мумкин. Агар почта алоқалари бандероллар ва посилкалар кўринишида бўлиб, улар ичига ёзма хабарлар солинмаган бўлса, у ҳолда мазкур ҳолатлар таҳлил этилаётган жиноят таркибини ташкил этмайди. Товар моддий қимматликларини жўнатиш учун мўлжалланган почта контейнерлари очилган ва ундаги моддий қимматликлар шахс томонидан эгалланган бўлса, бундай қилмиш ўғирлик (ЖК 169-м.) сифатида квалификация қилинади.

Хат-ёзишмалар жисмоний шахслар, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида амалга оширилади. Улар шахсий ва хизмат хусусиятига эга бўлиши мумкин.

Почта хабарларининг сир сақланишини бузиш шахс томонидан почта ёзишмалари факти ва унинг мазмуни билан қонунга хилоф равишда танишишдан иборат бўлади. Почта хабарларининг сир сақланишини бузган ва хат жўнатувчи ва олувчи ўртасидаги почта ёзишмалари ҳақидаги хабарларни қонунга хилоф равишда

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – № 52. – 585-м.



бошқа бегона шахсларга берган почта алоқаси ташкилоти ходимининг ҳаракатлари Жиноят кодекси 143-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этади.

Почта хабарларини очиш факти тугалланган жиноят таркибини келтириб чиқармайди. Мазкур қилмиш шахс томонидан хабар мазмуни билан тўла ёки қисман танишилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Агар шахс у ёки бу сабабларга кўра почта хабарлари мазмуни билан таниша олмаган бўлса (масалан, хат шахс тушунмаган чет тилида ёзилган ёки бошқа ш. к.), қилмиш Жиноят кодекси 143-моддасига суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилинади.

Бошқа сабабларга кўра хат олувчига етиб бормаган, йўқотилган, ташлаб юборилган ёки йўқ қилинган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 143-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини келтириб чиқармайди. Бундай қилмиш почта алоқаси хизматчилари томонидан содир этилган бўлса, интизомий тартибда ҳал этилади.

*Телефонда сўзлашувлар* – бу фуқароларнинг телефон сими орқали юбориладиган электр тўлқинлари ёки радио алоқа тўлқинлари ёрдамида муайян масофада туриб овозли ахборот алмашишини назарда тутати.

Телефон сўзлашувлари телефон аппаратуралари ёрдамида жўнатиладиган, сақланадиган ва аниқланадиган ҳар қандай маълумотлардан ташкил топади. Бундай маълумотларга телефон аппаратуралари ёрдамида боғланган абонентларнинг (алоқа фойдаланувчиларининг) кириш ва чиқиш кўнғироклари ҳақида сақланаётган маълумотлар ҳам қиради. Шунинг учун хат-ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарларининг факти ҳақидаги маълумотлар билан бегона шахсларни қонунга хилоф равишда таништириш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳам Жиноят кодекси 143-моддаси бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради. Масалан, телефон компанияси ходими қонунга хилоф равишда (абонентнинг розилигисиз) абонентнинг учинчи шахслар билан телефон орқали боғланишлари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилиши телефон сўзлашувларининг сир сақланиш тартибини бузиш деб топилади ва бундай қилмиш Жиноят кодекси 143-моддаси бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

Телефон сўзлашувлари орқали амалга оширилаётган хабарларнинг сир сақланишини бузиш бошқа шахслар томонидан қонунга хилоф равишда турли қурилмалар (магнитофон, диктофон ва ҳ.к.) орқали сўзлашувларни ёзиб олиш ва эшитиб туришда ифодаланиши мумкин.

Агар шахс ўзига боғлиқ бўлмаган у ёки бу сабабларга кўра фуқароларнинг телефон сўзлашувларини эшитиш ҳаракатларини охирига етказа олмаган бўлса, қилмиш жиноятга суиқасд қилиш тариқасида квалификация қилинади.

*Телеграф хабарлари* телеграмма ва телекс воситалари ёрдамида амалга оширилади.

*Телеграмма* – бу телеграф алоқаси ёрдамида жўнатиладиган матнли хабар ҳисобланади.

*Телекс* – бу телекс тармоғидан фойдаланувчилар ва телеграф алоқаси ўртасида матнли хабарларни олиш ва жўнатиш учун вақтинча уланиш бўйича фаолиятдир.

*Бошқа хабарлар деганда*, рациялар, пейджинг, SMS хабарлари, Интернет тармоғи орқали фойдаланиладиган электрон почта, интернет-телефония ва бошқа шу қабилар тушунилади. Замонавий фан ва техниканинг ривожланиши билан муайян масофадан туриб ахборот алмашишнинг янги воситалари ва услублари пайдо бўлиб бормоқда. Шу боис янги ихтиро қилинган воситалар ёрдамида ахборот алмашуви орқали хабарларнинг сир сақланишини қонунга хилоф равишда бузиш ҳам мазкур жиноятнинг таркибини келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, айрим турдаги алоқа воситаларининг тури унинг техник хусусиятларига кўра алоҳида ходимлар томонидан хабарлар мазмуни билан танишишга йўл қўяди (масалан, телеграмма ёки пейджер ахборотини жўнатиш вақтида). Бундай ҳолларда хабарлар билан танишиш хабарларнинг сир сақлаш тартибини бузиш деб баҳоланмайди, балки бундай ҳолда хабар мазмуни тарқатганлик сир сақлаш тартибини бузиш деб ҳисобланади.

Жиноят кодекси 143-моддасининг биринчи қисми бўйича шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шарти, шундай ҳаракатлар учун аввал маъмурий жазо (МЖТК 46-м.) қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганлиги ҳисобланади.

Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жинояти формал таркибли бўлиб, фуқароларнинг хат-ёзишмалари, телефонда сўзлашуви, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузувчи ҳаракатларни содир этиши билан тугалланган ҳисобланади.

Жиноятнинг *субъектив томони* айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Жиноятнинг мотив ва мақсади жиноятни квалификация қилишда ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жиноятининг *субъекти* 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин. Агар бундай қилмиш мансабдор шахслар томонидан амалга оширилган бўлса, уларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 143-моддаси, шунингдек 205 ёки 206-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**14-мавзу:** Бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи.



### РЕЖА:

1. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби.
2. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби.
3. Мансабга совуққонлик билан қараш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби.

**1-ўқув саволи.** Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби. (ЖК 205-моддаси)

**Жиноятнинг асосий бевосита обекти** давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита обект** сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Обектив томондан** жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, яъни мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан турли ниятларда фойдаланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланади.

**Ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш** деганда, мансабдор шахснинг ўз мансаб мавқеидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига қарши қасддан фойдаланишини тушуниш лозим.

**Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш** деганда, мансабдор шахснинг мансаб мавқеидан келиб чиққан ва бу шахс эгаллаган лавозими ваколатига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ, бироқ ўз мазмуни бўйича тегишли органнинг фаолият олиб боришидан кўзланган мақсад ва вазифаларга зид келувчи ҳаракатларини тушуниш лозим.

**Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш** давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари мавқеига путур етказиш; ўзганинг мулкани талон-торож қилишни яшириш; турли молиявий талон-торожларни амалга ошириш; давлат, жамоат ёки бошқа ўзга мулк ҳисобидан, уни тортиб олмасдан ғаразли фойда олиш; алоҳида фуқароларга тегишли мулк ҳисобига ғайриқонуний бойиш ва бошқалардан иборат.

**Ҳокимият** деганда, маълум бир воситалар — ирода, нуфуз, ҳуқуқ, мажбурлов, сиёсий ҳукмронлик, давлат органлари тизими орқали инсонлар фаолиятига, хулқ-атвориغا таъсир этиш қобилияти ва имконияти тушунилади.

**Мансабдор шахс томонидан ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилишга** лавозимни эгаллаб турган вақт давомида ваколатларни суиистеъмол қилиш киритилади. Мансабдор шахс ўзига керакли бўлган қарорга эришиш мақсадида ўз хизмат ваколатларидан эмас, балки хизмат ёки шахсий алоқалари, эгаллаб турган лавозимнинг обрўсидан фойдаланса, жиноят таркиби бўлмайди.

Тергов органлари ва суд томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилганлиги масаласи муайян ишнинг барча ҳолатларини эътиборга олган ҳолда ҳал этилади.

**Мансабдор шахс ваколати** муайян мансабни ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетентсияси билан белгиланади.

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш шакллари (мансабдор шахсларнинг фаолияти соҳаси) турлича бўлиши мумкин. Бу

бўйсунувчиларнинг меҳнатидан шахсий манфаатлар йўлида ғайриқонуний фойдаланиш (масалан, ишчиларнинг шахсий дала ҳовлилар қурилишида, уйларни таъмир қилишида); кўл остидаги ходимларнинг меҳнатини ўзлаштириб олиш; турар жой тақсимотида суиистеъмол қилиш; корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида мансаб мавқеидан фойдаланиб, хусусий мулк сифатида сотиб олиш мақсадида ёки амалдор томонидан акцияларнинг анча қисмини эгаллаб олинишида мансабдор шахс ўзининг, унга яқин кишининг ёки бошқа хусусий шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб мансаб ваколатидан фойдаланиши; умумдавлат аҳтиёжларига мўлжалланган молия ва кредитни ғаразли ёки бошқа паст ниятда тижорат ташкилотларига ғайриқонуний бериб юбориш; Бюджет маблағларини беҳуда сарфлаш, шу жумладан бу маблағларнинг тижорат банкларида айлантирилиши; кредит, қимматбаҳо қоғозларни, кўчмас ва бошқа мулкни олишда ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилмаган имтиёзлардан фойдаланиш; шахсий ёки гуруҳ мақсадларида хизмат фаолияти учун тақдим этилган хоналар, транспорт ва алоқа, электрон-ҳисоблаш техникаси, пул маблағлари ва бошқа мулкдан фойдаланиш ва бошқалар.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ўз хусусиятларига кўра қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни фаол хулқ-атвор орқали амалга оширишга қаратилган ҳаракатда намоён бўлади.

Ҳаракатсизлик орқали амалга ошириладиган ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ЖКнинг 208-моддасида (Ҳокимият ҳаракатсизлиги) назарда тутилган жиноятни ташкил этади.

Мансабдор шахс томонидан уз хизмат ваколатини суиистеъмол қилишга лавозимни эгаллаб турган вақт давомида ваколатларни суиистеъмол қилиш киритилади. Мансабдор шахс ўзига керакли бўлган қарорга эришиш мақсадида ўз хизмат ваколатларидан эмас, балки хизмат ёки шахсий алоқалари, эгаллаб турган лавозимнинг обрўсидан фойдаланса, жиноят таркиби бўлмайди.

Шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилишнинг зарурий белгиси ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳисобланади.

Жиноят кўп миқдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарар миқдорини эътироф этиш тўғрисидаги масала муайян иш ҳолатлари бўйича тергов органлари ва суд томонидан ҳал қилинади.

«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш моддий зарар тарзида ҳам, бой берилган фойда тарзида ҳам, шунингдек, турли хил манфаатларга бошқача зарар етказишда, ҳокимият органларининг

обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яширишда ва ҳоказода ифодаланиши мумкин»

**Жиддий зиён** баҳоланадиган тушунчадир, шу боис уни расмийлаштирилган микдорий кўрсаткичларда ифодалаш мушкул ва у фақат моддий зиёндан иборат деб қаралмаслиги лозим. Айни пайтда аксарият ҳолларда мансабни суиистеъмол қилишнинг оқибати мулкий зиён етказиш бўлиб, уни аниқлашда моддий зиённинг ҳажми, моддий объектларнинг қиймати, мулкий фойда олишнинг имкони, шунга ўхшаш бошқа кўпгина омилларни инобатга олиш зарур, чунки уларнинг йиғиндиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлигидан гувоҳлик беради. Зарарнинг жиддийлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларининг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин. Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат ташкилотлари, муассасалари, корхоналари, жамоат бирлашмалари ва ҳоказолар фаолиятидаги бошбошдоқликда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мансабдор шахс томонидан инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини ҳам жиддий зиён деб ҳисоблаш зарур.

**Жисмоний зиён**, агар у саломатликка зарар етказишда ифодаланса, шахс ҳуқуқларининг жиддий бузилиши деб топилади.

Якка тадбиркор ёхуд ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашув, тадбиркорлик эркинлигининг ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият тури билан шугулланишнинг чекланиши, агар улар рақобатининг чекланиши монополистик фаолиятга эрк бериш ва ҳоказолар билан боглиқ бўлса, қонун билан муҳофаза қилинаётган давлат ва жамоат манфаатларининг бузилиши давлат органлари ишида жиддий хатоликларга, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари обрўсига путур етказишда, оғир жиноятларни яш ришда намоён бўлиши мумкин.

Етказилган зиён жиддий бўлмаса, мансабдор шахсининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарлиги истисно қилиниб, унга нисбатан интизомий ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ўрнатилган бошқа жавобгарлик белгиланади. Келиб чиққан оқибатнинг жиддий ёки жиддий эмас деб баҳоланиши мансабдорлик жиноятларини (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қарашни) фарқлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш моддий таркибли жиноят бўлганлиги учун, яъни шарҳланаётган моддага кўра мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун модда диспозитсиясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши зарур бўлганлиги учун улар ўртасидаги сабабий богланиш муҳим аҳамият касб этади ва обектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва кўп

миқдорда зарар ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилиши ўртасидаги сабабий боғланиш аниқлангандан кейингина бу оқибатларни мансабдор шахс зиммасига юклаш мумкин.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг **субъектив томони** қасддан содир этилиши билан тавсифланади. Айбдор мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб ҳаракат қилаётганлигини, қилмишининг ижтимоий хавфлилигини ва бунинг натижасида шарҳланаётган модда диспозитсиясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди ҳамда уларнинг келиб чиқишини истайди (тўғри қасд) ёки онгли равишда йўл қўяди (эгри қасд).

Жиноят **мотивлари** турлича бўлиши мумкин. Бироқ кўпинча бу ғаразли манфаатдорлик, шуҳратпарастлик, ўч олиш, ҳасад, оилапарварлик, ишнинг ҳақиқий ҳолатини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ғаразли манфаатдорлик жиноят субъектининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш воситасида қандайдир фойдага эришишга интилишида намоён бўлади.

ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми бўйича ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти **субъекти** махсус. Яъни **18 ёшга** тўлган мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Мансабдор шахс тушунчаси юридик адабиётларда анча баҳсли ҳисобланади. ЖК ИИВ бўлимида мансабдор шахс ва масъул мансабдор шахс тушунчалари берилган.

**Мансабдор шахс** — ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахсдир.

**Ташкилий-бошқарув ваколатлари** деганда, муайян фаолият участкасига, айрим ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилиш вазифалари тушунилади. Масалан, вазирликлар, идоралар, бошқармаларнинг раҳбарлари (директорлар, уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва ҳ.к.). Ушбу мансабдор шахсларнинг фаолияти кадрларни танлаш ва уларга раҳбарлик қилиш, уларни жой-жойига қўйиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

**Маъмурий-хўжалик ваколатлари** деганда, мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, уни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, мол-мулкнинг асралишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифалар тушунилади. Масалан, маъмурий-хўжалик қисми, таъминот, сотув раҳбари, омбор, бухгалтерия мудирлари сингарилар шундай ваколатларга эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Мансабдор шахс ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимга доимий ёки вақтинча сайланганлиги ёки тайинланганлигидан қатъи назар, у мансабдор шахс деб ҳисобланаверади.

**Масъул мансабдор шахс деганда:**

1) ҳокимият вакиллари;

2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёки вақтинча ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар;

3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколоти берилган жамоатчилик вакиллари;

4) ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар тушунилади.

**Ҳокимият вакиллари** жумласига ўз ваколатлари доирасида номуайян доирадаги шахсларга ёхуд ҳар қандай таркибий бўлинмаларнинг (корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг) раҳбарларига, бундай фуқаролар ёхуд корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, уларга хизмат юзасидан бўйсунувидан қатъи назар, улар бажариши учун мажбурий қонуний талаблар қўйиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар тоифаси киради.

Ҳокимият вакиллари жумласига, Олий Мажлис депутатлари, шунингдек, вилоят, шаҳар ва бошқа даражалардаги ҳокимият органларининг депутатлари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари (прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ҳ.к.); судьялар, суд ижрочилари; милиция ходимлари; барча даражадаги ҳокимлар, божхона ва солиқ хизмати ходимлари, давлатнинг турли назорат органлари ходимлари ва бошқа шу сингарилар кирадилар.

Ҳар қандай ҳокимият органида ишловчи, аммо ҳокимият ваколатлари (маъмурий ваколатлар) берилмаган шахслар ҳокимият вакиллари деб эътироф этилмасликлари лозим.

**Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажариш** деганда, шахс томонидан бирон-бир ҳуқуқий муносабатни юзага келтириши, ўзгартириши ёки тугатиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг бажарилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида: «Йиғин раиси (оқсоқоли) ва у тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади» дейилган, демак оқсоқол ва котиб фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ҳисобланадилар.

Қонун мазмунидан кўриниб турибдики, оқсоқол ва котиблар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Қонуннинг 16-моддасига кўра, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (уларнинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шарт».

**ЖК 205-моддаси 2-қисмида** ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш натижасида етказилган **жуда кўп миқдордаги зарар** деганда, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарарни тушуниш лозим. (ЖКнинг Махсус қисми 8 бўлимига қаранг).

Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб **ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш** ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «б» банди бўйича квалификация қилинади. Субъектив томоннинг умумий белгиларига кўра мазкур ҳолатда айбнинг қасд шакли интеллектуал элементи мансабдор шахснинг уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноятни онгли равишда содир этиши билан тавсифланади.

**Уюшган гуруҳ** – жиноятдаги иштирокчиликнинг энг хавфли шаклларида биридир. Уюшган гуруҳнинг умумий тушунчаси, жиноят туридан қатъи назар, ЖКнинг 29-моддасида очиқ берилган. Бунда қонунда белгиланишича, уюшган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши Жиноят кодексида кўзда тутилган асосларга кўра оғирроқ жавобгарликни келтириб чиқаради. (ЖКнинг 29-моддаси шарҳига қаранг).

Уюшган гуруҳларга нисбатан бир неча шахслар бирлашишининг қатъийлиги белгиси конституциявий ва белгиловчи хусусият сифатида кўпроқ гуруҳ жинойий фаолиятининг нисбатан давомийлигида, унинг жинойий ихтисослашувида, шунга ўхшаш гуруҳларнинг фаолият доирасини бўлиб олишда, ҳар бир иштирокчининг роллари ва вазифаларини аниқ тақсимлашда, лидер (ташкilotчи, бошлиқ) мавжуд бўлишида, жинойий фаолиятни муайян муддатга режалаштиришда ифода этилади.

**Уюшган гуруҳ манфаатлари** – уюшган гуруҳни у ёки бу ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишга ундайдиган ёхуд уларни мувафакқиятли содир этишга шароит яратувчи ҳолатлар. Бундай манфаатларга, чунончи, у ёки бу ташкilotлар фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш, уюшган гуруҳни фош қилувчи ахборотни йўқ қилиш, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир этиш, хусусан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинойий мақсадини амалга оширишда ёрдам бериш ва ҳоказолар киради.

Қилмишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб деб квалификация қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахс жиноятни уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб содир этаётганига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган жиноятни квалификация қилишда **ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш** айрим мансабдорлик жиноятларига нисбатан умумий норма ҳисобланади, масалан, мансаб сохтакорлиги (ЖКнинг 209-моддаси); пора олиш (ЖКнинг 210-моддаси). Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари махсус нормага кўра квалификация қилинади.



Масалан, якка тартибда иш олиб борувчи тадбиркор ёки ташкилотнинг раҳбари томонидан банкка ёки бошқа кредит ташкилотига тадбиркорнинг ёки ташкилотнинг хўжалик аҳволи ёки молиявий ҳолати тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олинишини, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, Жиноят кодексининг 205 ёки 170-моддалари билан квалификатсия қилиш керак.

Мансабдор шахснинг кредитни ўз вақтида қайтаришдан қасддан бош тортишини ҳам, талон-торож қилиш аломатлари бўлмаган тақдирда, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деб, агар бу хил ҳаракатлар жисмоний шахслар томонидан содир этилса, Жиноят кодексининг 170-моддаси билан квалификатсия қилиш керак.

Талон-торож қилиш аломатлари бўлмай туриб ноқонуний пулкредитлар бериш ҳам Жиноят кодексининг 205-моддаси билан квалификатсия қилиниши зарур.

Агар иш бўйича қимматли қоғозлар чиқариш ва улар билан муомала қилишни тартибга солувчи амалдаги қонунларни бузганлик аниқланиб, Жиноят кодексининг 205-моддаси диспозитсиясида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, бундай ҳаракатлар ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш бўйича квалификатсия қилиниши лозим. Бундай қонун бузишлар жумласига, масалан, фуқароларга ва чет эллик инвесторларга эркин сотиш учун мўлжалланган акция пакетларини сотишга тўсқинлик қилиш киритилиши мумкин.

## **2-савол Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби. (ЖК 206-моддаси)**

**Жиноятнинг бевосита объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Қўшимча бевосита объект** сифатида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Объектив томондан** жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни мансабдор шахснинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш объектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига путур етказиш кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши, шунингдек, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш бўлиши мумкин.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш фақат ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Мансабдор шахснинг қонун белгилаб берган ваколат доирасидан четга чиққан ҳаракатлари деганда, мансабдор шахснинг ваколатини тартибга соладиган норматив ҳужжатлар ёки идоравий кўрсатмаларда белгиланмаган, яъни унинг ҳуқуқ ва ваколатларига кирмайдиган ҳаракатларни содир этиши тушунилади.

Бу ўз навбатида мансаб ваколатларидан четга чиқиш жиноятини фақатгина ҳаракат орқали содир этилишини аниқлаб, бу жиноят қонун мазмунидан кўриниб турибдики ҳаракатсизликдан содир этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми суд амалиётида энг кўп учрайдиган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга 348 чиқишнинг бир қанча кўринишларини белгилаб ўтган бўлиб, улар мансабдор шахснинг бошқа мансабдор шахс ваколатига тааллуқли ҳаракатларни амалга ошириши; қонун ва қонуности ҳужжатларида кўрсатилган, унинг ўзи томонидан фақат ўта зарур ҳолларда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиши (масалан, юқори турувчи раҳбар розилиги билан); ҳеч ким, ҳеч қандай ҳолатда бажариш ҳуқуқига эга бўла олмайдиган қилмишларни содир этишидан иборат (масалан, муайян мансабдор шахс олдига қабулга келган фуқарога нисбатан зўрлик ишлатилиши). Бундан ташқари, коллегиял амалга ошириладиган ҳаракатларни мансабдор шахснинг яқка ўзи амалга оширишини ҳам ваколат доирасидан четга чиқиш деб ҳисоблаш лозим.

**Мансабдор шахс ваколати** муайян мансабни ёки вақтинчалик ёхуд махсус ваколат билан ушбу мансаб бўйича вазифани бажарувчи шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинган тегишли қонунлар, низом ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган унинг компетентсияси билан белгиланади.

Мансабдор шахснинг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиши масаласини ҳал этаётиб, унинг ваколат доирасини, уларни белгиловчи норматив ҳужжатлар ёки идоравий йўриқномаларни аниқ белгилаб олиш ва ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш аниқ ифодаланганлигини аниқлаш лозим.

Ушбу модда бўйича квалификация қилинишнинг зарурий белгиси мансабдор шахс содир этган ғайриқонуний ҳаракатларнинг унинг мансаб ваколатлари билан алоқаси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари ҳамда унинг ҳокимият ва мансаб ваколати ўртасидаги алоқанинг йўқлиги ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти таркибини ҳосил қилмайди.

(«Жиддий зиён» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қаранг.)

Агар ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жабрланувчига қасддан оғир тан жароҳати етказиш билан ўзаро боғлиқ бўлса, қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 206 ва 104-моддаси билан квалификация қилиниши лозим. Қалтаклаш, баданга енгил ва ўртача оғир шикаст етказиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш қилмиш таркибига киритилиб, тегишли моддаларга кўра қўшимча квалификация қилиниши талаб қилинмайди.

Шарҳланаётган жиноят таркибининг сабабий боғланиши мансабдор шахсининг ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатлари ва вужудга келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишда намоён бўлади. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик мансабдор шахсининг ҳаракатлари ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказилган жабрланувчи (жисмоний ёки юридик шахс)га нисбатан у ёки бу ваколатларга эга бўлганидагина вужудга келади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколат доирасидан четга чиқишнинг **субъектив томони** айбнинг қасд шакли билан тавсифланади. Айбдор ўз қилмишининг ўзига берилган ҳокимият ва мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди, натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиши мумкинлигини олдиндан кўра билади ва истайди (тўғри қасд) ёки онгли равишда унга йўл қўяди (эгри қасд).

Жиноят содир этишнинг **мотивлари** турлича бўлиши мумкин (иш манфаатларини нотўғри тушуниш, мансабпарастлик, ҳасад, ўч олиш ва бошқа шахсий адоватлар), лекин улар жиноий жавобгарликка ва жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш мотиви ва мақсади жиноят таркибининг зарурий белгилари қаторига кирмайди ва жиноий жавобгарлик келиб чиқишига таъсир кўрсатмайди. Бироқ жазо тайинланишида ҳисобга олиниши мумкин.

Шарҳланаётган модданин 1-қисми **субъекти** фақат 18 ёшга тўлган, ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган, мансабдор шахс бўлиши мумкин, яъни мазкур жиноят субъекти — маҳсуус.

(«Мансабдор шахс» тушунчаси хусусида ЖК 205-моддасининг шарҳига қаранг.)

**Ушбу модданин 2-қисмида** ҳокимият ёки мансаб ваколатидан четга чиқишни қуйидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб.

**3-ўқув саволи: Мансабга совуққонлик билан қараш жиноятларининг тушунчаси ва таркиби. (ЖК 207-моддаси)**

**Жиноятнинг бевосита объекти** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг нормал фаолият юритиши доирасида келиб чиқадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. **Кўшимча бевосита объект** — фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлар.

**Объектив томондан** жиноят мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат

манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади.

Мансабдор шахс томонидан уз вазифаларини бажармаслик деганда, мансабдор шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, содир этиши лозим бўлган аниқ вазифаларини бажармаслик тушунилади.

**Мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик** деганда, мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини яримёрти, сифатсиз, кечиктириб бажариш, номигагина бажариш, муайян ишни хўжақўрсинга, кўзбўямачилик учун бажариши ва ҳ.к. тушунилади.

Мансабга совуққонлик билан қараш **ҳаракат** (ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) ёки **ҳаракатсизлик** (ўз вазифаларини бажармаслик) билан содир этилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, мансабдор шахснинг ҳаракати унинг томонидан ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун реал имкониятга эга бўлган, аммо унга лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиш оқибатида бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳоллардагина мансабга совуққонлик билан қараш деб квалификация қилиниши мумкин.

Ўз вазифаларини лозим даражада бажариши учун мансабдор шахсда реал имконият бўлмаганлиги, унинг ҳаракатларини мансабга совуққонлик билан қараш деб квалификация қилишни истисно этади.

Мансабга совуққонлик билан қараш учун ЖК 207-моддаси 1-қисмига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилган ҳоллардагина жиноий жавобгарлик ўрнатилади.

Шарҳланаётган жиноятга нисбатан **кўп миқдорда зарар** етказилиши деб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдордаги зарарни эътироф этиш лозим.

(«Жиддий зиён» тушунчаси учун ЖК 205-моддаси таҳлилига қаранг.)

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорида зарар ёки жиддий зиён етказиш билан мансабдор шахс йўлга қўйган мансабга совуққонлик билан қараш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши керак. Бундай сабабий боғланишнинг йўқлиги жиноий жавобгарликни истисно қилади.

Мансабга совуққонлик билан қарашнинг таркиби тузилишига кўра моддийдир. Жиноят обектив томонининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш кўринишидаги ижтимоий хавfli оқибатнинг келиб чиқишидир. Жиноят кўрсатилган оқибатлардан бирининг келиб чиқиши натижасида **тугалланган** ҳисобланади.

Мансабдор шахснинг ўз мансаб вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолларини касбий (профессионал) вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликдан фарқлаш зарур. Шунинг учун масалан соғлиқни сақлаш муассасаларининг хизматчилари (кардиолог, хирург, терапевт ва ҳ.к.) мансабдор шахс (бўлим мудир, мудир ўринбосари)

сифатида хизмат қилса-да, касалликни даволаш пайтида, операция жараёнида бепарволикка йўл қўйган тақдирда, бунинг оқибатида фақат тегишли ҳаёт ва соғлиққа қарши эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлари учун жавобгар бўлишлари мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, мансабдор шахснинг малакасизлиги, тажрибасизлиги, ўз вазифаларини яхши билмаслиги туфайли ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги мансабга совуққонлик билан қараш жиноятининг таркибини ташкил этмайди.

Мансабга совуққонлик билан қарашдан касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида шахсга ўртача ёки оғир тан жароҳатлари етказиш ёхуд инсоннинг вафот этиши ҳолатларини фарқлаш лозим (ЖК 116-моддаси). Шу боис шахс мансаб ваколатига тегишли бўлмаган касб юзасидан вазифаларини тўла бажармаса, у ҳолда қилмишни ЖК 116-моддаси бўйича квалификатсия қилиш керак. Шахснинг касб юзасидан вазифалари мансаб ваколатига тўғри келса, қилмиш ушбу модданинг тегишли қисмлари бўйича квалификатсия қилинади.

**Субъектив томондан** мансабга совуққонлик билан қараш **эҳтиётсизлик** билан тавсифланади. Қонунда мансабга совуққонлик билан қараш мансаб ваколатларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши эканлиги белгиланганлиги туфайли, ушбу шахсда уларни лозим даражада бажаришга реал имконияти (объектив ва субъектив) бор-йўқлигини аниқлаш тақозо этилади.

Жиноятнинг субъектив томони қонуннинг ўзида очиқ берилган ва мансабдор шахс (масъул мансабдор шахс)нинг мансаб ваколатларини бажаришга лоқайд ва виждонсизларча муносабати билан тавсифланади. Мансабга совуққонлик билан қараш эҳтиётсизликнинг жинойий бепарволик ёки ўзига ўзи ишонил шаклларида намоён бўлиши мумкин.

Шахсга юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажариш ёки бажармасликнинг объектив имконияти, биринчи навбатда, ташқи шароитлар билан боғлиқ, яъни уларни вужудга келтириш мазкур шахсга боғлиқ бўлмайди.

Мансабга совуққонлик билан қараш **субъекти** фақатгина 18 ёшга тўлган мансабдор шахс бўлиши мумкин.

(«Мансабдор шахс» тушунчаси ҳақида ЖКнинг 205-моддаси таҳлилига қarang.)

Ўрганилаётган **модданинг 2-қисмида** баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган мансабга совуққонлик билан қараш учун жавобгарлик назарда тутилган.

ЖК **207-моддасининг 3-қисмида** мансабдор шахс томонидан ўз вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик:

а) одам ўлимига;

б) гиёҳвандлик воситалари уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларининг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

(«Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтиш» тушунчаси ҳақида ЖК 182-моддаси таҳлилига қаранг.)

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**15-мавзу:** Жиноят – процессуал қонунчилиги ва процес иштирокчилари



### РЕЖА:

1. Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими, тузилиши.
2. Жиноят процесси иштирокчилари тушунчаси ва таснифи.
3. Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.

### 1-савол. Жиноят-процессуал қонунчилиги тизими ва тузилиши.

1991 йил мустақилликка эришган мамлакатимиз босқичма-босқич миллий ҳуқуқий демократик тизимини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари асосида шакллантиришни асосий қомусимиз – Конституциямиздан бошлаган эди. Шундан сўнг, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни муҳофаза қилувчи ва тартибга солувчи 3 та муҳим кодекслар, яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги ўн олтинчи сессиясида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан қонуний кучга киритилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги жиноят-процессуал кодекси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилайди.

Жиноят ишларини юритишнинг ушбу ЖПКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

**Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари** - жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини

олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим.

**Жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши** – жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъий назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

**Жиноят-процессуал қонунчилигининг чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан амал қилиши** – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЖПКодексига мувофиқ олиб борилади.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан ЖПКодекс Ўзбекистон Республикаси иштирок этадиган халқаро шартномалар ва битимларга зид келмайдиган ҳолларда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигини яхлит тизим сифатида тасаввур этиш мумкин, чунки унда акс этган нормалар бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган ҳуқуқий институтлардан иборат. Чунончи, жиноят-процессуал қонунчилигининг тўлиқ кодификация қилиниши ва ягона манба сифатида ЖПКодексига тўпланиши ушбу фикрнинг ёрқин далилидир. Жиноят-процессуал қонунчилигининг маълум қоидалар асосида тизимланиши нафақат унинг таркибий қисмларини тўғри аниқлаш, бевосита ҳуқуқни қўллаш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилаш, балки қонун ижодкорлиги фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўймаслик имкониятини беради.

Қонун чиқарувчи зарур ҳолларда янги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини қабул қилиш орқали ЖПКодексининг амалдаги моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин. Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, бунда жиноят қонунларининг тизимини ҳисобга олиш нафақат қонунчилик техникаси ва қонуннинг таркибий тузилишига риоя қилиш нуқтаи назаридан, балки ўзаро мувофиқлик, уйғунлик ва мантиқ қоидаларига амал қилиш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. ЖПКодекси махсус тузилишга эга бўлиб, у қонун чиқарувчининг иродаси акс этган техник қоидаларга бўйсунувчи шаклдан иборат.

Таркиби ва тузилиши жиҳатидан Жиноят - процессуал кодекси икки қисм: умумий ва махсус қисмдан, 14 та бўлим, 65 та боб, 609 та моддадан иборат.

ЖПКнинг ушбу 2 та қисмлари ўзаро алоқадор бирликни ташкил қилишига қарамай, улардаги боб ва моддалар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Бинобарин, ЖПКнинг **умумий қисмида** 1-бўлим 1-боб, 1-моддадан бошланиб, 8-бўлим 40-боб 320-моддаларни ўз ичига олган қуйидаги: асосий қоидалар, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари, вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши, жиноят процесси принциплари, жиноят ишини

юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар. ҳимоячилар ва вакиллар, бошқа шахслар, жиноят процессида иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар, рад қилишлар, далиллар, исбот қилишнинг умумий шартлари, сўроқ қилишнинг умумий қоидалари, гумон қилинувчини, айбланувчини, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент, олиб қўйиш ва тинтув, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, экспертиза, тафтиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш, ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва чегаралари, ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, лавозимдан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик, жиноят процессида фуқаровий даъво, бошқа мулкӣ ундиришлар, мол-мулкни жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарга қайтариш, ҳукмнинг мулкӣ ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари, реабилитация ва реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби, процессуал муддатлар, процессуал чиқимлар ва уларни қоплаш каби жиноят-процессуал қоидалар ўз аксини топган.

**Махсус қисми** 9-бўлим 40<sup>1</sup>-боб, 320<sup>1</sup>-моддадан бошланиб, 14-бўлим 65-боб 609-моддаларни ўз ичига олган қўйидаги: ишни судга қадар юритиш (ишни судга қадар юритиш, жиноят ишини кўзғатиш, дастлабки тергов), биринчи инстанция судида иш юритиш, суд ҳукмлари, ажримларини қайта кўриб чиқиш, ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик каби жиноят-процессуал норма ва қоидалар ўз аксини топган.

Умумий ва махсус қисмлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунончи, умумий қисмдаги процессуал нормалар асосида махсус қисмдаги моддалар билан жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноят ишларини юритишда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилади.

## **2-савол. Жиноят процесси иштирокчилари тушунчаси ва таснифи.**



Жиноят процесси иштирокчилари деб, жиноят судлов ишларини юритишда қонун билан белгиланган тартибда муайян бир функцияни бажаришга йўналтирилган ва қонун билан тегишли ваколатлар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида «процесс иштирокчилари» доирасига жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар киритилган. Процесс иштирокчиларидан ҳар бирининг олдида турган вазифалари ва бажараётган процессуал функцияларининг характери ва унга белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми кўринишида бўлиб, мазкур иштирокчининг ҳуқуқий ҳолатини ҳам белгилайди.

Жиноят ишини юритиш давомида ҳал қилинаётган масалага қараб уларнинг ҳар бири, масалан, айбланувчи ва жабрланувчи, фуқаровий жавобгар ва фуқаровий даъвогар бир-биридан фарқ қилади. Лекин шу билан бирга уларни «процесс иштирокчиси» сифатида эътироф этиш учун бир умумийлик боғлаб туради. Бу умумийлик ҳар бир иштирокчининг ўзи ва вакиллари орқали қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ифодаланади.

Шундай қилиб, «процесс иштирокчилари» деганда жиноят процесси давомида ўзи ёки вакиллар орқали ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қиладиган, алоҳида процессуал мақомга эга бўлган, мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали жиноят ишининг юритилиши ва ҳал қилинишига у ёки бу даражада таъсир қила оладиган ҳамда ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган ёки манфаатдор бўлмаган шахслар тушунилади.

Давлат идоралари ҳар доим жиноят процессуал муносабатларда процессуал фаолиятнинг ваколатли субъекти ҳисобланади ва мазкур ваколатлари орқали улар қонунда белгиланган тартибда: жиноят ишини кўзғатиш, суриштирув ва тергов ишларини олиб бориш, прокурор назоратини амалга ошириш, одил судлов вазифасини бажариш мажбуриятига, шу жумладан давлат мажбурловини қўллаш ҳуқуқига эгалар, чунки уларга исботлаш бурчи юклатилган. Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят процессида давлат номидан иш юритиб, унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Шунингдек, жиноят ишида иштирок этаётган барча субъектларни процесс иштирокчилари қаторига киритиш лозим деган хулосани ҳам бериш мумкин. Чунки ишда қатнашаётган барча субъектлар қонун билан белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар ҳамда маълум бир процессуал функцияни бажарадилар. Мазкур функцияларнинг характери процесс иштирокчиларининг бажараётган вазифалари ва манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига кўра, процесс иштирокчилари қўйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар: суд (судья), прокурор, терговчи, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари, суриштирув

органлари, суриштирувчи, суриштирув бўлинмаси бошлиғи ва унинг ўринбосари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар.

2. Жиноят процессида ўзининг шахсий, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қиладиган иштирокчилар: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар.

3. Ўзгалар манфаатини ҳимоя қиладиган иштирокчилар: ҳимоячи, гувоҳ адвокати, қонуний вакил, вакиллар.

4. Жамотчилик номидан иштирок этувчи: жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчилари, жамоат ҳимоячилари.

5. Жиноят судлов ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи иштирокчилар: гувоҳ, эксперт, таржимон, ҳолис, мутахассис ва суд котиби.

Жиноят процессининг ҳар бир иштирокчиси жиноят судлов ишларини юритишда фақат битта функцияни бажаради. Масалан: одил судлов функциясини – суд; тергов функциясини - суриштирувчи, терговчи, прокурор; айблов функциясини – жабрланувчи, прокурор; ҳимоя функциясини – ҳимоячи, вакил, қонуний вакил; қўшимча функцияни - фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар; ёрдамчи функцияни - гувоҳ, ҳолис, таржимон, эксперт, мутахассис ва суд котиби.

Шундай қилиб, жиноят процессининг иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини бажаришга хизмат қиладилар.

### **3-савол. Жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар.**

**Суд ва унинг ваколатлари.** Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади<sup>10</sup> (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимига бўлиниши суднинг мавқеини оширди.

Жиноят ишлари юритувига маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ичида суд марказий ўринга эга субъект ҳисобланади.

Судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунди. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифлар юклатилишига йўл қўйилмайди.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т-2022 й.

Ўзбекистон Республикасида суд қуйидаги тизимга эга: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари, туманлараро маъмурий судлардан иборат.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар амалга оширади.

Биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ҳукм ёки ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради.

Суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддасига биноан суднинг ваколатларига: қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; дастлабки эшитув ўтказиш, ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки

бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш; ҳукми ижро этириш киради.

Юқори судлар, бундан ташқари, ўз ваколатлари доирасида қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширадилар.

Суд томонидан чиқарилган ҳар қандай ҳукм, ажрим ва қарор қонуний, асосланган ва адолатли бўлиши лозим. Суднинг ҳар қандай ҳукм, ажрим ёки қарори фақат юқори суд томонидан бекор қилинган тақдирда ўз кучини йўқотади. Судья чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорлар қонун билан баробар кучга эга, уни қонун каби сўзсиз тан олиш, ижро этиш, унга бўйсунуш барча учун мажбурийдир.

Жиноят процессуал кодексининг 32-моддасига мувофиқ, суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифаларини судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажариши белгилаб берилган.

Шунингдек, суд мажлиси котиби жиноят ишини суд мажлисида кўриш учун тайёрлаш, суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларини хабардор қилиши, судга чақирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текшири, ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда судга маълум қилиши, суд мажлислари баённомасини юриши, раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажариши кўрсатиб ўтилган.

**Прокурор** - жиноят процесси иштирокчиси сифатида. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, давлат назорати идорлари, ҳокимлар, шунингдек кимга бўйсинишидан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни амалга оширадилар.<sup>11</sup>



**Прокуратура  
идораларининг тизими**



- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси;
- Вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;
- Туман ва шаҳар прокуратуралари;

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунинг 1-моддаси.

- Вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси;
- Туман прокуратураларига тенглаштирилган, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, шунингдек уларнинг жойлардаги бўлинмалари.

Прокуратура идораларининг асосий вазифалари, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституцияси тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунларга риоя этиш борасида прокурор ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Прокурор ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Жинот процессуал кодексининг 382-моддасида прокурорнинг ваколатлари кўрсатиб ўтилган, унга кўра суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади;

- суриштирувчилар ва терговчиларнинг шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга ҳилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

- жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақида

илтимоснома кўзғатиш жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

- қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд қамоқда сақлаб туриш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

- айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

- амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

- мурдани эксгумация қилиш тўғрисида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради;

- паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради;

- гувоҳларнинг ва жабрланувчиларнинг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисида судга илтимоснома киритади;

- гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан айбга иқрорлик тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда келишув тузади;

- терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш ҳақидаги қарорлар, суднинг қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

- суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда, ушбу Кодексга мувофиқ ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади;

- тинтув ўтказишга, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга ҳамда улар орқали узатиладиган ахборотни олишга, уй-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ҳамда бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини чекловчи ҳамда абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган

мансабдор шахсининг, суриштирувчининг ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради;

- дастлабки тергов ва суриштирув муддатларини ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда узайтиради;

- ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради;

- жиноят ишини прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса, бир дастлабки тергов ва суриштирув органидан бошқа дастлабки тергов ва суриштирув органига ўтказди;

- суриштирувчини ёки терговчини, башарти улар ишнинг тергови чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлсалар, суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади;

- жиноят ишлари қўзғатади ёки уларни қўзғатишни рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтатади; қонунда назарда тутилган ҳолларда терговчи ёки суриштирувчининг ишни тугатишига розилик беради; айблов ҳулосаси, айблов далолатномаси ёки қарорини тасдиқлайди, ишларни судга юборади.

Прокурорнинг жиноят-процессуал кодексда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

Жиноят процессуал кодексининг 337-моддасига биноан жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга ҳамда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга ҳақли ҳисобланади.

Ҳулоса қилиб айтганда, прокурор жиноят процессининг энг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади, чунки прокурор жиноят иш юритувининг барча босқичларида, яъни жиноят ишини қўзғатиш босқичидан то шахсга нисбатан чиқарилган суднинг ҳукми кучга киритилгунга қадар иштирок этади. Прокурор барча жиноят ишлари кўрилишига бошчилик қилиб, ишлар бир босқичдан кейингисига ўтишида муҳим вазифаларни адо этади. Шу билан бирга унинг процессуал ҳолати ҳам турли босқичларда турлича кўринишга эга бўлади.

**Жиноят процессида терговчининг иштироки.** Жиноят ишларни судга қадар юритишда асосий иштирокчи сифатида терговчи тан олинади.

Жиноят процессуал кодексининг 344-моддасига биноан дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб борадилар. Дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари қонунда назарда тутилган.

Терговчи дастлабки тергов босқичида терговнинг ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши учун масъул бўлган асосий шахс ҳисобланади, шунингдек, терговчи дастлабки тергов босқичида қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқ ва

эркинликларини таъминлаш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг жазосиз қолмаслиги ва бирорта айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун қонунни тўғри қўллашга масъул бўлган жиноят процессининг иштирокчисидир.

Олий юридик маълумотга эга бўлган ва зарур касбий ва ахлоқий сифатларни ўзида мужассамлаштирган ҳамда соғлигига кўра ўзига юклатилган мажбуриятларни бажара оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари терговчи бўлишлари мумкин.

Жиноят ишининг хусусияти ва мазмуни, босқичи ва мураккаблик даражаси, малакаланиши ва терговчининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда терговчилар турли мансабда бўлишлари ва улар терговчи, катта терговчи, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи ва ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчи деб аталиши мумкин.

Жиноят процессуал кодексининг 36-моддасига биноан терговчига куйидаги ваколатлар берилган, яъни терговчи: жиноят ишини кўзғатишга ва тугатишга, ишни кўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилишга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш ҳақида қарор қабул қилишга, бундан қамоққа олиш ёки уй қамоғи мустасно; ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; бошқа терговчи ва суриштирувчиларга айрим тергов ҳаракатларини юритиш тўғрисида топшириқ беришга; терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топширишга, улардан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга; қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур процессуал мажбурлов чораларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга; мурдани эксгумация қилиш тўғрисида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур чораларни ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга; амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга ҳақлидир.



Терговчи дастлабки терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни ҳамда прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Терговчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритиш ҳақидаги ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа терговчига топширади.

Терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Терговчининг фаолияти бир қатор ҳаракатлар ва қарорлардан иборат бўлиб, у қонун талабларига мувофиқ жиноят ишини сифатли ва ўз вақтида қўриб чиқишни тақозо этади. Терговчига процессуал мустақилликни, яъни қонунга асосланган ҳолда ўз ички ишончидан келиб чиқиб иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириши учун мустақил ҳаракат қилиш имкониятини таъминламасдан туриб, ундан масъулдорликни талаб қилиш мумкин эмас.

Терговчининг мустақиллиги ва масъулдорлиги тамойили у томондан бажариладиган функцияларнинг асосида ётади. Терговчи мустақиллигининг чегараси унга берилган ваколатлар доираси орқали белгиланади. Терговчи ўз ваколатларини амалга ошириш давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга сўзсиз риоя қилиши шарт.

Терговчининг мустақиллиги судьяларнинг мустақиллигидан тубдан фарқ қилади, чунки судьяларга ҳеч ким, давлатнинг ҳеч қайси органи, ҳатто юқори турувчи суд ҳам уларнинг юритишида бўлган ишни қандай ҳал қилиши бўйича кўрсатмалар бера олмайди, терговчига эса прокурор жиноят ишидаги ҳар қандай масала бўйича кўрсатмалар беради ва бу терговчи учун мажбурий ҳисобланади.

Терговчининг асосий вазифаси дастлабки терговни ўз вақтида ва сифатли олиб бориш ҳисобланади, шунинг учун терговчига дастлабки тергов билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни юклатиш ман этилади.

**Жиноят процессида тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосарини иштироқи.** Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари ўрнатилган тартибда қўл остидаги ходимларнинг фаолиятига раҳбарлик қиладилар ва юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларини лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўладилар ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ процессуал ваколатлардан фойдаланадилар, шунингдек, терговчиларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қиладилар.

Жиноят процессуал кодексининг 37-моддасига кўра, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари белгилаб берилган, унга кўра тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир.

Олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ЖПК 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

**Суриштирув органлари.** Амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасида суриштирув органлари санаб ўтилган. Унга кўра, қуйидагилар суриштирув органи ҳисобланади:

- 1) ички ишлар органларининг;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади.

Суриштирув органлари дейилганда, жиноят ишини кўзгатиш, тугатиш, тамомлаш, эҳтиёт чораларини танлаш (бундан қамоққа олиш ва уй қамоғи мустасно) ваколатлари юклатилган суриштирувчи, суриштирув бўлинмаси бошлиғи ва унинг ўринбосари тушунилади.

Албатта, суриштирув органининг бошлиғи, унинг ўринбосари ва суриштирувчи жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва шахслари каторидан ўрин олишган. Уларнинг процессуал ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми Жиноят процессуал кодексининг 38<sup>1</sup>-моддаси ҳамда 39-моддасида белгилаб қўйилган.

Жиноят процессуал кодексининг 38<sup>1</sup>-моддасига биноан суриштирувчи қўйидаги ваколатларга эга, яъни суриштирувчи: жиноят ишини кўзгатишга ва тугатишга, ишни кўзгатишни рад этишга; жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ушбу Кодексда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда гумон қилинувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилишга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш ҳақида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида қарор қабул қилишга, бундан қамоққа олиш ёки уй қамоғи мустасно; ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини бажариш ҳақида ёзма топшириқлар беришга; бошқа суриштирувчиларга айрим тергов ҳаракатларини юритиш тўғрисида топшириқ беришга; терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топширишга, улардан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга; қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур процессуал мажбурлов чораларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга; мурдани эксгумация қилиш тўғрисида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур чораларни ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга; амнистия актига асосан жиноят ишини кўзгатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Суриштирувчи суриштирувнинг йўналишига оид барча қарорларни мустақил равишда қабул қилади, бундан қонунда прокурор рухсатини олиш назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Суриштирувчи прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритиш тўғрисидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини ўз қарори билан ё бекор қилади ёки иш бўйича суриштирув юритишни бошқа суриштирувчига топширади.

Суриштирувчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Жиноят процессуал кодексининг 39-моддасига кўра, суриштирув бўлинмаси бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг ваколатлари: суриштирув бўлинмасининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан суриштирувчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича суриштирувни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Суриштирув бўлинмаси бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, суриштирувчига суриштирув юритиш, шахсни ишда гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида кўрсатмалар беришга, ишни бир суриштирувчидан иккинчи суриштирувчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча суриштирувчига топширишга, шунингдек суриштирувчи ваколатларидан фойдаланиб, суриштирув юритишда қатнашишга ва суриштирувни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

Суриштирув бўлинмаси бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари суриштирувчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир.

Олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ушбу Кодекс 38<sup>1</sup>-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.



## Суриштирувнинг вазифалари:



- Жиноятнинг олдини олиш ёки йўл қўймаслик;  
- Далилларни тўплаш ва сақлаш;

- Жиноят содир этишда гумон қилинувчиларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;

- Жиноят туфайли етказилган моддий зарар қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Юридик жавобгарликни таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари, прокуратура органлари, суд органлари, мувофиқ, жиноят ишлари юритиш учун масъул бўлган давлат органлари қаторига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ҳам киради.

ЖПКнинг 39<sup>1</sup>-моддасига кўра, терговга қадар текширув куйидагилар томонидан амалга оширилади:

- 1) ички ишлар органлари;
- 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма, муассаса ёхуд ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича;
- 3) давлат хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар худудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича;
- 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича;
- 6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича;
- 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;
- 8) давлат божхона хизмати органлари — божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганликка доир ишлар бўйича;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари — бюджет, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонунчиликни

бузганликка доир ишлар, шунингдек электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича;

10) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашга, суд ҳужжатини ижро этмасликка, суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралаштиришга, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этишга доир ишлар бўйича;

11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.

13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари — қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича.

14) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати — унинг юритувига тааллуқли ишлар бўйича.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари шу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли.

Тезкор-қидирув фаолиятини ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

ЖПКнинг 39<sup>2</sup>-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғининг ва унинг мансабдор шахсининг ваколатлари белгилаб берилган. Унга кўра ЖПКнинг 39<sup>1</sup>-моддасида санаб ўтилган ҳар бир органнинг раҳбарлари терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бошлиғи сифатида ҳаракат қила туриб, терговга қадар текширувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа мансабдор шахсга уни юритишни топширишга, жиноят ишини кўзғатишга ёки иш кўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақлидир.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс зиммасига терговга қадар текширувни амалга оширишга доир вазифаларни юклатиш тартиби мазкур орган томонидан белгиланади.

Бошлиқнинг топшириғига биноан ва унинг раҳбарлигида ишлаётган мансабдор шахс жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкый зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси зиммасига терговчи, суриштирувчи юритаётган иш бўйича айрим процессуал ҳаракатларни ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига, суриштирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида кўмаклашиш мажбурияти ҳам юклатилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси терговга қадар текширувни амалга ошираётганда, худди шунингдек терговчининг, суриштирувчининг топшириғини бажараётганда, ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда процессуал ҳаракатларни амалга оширади ва қарорлар қабул қилади.

Гумон қилинувчидан, айбланувчидан ёки судланувчидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан аризалар, тушунтиришлар ёки кўрсатувлар олиш мазкур жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга оширилади, бундан белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар мустасно.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорлари мазкур орган бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим. Бошлиқнинг ёзма кўрсатмалари уларни бажаришни тўхтатмай туриб, ушбу кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақли бўлган унга бўйсунувчи мансабдор шахс учун мажбурийдир.

Прокурорнинг ёзма кўрсатмалари терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси учун мажбурийдир. Улар прокурорнинг кўрсатмаларидан норози бўлган тақдирда, кўрсатмаларни бажаришни тўхтатмай туриб, юқори турувчи прокурорга уларнинг устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**16-мавзу:** Жиноят процессида далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар



### РЕЖА:

1. Жиноят процессида далиллар тўплаш ва исбот қилиниш жараёни.
2. Жиноят процессуал мажбурлов чоралари ва уларнинг аҳамияти.
3. Эҳтиёт чораларининг турлари, уларни қўллаш асослари ва процессуал тартиби.

**1-савол:** Жиноят процессида далилларни тўплаш ва исбот қилиниш жараёни.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Ишни айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексига кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;



3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг ўз ҳаракатлари аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада бузилиши юзага келган шахс тўғрисидаги жиноят иши ЖПКнинг 61-бобида белгиланган тартибда айбдорлик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади.

Жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

**Исбот қилиш** - ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади.

Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ЖПКда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳолалиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлаш таъминланиши керак.

### **Исбот қилишда қуйидагилар тақиқланади:**

1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш;

2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш;

3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4) шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш;

5) шахсни жиноят ишига гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, бундан экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар мустасно;

6) шахсга унинг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилгунига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;

7) ушланган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш;

8) мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида процесс иштирокчиларини суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва (ёки) сўроқ қилиш, бундан улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд бўлган ҳоллар мустасно.

Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Баённомалар юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби зиммасига юклатилади.

Баённомаларга: тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари,

тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар киритилади.

Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усуллари қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Қуйидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт:

1) ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

2) тинтув;

3) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;

4) тергов эксперименти;

5) шахсни ушлаш;

6) ҳимоячидан воз кечиш;

7) шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб кўйиш.

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланоқ бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топшириғига биноан суд мажлиси котиби суд залидан ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради.

Оғзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдидан изоҳот берилади.

Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПК талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз,

ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

**2-савол.** Жиноят процессуал мажбурлов чоралари ва уларнинг аҳамияти.

Жиноят процессида мажбурлов чоралари қонуннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий мажбурлов чораларининг тури сифатида фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Мажбурлов деярли барча ҳолларда жисмоний куч ишлатишни эмас, шахснинг хоҳишига қарши, унинг манфаатларига зид равишда кўриладиган чора-тадбирлардан иборат. Айбланувчи ва гумон қилинувчининг хат-ёзишмаларига ҳибс солиш, тинтув вақтида эшикни ёки қулфни бузиш ҳам ўз моҳиятига кўра мажбурлов чоралари қаторига киради. Ҳатто, суд залидан чиқариб юбориш мажбурлов характерига эга. Бухақда кўп муаллифлар алоҳида таъкидлайдилар.

Жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

– ушлаб туриш;

– эҳтиёт чоралари;

– лавозимдан четлантириш;

– мажбурий келтириш;

– шахсни тиббий муассасага жойлаштириш.

Ушлаб туриш деганда, гумон қилинувчини қисқа муддатга озодликдан маҳрум этиб, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиришдан иборат

процессуал мажбурлов чораси тушунилади. Ушлаб туриш учун асос бўлиб муайян шахснинг жиноят содир этишда иштирок этганлигини тасдиқловчи фактик маълумотлар хизмат қилади. ЖПКнинг 221-моддасида ушлаб туришнинг асослари келтирилган ва уларга куйидагилардан иборат:

1) шахснинг жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушиши;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчиларнинг уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатишлари;

3) гумон қилинувчининг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол изларининг топилиши;

4) шахсни жиноят содир қилишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, унинг қочмоқчи бўлаётганлиги ёки доимий яшайдиган жойининг йўқлиги ёхуд шахси аниқланмаган бўлиши.

Ушланган пайдан бошлаб шахс гумон қилинувчи процессуал мақомига эга бўлади. Жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахс тинтув қилинади. Тинтув ЖПК моддаларининг талабларига мувофиқ амалга оширилади. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни ушлаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат ҳақида баённома тузилади.

Гумон қилинувчини ушлаб туриш тўғрисидаги баённомада ушлаб туришни амалга ошираётган шахс, шунингдек ушлаб турилган шахс (унинг фамилияси, исми-шарифи, туғилган йили ва жойи, иш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат) ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Ушлаб туриш билан бир вақтнинг ўзида шахсий тинтув ўтказилганлиги сабабли, бу ҳақда ҳам баённома тузилади.

**Лавозимдан четлаштириш** – процессуал мажбурлов чораларининг бир тури бўлиб, айбланувчи ёки судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жинойий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан қўлланилади. Лавозимидан четлаштириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Суриштирувчи ва терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурор розилик бериши лозим.

Айбланувчини ёки судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим корхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у қарор ёки ажримни олгач, уни зудлик билан ижро этиши ва айбланувчи ёки судланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

Лавозимидан четлаштириш чорасига кейинчалик зарурат қолмаган тақдирда, айбланувчини ёки судланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан бекор қилинади. Суд оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда судланувчини лавозимидан четлаштиришни бекор қилади.

**Мажбурий келтириш** – гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, уларнинг узрсиз сабабларга кўра, келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади. Чунки жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт. Узрсиз сабабларга кўра келмаганлари тақдирда, улар мажбурий келтириладилар.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилиши шарт.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб, тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, у келтириб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

**Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш** – суд-тиббиёт ёхуд суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда, стационар кузатув зарурати бўлган ҳолларда айбланувчи ёки судланувчига нисбатан (улар озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этганликда айбланаётган бўлса) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан қўлланилади. Руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган шахс ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун психиатрия муассасасига жойлаштирилиши мумкин.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш суриштирувчи ёки терговчининг прокурор розилик берган қарорига, прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига асосан амалга оширилади. Айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахснинг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади. Ушбу шахс тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда шифокорларнинг стационар экспертиза ўтказиш жараёнида олинган хулосасига асосан бу муддат иш юритувида бўлган прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан бир ойга узайтирилиши мумкин. Муддатни янада узайтиришга йўл қўйилмайди. Тиббий муассасага эксперт текшируви учун жойлаштирилган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили суриштирувчининг, терговчининг ва прокурорнинг тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга, суднинг бу хусусидаги ажрими устидан юқори судга шикоят қилишга ҳақлидир.

**Эҳтиёт чоралари** - қонун суриштирув, дастлабки терговни ўтказувчи органлар, шунингдек суд ихтиёрига айбланувчиларнинг шахсий эркинлигини чеклайдиган, уларнинг янги жиноятлар содир этишга, жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатларига чек қўядиган процессуал мажбурлов чораларини берган. Ушбу чоралар эҳтиёт чоралари деб аталади. ЖПКда уларга муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви каби чоралар киритилган.

Тинтув, гувоҳлантириш каби эҳтиёт чоралари ҳам мажбурлов чоралари ҳисобланади. Аммо ушбу чоралар ўртасида муайян фарқ мавжуд бўлиб, улар:

- мажбурлов хусусияти бўйича;
- мақсадга мувофиқлиги бўйича;
- ушбу чоралар қўлланиладиган шахслар бўйича фарқланади.

Эҳтиёт чораларини қўллашда мажбурлов айбланувчининг шахсий эркинлигини (ҳаракатланиш эркинлигини ва ш.к.) чеклаш ёки камайитиришда намоён бўлади. Улар айбланувчининг суриштирув органлари, тергов ва суддан яширинишига, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал беришига, жазони ўташдан бўйин товлашига, жинойий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида қўлланилади. Бошқа мажбурлов чоралари, масалан, тинтув, бошқа мақсадларга хизмат қилади. У иш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган нарса ва ҳужжатларни аниқлаш мақсадида қўлланилади.

ЖПКнинг 234-моддасига мувофиқ, эҳтиёт чораси фақат айбланувчилар, судланувчилар, маҳкумларга ва муомала лаёқатига эга эмас деб топилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бошқа мажбурлов чоралари – тинтув, ашёларни олиб қўйиш, мажбуран ушлаб келиш – нафақат айбланувчи ёки гумон қилинувчига, балки бошқа шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда **ушлаб турилган** гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан **қамоққа олиш** тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда гумон қилинувчига у ушланган кундан бошлаб ўн кун ичида айб эълон қилиниши лозим. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади (ЖПК 226-м.).

Жиноят иши қўзғатилганидан кейин ва ушлаб туришнинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи

жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, ушлаб туришнинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **эҳтиёт чораларига** қуйидагича таъриф бериш мумкин: жиноят процессида суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки суд айбланувчи, судланувчи, маҳкумга нисбатан, унинг тергов ва суддан бўйин товланининг олдини олиш ёки иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишига, жазони ўташдан бўйин товланишига, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш мақсадида, шунингдек жазонинг ўталишини таъминлаш учун қўллайдиган процессуал мажбурлов чоралари эҳтиёт чоралари деб аталади.

Эҳтиёт чораларининг аҳамияти уларнинг жиноят процессини амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноятчилар тажовузидан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади. Айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қонуний ва асосли равишда қўллаш тергов учун қулай шароит яратади, унинг тез ва самарали бўлишига ёрдам беради.

Эҳтиёт чоралари айбланувчининг янги жиноятлари содир этишининг олдини олишда ҳам катта аҳамият касб этади. Давлат айбланувчига нисбатан тергов жараёнини, мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқини берар экан, айти пайтда фуқароларнинг ҳуқуқларини асоссиз тарзда чеклашга, хусусан, уларга нисбатан асоссиз равишда эҳтиёт чораларини танлашга йўл қўймаслик ҳақида ғамхўрлик қилади.

Эҳтиёт чораларини қўллаш доимо фуқаронинг шахсий эркинлигини чеклаш билан боғлиқ. Шу боис қонун талабларига ва айтиқса процессуал кафолатларга аниқ риоя этишнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш зарур.

#### **Эҳтиёт чораларни қўллаш асослари ва процессуал тартиби.**

Эҳтиёт чоралари айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товланининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятига чек қўйиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади (ЖПК 236-м.)

#### **Эҳтиёт чораларининг турлари ва уларнинг тавсифи.**

Эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш; шахсий кафиллик; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви.

**Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат** айбланувчи, судланувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёки судга терговдан ва суддан яширинмаслиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, жиноий фаолият билан шуғулланмаслиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви бўйича етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятдир. Тилхат бераётган шахс суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг рухсатсиз ушбу аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ва



мазкур аҳоли пункти доирасида турар жойини ўзгартирганда бу ҳақда хабар бериш мажбуриятини олади.

Айбланувчи, судланувчи берган мажбуриятини бузган тақдирда унга нисбатан қаттиқроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Бу ҳақда у тилхат олинаётганида огоҳлантирилади.

Тилхат бериш шаклидаги эҳтиёт чорасининг моҳиятини яшаб турган аҳоли пунктдан чиқиб кетмаслик ҳақидаги тилхат ташкил қилган илгари амалда бўлган 1959 йилги ЖПКнинг 75-моддасидан фарқли равишда амалдаги ЖПКнинг 250-моддасида айбланувчи ёки судланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга берадиган ёзма мажбуриятда мавжуд бўлган чекловлар анча кенг талқин этилади.

**Шахсий кафиллик** эҳтиёт чорасининг моҳияти шундаки, ишонч туғдирадиган шахслардан улар гумон қилинувчи ёки айбланувчининг муносиб хулқ атворда бўлиши, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ҳақида ёзма мажбурият олинади.

ЖПКда шахсий кафиллик нафақат айбланувчининг органларга келишини таъминлаш воситаси, балки айбланувчи ёки гумон қилинувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш воситаси сифатида ҳам қаралади. Муносиб хулқ-атворда бўлиш деганда, айбланувчининг бошқа жиноят, шунингдек ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилувчи ҳаракатлар содир этмаслиги тушунилади.

Шахсий кафиллик эҳтиёт чораси танланганда кафиллар сони қанча бўлишини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Камдан-кам ҳолларда алоҳида ишончга эга бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги масала кўпинча айбланувчини кафилликка олишни истовчи фуқаролардан аризалар тушиши муносабати билан юзага келади. Қандай эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги қарор, шунингдек айбланувчини ишониб топшириш мумкин бўлган кафилларни танлаш учун масъулият суриштирув ўтказаетган шахс, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига тушади.

Шахсий кафиллик ҳақида тилхат олинаётганида, кафил эҳтиёт чораси танланган ишнинг мазмунидан хабардор қилиниши ҳамда гумон қилинувчи ёки айбланувчи эҳтиёт чорасини танлаш билан олдини олиш мўлжалланаётган ҳаракатни содир этган, яъни тергов ва суддан яширинган, янги жиноят содир этган ёки иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилган тақдирда жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантирилиши керак. Ушбу ҳолларда кафиллар қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатиш имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар. Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунига қадар зиммаларига олган мажбуриятларидан воз кечишлари мумкин.

**Жамоат бирлашмаси ёки жамоа** ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлиб, ўз қарорини айбланувчининг,

судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилади. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга такдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айтилган вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси оғирроғи билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади.

**Гаров** айбланувчи, судланувчи, уларнинг қариндошлари, бошқа фуқаролар ёки юридик шахслар дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобварағига топширадиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин.

Гаровни қабул қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор баённома тузади, суд эса суд мажлиси баённомасига тегишлича ёзиб қўяди. Баённомада айбланувчига, судланувчига – унинг ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка у сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса – айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйган нарсаларидан маҳрум бўлиши маълум қилинганлиги кўрсатилиши лозим. Баённомани гаровни қабул қилган мансабдор шахс, гаровга қўювчи ва айбланувчи, судланувчи имзолайдилар.

Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкий аҳволини ва унинг айбланувчи билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди.

**Қамоққа олиш** – энг оғир эҳтиёт чораси бўлиб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда энг асосий ҳуқуқларидан бири – шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини жиддий равишда чеклайди. Шу боис қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бошқа эҳтиёт чоралари айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг муносиб хулқ-атворини таъминлаш ва жазодан бўйин товлашининг олдини олиш имкони бўлмаган ҳоллардагина қўлланади.

Бундай талаб қўлланиладиган эҳтиёт чораси шахсга содир этган жинояти учун қўлланиши мумкин бўлган жазодан қаттиқ бўлмаслиги кераклиги билан изоҳланади. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини озодликдан маҳрум қилиш билан тенглаштириш мумкин эмас.

○ **Қамоқда сақлаб туриш муддати (ЖПК 245 м.).**

Жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади.

Қамоқда сақлаб туришнинг қонун нормаларида белгиланган уч ойлик муддатини:

5 ойгача – Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномаси;


7 ойгача – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг илтимосномаси;

9 ойгача – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномаси;

1 йилгача – алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилади. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган барча илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослилигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**17-мавзу:** Фуқаролик ва оилавий – ҳуқуқий муносабатлар



### РЕЖА:

1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва манбалари.
2. Ишончнома тушунчаси, турлари, шакллари муддатлари ва бекор бўлиш асослари.
3. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва принциплари.

### **1-савол.** Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва манбалари.

Фуқаролик ҳуқуқи бир қанча ҳуқуқий институтлар (мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, шахсий номулк ҳуқуқлар, ижод фаолияти натижаларига бўлган ҳуқуқ, мерос ҳуқуқи)дан иборат тизимни акс эттиради.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатларнинг **предметини** ташкил этади.

Фуқаролик ҳуқуқининг методи фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг тенглиги, ушбу ҳуқуқсоҳасидаги нормаларнинг кўпчилиги диспозитив эканлиги (иштирокчилар учун хулқ-атвор турини танлашнинг мумкинлиги) низоларни суда, хўжалик судида ҳал этиш орқали тавсифланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари, уларнинг аҳамияти (юримдик қучи)га қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар;

қонун ости ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари, вазирлик ва ташкилотларнинг буйруқ ва йўриқномалари;

иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар.

Шундай бўлса-да, «фуқаролик ҳуқуқи манбалари» тушунчаси «фуқаролик қонунлари» тушунчасидан кенгроқдир, зеро фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатлар нафақат қонунлар, балки қонун ости ҳужжатлари (масалан, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, идоравий ҳужжатлар ва бошқалар) билан ҳам тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солувчи қоидалар сирасига иш муомаласи анъаналари киради. Улар ишбилармонлик фаолиятининг бирор-бир соҳасида таркиб топган ҳамда кенг қўлланиладиган бўлиб, бироқ қонунда назарда тутилмаган. Улар мазкур муносабатлар иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун-қоидалар ҳамда шартномага зид бўлмаслиги керак.

Фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён-ФК) ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик кодекси иккита (умумий ва махсус) қисмдан иборат.

ФКнинг биринчи (умумий) қисмида фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳамда бошқа турдаги муносабатлар доирасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган асосий қоидалар ўз аксини топган. Уларда фуқаролик қонунларининг асосий тушунча ва принциплари: фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялаш усуллари; фуқаролик ҳуқуқи объектлари; фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати; мулкчилик ҳуқуқи ҳамда бошқа мулквий ҳуқуқларнинг юзага келиш асослари ҳамда уларни амалга ошириш тартиблари; шартнома асосидаги ҳамда бошқа турдаги мажбуриятларнинг асосий қоидалари белгиланган.

Кодекснинг иккинчи (махсус) қисми муайян турдаги шартномалар ҳамда шартномадан ташқари мажбуриятлар: олди-сотди, ижара, пудрат, юк ташиш, қарз ва кредит, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, муаллифлик, ихтирочилик ҳамда бошқа алоҳида ҳуқуқлар, ворислик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олади.

Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатлар, шунингдек, алоҳида қонунлар билан ҳам тартибга солинади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Лизинг тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар.

Фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ ҳамда унга чамбарчас боғлиқ булган шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади. Мазкур муносабатларнинг иштирокчилари (субъектлари)дан бири фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади.

Фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларда иштирок этишининг энг дастлабки шарти уларнинг ҳуқуқий лаёқати, яъни фуқаролик ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларига эга бўлиш қобилияти ҳисобланади.

**Ҳуқуқий лаёқат** инсон тугилиши биланок вужудга келади, бироқ, баъзи ҳолларда қонун ҳали тугилмаган инсон ҳуқуқларини ҳам ҳимоялайди. Масалан, ФКга биноан, жабрланувчининг ўлими муносабати билан зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига жабрланувчининг ўлиmidан сўнг туғилган фарзанди эга бўлиши мумкин.

**Вояга етмаганларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга кириши ҳолатлари** ФК белгиланган. Уларга: фуқаролар мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эғалик қилиш, уни мерос сифатида олиш ёки мерос қилиб қолдириш, ишбилармонлик ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиш; мажбуриятларда иштирок этиш; юридик шахсларни вужудга келтириш; фан, адабиёт ва санъат асарлари, тадқиқотлар муаллифлари ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш; мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ эга бўлишга ҳақлидирлар.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳуқуқий лаёқатдан ташқари муомала лаёқатиғаҳам эғадирлар. Муомала лаёқати деганда, фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш ҳуқуқи, ўзига фуқаролик мажбуриятларини олиш ҳамда уларни бажариш қобилияти тушунилади. Муомала лаёқати ана шуниси билан ҳуқуқий лаёқатдан ажралиб туради. Чунончи унга кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига бошқа шахслар. масалан ота-оналари орқали эга бўладилар.

Бундан ташқари, фуқаролик муоамала лаёқати нафақат қонуний хатти-ҳаракатлар қилиш қобилиятини, балки улар учун жавобгарликка тортилиш шарти (деликт қобилияти)ни ҳам вужудга келтиради. Шу боис муоамала лаёқати шахснинг ёши ҳамда руҳий ҳолатига боғлиқ, булади,

Умумий қоидага кўра. Фуқаролик муомала лаёқати тўлалигича 18 ёшдан бошлаб юзага келади. Шунингдек, 18 ёшгача турмуш кўрган шахслар ҳам тўлиқ равишда муоамалага лаёқатли деб ҳисобланади. Бу баъзи ҳолларда турмуш қуриш ёшининг пасайтирилишидан келиб чиқади.

ФКга вояга етмаганларнинг эмансипацияси<sup>1</sup>, яъни уларни тўлалигича муомалага лаёқатли деб ҳисоблаш туфисидаги норма ҳам киритилган. Бу қуйилаги шартлар бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин:

- 1) шахснинг 16 ёшга тўлганлиги;
- 2) иккала ота-она ёки қонуний вакилларнинг розилиги бўлган тақдирда, башарти вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса.

Мазкур қарорни васийлик на хомийлик органи, ота-она ва қонуний вакиллар норози бўлган тақдирда суд қабул қилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда вояга етмаганлар қисман муоамалага лаёқатли деб топилади. Улар ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳар қандай эмас, балки баъзи ҳуқуқ

ва мажбуриятларга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар, яъни уларнинг муомала лаёқати тўлиқ эмас.

Вояга етмаган шахслар етказган зарар учун уларнинг ота-оналари ёки хомийлари ёхуд уларни назоратқилувчи ўқув, тарбия ёки даволаш муассасалар жавобгар бўладилар.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар деликт қобилиятига эга буладилар, яъни улар мустақил равишда ҳамда ота-оналарининг розилиги билан тузган барча битимлар ҳамда етказилган зарар бўйича мустақил мулкрий жавобгарликка тортиладилар. Вояга етмаган шахслар ойлик маош ёки бошқа турдаги мустақил даромадга эга бўлмаган тақдирда ота-оналар ҳамда қонуний вакиллар орқали тўлиқ ёки қисман жавобгар бўладилар.

Қонунда назарда тутилган муайян шартларнинг бўлганлиги боис, тўлиқ ҳамда қисманмуомала лаёқатига эга бўлган шахслар муомала лаёқати юзасидан чекланишлари мумкин. Фуқаронинг муомалага лаёқатли ёки лаёқатсизлиги ҳақидаги тегишли қарорни фақат суд, ўшанда ҳам унинг оила аъзолари, васийлик ҳамда хомийлик органлари, прокурор ҳамда рухий касалликлар шифохонасининг аризаси асосида чиқариши мумкин. Муомалага лаёқатсиз шахсга васий ва хомий тайинланади. Шахс соғайган ҳолларда суд уни муомалага лаёқатли деб топади ҳамда тайинланган васийлик ёки хомийликни бекор қилади.

Бундан ташқари, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар тоифаси ҳам мавжуд. Бундай шахслар рухий ҳолати натижасида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англаб етмайдилар. Уларни суд муомалага лаёқатсиз деб топади.

**Юридик шахслар.** Фуқаролик ҳуқуқига оид муносабатларнинг иштирокчилари қаторига нафақат алоҳида фуқаролар (жисмоний шахслар), балки юридик шахслар, яъни ташкилот ва муассасалар ҳам киради.

Юридик шахслар турлича бўлади. Улар Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида санаб ўтилган қонун юридик шахсларни қуйидагача таърифлайди: «Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкрий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади». Юридик шахслар мустақил баланс ва сметага эга бўлиши керак. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ, ва муомала лаёқати, улар рўйхатга олинган (ташқил этилган) вақтдан бошланади ҳамда у тугатилган вақтда нихрясига етади. Аксинча, фуқаронинг ҳуқуқ, лаёқати эса, у туғилган вақтдан бошланади ва унинг вафоти билан тугатилади, муомала лаёқати эса, тўлалигича шахс вояга етгандан бошланади ҳамда унинг вафоти туфайли тугатилади.

Юридик шахс (шунингдек, жисмоний шахс ҳам) қонунда белгиланган муайян турдаги фаолият билан фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

Юридик шахснинг муомала лаёқати унинг ўз бошқарув органлари (директор, бошлик, раис, президент, кенгаш, бошқарув, умумий мажлис) орқали фуқаролик мажбуриятларини олиши билан белгиланади. Мазкур

органларнинг ҳаракатлари юридик шахснинг ҳаракатлари сифатида тан олинади, зеро улар фуқаролик муомаласида тўлалигича юридик шахс манфаатларини ифодалайди.

Юридик шахс таркибида алоҳида ваколатхона ва филиаллар ташкил этилиши мумкин, бироқ, улар мустақил юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида фаолият курсатади. Ваколатхона ва филиаллар уларни ташкил этган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида акс эттирилиши керак.

Юридик шахснинг манзили давлат рўйхатига олинган жой ҳисобланади. Давлат рўйхати кўрсаткичлари, шунингдек, фирманинг номи ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни давлат рўйхатига олиш нафақат унда ҳуқуқ, ва муомала лаёқатининг юзага келиши, балки унинг фаолияти устидан молиявий (солиққа оид) назоратни таъминлаш учун ҳам зарурдир.

Юридик шахсни ташкил этиш буйича қонунда белгиланган тартиб бузилганда ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга номувофиқлиги сабабли, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга номувофиқлиги сабабли уни рўйхатдан ўтказмасликка йўл қўйилмайди.

Юридик шахс фаолиятини тугатиш уни қайта ташкил этиш (корхоналарни ажратиш ҳамда улар асосида бир неча юридик шахсни ташкил этиш, бир неча юридик шахснинг қўшилиши) ёхуд узил-кесил тугатиш орқали амалга оширилади. қонунда юридик шахсларни тугатишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Юридик шахсларни ўзгартириш ва тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий тарзда (суд қарорига кўра) амалга оширилади.

ФКда юридик шахсларнинг иккита катта гуруҳи ажратилади:

тижоратчи ташкилот — фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилотлар, масалан, хўжалик ширкатлари ва жамоалари, ишлаб чиқариш кооперативлари, акционерлик жамиятлари, унитар корхоналар ва бошқалар;

тижоратчи ташкилот булмаган юридик шахслар — фойда олишни мақсад қилиб олмаган ташкилотлар, масалан, жамоат бирлашмалари. ижтимоий фондлар ва мулкдор молиявийтаъминлаб гурадиган муассаса шаклидаги, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шакллардаги корхоналар ва ташкилотлар.

Тижоратчи булмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

**2-савол.** Ишончнома тушунчаси, турлари, шакллари муддатлари ва бекор бўлиш асослари.

Ўзб.Рес ФКнинг 134–моддасида таърифланишича, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун бериладиган ёзма ваколат ишончнома

ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Ишончноманинг берилиши вакил учун ваколат белгилашга қаратилган бир томонлама битим ҳисобланади. Ишончнома топшириқ шартномаси, меҳнат шартномаси, экспедиция шартномаси ва бошқа шартномалар асосида берилади.

Ишончнома бир шахс, шунингдек, бир неча шахслар номидан бир ёки бир неча шахслар номига ҳам берилиши мумкин. Чунончи, уй–жой қуриш кооперативининг вакили кооператив аъзоларининг барчаси томонидан ёки умумий мажлисининг ваколатига биноан бир неча шахс томонидан имзоланган ишончнома олиши мумкин.

Ишончнома вакилнинг учинчи шахслар билан ҳуқуқий муносабатларда бўлиши учун берилади.

Ишончноманинг мазмунидан унинг қандай ваколатларга эга эканлиги, қандай юридик ҳаракатлар қилишга ҳақли бўлиши кўриниб туради. Бинобарин, вакил ишончномада кўрсатилган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, учинчи шахслар билан шартнома тузган бўлса, вакил қилувчи бу шартномани бажаришдан бош торта олмайди.

Ишончнома умумий ва махсус турларга бўлинади.

Умумий ишончнома- ҳар хил битимлар ва бошқа юридик ҳаракатлар қилиш, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг филиалини идора этиш ёки фуқарога қарашли мулкни бошқариш ёки фойдаланиш учун бериладиган ишончнома умумий ишончнома дейилади.

Махсус ишончнома- бир турдаги битимларни тузиш, масалан, жамоа хўжаликлари ва уларнинг аъзоларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича битимлар тузиш учун ваколат белгиланади. Фақат бирон–бир битимнигина тузиш, масалан, сотиб олиниб ажратиб қўйилган товарни олиш учун бериладиган ишончнома махсус ишончнома ҳисобланади. Ишончноманинг қачон берилган вақти кўрсатилиши лозим, акс ҳолда у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилади. Агар ишончномада берилган муддат кўрсатилган бўлса, берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас. (ФК 139–модаси)

Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. ФК 126, 137, 138–моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно (ФК 135–моддаси 2–банди)

Ишончномалар нотариал идоралардан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин. Булар ФКнинг 136, 137–моддалари билан белгиланади. Масалан, хат–хабарларни шу жумладан пул ва посилкаларни олишга, иш ҳаққини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни, олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва степендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома фуқаролар



яшаб турган жойдаги ўз–ўзини бошқариш органлари томонидан, ишлаб турган ёки ўқиб турган ташкилот томонидан, турар жойдаги уйга хизмат кўрсатувчи уй–жойдан фойдаланиш ташкилоти томонидан, даволаниб турган жойида эса – даволаниш муассасасининг маъмурияти томонидан, ҳарбий хизматчиларга ваколатнома берилганда, тегишли ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан тасдиқланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки камоқда сақланаётган шахсларга бериладиган ишончнома тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкрий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) ҳисобчиси томонидан ҳам имзоланиши керак. Банкда операцияларни амалга оширишга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли конун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. (ФК 138–моддаси)

Ишончнома ФК 141–моддасида кўрсатилганидек, куйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- муддати тугаши билан;
- ишончнома берувчи томонидан бекор қилиниши билан;
- ваколат олган шахснинг вакилликдан бош тортиши билан;
- номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тугатилиши билан;
- ишончнома берган фуқаронинг суд томонидан вафот этган деб топилиши билан;
- ишончнома берган фуқаронинг суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши билан;
- ишончнома берган фуқаронинг суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилиши билан;
- ишончнома олган фуқаронинг суд томонидан вафот этган деб топилиши билан;
- ишончнома олган фуқаронинг суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши билан;
- ишончнома олган фуқаронинг суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилиши;
- ишончнома олган ёки берган фуқаронинг суд томонидан бедарак йўқолган деб топилиши туфайли.

Ишончнома берувчи ишончномани хоҳлаган пайтида бекор қила олади, ишончнома олувчи ҳам ундан бош торта олади.

### **3-савол:** Оила ҳуқуқи тушунчаси ва принциплари.

Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайрасидир. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам ва тез ривожланади. Жамиятимиз асоси-оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади.

Оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, никоҳ, қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларида келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Оила ҳуқуқини предмети бўлиб, оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатлар ҳисобланади.

Шахсий муносабатларга, эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулоти тури, касб ва турар-жой танлаш ҳуқуқлари киради.

Мулкӣ муносабатларга эса, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган умумий мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари киради.

Ҳуқуқий-демократик давлат, эркин адолатли фуқаролик жамиятида мулкӣ бўлмаган номулкӣ шахсий муносабатлар асосий белгиловчи, мулкӣ муносабатлар эса бўйсунувчи ҳосила характерга эга. Оилавий муносабатлар йиғиндисида мулкӣ бўлмаган шахсий муносабатларни устун бўлишлигининг сабаби, аввало насли давом эттириш ва болаларни тарбиялаш билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, оила ҳуқуқи никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, оилада эр ва хотин ўртасида, ота-она билан болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкӣ муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оилага тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

### **Оила ҳуқуқининг тамойиллари (принциплари).**

Оила ҳуқуқи моҳиятини очиб беришда фақат унинг тушунчаси, предметини ўзига хос хусусияти ва шу билан бирга унинг энг муҳим тамойилларини ҳам инобатга олиш лозим, чунки унинг тамойиллари бу ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Оила ҳуқуқи тамойиллари деганда, ушбу ҳуқуқ соҳасининг моҳиятини аниқлаб берадиган ҳамда ҳуқуқий мустақамланганлиги сабабли умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган асосий негиз, раҳбарий қоидалар тушунилади.

Оила ҳуқуқи тамойилларини ҳисобга олмасдан унинг нормаларини тўғри шарҳлаб ва қўллаб бўлмайди. Оила ҳуқуқи тамойиллари нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун, балки шу билан бирга амалдаги оила қонунчилигининг моҳиятини англаш ҳамда унинг кейинги такомиллаштирилиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) Оилани жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга (ЎЗР Конституцияси 63-модда).

А) Оила давлат ҳимоясида.

Оила давлат ҳимоясида дейилганда аввало вужудга келган оилаларни сақлаб қолиш ва уларни мустаҳкамлашга қаратилинган давлат томонидан кўрилган тадбир чораларни тушунилади.

Давлатнинг оила хусусидаги ғамхўрлиги авваломбор ҳукумат юритаётган кучли ижтимоий сиёсатда намоён бўлмоқда. Давлат раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳий чора-тадбирларнинг бош мақсади инсон, оила манфаатларини қаноатлантиришдан иборат.

Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Республикамиз Президентининг фармонларида ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳоннинг бир гуруҳ тадқиқотчи олимлари томонидан республикада оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Натижалар чет эллардаги аҳвол билан таққослаганда, бирор бир мамлакат Президенти элни, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида бизнинг Юртбошимиз каби кўп қарор ва фармонлар қабул қилинганлиги маълум бўлди.

Б) Оила жамият муҳофазасида

Жамият томонидан оила муҳофаза қилинади дейилганда, мамлакатда мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларни оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришлари тушунилади. Бу қоида мустақил Республиканинг Конституциясида белгиланган янги қоидадир.

Мамлакатимизда жамоат ташкилотлари ҳар хил жамғармалар ҳисобидан оилани мустаҳкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш учун турли моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатдаги жамоат ташкилотлар таркибига касаба уюшмалари, жамғармалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳаракатлари, касбий ассоциациялар, клублар ва бошқалар киради. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда республика ва халқаро аҳамиятга молик 220дан ошдиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 4 та сиёсий партия, 2 та ҳаракат, 46 жамият, 5 та кўмита, 24 ассоциация, 18 та тармоқ касаба уюшмалари, 35 та жамғарма, 15 уюшма, 32 та федерация, 31 та бошқа ташкилотлар мавжуд. Шунингдек, республикаимизда ҳисоб рўйхатига олинган 1500 вилоят, 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг жамоат ташкилотлари мавжуд.

Жамоат ташкилотлари ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда республикада ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиб оилаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Масалан, экология ва саломатлик соҳасида "Экосан", эҳтиёжманд кишиларга ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда "Наврўз" жамғармалари, ногиронлар жамиятлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини

оширишда Хотин-қизлар кўмиталари, меҳнаткашларнинг касбий ва бошқа қонуний манфаатларини ифода этишда касаба уюшмалари, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда "Улуғбек, "Умид" жамғармалари фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Нима учун мамлакатимизда оилага жамият томонидан бу қадар катта эътибор берилмоқда? Чунки оила жамиятнинг бир бўлаги, узвий қисми бўлиб, унинг бош бўғинини ташкил этади. У қанча мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Оила айна вақтда жамиятнинг, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади.

2) Барча фуқаролар-жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглиги.

Оила ҳуқуқида барча фуқаролар миллати, ирқидан қатъий назар тенг эканлиги ифодаланган "...барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-модда). Бу халқлар дўстлигидан келиб чиқадиган ўзгармас қоида бўлиб оила ҳуқуқида ўз ифодасини топиб одамларни ҳар хил миллатга тегишли эканлиги ёки ирқига мансублиги оилавий муносабатларда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англатади.

Никоҳ тузиш учун фуқароларни ҳар хил миллатга, динга эътиқод этишлиги тўсиқ бўлолмайди.

Болаларни фарзандликка олишда фарзандликка олишда фарзандликка олувчиларни болалардан бошқа миллатга тегишли эканлиги ҳам монелик қилолмайди.

### **Оила ҳуқуқи тизими:**

Ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солувчи оила ҳуқуқи қоидалари бетартиб жойлаштирилмасдан, маълум тизимга келтирилган.

Оила ҳуқуқи-бу оила ҳуқуқи тузилиши, унинг муайян кетма-кетликдаги алоҳида институтлари ва меъёрлари таркибидир. Оила ҳуқуқи тизими объектив равишда тузилиб, оила ҳуқуқи предметига кирадиган ижтимоий муносабатларни ўзига хослигини акс эттиради, ҳамда ўзаро боғланган оилавий-ҳуқуқий институтларнинг бирлиги ва фарқланишида намоён бўлади.

Ҳуқуқий институт деганда турдош ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатлар гуруҳларини комплекс тартибга солинишини таъминловчи алоҳидалашган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси тушунилади. Ҳуқуқий институларга мазмун жиҳатдан турдошлилик, тартибга солиниши бўйича комплекслилик, шунингдек ҳуқуқий алоҳидалилик хосдир.

Оила ҳуқуқи тизими қонунчиликда, аввало Оила кодекси каби кодификацион характердаги актларда, шунингдек оила ҳуқуқи фанида ва "Оила ҳуқуқи" ўқув курсида ўз ифодасини топади.

Оила ҳуқуқи тизими ўз ичига умумий ва махсус қисмларни олади.

Умумий қисм, оила ҳуқуқининг махсус қисмидаги барча институтлар учун аҳамиятга эга бўлган меъёрлардан иборат, жумладан оила ҳуқуқининг асосий қоидалари ва вазифалари, оила ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар доираси ва ушбу муносабатлар субъектлари ва объектлари, оила ҳуқуқи манбалари; оилавий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг қўлланилиши, шунингдек оила тўғрисидаги ва фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшашлик бўйича қўлланилиши; оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ва анъаналарнинг қўлланилиши (масалан, Оила кодекси 1-9-моддалар).

Умумий қисмга оилавий ҳуқуқларни амалга ошириш ва оилавий мажбуриятларни бажариш шартларини, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тартиби ва муддатларини ўрнатувчи меъёрлар киради (масалан, Оила кодекси 10-11-моддалар).

Махсус қисм бир неча институтлардан ташкил топган бўлиб, бу институтларнинг ҳар бири ижтимоий муносабатларнинг муайян турини тартибга солади. Улар қуйидагилардан иборат:

Никоҳ (никоҳ тузиш шартлари ва тартиби, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги);

-эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эр-хотин мулкининг қонуний тартиби, эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби, эр ва хотиннинг мажбуриятлар бўйича жавобгарлиги);

-ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (боланинг насл-насабини белгилаш, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари, ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари);

-оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари (ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув, алимент тўлаш ва ундириш тартиби);

-ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш шакллари (ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва жойлаштириш, болаларни фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оилага тарбияга олиш (патронат);

-оила қонунчилигини чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларга нисбатан қўллаш.

Ҳуқуқ тизимида оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан турли туташда бўлади. Оила ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаларининг шундай гуруҳида жойлашганки, у ҳуқуқнинг тартибга солувчи тизимости гуруҳларидан бири ҳисобланади. Бу гуруҳнинг барча соҳаларига муайян муносабатларни ижодий ташкил этиши учун қўлланилиши хосдир. Ушбу хусусияти билан улар ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш вазифасини бажарувчи ва шу сабабли ман этиш орқали тартибга солувчи жиноят ҳуқуқидан фарқ қилади. Шу билан бирга, тартибга солувчи соҳалар орасида оила ҳуқуқи руҳсат бериш орқали тартибга солувчи соҳалар гуруҳига мансуб (фуқаролик, меҳнат ҳуқуқлари каби). Бу гуруҳнинг барча соҳалари сингари, оила ҳуқуқи

мажбурлаш орқали тартибга соладиган (масалан, маъмурий, молия ҳуқуқлари) соҳалардан фаркланади, чунки бу соҳалар асосан бир субъектнинг иккинчисига бўйсунishi ва бошқарув органлари далолатномалар асосида шаклланади. Рухсат бериш орқали тартибга солувчи ҳуқуқ соҳалари гуруҳида эса оила ҳуқуқи ўз предмети ва методи бўйича фуқаролик ҳуқуқига яқиндир.

Оилавий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Шу сабабли оила ҳуқуқи у ёки бу даражада деярли барча ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро боғлиқ. Бироқ бу боғлиқликнинг даража ва шакллари турлича намоён бўлади.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**18-мавзу:** Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий асослари.



### РЕЖА:

1. Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби.
2. Мурожаатларни кўриб чиқиш, кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш.
3. Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда мавжуд муаммолар

### **1-савол.** Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш. Шунингдек, ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 01 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғига имзоланди.

Ушбу буйруқ билан Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) таркибий ва худудий бўлинмаларида (бундан буён матнда таркибий ва худудий бўлинмалар деб

юритилади) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартибини белгилайди.

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иктисодий процессуал конун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган муурожаатларга;

таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Муурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Муурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки жамоа бўлиб муурожаат этишлари мумкин.

Муурожаатлар шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Вазирлик тизимида расмий веб-сайти орқали ёки уларнинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган муурожаатлар электрон муурожаатлар тарзида қайд этилади ва Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали орқали келиб тушган муурожаатлар электрон муурожаатлар тарзида қайд этилади ва Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган муурожаатлар Қонунда ҳамда Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Муурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда уларнинг масъул ходимларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб муурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Муурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир муурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар таркибий ёки ҳудудий бўлинмаларга Низомга мувофиқ муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Муурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда жисмоний шахсларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Муурожаатни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган ходим – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари

тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мурожаатлар масъул ходимлар томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, Низомнинг 8-9-бобида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ота-она қаровисиз қолган болаларнинг ички ишлар органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги сабаблари билан бундай мурожаатлари кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситувчи маълумот ва бошқа ахборотнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир маълумотлар ошкор этилмаслиги керак.

Жисмоний шахсни, уларнинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида ички ишлар органларига ва уларнинг масъул ходимларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

Мурожаатларни бериш ва уларни қабул қилиш тартиби. Мурожаатлар уларда кўйилган масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган таркибий ёки ҳудудий бўлинмага ёхуд уларнинг масъул ходимига берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқа тармоғи орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли.

Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Вазирликнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Юридик шахснинг мурожаатида унинг тўлиқ номи, жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт.



Мурожаатда ички ишлар органининг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган ҳамда мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатда муаллифнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари ҳамда уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳолатлар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа тармоғи орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у яроқсиз бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, уни қабул қилган таркибий ёки ҳудудий бўлинмада уч нафар ходим иштирокида, Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, икки нусхада далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилени, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақланиши мумкин. Нотўғри келиб тушган мурожаатлар, конверти илова қилинган ҳолда, белгиланган жойга янги конвертларда жўнатилади ёки мурожаат этувчига қайтарилади.

Ёзма мурожаат, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқданган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини унинг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаатни бериш муддати, коида тариқасида, белгиланмайди.

Айрим ҳолларда, агар таркибий ва ҳудудий бўлинмаларнинг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Ариза ёки шикоят бўйсунув тартибида юқори турувчи таркибий бўлинмага жисмоний ёхуд юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир

этилганлиги ёки қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чикувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан тикланади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ёки кўриб чиқиладиган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ариза тушган тақдирда мурожаатни кўриб чиқиш тўхтатилади ва уч кун мобайнида мурожаат таркибий ёки ҳудудий бўлинманинг хати билан мурожаат қилувчига қайтарилади.

Мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш. Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида мурожаатлар билан ишлаш Низомнинг 2-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

Таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда мурожаатни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижрога қаратиш ҳамда кўриб чиқилишини назорат қилиш “Е-мурожаат” тизими орқали электрон шаклда олиб борилади.

Мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижрога қаратиш, ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш Вазирлик Ташкилий департамент Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси ва унинг тузилмалари томонидан амалга оширилади.

Бошқарма мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига бўйсунди.

Бошқарма ва унинг тузилмалари ходимларига уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган функциялар юклатилишига ҳамда бошқа хизматларга жалб этилишига йўл кўйилмайди.

Бошқарма ва унинг тузилмалари ходимлари хизматда фойдаланиш учун моддий техника ва алоқа воситалари, хизмат хонаси ҳамда мебель жиҳозлари билан таъминланади.

Бошқарма:

– таркибий ва ҳудудий бўлинмалардан мурожаат бўйича текширув ишларининг боришига доир ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

– мурожаатларни кўриб чиқиш муддати ва тартиби бузиладиган ҳолларда, бу ҳақда тегишли таркибий бўлинма ёки ҳудудий бўлинма раҳбарини оғзаки ёки ёзма хабардор қилади ҳамда уларга Қонун ва Низом талаблари бузилганлиги юзасидан тегишли тақдимномалар киритади;

– таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этишда Қонун ва Низом талаблари қай даражада ижро этиладиганлигини текширади ҳамда мониторинг қилади;

– мониторинг натижалари бўйича ҳар чоракда Вазирлик раҳбариятига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги

қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан чоралар кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан тақдим этади;

– назоратдан олиш учун тақдим этилган ёки кўриб чиқиш натижалари электрон тизимга киритилган мурожаат бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, мурожаатни тўлиқ ўрганилмаган деб топган тақдирда қўшимча текшириш учун, уни кўриб чиққан бўлинмага қайтаради ёки бошқа таркибий бўлинмага ўтказди ёхуд бевосита Бошқарманинг ўзида текширув ўтказди;

– мурожаатни бир таркибий ёки ҳудудий бўлинмадан бошқа таркибий ва ҳудудий бўлинмага ўтказди ҳамда мурожаат муддатини электрон тизим орқали Қонунда белгиланган тартибда узайтиради;

– Бошқарманинг мурожаатларни қабул қилиш, қонуний ҳал қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари таркибий ва ҳудудий бўлинмалар учун мажбурий бўлиб, айбдор ходимларнинг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун хизмат текшируви ўтказилиши шарт.

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси таркибий ёки ҳудудий бўлинма томонидан ташкил этилган бўлса, ўша таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари номидан фаолият кўрсатади.

Мурожаатлар бўйича иш юритиш. Ёзма ва почта алоқа тармоғи орқали олинган мурожаатлар Бошқарма ёки унинг қуйи тузилма ходимлари томонидан электрон шаклга ўтказилади (*сканер қилинади*) ва электрон тизим орқали рўйхатга олинади.

Оғзаки мурожаат билан келган шахсларнинг мурожаатида кўрсатилган тегишли маълумотлар унинг шахси ва ваколатини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган маълумотлар билан мослиги текширилиб, электрон тизимга киритилади ёки Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш варақаси электрон шаклга ўтказилади (*сканер қилинади*) ва электрон тизим орқали рўйхатга олинади.

Мурожаатдаги масала тегишли ҳудудий бўлинма ваколатида ҳал этилиши мумкин бўлган ҳолларда мурожаат электрон тизим орқали ҳудудий бўлинмага юборилади ва уларнинг кўриб чиқилиши устидан назорат Бошқарманинг мазкур ҳудудий бўлинмадаги тузилмаси томонидан амалга оширилади.

Таркибий бўлинма ёки унинг мансабдор шахслари номига йўлланган мурожаатлар, ушбу таркибий бўлинманинг канцелярияси (*котибияти*) ёки бошқа масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

Электрон мурожаатлар иш вақти тугаганидан кейин тушган тақдирда навбатдаги иш кунида рўйхатга олинади. Мурожаатларни электрон тизим орқали рўйхатга олмасдан ижрога қаратиш мумкин эмас.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Оммавий қабуллар вақтида келиб тушиб, жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди, Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Қонуннинг 1-моддаси ва Низомнинг 2-бандига мувофиқ, туман-шаҳар ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш гуруҳида ишга (*ўқишга*) кириш, ходимларнинг хатти-ҳаракатларидан ёки мурожаат юзасидан қабул қилинган қароридан норозилик масаласидаги, шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилишини талаб этмайдиган бошқа мурожаат ва таклифлар рўйхатдан ўтказилади.

Туман-шаҳар ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлаш гуруҳларида қуйидаги мазмундаги мурожаатлар рўйхатга олинishi ва махсус электрон тизимга киритилиши мумкин эмас:

жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги;

айбига иқдорлик тўғрисидаги;

фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги:

авариялар, ёнғинлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар ҳақидаги;

хужжат ёки мол-мулк йўқолганлиги тўғрисидаги;

ички ишлар органларининг махсус муассасалари ёки жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган ва тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилган шахс томонидан жиноят содир этилганлиги аниқланганлиги ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги.

Даволаш муассасаларининг, уларга мурожаат қилган шахсларнинг баданидаги тан жароҳатлари излари жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномалари, юз берган ҳолатлар бўйича суғурта компанияларининг хатлари, ходимларнинг жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи билдиргилари, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари бўйича адвокатлар томонидан киритилган илтимосномалар ҳамда депутат, сенатор ёки адвокат сўровлари Бошқарма ва унинг қуйи тузилмалари орқали рўйхат олиниб, ўрганилиши мумкин эмас.

Агар электрон тизимга киритилган мурожаат бўйича олиб борилаётган текширув жараёнида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилиши талаб этиладиган ҳолатлар аниқланганида, ушбу мурожаатни кўриб чиқаётган ходим дарҳол ўзининг бевосита раҳбарига ахборот беради ва у ўрнатилган тартибда жиноят ёки ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаат сифатида рўйхатга олинади.

Электрон тизимга киритилган мурожаатлар, Низомнинг 3-иловасига мувофиқ, мурожаатларни қайд этиш варағи (*реестр*)га тегишли ёзувларни киритиш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси қуйи ўнг қисмида рўйхатга олиш

штампини қўйиб, уни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма ёки ходимга ижро учун юборилади.

Қайд этиш штампида таркибий ёки ҳудудий бўлинманинг расмий номи (*умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин*), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаат турига киритилмаган хатлар (*ташақкурнома, табрикнома, таклифнома ва фикр-мулоҳазалар*) тегишли таркибий ёки ҳудудий бўлинмага юборилади ва уларни мурожаат сифатида рўйхатга олиш талаб этилмайди.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

Мурожаат келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунидан кечикмай рўйхатга олиниб, Вазирликда – таркибий бўлинма раҳбарига, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида – вазир ва вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида – бош бошқарма ва бошқарма раҳбари ҳамда уларнинг ўринбосарларига, туман-шаҳар ички ишлар органлари раҳбарларига киритилади ҳамда улар мурожаатни кўриб чиқиш бўйича масъул таркибий бўлинма (*ходим*)ни белгилаган ҳолда резолюция қўяди.

Мурожаат сипориш қўйилган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма (*ходим*)га ёки ижрочига Низомнинг 3-иловасига мувофиқ мурожаатларни қайд этиш варағи (*реестр*)га имзо қўйдирган ҳолда берилади ва реестрлар алоҳида йиғмажилдга жамлаб борилади ҳамда йил якунида белгиланган тартибда сақлаш учун канцелярияга топширилади.

Таркибий ва ҳудудий бўлинма ходимларининг қонун бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари ва Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорлардан норозилик тўғрисидаги мурожаатлар Вазир ўринбосарларига тақдим этилади.

Таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг қонун бузилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракати ва Вазир ўринбосарлари томонидан қабул қилинган қарордан норозилик масаласидаги ҳамда бевосита Вазир томонидан ўтказилган шахсий ёки сайёр қабуллар жараёнида келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилишини ташкиллаштириш учун Вазирга тақдим этилади.

Кўриб чиқилган ҳар бир мурожаат уни кўриб чиқишга доир ҳужжатлар билан бирга, варақлар сонидан қатъи назар, алоҳида (*текширув материали сифатида*) йиғмажилдга тикилади.

Ушбу мурожаат муаллифи томонидан айнан мазкур масала бўйича келиб тушган такрорий ёки дубликат мурожаатлар битта йиғмажилдга тикилади. Йиғма жилд томларга ажратилиши мумкин.

Йиғма жилдлар таркибий ва ҳудудий бўлинмадаги мурожаатлар билан ишлаш йўналишига масъул ходим томонидан мурожаатларни ҳал этиш натижаларидан келиб чиқиб, улар қаноатлантирилган, тушунтириш берилган, рад этилган, кўрмай қолдирилган ҳамда кўриб чиқиш (ёзишмалар) тугатилган

турларга ажратилган ҳолда сақланиб, ҳар чорак якунида канцелярия (котибият)га топширилади.

Ҳужжатлардан нусха олиш, раҳбар қабулига ёзилиш, маълумот ёки ахборот олиш каби ўрганиш талаб этилмайдиган ҳамда кўриб чиқилиши алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган амнистия (афв этиш), фуқаролик ва паспорт-виза масалаларига доир муурожаатлар тегишли ҳужжатлар билан хронологик тартибда умумий йиғмажилдга тикилади.

Муурожаат тегишлилиги бўйича бошқа давлат органи ёки таркибий ва ҳудудий бўлинмага юборилганда, у бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳамда ушбу муурожаат юборилган кузатув ёки топшириқ хатининг нусхаси муурожаатлар билан ишлашга масъул ходим томонидан хронологик тартибда умумий йиғмажилдга тикилиб, йил якунида канцелярия (котибият)га топширилади.

Йиғма жилдга тикилган ҳужжатлар варақларининг юқори ўнг бурчагига тартиб рақами қўйилади. Бир томонга тикилган ҳар қандай шаклдаги варақ ягона варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади. Ҳужжатдан алоҳида варақда тузилган резолюция алоҳида варақ сифатида тартиб рақами билан белгиланади.

Йиғма жилд охирида алоҳида вараққа тасдиқловчи ёзув жойланади, унда ҳужжатлар йиғма жилдининг рақамланган варақлари сони рақам ва сўз билан кўрсатилади. Тасдиқловчи ёзув уни тузган ходим томонидан (лавозими ва тузган санаси кўрсатилган ҳолда) имзоланади.

Йиғма жилдлар канцелярия (котибият)да уч йил сақланади ва ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

**2-савол.** Муурожаатларни кўриб чиқиш, муурожаатларни кўрмай қолдириш ва муурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш.

Муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби. Бошқарма томонидан таркибий ва ҳудудий бўлинмага ижро учун юборилган муурожаатларни ушбу таркибий ва ҳудудий бўлинманинг масъул ходимлари кўриб чиқади. Уларни кўриб чиқиш бошқа таркибий бўлинманинг ваколатига тегишли бўлса, улар Бошқармага қайтарилади.

Вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан тегишли кузатув хати ёки Вазирлик раҳбариятининг резолюцияси орқали бошқа таркибий бўлинмага ижро учун юборилиши мумкин эмас. Таркибий бўлинма ёки унинг мансабдор шахси номига йўлланган муурожаатлар бундан мустасно.

Ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган масалалар қўйилган муурожаат беш кун муддатда ушбу таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган хат билан тегишли органга юборилади, бу ҳақда муурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

*Агар* муурожаатда уни тегишли органга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатда асослантирилган тушунтириш билан муурожаат қилувчига қайтарилади.

Почта алоқа тармоғи, қабуллар жараёнида келиб тушган муурожаат куйи турувчи бўлинма томонидак кўриб чиқилиши лозим бўлса, муурожаат келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатда таркибий бўлинма раҳбари

томонидан имзоланган хат ёки топшириқ билан бирга юборилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун уни қуйи бўлинмага юборган масъул ходим ушбу мурожаат ва унинг кузатув хати нусхаларини олиб, қонуний ҳал қилинишини назорат қилади.

Мурожаат унда қўйилган масалани ҳал этиш ваколати доирасига кирмайдиган ёки қабул қилган қарори ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган ходимга ижро учун берилиши таққиданади.

Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш учун ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаатнинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

Мурожаатни кўриб чиқаётган ходим бошқа лавозимга ўтказилганда, хизмат сафарига юборилганда, касал бўлганда ёки меҳнат таътилига чиққанда, мурожаат ушбу ходимнинг билдиргиси ёки бевосита раҳбарининг ёзма топшириғи асосида ижро учун бошқа ходимга ўтказилади.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Мурожаатда кўрсатилган масалани ҳар томонлама ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, уни бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан бирга кўриб чиқиш (ҳал қилиш) талаб этилса, мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма бошқа давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатни коллегиял эшитишни ўтказиш учун мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилиб, жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда мурожаат этувчи ёзма тартибда хабардор қилинади.

Агар мурожаатдаги масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун уни кўриб чиқаётган масъул ходим томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим ўз ташаббусига ёки мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқаётган масъул ходим мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва қўшимча ахборот тақдим этиш имконини беради. Зарур ҳолларда мурожаат этувчини

эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари жалб этиш мумкин.

Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий ёки ҳудудий бўлинма мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин. Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг топшириғи ёхуд унинг розилиги билан амалга оширилади.

Такрорий мурожаат тегишли таркибий бўлинма томонидан текширилиб, ижобий ҳал қилинган ҳолатларда дастлабки мурожаатни кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида таклиф киритилади.

Такрорий мурожаатда дастлабки мурожаатни кўриб чиққан ходимнинг ҳаракати (*ҳаракатсизлиги*)дан норозилик билдирилган бўлса, ушбу мурожаат ижросини таъминлаш, уни муқаддам кўриб чиққан ходим зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Бир масалада кўп маротаба йўлланаётган ёки икки ва ундан ортиқ таркибий бўлинма фаолиятига оид мурожаатлар якуний қарор қабул қилиш мақсадида Бошқарма томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқишга масъул этиб белгиланган ходим томонидан ушбу мурожаат бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси тузилади ва масъул ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат юзасидан текширув ўтказиш жараёнида, унда қайд эгилган важларни ва юзага келган муаммони тўлиқ ўрганиш ҳамда қўшимча ахборот бериш имкониятини яратиш мақсадида мурожаат муаллифидан ҳамда мурожаатга тааллуқли шахслардан батафсил тушунтириш хати олиниши (*текширув ўтказилиши талаб этилмайдиган мурожаат бундан мустасно*) шарт.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарорнинг моҳиятини тушунтириш, такрорий мурожаатнинг олдини олиш, мурожаат муаллифининг текширув якунига алоқадор арз ва мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида, Низомнинг 5-иловасига мувофиқ, суҳбат варағи тўлдирилади.

Ўтказилган текширув якуни бўйича хулоса (*маълумот ёки ахборот олиш каби ўрганиш талаб этилмайдиган мурожаатлар бундан мустасно*) қилинади.

Мурожаат юзасидан муқаддам тўлиқ текширув ўтказилган ва унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилган бўлса (*шу жумладан маъмурий, жинойят-процессуал, жинойят-ижроия ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинадиган*), мурожаатни назоратга олган раҳбар номига, уни назоратдан олиш ҳақида билдирги ёзилади.

Мурожаат юзасидан янги важлар келтирилган ёки дастлабки мурожаат бўйича ўтказилган текширувда унда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар келтирилмаган бўлса, қайтадан текширув ўтказилади.



Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича таркибий ёки ҳудудий бўлинма томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилувчига жавоб хати (*хабар*) юборилади.

Жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (*заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда*) бўлиши керак.

Жавоб хати мурожаат этилган тилда баён қилинади ва у таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари ёхуд унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Қонун талаблари ва Низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

Оммавий қабуллар вақтида келиб тушиб, жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиққан масъул ходим жавоб хатининг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши ва йўл қўйилган хатоларни тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат қилувчига жавоб хати юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади.

Юқори турувчи ёки бошқа давлат органлари ёхуд тегишли таркибий бўлинманинг назоратида бўлган мурожаат бўйича уни кўриб чиққан масъул ходим мурожаат қилувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда, мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида назорат қилувчи орган ёки таркибий бўлинмага ёзма шаклда ахборот киритади.

Вазирлик раҳбарияти назоратидаги мурожаат бўйича Бошқарма томонидан, Низомнинг 6-иловасига мувофиқ, назорат варағи юритилади ҳамда ушбу мурожаатни назоратга олган раҳбар томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун куйи ички ишлар органларига юборилишининг асослилиги ва мурожаатга берилган жавоб хатини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигига уни кўриб чиққан масъул ходим ҳамда унинг бевосита раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари. Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар таркибий ёки ҳудудий бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда асослантирилган билдирги орқали таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарининг рухсати билан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддатлари Вазир ва Вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан истисно тариқасида, асослантирилган билдирги орқали узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Айрим ҳолларда муурожаатнинг мазмунидан келиб чиқиб, Вазир ва унинг ўринбосарлари, таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари ҳамда Бошқарма томонидан муурожаатни кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилиши мумкин.

Муурожаатнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқилишига уни кўриб чиқишга масъул бўлган ходим ва унинг бевосита раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Муурожаатларни кўрмай қолдириш. Қуйидаги муурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним муурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахснинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжаглар мавжуд бўлмаган тақдирда;

муурожаат муаллифи суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар.

Муурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Муурожаатлар жисмоний ёки юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилганда, Бошқарма ва унинг қуйи тузилмалари ходимлари уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи мавжуд эмаслиги сабабли муурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги туғрисида хулоса тасдиқланган вақтдан бошлаб ушбу муурожаат кўриб чиқилмайдива бу ҳақда муурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Муурожаат аноним ёки муурожаат муаллифи суд томонидан лаёқатсиз деб топилганлиги сабабли кўрмай қолдирилганда муаллифга жавоб берилмайди.

Ички ишлар органи ходимининг ноўрин хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аноним мурожаат зарур чора-тадбирлар белгилашда фойдаланиш учун тегишли таркибий бўлинмага маълумот тариқасида тақдим этилиши мумкин.

Вазирликнинг ишонч телефони орқали келиб тушган мурожаатлар Қонунда ва Низомда белгиланган тартибда аноним деб топилиши мумкин.

Аноним мурожаатлар, тегишли ҳужжатлари билан бирга, алоҳида йиғмажилдда сақланади.

Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш. Мурожаатларни кўриб чиқиш куйидаги ҳолларда тугатилади:

такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

муурожаат қилувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чакириб олган ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида қайта муурожаат қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (*почта манзили*), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чакиришнинг имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

муурожаатни муурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, масъул ходим томонидан чакирилган муурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

муурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг муурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Такрорий муурожаатни кўриб чиқиш Низомнинг 63-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, муурожаат қилувчи билан ёзишмалар олиб боришни тугатиш тўғрисидаги хулоса Вазир ўринбосарлари томонидан тасдиқланади,

Мазкур хулоса асосида муурожаат қилувчи такрорий муурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган муурожаат қилувчидан такрорий муурожаат келиб тушган тақдирда, бундай муурожаатни кўриб чиқиш муурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Низомнинг 63-банди учинчи-олтинчи хатбошиларига мувофиқ муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш керак бўлган ҳолатларда, бу ҳақда масъул ходим томонидан хулоса тузилади ва у таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари томонидан тасдиқланади.

Муурожаатни кўриб чиқиш уни чакириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда муурожаат таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбари ёхуд раҳбар ўринбосарининг хати билан бирга муурожаат қилувчига уч кун ичида қайтарилади. Муурожаатни чакириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

**3-савол.** Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда мавжуд муаммолар.

Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда мавжуд муаммолар:

1. ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан идоравий назорат етарли таъминланмаётганлиги;

2. аксарият ички ишлар органлари ходимлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартибини, мавжуд қонунлар, қонун ости норматив ҳужжатларни мукамал билмаслиги;

3. ўзларининг хизмат вазифаларига масъулият билан ёндошмаслиги;

4. фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар бўйича белгиланган муддатларда тегишли қонуний қарорлар қабул қилинмаслиги;

5. айрим ҳолларда ходимлар томонидан мурожаатлар мукамал кўриб чиқилмаслиги, натижада такрорий мурожаатларнинг бўлиши ва хоказолар.

**Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда мавжуд муаммоларнинг ечимлари бўйича таклифлар:**

1. жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашга масъул бўлган ходимларни мазкур йўналишдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда вазирликнинг тегишли буйруқ, кўрсатмалари талаблари бўйича ўқитиш ишларини ташкил этиш;

2. ички ишлар органларига келиб тушган мурожаатлар мазмунини таҳлил қилиниб, унинг натижаларини ҳар ой якунида биринчи раҳбар ҳузурида атрофлича муҳокама қилиб бориш;

3. ушбу йўналишда оавларда чиқишлар қилиб бориш;

4. жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларига оид очиқ маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтига тегишли буйруқларида белгиланган тартибда жойлаштириш;

5. долзарб масалаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар тайёрланиб, фуқароларни қабул қилиш хоналарига осиб қуйиш ва бошқа вазифалар.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ (2 соат)

**19-мавзу:** Инсон ҳуқуқларига оид стандартлар ва уларнинг ички ишлар органлари учун аҳамияти



### Режа:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий таснифи ва характеристикаси.
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга ошириш.
3. Ички ишлар органлар вазифаларини ҳал этишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш.

**1-савол.** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий таснифи ва характеристикаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида қуйидаги қоида белгилаб қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”:

Ўз ўрнида диққатни яна бир бор шунга қаратиш керак-ки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ўрнатилган инсон ҳуқуқлари нормаларининг акс эттирилиши, ушбу халқаро ҳужжатларга “**jus cogens**” характерини беради.

Шу ерда қайд этиш керакки, БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби ҳужжатларда ўрнатилган тамойил ва меъёрларни ўзига концептуал асос қилиб олиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришнинг комплекс тадбирларни ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва

янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-24-сонли Қарорининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас.

Инсон ҳуқуқлари халқаро нормалар ва миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланган бўлиб, бу юридик ҳимоя ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг барча жабҳалари, шу жумладан ИИБга ҳам тааллуқлидир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишининг муҳим қисми, дейиш мумкин, чунки бу органлар ўз вазифаларини бажараётганда инсон ҳуқуқларини нафақат ҳурмат қилиши, балки уларни фаол ҳимоя қилишлари ҳам зарур. Бундан ташқари, демократик-ҳуқуқий давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали иши, уларнинг инсон ҳуқуқларига қай даражада ҳурмат қилиши ҳамда уларга риоя этишига боғлиқ. Яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабат, инсон ҳуқуқларининг ҳокимият томонидан муҳофаза қилиниш даражаси демократик жамият кўрсаткичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш муаммоси — бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлиги муаммосидир. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий функциялари — ижтимоий тартибни сақлаш, жиноятчилик билан курашиш, жиноий ишларни тергов қилиш, муҳтож бўлганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдир. Ушбу вазифалардан биронтасини ҳам фуқаролар билан ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайди. Инсон ҳуқуқлари тизимли тарзда бузилиб келаётган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ишончи йўқолишини ва шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлиги пасайишини кузатиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги ва профессионалиги муаммоси нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан, балки ҳар бир ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилувчи мансабдор шахснинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид, жамият барқарорлигига таҳдид сифатида қаралиши лозим.

Шу пайтгача биз инсон ҳуқуқлари бўйича асосий, умумэътироф этган халқаро ҳужжатлар ҳақида гапирдик ва таҳлил қилдик (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, халқаро пактлар ва ҳоказо). Инсон ҳуқуқлари уларда тамойиллар, асосий меъёрлар сифатида баён этилган.

Агар уларнинг ичидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли бўлган меъёрларни ажратиб оладиган бўлсак, улар асосан таъқиқ ва чеклашлар эканлигини кўрамиз (шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, адолатли судлов тамоилини бузмаган ҳолда тергов олиб бориш).

Аmmo шундай ҳужжатлар ҳам мавжудки, уларда бу умумий тамойил ва қоидалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини турли жабҳаларига оид батафсил қўлланма ва қоидалар сифатида берилган.

БМТ тизимида (Жиноятчиликни олдини олиш бўйича конгрессда) турли вақтларда юридик кучи, субъектларга йўналтирилганлиги, фаолият

доирасидан келиб чикиб фарқланувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга соладиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

**Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартларини қуйидаги асослар бўйича таснифлаш мумкин:**

*1. Фаолият доираси бўйича:*

а) Ишларни судгача дастлабки тергов қилувчи прокурор, терговчи ва суриштирувчиларга мўлжалланган ҳужжатлар:

- Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар фаолиятига тааллуқли тамойиллар;

- Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг ўзининг ҳуққ атвор кодекси;

- Куч ва ўқ отиш қуролини ишлатишнинг асосий тамойиллари.

**б) Пенитенциар муассасаларга тааллуқли ҳужжатлар:**

- Ўқ отиш қуролидан фойдаланишнинг минимал қоидалари;

- Махбуслар билан муомала қилишнинг асосий тамойиллари.

**в) Адвокатлар (химоячилар)га тааллуқли ҳужжатлар:**

- Ҳуқуқшунослар ролига тааллуқли асосий тамойиллар.

**г) Вояга етмаганлар ҳуқуқларини химоя қилувчи ҳужжатлар:**

- “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция;

- “Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларни химоя қилувчи БМТ қоидалари”.

**д) Судлар ва судьялар учун ҳужжатлар:**

- Судларнинг мустақиллигининг асосий тамойиллари.

**2) Юридик кучига кўра:**

а) мажбурий юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар;

б) мажбурий юридик кучга эга бўлмаган меъёр-тавсиялар.

**Мажбурий юридик кучга эга бўлган воситалар** — бу пакт ва конвенция деб аталувчи ҳужжатлардир. Улар универсал ёки минтақавий, умумий ёки муайян масалаларга тегишли бўлиши мумкин. Инсон ҳуқуқларининг турли жабҳаларига тааллуқли бўлган, умумий характердаги икки муҳим халқаро шартнома — бу “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактлардир. минтақавий шартномаларга Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси ва бошқа шартномалар киради.

Давлатлар бирор масалага тегишли бўлган шартномаларни имзолаши мумкин. Уларга, мисол учун Ирқий камситишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Геноцид жиноятини олдини олиш ва у бўйича жазога тортиш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциялар киради.

Тавсиявий характерга эга бўлган айрим ҳужжатлар бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Хусусан уларга:

- Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг хулқ атвори бўйича БМТ Кодекси;130

- Европа Кенгашининг полиция тўғрисидаги декларацияси;

- Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқ отиш қуролини қўллаш бўйича БМТ асосий тамойиллари.

Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари 1955 йилдаги БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича биринчи Конгрессида қабул қилинган.

1971 йил БМТ Бош Ассамблеяси иштирокчи давлатларга ушбу қоидаларни пенитенциар ва ахлоқ тузатиш идораларни бошқаришда самарали қўллаш ҳамда уларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш масаласини ижобий ҳал қилишни тавсия этган.

1976 йил Бош Ассамблея Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)га Ушлаб туриш ва қамоқда сақланишнинг ҳар қандай шаклларига дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилиш учун тиббий этика Кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этди. 1982 йили ЖССТ, Халқаро илмий тиббий ташкилотлар Кенгаши ва Халқаро тиббий ассамблея кўмагида Бош Ассамблея Тиббий этика тамойилларини ишлаб чиқиб, қабул қилди. Ушбу Тамойиллар тиббиёт ходимлари, айниқса, шифокорларнинг ушлаб турилган ва қамоқда сақланаётган шахсларни қийноқ ва муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи турларидан ҳимоя қилишдаги ролига тааллуқлидир.

1983 йили Бош Ассамблея барча ҳукуматларни тиббиёт ходимлари, ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш ҳуқуқига эга идоралар ходимлари томонидан мазкур тамойилларга риоя қилинишини таъминлашга чақирди.

1985 йили БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Еттинчи Конгресси **вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга ошириш бўйича БМТнинг Минимал стандарт қоидалари ёки “Пекин қоидалари”ни** тайёрлади ва Бош Ассамблеяга қабул қилиш учун тавсия этди. Ушбу Қоидалар жавобгарликка тортиш мумкин бўлган минимал ёш, вояга етмаганларни судлов қилишнинг мақсадлари, вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга оширишнинг самарали, одил, инсоний тавсифлари ҳамда инсон ҳуқуқларининг қўлланиши лозим бўлган тамойилларига тааллуқлидир. Шунингдек, мазкур Қоидалар вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва одил судловни амалга ошириш ҳамда судгача қамоқда сақлаш масалаларини ҳам қамраб олди. Умуман олганда, Қоидаларда вояга етмаганларни жазолашда уларни ахлоқни тузатиш муассасаларига юборишни минимал даражада қўллаш тавсия этилган. Қоидаларда, шунингдек, жазони ўташ муассасаларида вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ҳам мустаҳкамланган.

Бош Ассамблея ушбу Қоидаларни 1985 йили қабул қилди ҳамда давлатларга уларни барча тегишли ҳолларда қўллашни, тегишли идоралар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва аҳолига етказиб беришни тавсия этди.



Мазкур ҳужжатлар юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлмаса ҳам, мажбурий ҳужжатлар қоидаларига алоҳида урғу беради ва кучайтиради ҳамда инсон ҳуқуқлари стандартларининг батафсил рўйхатини ўрнатиб, мамлакатларга ҳамда уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан мазкур қоидаларга риоя этишига ёрдам беради.

**Юқоридаги ҳужжатларнинг аҳамияти шундаки:**

**биринчидан**, улар давлатларнинг миллий қонунчилигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда модель, стандарт вазифасини бажаради;

**иккинчидан**, ушбу ҳужжатлар халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХҲТ ва б.) учун давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимининг демократ-лилик даражасини аниқлаш стандартлари ҳисобланади;

**учинчидан**, мазкур ҳужжатларнинг мазмуни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига маълум бўлиши лозим, чунки улар ушбу органларда ишлаб чиқиладиган ички буйруқ, йўриқнома ва тавсиялар учун асос бўлиши мумкин.

**2.савол.** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга ошириш.

Ўзбекистонда жамиятни демократик қайта қуришнинг ҳозирги шароит-ларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган ҳар қандай вазифаларни ҳал қилиш, ҳар доим инсон ҳуқуқларини олий кадрият сифатида конституциявий эътироф этишни, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ прин-циплари ва нормаларига мувофиқ уларни конституциявий кафолатлашни ҳисобга олиш асосига қурилиши лозим. Бевосита инсон ҳуқуқлари кафолат-ларига тааллуқли халқаро стандартларни амалиётда қўллаш ҳали ҳам долзарб муаммолардан бири сифатида қолиб келмоқда.

Ички ишлар органларини ҳам қўшган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига бевосита тааллуқли махсус халқаро ҳужжатлар ходимларни тарбиялашда ва уларнинг профессионал фаолиятида муҳим рол ўйнамоқда. Шаклан улар тавсиявий хусусият касб этса-да, бироқ, кўплаб давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам улар, расмий равишда ижро этишга қабул қилинган. Уларни ходимлар томонидан билиш, уларнинг умумий ва касбий маданиятини ошириш, хизмат этикаси нормаларига риоя қилиш, фуқаролар билан ишлаш фаолиятини инсонпарварлаштириш мақсадларида жуда муҳим ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тааллуқли бўлган ҳужжатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Ҳуқуқ тартиботни қўллаб-қувватлаш бўйича мансабдор шахсларининг этикаси кодекси (1979 йилда БМТда қабул қилинган), Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш мақсадида мансабдор шахсларнинг куч ва ўқ отиш қуролини қўллашнинг асосий тамойиллари (1990 йилда, БМТда қабул қилинган), Полиция тўғрисидаги декларация (1979 йилда, Европа Кенгашида қабул қилинган) ва бошқалар.

Қайд этиб ўтилган ва тартибга солиниши нуқтаи назаридан уларга яқин бўлган ҳужжатлар бўйича (улар, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида тайёрланганни ҳам қўшган ҳолда, тегишли тўпламларда нашр

этилган), уларни шахсий таркиб ичида оммавий равишда марказлаштирилган ҳолда тарқатиш бўйича объектив мураккабликларни ҳисобга олмаган ҳолда, айтиш мумкинки, уларни ҳозирги пайтда бемалол топиш имконияти мавжуд.

Мазкур ҳужжатларнинг фундаментал қоидалари орасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ: ҳар кимнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини сўзсиз ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш (Кодекснинг 2-моддаси); қийноқ ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларини қўллашга йўл қўймаслик, шунингдек уларни юқори турувчи шахсларнинг қарорларига ёки истисно этувчи ҳолатларга (уруш, сиёсий нобарқарорлик ва бошқалар) ҳавола қилган ҳолда оқлашга йўл қўймаслик (Кодекснинг 5-моддаси); ўз вазифаларини амалга оширишда, имкони борича, охириги заруриятда куч ёки ўқ отиш қуролини қўллаш вазиятигача зўрлик ишлатмаслик воситаларидан фойдаланиш (Асосий принципларнинг 4-моддаси); ноқонуний равишда куч ёки ўқ отиш қуролини қўллашдан воз кечган ёки бошқаларга бундай қўллаш тўғрисида хабардор қилувчи мансабдор шахсларга жинойий ёки интизомий чоралар қўлламаслик (Асосий принципларнинг 25-моддаси).

Бундай кўрсатмалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётида принципно йўналиш бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу қоида ва принципларнинг барчаси у ёки бу шаклда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи кўплаб қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари халқаро стандартларга содиқлик томонига кескин берилди. Бу биринчи ўринда, демократик ислохотлар билан, ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш билан, сиёсий ва мафкуравий плюрализмни эълон қилиш билан ва, ниҳоят инсоннинг, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб, конституциявий тарзда эътироф этиш билан боғлиқдир.

Қонунларни, уларни маъно, мазмунини ва қўллашни белгилаб берувчи ажралмас ҳуқуқларнинг даражасида расмий мустаҳкамлаш бўйича қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг фаолияти, бу ҳуқуқларни қафолатлаш ҳар бир давлат ҳокимиятини органлари каби, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунчиликни кўрсаткичининг муҳим кўрсаткичи ва омили эканлигини ҳеч бир муболағасиз қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг шакллантириш бевосита қонунийлик режимини таъминлаш муаммоси билан билан бевосита боғлангандир. Қонуний режими тушунчаси остида кенг маънода, авваломбор, давлат ҳокимиятининг ўзи томонидан, унинг органлари ва мансабдор шахслари томонидан, шунингдек кенг жамоатчилик томонидан демократик қонунларга қаттиқ ва сўзсиз риоя қилиш талаби тушунилади. Мустаҳкам қонунийлик давлатнинг ривожланганлиги ва демократик эканлигининг жиддий кўрсаткичи, ижтимоий-иқтисодий қайта қуришда тараққиёт гарови, ниҳоят инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларни муҳофаза қилишнинг қафолати ҳисобланади. Қонунийлик масалаларини

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятига, айниқса, бунинг устига “ҳарбийлашган” ҳисобланувчи ички ишлар органлари фаолиятига қўллаш, сўзсиз долзарб ҳисобланади.

Давлат аппаратида жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бошқа шу каби вазифаларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзига хос махсус ўринни эгаллайди. Бу эса, уларга, иш олиб боришнинг тезкор-қидирув услублари, мажбурлашнинг турфа хил воситалари, ҳуқуқбузарларга нисбатан ўқ отиш қуролларини қўллашгача даражада қаттиқ куч билан таъсир кўрсатиш каби ўзига хос давлат-ҳокимиятчилик ваколатлари бекордан бекорга берилмаганлигини кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича кенг ваколатларини амалга оширишида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалаларини кескин қилиб қўйишига сабаб бўлмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш бўйича ўз ваколати ва мажбуриятларини амалга оширишида, мазкур органлар ва уларнинг ходимлари ишида қонунийликка риоя қилиш аҳволининг хусусиятини кўрсатиб берувчи бундай фаолиятнинг қатор асосий йўналишлари (томонлар)ни ажратиш мумкин.

**Кўриб чиқиладиган масалада шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ равишда қонунийлик муаммосининг учта блоки принципиал равишда муҳим, улар қуйидагилар билан боғлиқдир:**

**биринчидан**, уларни ҳимояси (муҳофазаси) билан;

**иккинчидан**, уларни амалга оширилишини таъминлаш билан;

**учинчидан**, уларга риоя қилиниши билан.

Мазкур масалаларни бир-биридан ажратган ҳолда кўриб чиқиш жуда қийиндир, чунки уларни бир-биридан тўла ажратган ҳолда ҳал қилиб бўлмайди (мисол учун, жабрланувчининг жиноий йўл билан бузилган ҳуқуқларини терговчи, айбдорнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаб бериши керак, унинг айбсизлик презумпцияга бўлган ҳуқуқига ва бошқа ҳуқуқларига риоя қилиши шарт). Шу билан бирга, ҳар бир гуруҳ масалалар ўзининг функционал спецификасига эга, яъни, бир томондан қонунийликка риоя этилишининг кўрсаткичлари бўлса, иккинчи томондан эса қонунийликни бузилиши оқибатларининг кескин эканлиги ва бошқалар.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кўрсатиб ўтилган кафолатлари амалиётда деярли равишда шаклланди, қонунчиликнинг матнидан келиб чиқилмоқда, айрим ҳолларда эса унинг маъносидан келиб чиқилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва улани ҳимоя қилиш — давлатнинг мажбуриятидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларидан фаол ҳаракатларни талаб қилмасдан, балки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига имкон берувчи ёки уларни бузадиган ҳаракатларга йўл қўймасликни талаб этиши, шахс ҳуқуқларига риоя

этишнинг ўзига хос томонлари ҳисобланади. Кенг маънода айтганда эса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўйхатини Конституцияда ва қатор тармоқлараро нормаларда мустаҳкамлаб қўйилишига тааллуқлидир. Ходимлар томонидан биринчи ўринда, қуйидаги ҳуқуқларга сўзсиз ва ҳеч қандай қаршиликсиз риоя этилиши шарт: шахснинг шаъни ва кадр-қиммати, кийноққа солишдан, зўрлик ва шафқатсиз муомала қилинишдан эркинлиги, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқи, шахсий ва оилавий сир сақлаш ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияга бўлган ҳуқуқи ва бошқалар. Иккинчидан, айрим ҳолатларда хусусан, жиноятни бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш ҳолатлари билан боғлиқ равишда қонун бўйича чекланиши мумкин бўлган айрим ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этишнинг ўзига хослиги ҳисобланади. Буларга, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, уй-жойнинг дахлсизлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши, телефонда сўзлашувларнинг сир сақланиши ва бошқа шу кабилар киради.

Ниҳоят, кўриб чиқилаётган ҳолатда, ҳар кимнинг яшаш ҳуқуқи, каби нафақат қаттиқ равишда риоя қилиниши, балки ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан фаол муҳофаза қилиниши лозим бўлган ҳуқуқлар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Қонуний равишда қурол ишлатиш билан инсон ҳаётига муқаррар равишда таҳдид солиш хавфи иложи борича минимал бўлиши ҳамда бартараф этилаётган жиноятдан қутилаётган оқибат билан мутаносиб бўлиши керак.

Муаммо жуда ҳам кескин ва долзарбдир, чунки ўз олдида турган вазифаларини бажариши жараёнида ходимлар кўпинча инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан тўқнаш келадилар. Алоҳида жаноят-процессуал ҳаракатларни (тинтув, олиб қўйиш, мулкни хатлаш, айбдорни қамоққа олиш ва бошқалар), тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш, маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш (хужжатларни текшириш, транспортни текшириш, шахсни ушлаш, жарима қўллаш, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш ва бошқалар); ва, ниҳоят, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқ отиш қуролларини қўллаш, қоидага кўра, фуқароларнинг маълум ҳаётий фаолиятига аралашув, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, моддий жиҳатдан маҳрум қилиш, ҳаттоки уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиш каби ҳолатлар билан боғлиқдир.

Бундай турдаги ҳаракатларнинг (албатта, булар учун далилий асослар бўлган тақдирда) қонунийлигининг биринчи даражали шартлари ҳатти-ҳаракатларни қонунчиликда кўзда тутилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учунгина амалга ошириш, шунга тенг равишда ўрнатилган процедуралар ва тартибларга риоя қилан ҳолда ҳатти-ҳаракатни содир этиш, бундай ҳаракатларни инсоннинг асосий ҳуқуқлари билан ўзаро мутаносиббилига хизмат қилади.

Бирор бир шахсга нисбатан асоссиз куч ишлатишга, ҳокимият томонидан индивиднинг ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмаслиқнинг истисносиз муҳим аҳамиятга эга эканлиги айбсизлик презумпциясининг шак шубҳасиз умумий принципи ҳисобланади. Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир айбланувчи, унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда исботланмас ва

суднинг ҳукми қонуний кучга кирмас экан, у айбдор ҳисобланмайди. Ҳокимият томонидан мажбурлаш чоралари қанчалик қаттиқ қўлланса, “қонунийлик” — “инсон ҳуқуқлари” боғланиши шунчалик қаттиқ бўлишиги, диққатга сазовордир. Қиймати бир хил бўлган, биттасига риоя қилмаслик, иккинчисига риоя қилмасликка олиб келади. Мисол учун, шахсни қамокқа олишнинг, ҳар доим салбий томонлари борлиги шак-шубҳасиздир: шахс эркин бўлмайди; оиладан ажралиб қолган бўлади; атрофдагилар олдида обрўсизланади, чунки, “айбдорлар қамалмайди” деган фикр тарқалган (ва, бу фикр, кейинчалик қамокдан озод қилинганда ҳам, айрим вақтларда сақланиб қолмоқда); ишлаш имкониятидан ва ҳаёт учун пул топиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда. Қамокқа олиш инсоннинг (айниқса, айбсизни) ғазабини келтиради, унинг иродасини синдиради, соғлиғига зарар етказади, инсонга ва унинг оиласига маънавий ва моддий зарар етказади. Агар, қамокқа олиш ноқонуний бўлса, унда албатта, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ва шахсий дахлсизликни, яхши обрўсини, соғлиғини, кўчиб юриш ва бошқа ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келади. Йўл-йўлакай қайд этамизки, фуқарони қамокқа олишининг асоссизлиги, қонунга зид эканлиги расмий равишда аниқланса, уни озодликка чиқиши билан унинг янги муаммолари — реабилитация (ижтимоий кўникма) олиши ва етказилган зарар учун товон пули олиш муаммолари пайдо бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўпинча инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига қўлланиладиган у ёки бу ҳаракатларнинг қонунийлиги тўғрисидаги айрим фундаментал қоидаларни аниқлаштиради ва белгилаб беради. Умуман олганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳамма ҳолатларда инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг асослари ва сабабларини, шу билан боғлиқ равишда унда вужудга келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тушунтириб беришлари лозим. Қайд этиш керакки, бундай ҳуқуқий тартиб, ушлаш ва қамокқа олишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Хусусан, АҚШда бундай ҳолат, 1966 йили Олий суднинг машхур “Миранда Аризона штатига қарши” иши бўйича қарор чиқаришига сабаб бўлди. Ўша пайтда, суднинг қарори (зўрлаш ва босқинчилик тўғрисидаги) ушланган шахсга, унинг ўзига нисбатан маълумотлар беришдан воз кечиши ҳуқуқи, адвокат билан учрашиш ва сўралаётган саволларга адвокат олдида жавоб бериш ҳуқуқи, шунингдек, ушланганнинг маълумотлари судда унга қарши ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида полиция ходимлари томонидан огоҳлантирилмаганлиги учун ҳам бекор қилинган эди. АҚШ Олий суди қарорининг мазкур прецедент кучидан келиб чиқиб, полиция ўзига, уни “Миранда ишидан огоҳлантириш” (“Miranda Warning”), деб номлаб, кўчирма қилиб олди ва барча полиция ходимларини гумонланувчиларни (ушланганларни), ўз ҳуқуқлари билан таништириш мажбуриятини юкледи. Мазкур қоида кўлламаслик, полиция фаолиятида қонунийликни бузилиши деб ҳисобланади ва шу билан бир қаторда олинган “исботлар”, ўз кучини йўкотади, уларга асосланган суд ҳукми бекор қилинади.

Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлаш бўйича ўзларининг ҳар томонлама ваколатлари ва мажбуриятларини лозим даражада амалга ошириши улар фаолиятини қонуний эканлигининг муҳим кўрсаткичи экан. Ўз навбатида, ходимлар томонидан қонунийлик табабларига риоя қилиш инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишининг самарадорлигига ҳам етарли даражада таъсир кўрсатади. Айни, мазкур ҳолатда аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан муносабати шаклланади ва ишончи ортади.

Хулосалар шак-шубҳасиздир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонун бузилиш ҳолатлари жамият учун икки баробар хавфлидир: тўғридан-тўғри зўравонлик ишлатиш билан муайян шахсга бевосита зарар етказиш ёки қонунда талаб қилинган ёрдамни кўрсатмаслик йўли билан зарар етказишдан ташқари, улар фуқароларда ҳуқуқий нигилизмни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимга ишончсизликнинг туғилишига олиб келади. Бундай қилмишлар давлатдаги бутун қонунийлик режимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Инсонлар ҳуқуқнинг кучига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тартибга риоя қилишига ва ўз ваколатига мослигига, ва ниҳоят ўзларини жиноий тажовузлардан ҳимояланганлигига, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларига бўлган ишончини йўқотади. Ҳаттоки, жиноятчига нисбатан ҳам ҳуқуқий нормаларни бузилиши — бу нафақат, унинг ҳуқуқларини, балки Қонун билан бошқариладиган мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг ҳаётга бўлган ҳуқуқларини поймол қилишдир.

Афсуски, ҳалигача бази ходимлар ҳар доим ҳам инсон ҳуқуқларининг мазмун, моҳиятини, унинг қадрини тушунмайдилар уларни эса, қандайдир декларатив (тавсиявий) ва “биз учун тўғри келмайди” ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид вазифаларни ҳал қилишдаги асосий восита деб, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини инкор этиб келадилар. Шу ерда ходимлар ривожланган жамиятда, фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар солиқни тўловчи-фуқаролар учун керак эканлигини принципиал равишда тушунишлари керак, холос. Кўплаб ривожланган демократик давлатлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг амалиёти билан танишиш, шуни кўрсатмоқдаки, одамлар, улардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, улар авваломбор инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари учун ҳам ҳизмат қилишади.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, хусусан ички ишлар органлари, ўз фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича кўп саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Бунга, қонунийлик масалаларига тааллуқли махсус идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши мисол бўлиши мумкин. Жумладан, бу — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2011 йил 4 июлдаги **“Ички ишлар органлар ходимларининг касбий маданиятини тўғрисида”**ги № 96-сонли буйруғидир.

**3.-савол** Ички ишлар органлар вазифаларини ҳал этишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш.

Ҳуқуқий давлатда шахсинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва тергов қилиш қонуний воситалар ёрдамида олиб борилиши лозим. Давлатнинг барча ҳокимият-ижро этувчи тузилмалари ва айниқса, ички ишлар органлари (ўз ваколатлари доирасида) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишни таъминлаб бериши, уларни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириши лозим. Бироқ, мазкур ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, бутунлай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юклатилади, улар орасида ички ишлар органлари алоҳида ўрин эгаллайди.

**Ички ишлар органлари олдида турган асосий вазифаларга қуйидагилар киради:**

- фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаб бериш;
- жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш;
- жиноятларни тезда ва тўла очиш; жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш;
- мулкни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш;
- ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишида фуқароларга, мансабдор шахсларга ва бошқа субъектларга ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг тузилмавий бўғинларининг иш фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мустаҳкамланган ҳуқуқларга таҳдид солаётган турли хил ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришга қаратилган.

Фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турларининг мазмуни ва хусусияти турли хил бўлишига қарамай, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларга тааллуқли асосий принциплар, шакллар ва усуллар бир хил ҳисобланади ва фақатгина тафсилотлардагина фарқланади, холос. Ҳокимият ваколатига эга бўлган ички ишлар органларининг фаолияти, қонунда улар учун белгилаб қўйилган ҳуқуқий шакллар доирасида амалга оширилади. Бундай шаклларга, турли мазмунга эга бўлишига қарамай, бир бири билан яқиндан боғланган ва ўзаро таъсир кўрсатувчи ташкилий ва юридик шакллар киради. Ундан ташқари, уларнинг ҳар бири ўзида, бошқасига тааллуқли бўлган элементни ҳам олган бўлиб, айрим ҳолларда уларни фарқлаш жуда ҳам қийин кечади.

Бу, ички ишлар органларининг тузилмавий-функционал тузилмасининг икки томонлама хусусиятга эга эканлигидан дарак беради. Улар ўзининг эгаллаб турган ҳолати бўйича давлат бошқаруви органлари тизимига киради ва шу роли билан ҳокимият бошқарувчилик ваколати соҳиби сифатида ваколатини амалга оширади ҳамда ўз кучлари ва воситаларига нисбатан ҳам, шунингдек, ташқи муҳитга нисбатан ҳам бошқарувчилик тизимини ташкил этувчи бўлиб ваколатини амалга оширади.

Ундан ташқари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг фаол звеноси ҳам ҳисобланади.

Қайд этиб ўтилганидек, фаолиятнинг юридик ва ташкилий шакллари ўртасидаги чегара анча ноаниқдир, чунки улар кўпроқ ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бирини тўлдиради ёки бир бирини такрорлайди.

**Ўз мазмуни, характери ва хусусиятига кўра юридик шакл норма ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини қамраб олади.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норма ижодкорлик фаолияти, идоравий меъёрий ҳужжатларни яратишга қаратилган бўлганлиги учун ҳам, қонуности ҳужжатлар яратиш хусусиятини касб этади. Уларнинг мақсади — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иш фаолиятининг турли томонларини тартибга солиш ҳисобланади. Бироқ, улар фаолиятининг қайси соҳасини тартибга солмасин, асосий мақсадни — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди.

Биринчи ҳолатда, масалан, жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашни тартибга солувчи ҳужжатлар. Иккинчи ҳолатда эса, уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар механизмлари белгилаб берилади.

Қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг кўпгина қисми қонунчиликни мустаҳкамлаш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш муаммолари ва бошқаларга тааллуқлидир.

Қабул қилинаётган қатор ҳужжатлар давлатнинг қонунларини ва бошқа қонуности ҳужжатларини тўлдиради ва аниқлаштиради. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келмаслиги; ҳуқуқ ва эркинликлар фақатгина қонун йўли билан ва фақат конституциявий тузумни, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган даражадагина чегараланиши мумкин деган қоидаги мос келиши шарт.

**Ички ишлар органлари фаолиятининг иккинчи шакли ҳуқуқни қўллаш ҳисобланади.** Мазкур шаклни ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш механизмининг энг ишловчи элементларидан бири ва индивидуаланиқ ишлар бўйича давлат-ҳокимиятига тааллуқли қарорлар қабул қилиш сифатида кўриш лозим.

Ундан ташқари, Конституция ва бошқа норматив ҳужжатларда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга тегишли ҳуқуқий нормаларни қўллаш ёрдамидагина эришиш мумкин.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш, бевоосита ижтимоий муносабатлар иштирокчиларига ҳокимиятчилик ваколатлари орқали таъсир қилишда акс этганлиги учун ҳам бошқарув фаолиятининг шакли ҳисобланади. Мазкур таъсир кўрсатиш, жўнатилган органлар ва шахслар томонидан ижро этиш мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ва кўрсатмалар кўринишига эгадир. Қайд этиш керакки, бундай кўрсатмалар давлатнинг мажбурлаш чораларини қўллаш имкониятини таъминлаб беради.

**Ҳуқуқ нормасини қўллашга бўлган асосий талаб, унинг қонунийлиги, асосланганлиги, мақсадга мувофиқлиги ва адолатлиги ҳисобланади.**



Ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг моҳияти муайян юридик ҳолатни тегишли ҳуқуқий нормага олиб келиш ва унинг асосида давлат-ҳокимиятчилик қарорини қабул қилиш бўйича ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан иборатдир.

**Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ички ишлар органлари:**

**биринчидан**, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлигини ва уларни чегарасини аниқлайди;

**иккинчидан**, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳаракати вақтини ёки уларни тўхтатилиши ҳолатини белгилайди;

**учинчидан**, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишнинг тўғрилиги устидан назоратни амалга оширади.

Ҳуқуқни қўллаш фуқарони, унинг муайян ижтимоий бойликдан фойдаланишга бўлган даъвосини қондиришга ваколат қилинган давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳуқуқий муносабатга киришини кўзда тутади.

Ҳуқуқни қўллаш шошилиш равишда, бир йўла амалга ошириладиган ҳаракат бўлиши шарт эмас. Кўп ҳолларда, бу бирор бир жараённинг (жиноий ишни қўзғаш, дастлабки тергов, маъмурий юрисдикция ишларини кўриш) кўплаб иштирокчиларини изчиллик билан ривожланиб боровчи ҳаракатларининг бутун комплекси бўлиши мумкин.

**Ўз мазмунига кўра ҳуқуқни қўллаш фаолияти регулятив ва ҳуқуқни муҳофаза қилишга бўлинади.**

Қонунни қўллашда регулятив фаолият шаклининг зарурияти, фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини ўрнатовчи ҳуқуқий нормалар, ваколатли органлар томонидан тегишли равишда ҳуқуқий қарорларни чиқармасдан туриб амалга ошириб бўлмаслигининг имкони бўлмаган ҳолларда вужудга келади.

Мазкур иш шакли асосан ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий жиҳатларини қамраб олади. Моҳиятан у, ички ташкилий ва ташқи ташкилий жиҳатдан вазифаларни бажаришга қаратилган турли хил бошқарувчилик муаммоларни ҳал этишда таъминловчи ҳисобланади.

**Ички ташкилий функцияларга қуйидагилар киради:**

**биринчидан** — Ички ишлар органларининг бутун тизимини яхши ишлашини таъминлаб бериш. Бунга хўжалик, ижтимоий, маданий, моддий, молиявий таъминот, техник таъминот, ходимларни керакли кийим-бош билан таъминлаш функцияларини амалга ошириш орқали эришилади;

**иккинчидан** — Ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ва рейдлар ўтказишда кучлар ва воситаларни жой-жойига қўйиш.

Мазкур фаолиятда ички ишлар органлари ходимларининг ўзлари инсон ҳуқуқларининг субъектлари сифатида ўртага чиқишмоқда ва бу мазмунда, уларга нисбатан Конституция ва қонунларда кўзда тутилган фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бутун комплексини таъминланишига эҳтиёж сезишади.

**Ташқи ташкилий фаолият ўзига қуйидагиларни қамраб олади:**

**биринчидан** — шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, улар хавфсиз амалга ошириш учун шароитларни (аҳоли оммавий йиғилга жойларда жамоат

тартибини муҳофаза қилиш, жамоатчилик ҳавфсизлигини таъминлаш) яратиш йўли билан муҳофаза қилиш;

**иккинчидан** — мураккаб ёки фавқулодда ҳолатларда фуқароларга ёрдам кўрсатиш (бахтсиз ҳодисаларнинг жабрдийдаларига айланган шахсларни йиғиш ва улар тўғрисида маълумотлар бериш, бедарак йўқолганларни қидириш);

**учинчидан** — фуқароларнинг қатор конституциявий ва фақатгина давлат-ҳокимиятини ҳужжати орқали тасдиқлаш шарти билан амалга оширилиш мумкин бўлган соҳага (яшаш жойини танлашга бўлган ҳуқуқ, транспорт воситасига эгалик қилишга оид шахсий мулкка бўлган ҳуқуқ) оид ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш. Мазкур ҳуқуқий имкониятларни амалга ошириш учун тегишли қарорлар чиқариш зарур (мисол учун, паспорт-виза хизмати томонидан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати томонидан).

Муҳофаза қилиш мақсадида чораларни қўллаш учун асослар, субъектив ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ёки бу ҳуқуқларни бузувчи салбий характердаги ҳолатларнинг мавжудлиги, шунингдек юридик мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳоллари ҳисобланади.

Мазкур турдаги фаолиятнинг ўзга хос хусусияти бўлиб, кенг миқёсдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналиши хизмат қилади. Фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати тизимида ҳуқуқни қўллаш фаолияти, турли манфаатларга тажовуз қилувчи жиноятларни бартараф этиш, очиш ва тергов қилишни ўз ичига қамраб олган ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларига бўйсундирилган.

Салбий вазиятларни тугатиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун ички ишлар органларига, ҳуқуқбузарларга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш орқали таъсир қилишдек кенг ваколатлар берилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан юридик нормаларни қўллаш фуқаро томонидан, ҳуқуқларини амалга ошириш ёки ҳимоя қилиш тўғрисидаги расмий мурожаати асосида амалга оширилади. Бироқ, кўп ҳолларда, ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзи ташаббус кўрсатади, яъни кундалик иш фаолияти жараёнида инсон ҳуқуқларини бузилиши ҳолларини аниқланган ҳолларда.

Иккала ҳолатда ҳам, бундай ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар ўзига юридик ҳолатлар сифатида чиқмоқда, натижада шахс билан давлат органлари номидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келмоқда. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мазкур ҳолатларни кўриб чиқиш ва қонунда ўрнатилган тартибда ҳал этиш мажбуриятини вужудга келтирмоқда. Ҳуқуқбузарликда жиноий жазога тортиш учун асос бўладиган қилмишнинг белгилари мавжуд бўлган ҳолларда эса, ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат (масалан, жиноий иш кўзгатиш тўғрисидаги қарор) ҳимояга бўлган субъектив ҳуқуқни амалга ошириш процедурасини биринчи босқичи бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни қўллаш ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи томонидан юридик аҳамият касб этган ва ҳуқуқ нормасида кўзда тутилган муайян ҳаётий

ҳолатлар бўйича тегишли қарор қабул қилишни кўзда тутлади. Бундай қарорда амрнинг қатъийлиги, уни ижросини мажбурий эканлиги ҳамда давлатнинг мажбурий кучи билан ҳал қилиши орқали таъминланиши кўрсатиб қўйилади.



**Ички ишлар органлари фуқароларга, уларни ҳуқуққа риоя қилиши бўйича продасига ва онгига таъсир кўрсатиш усуллари сифатида ишонтириш ва мажбурлаш ҳисобланади.**

Уларни умумий вазифа, яъни қўлланилаётган нормада ўз аксини топган мақсадга эришиш бирлаштирмоқда. Амалиётда бу усуллар айрим ҳолларда ўзаро уйғун ҳолда қўлланилади ва уларни ҳар бирида бошқасининг элементи бўлади. Мажбурлаш одатга кўра, ишонтиришдан кейин қўлланилади, яъни биринчисини қўллаш орқали керакли натижага эришиб бўлинмаган ва зўрлик ишлатмасдан таъсир кўрсатишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, унда мажбурлаш қўлланилади. Мажбурлаш чорасининг ўзига хос томони ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жисмоний куч, махсус восита ва ўқ отиш қуролини қўллаш ҳуқуқи ҳисобланади.

**Мажбурлаш асосан қуйидаги:**

**биринчидан,** ҳуқуқбузарлик содир этишга мойили бор;

**иккинчидан,** маъмурий ноўрин хатти-ҳаракат ёки жиноят содир этган;

**учинчидан,** озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилади.

**Кўриладиган чоралар бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўзининг спецификасига эга бўлган ички ишлар органлари фаолиятини турлари бўйича таснифлаймиз:**

*Иш бўйича исботлашни таъминлаб бериш.* Ўзбекистон Республикаси ЖПКининг 82-моддасига мувофиқ, жиноят объекти, жиноят орқали етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчи, айбланувчи, судланувчининг шахси, жиноят вақти, жойи, усуллари хусусиятини берувчи ҳолатлар, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган жиноят содир этилишининг бошқа ҳолатлар хусусиятларини, қилмиш билан содир этилган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланишлар исботланиши керак.

*Ҳуқуқбузарликни бартараф этиш.* Бартараф этиш — бу жиноят-процессуал қонунда кўзда тутилган мажбурлаш чораси ҳисобланиб, унга кўра тергов ва суддан беркиниш, ҳақиқатни ўрнатишга тўсқинлик қилиш, янги жиноят содир этиш имкониятларини бартараф этиш мақсадида, шунингдек суднинг ҳукмини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Бартараф этиш чоралари жиноий жазо чораис ҳисоблансада, бироқ, улар жараённинг айбдор ва гумондор каби иштирокчиларининг ҳуқуқларини вақтинчалик бўлса-да, аммо етарли даражада чеклайди.

*Ҳуқуқбузарликни олдини олиш* — шахсга, ўзининг ҳуқуққа зид мақсадларини ижро этишдан воз кечишга ундаш мақсадида ташкилий, техникавий, процессуал, тезкор, мажбурлаш ва оммавий-тарғибот қилиш

хусусиятига эга чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ички ишлар органларининг фаолияти.

Мазкур мақсадга, ички ишлар органларининг бошқа фаол ҳаракатлари натижасидагина эришиш мумкин.

*Юридик жавобгарликни амалга ошириш* — давлатнинг қонунлар бузилишига нисбатан кескин ва қаттиқ реакцияси. Қонун билан муҳофаза қилинаётган қадриятга тажовуз қилувчи шахсга нисбатан жарима тўлаш ва муайян бойликлардан, шу жумладан эркинликдан маҳрум қилишдек таъсир чораси қўлланилмоқда. Бу шахсни айбдор эътироф этишнинг оқибати ва уни жазога тортиш ҳисобланади. Маҳрум қилиш ёки чеклаш ҳуқуқбузар шахсга, шунингдек тегишли мулкка ҳам қаратилади.

Ҳуқуқ нормасини қўллаш амалиёти асосида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан муайян ҳаракатлар методикасини ишлаб чиқилган, унга кўра бутун жараён бир неча босқичлардан иборат қилиб тақдим этилган.

*Биринчи босқич* — ишнинг далилий ҳолатини, яъни тадқиқ қилинаётган воқеликнинг моҳияти ва юридик аҳамиятини аниқлаш.

Мазкур босқичда ишнинг далилий ҳолати баҳоланади. Биринчи навбатда, салбий юридик оқибатлар келтириб чиқараётган ҳолатлар. Ундан кейин, тергов қилинаётган воқеликка тааллуқли бўлмасда, аммо тўғри қарор ишлаб чиқиш учун жуда ҳам муҳим бўлган шарт-шароитлар (минтақадаги криминологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият, ҳуқуқбузар шахснинг характеристикаси) аниқланади.

*Иккинчи босқич* — нормани танлаш, яъни мазкур ҳолатни кўриб чиқишда асос бўладиган муайян нормани аниқлаб олиш. Мазкур босқичда воқеликни дастлабки малакалани амалга оширилади, охиригиси эса иш бўйича қарор қабул қилишда амалга оширилади. Тўғри танлов учун кўпинча бир неча нормаларни кўриб чиқишга тўғри келади. Шу билан бирга қайд этиш керакки, қарор қабул қилувчи шахснинг баҳо бериш бўйича мезони, унинг ишончи ҳисобланади.

*Учинчи босқич* — тегишли ҳужжатда ўз аксини топадиган қарорни чиқариш. Унинг ўзига хос томони шундаки, у нафақат муайян воқеликни мавжудлигини ва унинг муайян шахс учун юридик оқибатини аниқлайди, балки чиқарилган қарорнинг ижро этиш тартибини ҳам белгилаб беради. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан ҳокимият ваколатини амалга ошириш билан таъминлаб бериладиган юридик кучга эгадир.



Қарорни чиқариш, исботдалиларни тадқиқ қилиш ва ҳуқуқ нормасини таҳлил қилиш асосида индивидуал ҳужжатни чиқаришда акс этади. Қарор, ҳуқуқнинг муайян субъектларига ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берадиган, яъни ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлиши учун асос бўладиган ва бир вақтнинг ўзида далиллар ва юридик асосларни таҳлил қилишнинг мантиқий хулосаси ҳисобланадиган ҳужжат ҳисобланади.

Адабиётларда кўпинча қуйидагича фикр билдирилади, фақат юридик нормасининг қўллаш акти муайян шахсга нисбатан ҳуқуқ ва эркинликларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқни қўллаш акти, муайян ҳуқуқнинг соҳибига, бу ҳуқуқни эътироф этишига ва уни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мисол учун шахсни жавбланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, айбланувчини қамоққа олиш тўғрисидаги қарор. Бир вақтнинг ўзида мазкур иккита ҳужжат инсонлар ва давлат органлари ўртасида турли ҳуқуқий муносабатларни ўрнатилиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Бутун ҳуқуқни қўллаш амалиёти, бутун унинг босқичлари, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш талабларидан ўтган бўлиши керак. Бунинг учун эса, халқаро стандартларни яхши билиш керак, шунингдек, улар миллий қонунчилик даражасида мустаҳкамланган бўлиши зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таркибини катта қисмини ташкил этувчи қисм сифатида доимий равишда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига эътибор қаратиши лозим. Бу иш тизимли хусусият касб этиши керак. Доимий равишда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Коллегиаларида, қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолати муҳокама қилинади ва бу ҳолатни яхшилаш масаласи бўйича чоралар кўрилади. ИИВнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўйича бошқармаси ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аҳволи бўйича мониторингни амалга оширади. Халқаро стандартларни билиш ва уларни қўллаш ички ишлар органлари ходимлари ишини баҳолаш учун мезон ҳисобланади ҳамда уларни аттестациядан ўтказишда ҳамда хизмат лавозими бўйича юқори поғонага кўтаришда асос бўлиб хизмат қилади.

## **- Мавзулар юзасидан тахминий тест саволлари**

### **1-мавзу юзасидан:**

1-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси.

2-савол. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш жараёни.

3-савол. Ўзбекистон Республикасида қандай турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади?

4-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши муддатлари.

5-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати қандай белгиланади?

6-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси нима ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунига нисбатан қандай талаблар қўйилган?

7-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муддатлари.

8-савол. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, қонун ва қонун ости ҳужжатларига қайси органлар расмий шарҳ беради?

9-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш учун қандай талаблар қўйилган?

10-савол. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қандай расмий манбаларда эълон қилинади?

## **2-мавзу юзасидан:**

1-савол. Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари.

2-савол. Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар.

3-савол. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиш асослари.

4-савол. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари.

5-савол. Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни.

6-савол. Қайси фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак?

7-савол. Акциядорлик жамияти тушунчаси ва унинг турлари.

8-савол. Мулк ҳуқуқи нима? Мулк ҳуқуқининг шакллари, субъектлари ва объектлари.

9-савол. Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари.

10-савол. Битим тушунчаси.

## **3-мавзу юзасидан:**

1. Фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг субъектлари ҳисобланувчи корхона, муассаса, ташкилотлар?

2. Ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат деганда нимани тушунасиз?

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг турлари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларининг шакллари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?

5. Жисмоний шахснинг мурожаатида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

6. Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат деб қандай мурожаат турига таъриф берилмоқда?

7. Юридик шахснинг мурожаатида нималар кўрсатилган бўлиши лозим?

8. Қандай мурожаатлар кўрмай қолдирилиши мумкин?

9. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон қонун қачон қабул қилинган?

10. Бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат деб қандай мурожаат турига таъриф берилмоқда?

#### **4-мавзу юзасидан:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда нимани тушунасиш?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасдан содир этиш қандай оқибатлар келтириб чиқаради?
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш-нинг уни қасдан содир этишдан қандай фарқли томонлари бор?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қандай турлари мавжуд?
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби ҳақида сўзлаб беринг.
7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томони белгилари нималардан иборат?
8. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони белгиларини таърифлаб беринг.
9. Маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектини кимлар ташкил этади?
10. Қуйидагилардан қайси бири маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайди?

#### **5-мавзу юзасидан:**

1. Маъмурий жазо аниқланган кундан бошлаб қанча муддатда қўлланилиши мумкин?
2. Маъмурий жавобгарлик деганда нимани тушунасиш?
3. Маъмурий жавобгарлик субъектларини аниқланг.
4. Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асослари деганда нимани тушунасиш?
5. Мансабдор шахслар маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Вояга етмаганлар маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
7. Маъмурий жавобгарликни либераллаштириш асослари ҳақида сўзлаб беринг.
8. Маъмурий жазо ва унинг мақсади нималардан иборат?
9. Маъмурий жазонинг қандай вазифалари мавжуд?
10. Маъмурий жазони қўллаш асослари қандай?

## **6-мавзу юзасидан:**

1. Маъмурий жазо қўлланишининг умумий қоидалари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни тушунтиринг.
3. Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни тушунтиринг.
4. Қандай ҳолларда енгилроқ маъмурий жазо чораси қўлланилади?
5. Бир неча ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қандай маъмурийжазо қўлланилади?
6. Маъмурий жазонинг қўлланиш муддатлари ҳақида сўзлаб беринг.
7. Маъмурий жазо чоралари ҳақида тушунтиринг.
8. Асосий маъмурий жазо деганда нимани тушунасиз?
9. Қўшимча маъмурий жазо деганда нимани тушунасиз?
10. Маъмурий жарима қандай тартиб ва асосларда ундирилади?

## **7-мавзу юзасидан:**

1. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарлик белгиланган?
2. Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарлик белгиланган?
3. Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарлик турлари мавжуд?
4. Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун белгиланадиган маъмурий жавобгарликлар ҳақида сўзлаб беринг.
5. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарликлар келиб чиқади?
6. Саноат, қурилиш ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликлар ҳақида тушунтиринг.
7. Қишлоқ хўжалигида ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланадиган ҳуқуқбузарликлар ҳақида сўзлаб беринг.
8. Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарлик келиб чиқади?
9. Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳақида сўзлаб беринг.
10. Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик асослари ҳақида тушунтиринг.



## **8-мавзу юзасидан:**

1. Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун белгиланадиган маъмурий жавобгарликлар ҳақида сўзлаб беринг.
2. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарликлар келиб чиқади?
3. Саноат, қурилиш ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликлар ҳақида тушунтиринг.
4. Қишлоқ хўжалигида ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланадиган ҳуқуқбузарликлар ҳақида сўзлаб беринг.
5. Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун қандай маъмурий жавобгарлик келиб чиқади?
6. Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳақида сўзлаб беринг.
7. Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик асослари ҳақида тушунтиринг.
8. Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун қандай жавобгарлик турлари мавжуд?
9. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик асослари нималарда намоён бўлади?
10. Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш асослари ҳақида сўзлаб беринг.

## **9-мавзу юзасидан:**

1. Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати деганда нимани тушунаси?
2. Фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиш асослари қандай?
3. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати нимани билдиради?
4. Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати ҳақида сўзлаб беринг.
5. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликлари нималардан иборат?
6. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги мажбуриятларинималарда акс этади?
7. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати ҳақида тушунтириб беринг.
8. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши ҳақида сўзлаб беринг.

## 10-мавзу юзасидан:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш деганда нимани тушунасиз?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш тартибларини тушунтиринг.
3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг қандай принциплари мавжуд?
4. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишнинг умумий қоидалари тушунтиринг.
5. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишни таъминлаш чоралари деганда нимани тушунасиз?
6. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқли-лиги ҳақида сўзлаб беринг.
7. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқли-лиги турлари ҳақида тушунтиринг.
8. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган қандай органлар (мансабдор шахслар) киради?
9. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда маъмурий ишлар бўйича судьяларнинг ваколатлари қандай?
10. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш-да вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комис-сияларининг ваколатлари нималардан иборат?

## 11-мавзу юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси неча қисмдан иборат?
3. Жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг тури, муддати ва миқдорини кўрсатиб берувчи ҳуқуқий норманинг қисми нима деб аталади?
4. Жиноят таърифининг асосий белгилари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?
6. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?
7. Қилмиш тушунчасини тўғри белгиланг?
8. Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларни фарқлашнинг асосий белгиларини топинг?
9. Қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?
10. Қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп, ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар?

## **12-мавзу юзасидан:**

1. Жиноят учун жавобгарликнинг умумий ёшени кўрсатининг?
2. Жиноят натижасида тажовуз қилинган ижтимоий муносабат жиноят таркибининг қайси элементига оид?
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бажарилиши белгилаб қўйилган ҳаракатларни бажармаслик деб нимага айтилади?
4. Жиноят таркибининг субъекти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
5. Жиноятни объектив томонининг белгилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
6. Жиноий жавобгарликнинг фактик асосини топинг?
7. Жиноий жавобгарликнинг норматив асосини топинг?
8. Жиноят таркибининг объекти тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг?
9. Оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 2-қ.) жинояти учун жавобгарлик ёшени кўрсатинг?
10. Мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик ёшени кўрсатинг?

## **13-мавзу юзасидан:**

- 1.Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.
- 2 .Фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузиш жинояти тушунчаси, юридик таҳлили.
- 3.Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.
- 4.Фуқаролоарнинг мурожаатлари тўғрисида қонун ҳужжатларини бузиш жинояти тушунчаси, юридик таҳлили.
- 5.Виждон эркинлигини бузиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.

## **14-мавзу юзасидан:**

- 1.Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисида қонун ҳужжатларини бузиш жинояти тушунчаси, юридик таҳлили.
- 2.Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатлари-нинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш жиноят тушунчаси, юридик таҳлили.
- 3.Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.
- 4.Мансабга совуққонлик билан қараш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.
- 5.Ҳокимият ҳаракатсизлиги жинояти тушунчаси, юридик таҳлили.
- 6.Мансаб сохтакорлиги жинояти тушунчаси, юридик таҳлили.

7. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.

8. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили.

9. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш жинояти тушунчаси, турлари, юридик таҳлили

### **15-мавзу юзасидан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси қачон қабул қилинган?

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси неча қисмдан иборат?

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади?

4. Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари қайси принцип?

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга ошириши қайси принцип?

6. Жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайси орган терговчилари олиб борадилар?

7. Айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс?

8. Маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахс?

9. Жиноят ишларини юритиш қайси тилда олиб борилади?

10. Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс?

### **16-мавзу юзасидан:**

1. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти мазмуни.

2. Айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларни таҳлил қилинг.

3. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ҳуқуқий асосларини айтинг.

4. Айблов ҳулосаси ва айблов далолатномасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини изоҳланг.

5. Апелляция ва кассация инстанцияларида прокурор иштироки ва ваколатлари.

6. Апелляция ва кассация инстанцияларининг ваколатлари.

7. Апелляция инстанцияси судида иш юритишнинг бошқа инстанциялардан ўзига хос хусусиятлари.

8. Биринчи инстанция судлари жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки.

9. Биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят ва протест бериш.

10. Далилларнинг мақбул эмаслигига оид қонунчиликка киритилган ўзгартиришларни мазмунини айтинг.

### **17-мавзу юзасидан:**

1. Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликнинг мазмун-моҳияти.
2. Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари айтиб беринг.
3. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг судловига тегишли ишлар кўрсатинг
4. Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари аниқланг
5. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатинг
6. Процессуал муддатларни узайтириш ва тиклаш асослари

### **18-мавзу юзасидан:**

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг қандай турлари бор?
3. Муурожаатлар қандай кўринишда бўлади?
4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
5. Аноним муурожаатлар деганда нимани тушунаси? Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини аноним деб топишнинг оқибати нимадан иборат?
6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари қанча муддатларда кўриб чиқилиши керак?
7. Муурожаатларни кўриб чиққан давлат органининг мажбуриятлари нималардан иборат?
8. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини бузганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарлик белгиланганми?
9. “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг судга шикоят билан муурожаат қилиш муддатлари қандай белгиланган?

### **19-мавзу юзасидан:**

1. Инсон ҳуқуқларининг қандай тоифалари мавжуд?
2. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлар қандай мажбуриятларга эга?
3. Шахсий ва жамоавий инсон ҳуқуқлари ўртасида тафовутлар борми?
4. Инсон ҳуқуқлари барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида кўзда тутилганми?
5. Барқарор ривожланиш мақсадлари қуйидаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ:
6. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасида қандай фундаментал халқаро шартномалар ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?
7. Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар бошқармаси нима билан шуғулланади?
8. Инсон ҳуқуқлари бўйича қандай веб-ресурслар мавжуд?

## ГЛОССАРИЙ

Таянч сўз ва иборалар:

**Айбланувчи** Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи судда *судланувчи* деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса, *маҳкум* ёки оқланган деб аталади. (ЖПК 45-моддаси)

Аноним мурожаат – **жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;**

Ариза – **ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;**

Видеоконференцалоқа – **узокда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;**

**Гувоҳ** - жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ва кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс. (ЖПК 66-моддаси)

**Гумон қилинувчи** бу жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. (ЖПК 47-моддаси)

**Дастур («Йўл харитаси»)** - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

**Доктрина** - Ўзбекистон Республикасининг у ёки бу соҳадаги миллий манфаатларини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилайди.

**Жабрланувчи** - жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулккий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган шахс (ЖПК 54-моддаси).

**Жиноят ишларини юритиш тартиби** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят ишларини юритишнинг ЖПКда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир.

**Жиноят процессининг бошқа иштирокчиси** деганда ЖПКнинг 4–6-бобларида назарда тутилган жиноят процессининг бошқа иштирокчилари тушунилади. Масалан жамоат ҳимоячиси, қонуний вакил, эксперт, мутахассис, холис ва бошқалар.

**Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари** - Жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

**Жиноят-процессуал қонунчилигининг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши** - Жиноят ишларини юритиш, жиноят содир этилган жойдан қатъи назар, башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ олиб борилади.

**Йўриқнома** - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашнинг аниқлаштирувчи жиҳатларини белгилайди.

кенг маънода шахс ва фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шахсий ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига дахл этувчи бирон-бир ҳаракатни ўзбошимчалик билан содир этиш мумкин эмаслигини англатади.

**Концепция** - у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг энг муҳим устуворликларини, мақсадларини, асосий йўналишларини, вазифаларини ва амалга оширилиш механизмларини белгилайди.

**Қоидалар** - бирор-бир фаолиятни амалга оширишга доир талабларни белгилайди.

**Қонунийлик** - Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**Маъмурий йўл билан ушлаб туриш** - ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий баённома тузиш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган, шахснинг қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат маъмурий таъсир чораларидан биридир.

**Низом** - давлат органлари ва ташкилотларнинг, улар таркибий бўлинмаларининг мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек у ёки бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тартибини белгилайди.

**Оммавий қабул** – таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарларининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**Регламент** - давлат органлари ва ташкилотларнинг иш тартибини, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

**Сайёр қабул** - тасдиқланган жадвал асосида таркибий ёки ҳудудий бўлинма раҳбарлари томонидан жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуи.

**Стратегия** - мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди.

**Таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

Такрорий мурожаат – аввалги мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилинган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган мурожаат;

**Ушлаб туриш** - жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум этишдан иборат процессуал мажбурлов чораси тушунилади.

**Шикоят** – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Электрон мурожаат – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан Вазирлик ёхуд унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайтларига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш деганда**, айбланувчи (гумон қилинувчи)нинг тергов ва суддан бўйин товлаши ва бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш, унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида тергов органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қўлланиладиган, айбланувчини озодликдан маҳрум қилиш тушунилади.

**Яқин қариндошлар** деганда эса қариндош ёки қуд томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари тушунилади (ЖК Саккизинчи бўлими).



## Адабиётлар

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.
3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
4. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.
5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2017. – 596 б.
6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2018. – 512 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2021. – Lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-167-II-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги ги ЎРҚ-257-II-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016.– № 38.– 438-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги ЎРҚ-489-сон қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги «Судлар тўғрисида»ги ЎРҚ-703-сон қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий

базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-263-сон қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-кизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6312-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.09.2021 й., 06/21/6312/0864-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июндаги «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5163-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.06.2021 й., 07/21/5163/0600-сон.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Ю.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Курбанов Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.

2. Х.Т. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismoilov Ma'muriy huquq: Darslik// X.T. Odilqoriyev va B.E. Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т., 2010.

3. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A.Otajonov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. – 452 б.

4. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016. – 323 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Умумий қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 608 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Махсус қисм / М.Рустамбоев. – Т.: 2016. – 960 б.

7. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism: Chizmalar albomi /A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2014. – 154 б.

8. Jinoyat huquqining umumiy qismidan amaliy masalalar. O'quv qo'llanma. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. – 46 б.

9. Тахиров Ф. Жиноят-ҳуқуқий сиёсат ҳамда жиноят қонунини такомиллаштириш истиқболлари. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 61-68 б.

10. Холиқулов У., Салаев Н. Жиноят ҳуқуқи принциплари: таҳлил ва мулоҳаза. //Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари (Илмий амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2010. – 131-140 б.

11. Якубов А.С., Кабулов Р. Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана. //Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Ахборотномаси. 2010. – №1. – С. 29-36.

12. Prof. Odilqoriev N.T., Qosimov V.E. Umumiy tahriri ostida. Ma'muriy huquq. Darslik: - Т., IV Akademiya 2010. – 1- 29.

13. Алимов Ҳ. Р., Махмудов А.А.,Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик: – Т., ИИВ Академия, 2003. – 5-11-б.

14. Хожиев Э.Т, Хакимов Ғ.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма – Т., 2011. – 404 б.

15. Сабуров.Н. Бошқарувни демократлаштириш ва уни амалга оширишда сиёсий ҳуқуқий фаолликнинг роли. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2010. – №1.

16. Касимов.Б.Э., Исмоилов.Н.Т. Маъмурий қонунчилик: бугунги ҳолати ва истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборотномаси. – 2010. – №1.

17. Халқаро ҳуқуқ: Маърузалар курси / Саидов А.Х., Исхакова Л.Ф., Матчанов А.А. ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 279 б.

18. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун дарслик. – Т., 2012. – 304 б.

### **Электрон таълим ресурслари:**

**<http://mvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

**<http://ipkmvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

**<http://akadmvd.uz>** (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

**<http://lex.uz>** (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

**<http://www.tsil.uz>** (Тошкент давлат юридик университети);

**<http://www.connect.uz>** (Ўзбекистон умумтаълим портали);

**<http://uzsci.net>** (Илмий таълим тармоғи);

**<http://www.ziyonet.uz>** (Ахборот таълим тармоғи).

**СУБАНОВ ОЛИМЖОН СУЯРКУЛ ЎҒЛИ**

**МИГРАЦИЯ ВА ФУҚАРОЛИКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ  
ХИЗМАТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ХОДИМЛАРНИ БОШЛАНҒИЧ  
КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ ЎҚУВ КУРСИ ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Муҳаррир Н.З. Тасимов

Босишга руҳсат этилди. Нашриёт ҳисоб табағи 13,7.

Буюртма № \_\_\_\_ . Адади 50 нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар. Хусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.